

# ИНВЕСТИЦИЯЙ ФАОЛЛИК:

## ТАХЛИЛ ВА ИМКОНИЯТЛАР

2019

МОНОГРАФИЯ

330,5  
1585

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИК: ТАҲЛИЛ ВА  
ИМКОНИЯТЛАР

**МОНОГРАФИЯ**

113442  
15/09/2019  
213

УЎК:330.322(575.1)

КБК 65.9(5Ў)

И 53

Инвестициявий фаоллик: таҳлил ва имкониятлар [Матн] : монография. - Тошкент  
INNOVATSION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAA UYI, 2019. - 264 б.

УЎК 330.322(575.1)

КБК 65.9(5Ў)

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга ошириши оид Давлат дастури тўғрисида”ти ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган вазифаларнинг инвестициявий фаоллик йўналишига багишланган. Ушбу монография бўлимларида, мамлакатда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишлари, худудларда инвестицион фаоллик ва унинг динамик таҳлили, худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш йўналишлари, инвестиция лойиҳалари таҳлилиниң асосий йўналишлари, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишининг назарий-услубий масалалари, худуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришида хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини тақомиллаштириш йўналишлари, аграр секторни баркарор ривожлантиришига инвестициялар жалб этиши фаоллигини ошириш муаммолари, шунингдек, кўпигина ривожланган давлатларда инвестиция фондларини давлат томонидан тартибга солиш воситалари, уларнинг меъёрий-хукукий асослари атрофлича баён килинган.

Монография олий ўкув юртлари педагог ходимлари, бакалавр, магистр ва илмий тадқиқотчилар ҳамда соҳага кизиқувчиларга мўлжалланган.

*Муаллифлар жамоаси:*  
**профессор Б.Салимов ва доцент И.Хотамовлар**  
**умумий таҳрири остида**

*Тақризчилар:*

**Н.Махмудов** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Макроиктисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;

**Р.Назарова** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;

**Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 30 мартағи 8-сонги қарорига асосан нашр этилди.**

ISBN 978-9943-5575-1-2

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2019

## МУНДАРИЖА

|  |            |
|--|------------|
| <b>Кириш .....</b>   | <b>4</b>   |
| 1. Иқтисодиётдаги барқарор ўсишни таъминлашда фаол инвестиция сиёсати омиллари.....  | 6          |
| 2. Мамлакат рақобатбардошлигини оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишлари.....  | 23         |
| 3. Худудларда инвестицион фаоллик ва унинг динамик тахлили .....   | 34         |
| 4. Худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш йўналишлари.....   | 66         |
| 5. Инвестиция лойихалари тахлилининг асосий йўналишлари.....   | 85         |
| 6. Худуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.....   | 101        |
| 7. Инвестицион мухит жозибадорлигини ошириш масалалари.....  | 119        |
| 8. Саноат тармоқларида маҳаллийлаштиришини амалга оширишда инвестицияларнинг роли.....   | 136        |
| 9. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида курилиш ва ободонлаштириш соҳасида амалга оширилган инвестицион лойихалар.....       | 136        |
| 10. Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини ташкил этишини такомиллаштириш асосида саноат корхоналарини самарадорлигини ошириш йўналишлари..... | 158        |
| 11. Мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда инновацияларнинг ўрни.  | 165        |
| 12. Кичик бизнес субъектларига инвестиция киритишнинг хорижий тажрибалари.....   | 173        |
| 13. “Бизнес юритиш” рейтинги кўрсаткичлари самарадорлигини ошириш йўллари.....   | 180        |
| 14. Худудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи инвестицион омиллар.....  | 186        |
| 15. Чорвачилик соҳасини янада ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўналишлари.....  | 194        |
| 16. Реал сектор корхоналарида инновацион ва инвестицион жараёнларни самарали ташкил этишининг илмий-назарий жихатлари.....                   | 202        |
| 17. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришида хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини такомиллаштириш йўллари.....           | 210        |
| 18. Аграр секторни барқарор ривожлантиришга инвестициялар жалб этиш фаоллигини ошириш муаммолари.....  | 221        |
| 19. Аграр соҳага замонавий ресурстежамкор инновацион технологияларни жорий этиш йўллари.....   | 244        |
| 20. Агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини химоялашда сувўрганинг роли ва уни инвестициялаш.....   | 251        |
| <b>Хулоса.....</b>   | <b>257</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>  | <b>261</b> |

## **КИРИШ**

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, диверсификациялаш, унинг асосий фондларини янги замонавий технологиялар асосида янгилаш, уларни тақорор ишлаб чиқариш, янги корхоналарни куриш, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш, янги ускуна ва технологияларини, транспорт воситаларини сотиб олиш каби ишлар инвестиция орқали амалга оширилади. Саноатга қўйиладиган инвестициялар саноат тармоқларини ривожлантириш билан бирга, саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи бошқа соҳаларни ривожланишига олиб келади, мавжуд хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб қилинишига ва натижада Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ни ортишига олиб келади. Инвестицияларнинг технологик таркиби, ундаги ускуна ва технологияларнинг сўнгти фан-техника ютукларига асосланганлиги саноатни инновацион ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан кейинги йиллардаги давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблаглари, Ўзбекистон тикланиш тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 - 2021 йилларда умумий киймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармок дастурлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, “2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Евropa тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги қунда юргимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан киймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиха амалга оширилмоқда.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳакидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, “Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг баркарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” деб таъкидлаб ўтди. Мухтарам Президентимизнинг 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” иили деб ном бериши ҳам бежиз эмас. Шу муносабат билан, мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожланишида миллий иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва унинг жозибадорлигини ошириш, хорижий инвестициялани жалб қилиш, инвестицион лойихаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни устувор соҳаларга жалб қилиш билан боғлиқ масалаларнинг илмий ва амалий томонларини ўрганиш бугунги қунда долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур жамоавий монография мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион лойихаларнинг, айнан юкорида қайд этилган жиҳатларини ёритиша бағишланганлиги билан ажralиб туради.

***Муаллифлар жамоаси:** Ш.И.Мустафакулов (1), Б.Т.Султанов, Ф.Г.Юлдашев (2,21), Х.Курбонов (3), М.Ю.Исаков (4), И.С.Фозилжонов (5,11), Н.Р.Ражабов (6,7), Ш.С.Егамбердиев (8), М.С.Юсупов (9,18), Г.Р. Мадрахимова (10), Д.И.Рӯзиева (12,13), М.К.Олимов (14), Т.И.Жўраев, Г.Т.Исмоилова (15,19), С.С.Косимов, Р.С.Холиқова (16), Г.Ш.Карабаева (17), А.А.Ядгаров (20).*

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳакидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>

## **1-§. ИҚТИСОДИЁТДАГИ БАРҚАРОР ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ОМИЛЛАРИ**

---

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармокларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб килиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиккан ҳолда бойликларни самарали тасарруф этиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувига рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб килишга ва улардан оқилона фойдаланишга каратилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, асосан миллӣ иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармокларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг хажми ва таркибига боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир давлат ўз худудида инвестиция маблағларини жалб этишининг жозибадор мұхитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиши мукаррар.

Якин келажакда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражасига етказиб олишни мақсад қилган Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларининг ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асосида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мухим аҳамият касб этади.

Кундалик ҳаётимизда инвестиция, инвестор, инвестицион фаоллик тушунчалари кўп учрайди.

Келинг, аввало, инвестицион фаолиятнинг энг мухим элементи бўлмиш «инвестиция»нинг моҳияти ва мазмунини аниклаб олайлик. «Инвестиция» инглизча «investments» сўзидан олинган бўлиб, «капитал қўйилма» деган маънони билдиради.

**Кенг маънода инвестиция (сармоя) – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни муайян муддатга тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари (объектлари)га йўналтиришни англаатади.**

Шуни айтиш лозимки, дунё ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт боскичида бирор мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иктисодий ривожланишга эриша олмайди.

Инвестиция ресурсларини ўз вактида миллий иктиносидиётига жалб кила олмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан орқада қолиб кетиши хеч гап эмас. Бундай ҳолатда муаммонинг энг яхши ечимларидан бири – молиявий маблағлари ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган давлатлар иктиносидиётига жалб этишдир.

**Инвестициялар ёрдамида куйидаги вазифаларни ҳал этиш мумкин.**

**Биринчидан**, ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар куриш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

**Иккинчидан**, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади.

**Учинчидан**, миллий иктиносидиётда технологик янтиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади. Натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

**Тўртинчидан**, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади.

**Бешинчидан**, миллий иктиносидиётнинг жаҳон иктиносидиётига интеграциялашуви амалга ошади.

Демак, инвестициялар, хоҳ у макро (миллий иктиносидиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар миқёсида) даражада бўлсин, иктиносидий ўсишни таъминловчи мухим омил экан, миллий ишлаб

чиқарувчи субъектлар уларни жалб этиш учун нима қилишлари лозим, деган савол түгилади.

**Миллий ишлаб чиқарувчи субъектлар иқтисодий фаолиятига инвестицияларни жалб этиш учун корхоналар микёсида күйидаги ишларни бажаришлари керак.**

**Биринчидан**, пухта ишлаб чиқылған ва истиқболға эга бўлган бизнес-режага эга бўлишлари лозим. Инвесторлар хамма вакт уларнинг кўйилмалари келажакда фойда келтиришини билишга интиладилар.

**Иккинчидан**, инвесторлар факат ўзларининг ишончини қозонган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштирадилар. Шунинг учун, миллий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича иқтисодий рейтингни юқори бўлиши зарур.

**Учинчидан**, корхоналар шаффоғ фаолият юритишлари талаб этилади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари уларга қўйилған талаб даражасига жавоб бериши лозим ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти ҳужжатлари бўйича яқуний натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон килиниши жоиз.

Инвесторларнинг миллий иқтисодиётга маблаг киритиши кўп жиҳатдан нафақат корхоналар рейтингни ёки хўжалик фаолияти натижаларига, балки мамлакатнинг геосиёсий жойлашуви ва давлат томонидан юритилаётган ички сиёsatта ҳам боғлик. Инвесторлар маблағ йўналтириш учун энг барқарор мамлакатларни танлайдилар.

Шунинг учун дунёнинг барча мамлакатлари имкон қадар инвестицион рискни камайтиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат киладилар. Мамлакатимизда ҳам миллий иқтисодиётда инвестиция мухитининг жозибадорлигини ошириш учун бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун кўйидаги шарт-шароитлар мавжуд:**

- сиёсий барқарорлик;
- хусусий мулк ва рақобатни химоялайдиган конунчилик базасининг шаклланган;
- инвестиция жараёнини қўллаб-кувватлайдиган инфратузил-манинг барпо этилган;

- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;
- агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юкорилиги ва мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;
- юкори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада кенглиги.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилнинг май ойига кадар рўйхатдан ўтган янги қўшма ва хорижий корхоналар сони 776 тани ташкил этди. Шунингдек, шу муддат ичидаги қўшма корхоналар билан ишлаш натижасида 17 млрд. АҚШ доллари қийматига тенг 182 та қўшма лойиҳалар амалга оширилди<sup>2</sup>.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган<sup>3</sup>.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлар ўргасида кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлашга хизмат киласидаги инновацион инструментларни турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

Масалан, Хитойда давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, қабул килинган тизимли чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва лойиҳалар туфайли халкаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлди. Мазкур давлат 1970 йилдаёк бу мамлакат фаол инвестиция сиёсатини юритишни энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олган эди.

Мамлакат ривожланишининг истиқболли йўналишлари сифатида енгил саноат ва электроника соҳалари танлади. Уларнинг тўлақонли ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва зарур ресурсларни харид килиш учун давлат томонидан субсидиялар тизими ва “экспорт учун тармоқ” дастури ишлаб чиқилди. Агар компанияларнинг 25 фоизи хорижий инвесторларга тегишли ҳамда

<sup>2</sup> “Ўзбекистон стратегияси” – “Тараккёт стратегияси” марказининг ижтимоий-таҳлилий журнали. 2018 йил № 2-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабр 2018 йил. [www.xs.uz](http://www.xs.uz)

“тармоқ”ка азъо бўлса, Хитой Марказий банки томонидан маҳсус имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакат экспортининг 80 фоизи мазкур “тармоқ”ка азъо компаниялар хиссасига тўғри келмоқда.

Хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иктисодий рағбатлантириш тизими инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили хисобланади. Булар эса хорижий инвестицияларнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш соҳасига, хусусан, экспорт салоҳияти юкори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни миллий иктисодиётта жалб килишнинг муҳим йўналишларидан бири-маҳсус иктисодий зоналарни шакллантириш хисобланади. Мамлакатимизда Навоий, Жizzах, Ангрен, Ғиждувон, Кўкон, Ургут, Ҳазорасп, эркин иктисодий зоналари ташкил этилиб, улар бугунги кунда ўз фаолиятларини самарали олиб бормоқда.

XXI асрнинг биринчи ўн йилликдан кейинги иктисодий ривожланиш даврида мамлакатимиз иктисодиётига йўналтирилган капитал маблағлар ҳажми ва унинг таркибидаги ўзгаришларга эътиборимизни қаратсак, унда инвестициялар ҳажмининг кескин ортганини ва таркиби сифат жиҳатидан яхшиланганини кўришимиз мумкин.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2010 йилда 4340,8 миллиард сўм бўлиб, хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 28,3 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 3778,4 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 87,0 фоизини ташкил этган эди.

2018 йил январь-сентябрь маълумотлари бўйича асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 17770,6 миллиард сўм бўлиб, хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 25,0 фоизини, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 7336,6 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг хорижий инвестиция ва

кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 41,3 фоизини ташкил этган эди.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ўз вактида меъёрий-хукукий базанинг шакллантирилгани сабабли 2010 йилга нисбатан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари оралигига хорижий инвестициялар миқдори салкам 2,5 марта ошди.

Айтиш жоизки, чет эл капитал қўйилмалари ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдорининг кўп бўлиши ижобий холат ҳисобланади. Чунки, мамлакат иқтисодиётiga инвесторлар давлат кафолатисиз капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни (таваккалчиликларни) ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ички иқтисодиётida шаклланган жамгарма маблағларининг миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажми ва истеъмол даражасига боғлиқdir. Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустрiali давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10 фоиздан юкори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётiga киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 фоизни ташкил этган бўлиб, уларнинг катта қисми ички инвестициялар ҳисобига тўғри келган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур даврда оддий фуқаролардан тортиб, то миллий иқтисодий субъекларнинг барчаси “белни маҳкам боғлаб” иш тутишни лозим топган, яъни, истеъмол килиш ҳажмини камайтириб, жамгармалар салмоғини оширишга ўз ҳиссаларини кўшишган.

2018 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1 229,4 миллиард сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 130,5 фоизини ташкил қилди.

Аммо мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланиш борасида стратегик мақсадларни белгилаб олган экан, уларни амалга ошириш

учун миллий иқтисодиётта инвестициялар ҳажмини ошириш зарур бўлади.

Буни, биринчидан, ички инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, иккинчидан, ташки инвестицияларни миллий иқтисодиётта жалб этиш негизида амалга ошириш мумкин.

Юкорида қайд этилганидек, ички иқтисодиётда шакланган жамғарма маблағларининг микдори ЯИМ ва истеъмол ҳажми билан чекланган.

**Миллий иқтисодиётта инвестициялар ҳажмини ички инвестиациялар асосида кўпайтириши учун қуийдаги ишларни амалга ошириш лозим:**

- жамғармаларни инвестицияга айлантириш билан боғлик мавжуд механизмни такомиллаштириш;
- тижорат банклари томонидан аҳоли қўлида мавжуд пул ресурсларини, хоҳ у миллий, хоҳ хорижий валютада бўлсин, жалб килиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари сифатида бериш;
- аҳоли қўлида йигилган пул маблағларини “Тошкент” фонд биржаси орқали инвестиция жараёнига жалб килиш ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, ички инвестиция маблағларини миллий иқтисодиётта янада жадал жалб килиш, мамлакатимизда мавжуд капитал ресурсларни иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш механизмини такомиллаштириш билан боғлик боскични босиб ўтишни тақозо этади.

**Миллий иқтисодиётта инвестициялар киритиш ҳажмини оширишда ички инвестицияларга мукобил омил- бу факат хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобланади.**

Шундай экан, бугунги кунда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётта жалб килиш билан боғлик мавжуд барча ресурс ва захираларни ўрганиш ва қайтадан кўриб чиқиш, чет эл капиталини миллий корхоналарга йўналтириш механизмини такомиллаштириш борасида иш олиб бориш лозим бўлади.

ТТХИ бугунги кунда нафақат оддий пул ўтказмалари, балки молиявий ва номоддий активлар, жумладан, технологиялар,

бошқарувчилик қобилияти, маркетинг кўнималари кўринишида ҳам кириб келмоқда.

Инвестиция қабул қилаётган (реципиент) мамлакат учун ТТХИларнинг асосий ахамияти қуидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

➤ ТТХИ капитал тўпланишнинг кўшимча манбаси сифатида иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиради ва иқтисодиётни таркибий қайта куришга ижобий таъсир кўрсатади;

➤ ТТХИ оқими бошка шаклдаги капитал импорти, яъни портфель инвестициялар ва банк ссудаларининг киришини рағбатлантиради; ТТХИ оқими улар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг экспорт ва импорт операциялари ҳисобига мамлакат ташки иқтисодий фаолиятини рағбатлантиради;

➤ ТТХИ оқими мамлакатта янги техника ва технологиялар киришини рағбатлантиради ва янги иш ўринларини яратиш орқали юқори малакали ишчиларга бўлган талабни оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда инвестиция мухитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация килиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция килиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш, хорижий инвесторлар учун ишончли хукукий химоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)-** капитални жойлаштириш шакли бўйли, инвесторнинг кимматли қоғозларга ёки мулкка бўлган бевосита хукуқидан далолат беради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, капитал кўювчи давлат ёки унинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан инвестицияларни капитал қабул килувчи давлат иқтисодиётига жойлаштирилишини англалади.

Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиги, мулк солиги, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиги, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солик тўлашдан,

шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми куйидагича бўлганда озод килинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача-5 йил муддатга ;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда-7 йил муддатга.

#### ПОЗИЦИИ УЗБЕКИСТАНА В ГЛЛОБАЛЬНЫХ РЕЙТИНГАХ



Standard & Poor's Ratings Group (S&P). S&Pнинг рейтинг методологияси қарзларни, мажбуриятларни бажармаслик эҳтимолини коплаш қобилиятини прогнозлаштириш натижаларига асосланган. У давлатнинг қарз бўйича ўз вақтида тўлаш истаги каби сиёсий хатарни баҳолаш (3 та омил бўйича) ҳамда қарз бўйича тўлов қобилияти каби иқтисодий хатарни баҳолаш (5 та омил бўйича) рейтинг тизими асосида амалга оширилади.

Баҳолаш бўйича бошка услубиятлар ҳам мавжуд. Булар, масалан, S.J. Rundt & Associates Inc., Institute of Management Development (IMD), PricewaterhouseCoopers, Dun & Bradstreet ва бошқалар томонидан ишлаб

чиқилган услугиятлар. Асосий рейтинг хизматлари ўртасидаги фарқлар, ўз мөхиятига кўра, хатар индексининг асосий таркибий қисмлари учун ахборот манбаси (микдорий/сифат) ҳамда хатар индексининг турларига (тартибли/скаляр) бўлинади (2-илова).

Сифатли баҳолаш усуллари. Хатар микдорига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисоблаш усули асосини эксперталарнинг хуносалари ташкил этади. Мазкур баҳолашнинг субъективлиги олинадиган натижаларнинг ҳаққонийлигини пасайтиради. Мазкур усулларнинг кўлланилиши нафакат баҳоланаётган мамлакатдаги холатни яхши биладиган, балки тадқиқот мақсадларини аниқ тасаввур киладиган тажрибали эксперталар гурухини жалб этган ҳолдагина ўз самарасини беради.

Тахлил натижаларининг ишончлилик даражасини янада оширишни, баҳоланаётган омилларни микдорий таркиблаш, яъни, уларни тизимлаштириш йўли билан таъминлаш мумкин. Бу эса рейтинглар асосида тадқиқ этилаётган давлатларни гурухларга бўлиш имконини беради, бироқ гурухлар ичida хатар даражасини янада чукур баҳолаш ишлари қийин кечади.

Мамлакатимизда банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва сифат жихатидан яхшилашга, шунингдек, тижорат банкларининг иқтисодиётни харакатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлишига ҳамда уларнинг йирик инвестиция институтларига айланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимизнинг молиявий-иктисодий барқарорлиги кўп жихатдан банк-молия тизимининг самарали фаолиятига боғлиқdir.

Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган изчил ва мақсадли ислоҳотлар унинг нафакат жаҳон молиявий инкиrozининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланишига, балки банклар фаолиятида муҳим ва сифат ўзгаришларига эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмини кенгайтириш ҳамда банк ва молия хизматларини кўрсатиш даражасини тубдан яхшилаш имконини берди.

Мамлакатимиз банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил

кадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, катор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамизда йирик банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш кўпгина хориж мамлакатлари амалиёти бўйича асосан банкларнинг ликвидлик кўрсаткичини сақлаб туришга эмас, балки банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтиришга, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини кенгайтиришга қаратилди.

Ҳозирги даврда изчиллик билан амалга оширилаётган чоралар жаҳон молиявий инкирози даврида ҳам мамлакатимиз банк-молия тизимининг янада барқарор бўлишига, банкларнинг инвестицион фаолиятини кучайтиришга ва шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга мустаҳкам замин яратади.

Мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги ютуклар Ўзбекистон танлаган ривожланиш модели тўғрилигини, республика иқтисодиёти барқарорлиги ва унинг банк-молия тизими ишончлилигини яна бир бор тасдиқлади.

Бу йил юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистоннинг суверен давлат облигациялари халқаро молия бозорларига чиқарилади.

Fitch Ratings Ўзбекистонга узоқ муддатли хорижий ва миллий валютадаги эмитентлар рейтинги «BB-» даражасини берди. Агентлик томонидан прогноз - барқарор деб белгиланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон макроиктисодий барқарорлик ва ўсиш истиқболларини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар дастурини амалга оширишга қаратилган сиёsat юритмоқда.

Ўзбекистон макроиктисодий барқарорлик ва ривожланиш истиқболларини яхшилашга, шунингдек, давлат томонидан бошқариладиган иқтисодиётдаги институционал ва бошқарувга оид камчиликларни бартараф этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар дастурини амалга оширмоқда.

Инфляцияга келсак, агентлик фикрича, 2018 йилда у 17,9 фоизни ташкил этади ва 2019-2020 йилларда аста-секин камайиб, 16,8 фоиз ҳамда 14 фоизга тенг бўлади<sup>4</sup>.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча кийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика худудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу аснода янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишининг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни

**Эркин иқтисодий зона** – минтақани жадал ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш максадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурӣ чегаралари ва алоҳида хукукий тартиботи бўлган маҳсус ажратилган худуддир.

Ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солик ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари тизими шакллантирилди. Натижада ҳозирги кунда республикамизнинг 10 та минтақасида 14 та эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этилиб, ҳозиргача ушбу зоналарда 62 та лойиҳа амалга

оширилиб, яна 87 та лойиҳа бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун 1996 йилда қабул килинган эди. Бироқ эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) нинг кўпчилик кисми кейинги 5 йил мобайнида ташкил этилди.

Эркин иқтисодий зона худудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон

**Суверен кредит рейтинги** – бу давлатнинг ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга тайёрлигини баҳолаш воситасидир.

<sup>4</sup> Манба: <https://www.fitchratings.com/site/pr/10057197>

Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно.

Эркин иқтисодий зоналар қуйидаги хилларда ташкил этилиши мумкин:

- эркин савдо зоналари;
- эркин ишлаб чиқариш зоналари;
- эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтади.

Дирекция рўйхатдан ўтказилган юридик ёки жисмоний шахсга эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилганини тўғрисида гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар қиласди.

Ҳар бир ЭИЗ ташкил этиши учун алоҳида шартлар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек, фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга каратилган бошқача тартибот ўрнатилиши мумкин.

Эркин иқтисодий зонадаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаш учун энг аввало маҳаллий меҳнат ресурслари жалб этилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи шахслар ва чет эл фуқаролари ҳам жалб этилиши мумкин. Эркин иқтисодий зонага меҳнат ресурсларини жалб этиш қонун ҳужжатларига мувофик амалга оширилади.

Эркин иқтисодий зонага чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, иқтисодий зонадан чиқиши ва шу ҳудудда бўлишининг қонун ҳужжатларида белгилаб кўйиладиган соддалаштирилган тартиботи жорий этилиши мумкин.

“Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида солик ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни кўллаш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ ЭИЗ иштирокчиларига қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.

ЭИЗ иштирокчилари куйидаги тўловлардан озод этилади:

➢ ер солиги, фойда солиги, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар;

➢ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари);

➢ республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва лойихаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган курилиш материаллари учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

**Имтиёзлар бериш муддати киритилган инвестиция ҳажмига боғлиқ:**

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача инвестиция киритилганда – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача инвестиция киритилганда – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача инвестиция киритилганда – 7 йил муддатга;

10 млн АҚШ доллари ва ундан ортиқ инвестиция киритилганда – 10 йил муддатга, кейинги 5 йил мобайнида фойда солиги ва ягона солик тўлови ставкалари амалдаги ставкалардан 50 фоиз паст миқдорда кўлланилган ҳолда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли фармони билан «Ургут», «Гиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари дирекциялари эркин иқтисодий

зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида соликлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод килинди, шунингдек бу имтиёзлар давлат унитар корхоналари хисобланиши «Навоий», «Ангрен», «Жиззах» эркин иктисодий зоналари дирекциялари ҳамда янгидан ташкил этиладиган эркин иктисодий зоналарнинг дирекцияларига жорий этилди.

### **1.1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида барча юнилишлар бўйича ажратилган маблағлар**

| т/р | Тадбир номи  | Ўлчов бирлиги | Ишлар ҳажми | Инвестициялар миқдори (миллион сўм)* |
|-----|--|---------------|-------------|--------------------------------------|
|     | <b>Жами:</b>   |               |             | <b>102 802,5</b>                     |
| 1.  | <b>Автомобиль йўлларини куриш ва таъмирилаш</b>  | км            | 127,3       | <b>61 200</b>                        |
| 1.  | «Навоий» ЭИЗда ички ва кириш йўлларини куриш   | км            | 6,4         | 5 000                                |
| 2.  | «Ангрен» ЭИЗда А-373 айланма йўлини аввалги «Резинотехника» АЖ автобазасигача реконструкция килиш                  | км            | 6,7         | 9 200                                |
| 3.  | «Жиззах» ЭИЗда кириш йўлларини куриш ва реконструкция килиш  | км            | 7           | 3 000                                |
| 4.  | Шароф Рашидов туманидаги «Жиззах» ЭИЗнинг кенгайтирилаётган ҳудудида 2 та йўл кўпприги билан кириш йўлларини куриш | км            | 5,7         | 1 000                                |
| 5.  | «Ургут» ЭИЗда кириш йўлларини куриш  | км            | 65,1        | 15 000                               |
| 6.  | «Қўкон» ЭИЗ ҳудудининг «А» блокидаги ички автомобиль йўлларини куриш   | км            | 6,2         | 10 000                               |
| 7.  | «Қўкон» ЭИЗ ички автомобиль йўлларини куриш  | км            | 4,6         | 5 000                                |
| 8.  | «Ҳазорасп» ЭИЗ ҳудудидаги Питнак шаҳарчаси Ю.Шержонов массивининг 2- зонасида автомобиль йўлини куриш              | км            | 5,2         | 8 000                                |

|  |  |        |       |                 |
|--|--|--------|-------|-----------------|
| 9.   | Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп» ЭИЗ худудидаги Амударё қишлоғининг 5-зонасида автомобиль йўлини куриш | км     | 0,4   | 900             |
| 10.  | «Нукус-фарм» ЭИЗ худудига кириш йўлларини куриш  | км     | 1,5   | 1 000           |
| 11.  | «Намуна» массивидаги «Косонсой-фарм» ЭИЗ худудига кириш йўлларини куриш                              | км     | 5     | 2 000           |
| 12.  | «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ худудига кириш йўлларини куриш  | км     | 4,5   | 100             |
| 13.  | «Паркент-фарм» ЭИЗ худудига кириш йўлларини ва «Паркентсой» орқали кўприк куриш                      | км     | 9     | 1 000           |
| <b>II.</b> Сув таъминоти ва канализация тармоқларини куриш ҳамда реконструкция килиш |  |        |       | <b>41 602,5</b> |
| 14.  | «Ангрен» ЭИЗ худудида (Ангрен шахри кисмida) сув таъминоти ва канализация объектларини куриш         | км     | 11    | 11 820,9        |
|  |  | объект | 2     |                 |
| 15.  | «Ургут» ЭИЗ худудида сув таъминоти объектларини куриш  | км     | 6,2   | 9 929,8         |
|  |  | объект | 3     |                 |
| 16.  | «Ургут» ЭИЗ худудида канализация тармоқларини куриш  | км     | 6,5   | 7 286,0         |
| 17.  | «Қўкон» ЭИЗ худудида сув кувурлари тармоғини куриш   | км     | 17,96 | 6 767,3         |
| 18.  | «Ҳазорасп» ЭИЗ худудида сув таъминоти объектларини куриш   | км     | 4,8   | 1 861,5         |
| 19.  | «Косонсой-фарм» ЭИЗ худудида сув кувурлари тармоғини куриш   | км     | 5     | 1 000           |
| 20.  | «Косонсой-фарм» ЭИЗ худудида канализация гармоғи объектларини куриш                                  | объект | 1     | 1 400           |
| 21.  | «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ худудида сув кувурлари тармоғини куриш  | км     | 3     | 1 537           |

\*) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон фармонига мувофиқ, 2019 йил учун эркин иқтисодий зоналарнинг автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармокларини қуриш ва таъмирлаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Мазкур харитадаги барча йўналишлар бўйича маблағларнинг ажратилиши ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, миллий иқтисодиётга йўналтирилган ички ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади.

1.1.-жадвал маълумотларига таяниб шуни айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган бир қатор сиёсий омиллар туфайли 2017 йилдан бошлаб ривожланган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими қисқариб кетмоқда. Аксинча ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳаракати ижобий тус олганини кўриш мумкин.

## **2-§. МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига асосан кейинги йиллардаги давлат дастурида таркибий ўзгартаришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация килиш ҳисобига унинг ракобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017-2021 йилларда умумий киймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, “2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва таракқиёт банки, Ислом ва Осиё таракқиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан киймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.<sup>5</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция-бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” деб таъкидлаб ўтди.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>

Ҳозирда жалб этилган хорижий инвестициялар тузилмасини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай инвестицияларнинг катта кисми экспортга мўлжалланган тармокларга: ёқилғи-энергетика мажмуи, нефт-кимё, олтин қазиб олиш ва пахтани қайта ишлаш саноатига, ёхуд ўз-ўзини қоплаш муддатлари кисқа бўлган ва кўп фонд талаб қилмайдиган юқори рентабелли лойиҳаларга: савдо, телекоммуникация, умумий овқатланиш, йирик шаҳарлардаофис ва меҳмонхона бинолари қуриш, озиқ-овқат саноати ва молия хизматига йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш сиёсати комплекс амалга оширилмоқда. Бу жараённи муваффақиятли юритиш учун республикада катор фармонлар, қонунлар, ва меъёрий хужжатлар қабул килинди. Улар орасида 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Президент Фармони ҳам мавжуд бўлиб, ушбу меъёрий хужжат мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг кулий инвестиция мухитини шакллантириш максадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини кисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳукукий асосни янада мукаммал тарзда шакллантириди.

Ана шу конун-коидаларга асосланиб, пул кредитларининг тақчиллиги туфайли миллый иқтисодиётни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилишда кучли рағбатлантирувчилик тадбирларини олиб бориш давом этмоқда.

Чет эл инвестицияси жалб қилинган кичик корхона (йирик корхона бўлса ҳам) даромадининг маълум кисми солиқдан озод қилинади. Чунки бундай кичик корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтиришда инвестиция ва янги технологияни жорий қилиш учун имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакат иктисодиётини таркибий ўзгартириш, тармокларни модернизация килиш, техник ва технологик янгилашга доир лойихаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб килиш борасида бажарилатган ишлар алоҳида эътиборга лойик.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил киладиган бўлсак, 2008 йилда хорижий инвестициялар ва кредитлар 2170,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 3348,2 млн. АҚШ доллари етган, бу эса 2008 йилга нисбатан 130 фоизга ошганлигидан далолат беради. (2.1-жадвал).

2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар хисобидан амалга оширилган инвестиция лойихаларига қўйидагиларни келтириш мумкин:

Қандим конлар гурухини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни кайта ишловчи заводнинг қурилиши;

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2008 йилда 9555,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2017 йилга келиб 68423,9 млрд. сўмни, 2018 йил учта чорагида 71068,1 млрд. сўмни ташкил этган. Жумладан, мос равишда жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар ва кредитлар 2008 йилда 2863,9 млрд. сўмни, 2017 йилда 17146,5 млрд. сўмни ва 2018 йил учта чорагида 17770,6 млрд. сўмни ташкил этганлигини қўришимиз мумкин. Бу эса ўз ўрнида хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ўсиб бораётганлигини қўришимиз мумкин.

2018 йил (январь-сентябрь)да жами асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (71068,1 млрд. сўм) таркибида хорижий инвестициялар ва кредитлар (17770,6 млрд. сўм) 25 фоизини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари (ўсиш суръати фоизларда, млрд. сўмда) 2008 йилдан 2018 йил (январь-сентябрь) гача ўсиш динамикаси келтирилган. Ушбу расмдан хорижий инвестициялар ва кредитларнинг йилдан йилган ўсиб боришини 2017 йил 2016 йилга нисбатан 134,9 фоизга ўстганлигини қўришимиз мумкин.

## 2.1-жадвал

### Ассоций капиталга йўналтирилган инвестициянни молиялаштириш манбалари, мли. АКШ доллари хисобида<sup>6</sup>

|               |               |               |                |                |                |                |                |                |                |               |
|---------------|---------------|---------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|---------------|
| <b>7241,3</b> | <b>8548,5</b> | <b>9712,7</b> | <b>10463,0</b> | <b>12062,3</b> | <b>13695,1</b> | <b>15242,5</b> | <b>16445,1</b> | <b>16213,3</b> | <b>13361,1</b> | <b>8878,6</b> |
| 618,8         | 695,4         | 588,0         | 672,9          | 655,3          | 783,6          | 736,8          | 745,8          | 749            | 678,5          | 312,4         |
| 2985,9        | 3103,8        | 3124,4        | 3643,8         | 3950,2         | 4767,2         | 5187,6         | 5272,6         | 5089,2         | 4121,1         | 2763,4        |
| 632,4         | 903,8         | 1554,2        | 1947           | 2413,8         | 2797,2         | 3157,5         | 3440,4         | 3245           | 1821,1         | 1118,9        |
| 390           | 444,4         | 943,0         | 1209,1         | 1332,9         | 1407,3         | 1700,1         | 1944,5         | 1862,6         | 1782,2         | 1499,1        |
| 2170,2        | 2768,2        | 2824,5        | 2247           | 2462,1         | 2640,6         | 3019,7         | 3248,5         | 3578,1         | 3348,2         | 2220,1        |
| 112,1         | 245,9         | 366,0         | 366,3          | 625,9          | 398,2          | 486,3          | 730,6          | 788,5          | 1111,5         | 574,4         |
| x             | x             | x             | x              | x              | x              | x              | x              | x              | x              | x             |
| 331,9         | 387,0         | 312,6         | 381,9          | 622,1          | 901            | 954,5          | x              | x              | x              | x             |
| x             | x             | x             | x              | x              | x              | x              | x              | x              | x              | x             |

<sup>6</sup> Узбекистон Республикаси давлат статистика бўйичаси маълумотлари асосида тайёрланган

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгти йилларда ишга туширилаётган янги замонавий кувватлар, ишлаб чикариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожи, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиёттинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити кейинги 30 йилликда иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради.

Иқтисодиёттинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чукур қайта ишланган, тайёр, кўшилган киймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушкини кўпайтириш мухим аҳамиятга эга.

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлили кўрсатишича инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликни юқори суръатлари асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, иқтисодиётта йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибини тизимли ва боскичма-босқич янгиланиши хисобига эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиётни эркинлашувини чукурлашуви ва миқёсини кенгайиши, валюта бозорини барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

Кейинги йиларида хом-ашё ресурсларини чукурроқ қайта ишлаш, юқори кўшилган кийматли товарлар улушкининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги улушкининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улушкини ортиши кузатилмоқда.

Бу эса банк тизимини мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиш суръатларини саклаш ва миллий устувор тармоқлар рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиёттинг устувор тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашдаги ўрнини кенгайтиришга хизмат қилди.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк

тизимини ва алохиди банклари юкори халқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик мухим инвестиции лойиҳаларини амалга оширишга, тармоқларни молиявий қўллаб-куватлашга йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини кўпайтириш каби мухим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Кўйидаги натижаларга иқтисодиётда модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришлар жараёнини жадаллаштирмасдан, уни мухим тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали эришилади.

Кўйидаги 2.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами асосий капиталга инвестициялар қарийб 4,5 баробарга ортган. Унинг ҳажми 2010 йилда 15338,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 68423,9 млрд сўмгача ортиб борган.

Саноат соҳасидаги тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш йўналишига йўналтирилган инвестициялар таҳлил даври бошида 1514,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, давр охирида 14203,8 млрд сўмгача ёки қарийб 9,4 мартаға ортган. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўсиш даражасидан икки марта кўпдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларида ҳам асосий капиталга инвестицияларнинг динамикаси ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010 йилда унинг ҳажми 2334,9 млрд сўм бўлгани ҳолда 2017 йилда 12238,1 млрд сўмни ташкил этган. 2017 йили 2010 йилга нисбатан 524 фоизга ортган. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасига 2010 йилда 895,9 млрд сўм инвестициялар жалб этилган бўлса 2017 йили унинг ҳажми 5472,2 млрд сўмга етган ёки 611 фоизга ортган.

**2.2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида инвестиция кўрсаткичлари динамикаси<sup>7</sup>**

| Кўрсаткичлар  |       | 2008  | 2009  | 2010  | 2011  | 2012  | 2013  | 2014  | 2015  | 2016  | 2017  | январь-сентябрь 2018 |
|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|----------------------|
| Инвестициялар, АҚШ долл.  | млрд. | 7,2   | 8,5   | 10,0  | 10,5  | 12,1  | 13,7  | 15,2  | 16,3  | 16,2  | 13,4  | 8,9                  |
| Хорижий инвестициялар млрд. АҚШ долл.                           |       | 2,2   | 2,8   | 2,8   | 2,2   | 2,5   | 2,6   | 3,0   | 3,2   | 3,6   | 3,3   | 2,2                  |
| Тўридан-тўрги хорижий инвестициялар, АҚШ долл.                  |       | 1,8   | 2,4   | 2,5   | 1,9   | 1,9   | 2,1   | 2,4   | 2,4   | 2,5   | 2,5   | 0,9                  |
| Аҳоли жон бопига АҚШ долл.                                      |       | 265,2 | 307,9 | 353,6 | 356,8 | 405,1 | 452,8 | 495,6 | 525,4 | 509,1 | 412,5 | 270,1                |
| Аҳоли жон бопига хорижий инвестициялар, АҚШ долл.               |       | 79,5  | 99,7  | 100,1 | 76,6  | 82,7  | 87,3  | 98,2  | 103,8 | 112,3 | 103,4 | 67,5                 |
| Аҳоли жон бопига тўридан-тўрги хорижий инвестициялар, АҚШ долл. |       | 66,0  | 85,7  | 87,1  | 63,9  | 65,2  | 68,1  | 77,2  | 76,6  | 77,9  | 77,0  | 27,4                 |

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

**2.3-жардвал**

**Ўзбекистон Республикасида алоҳида иктисолий фаолият турлари бўйича асосий капиталга  
инвестициялар, млрд.сум<sup>8</sup>**

| Кўргаётчишлар   | 2010    | 2011    | 2012    | 2013    | 2014    | 2015    | 2016    | 2017    | 2017 йил       |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|----------------|
|   |         |         |         |         |         |         |         |         | нисбаган,<br>% |
| Ўзбекистон<br>Республикаси<br>бўйича жами                       | 15338,7 | 17953,4 | 22797,3 | 28694,6 | 35233,3 | 41670,5 | 48083,1 | 68423,9 | 446            |
| Тоғ-кон саноати<br>ва<br>очик<br>конларни ишлаш                 | 1514,6  | 2164,7  | 3204,1  | 4632,3  | 6973,4  | 9701,1  | 7173,4  | 14203,8 | 938            |
| Ишлаб<br>чикардиган<br>саноат                                   | 2334,9  | 3016,4  | 3714,7  | 4082,0  | 4780,7  | 5346,2  | 8992,1  | 12238,1 | 524            |
| Электр, газ, буф<br>билин<br>табминлаш<br>хавони<br>кондициялаш | 895,9   | 908,6   | 969,0   | 1317,6  | 1687,6  | 2244,5  | 2722,7  | 5472,2  | 611            |

<sup>8</sup> Узбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси мажлумотлари асосида тайёрланган

Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади, нафақат ушбу иқтисодиёт секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устивор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат.

2019 ва кейинги йилларда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги тармоқ инвестиция лойиҳалари рўйхатидан бир қатор катта лойиҳалар ўрин олган. Жумладан, 2019 йилда умумий киймати 24 880,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида инвестицион лойиҳалар режалаштирилган бўлиб, 2019 йилнинг ўзидаёқ 2417,3 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши башорат килинмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил киласидаги бўлсак, 2019 ва кейинги йилларда 2 882,6 млн. АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблаглари хисобидан, 51,6 млн. АҚШ доллари тижорат банклари кредитлари хисобидан ва 21 946,3 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хисобидан молиялаштириш режалаштирилмоқда. (2.4-жадвал)

#### 2.4-жадвал

**2019 ва кейинги йилларда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги тармоқ инвестиция лойиҳалари, млн. долл.<sup>9</sup>**

| № | Лойиҳа воми ва молиялаштириш манбалари | Лойиҳанинг умумий киймати | 2019 йилда ўзлаштириш прогнозлари |
|---|--|---------------------------|-----------------------------------|
|   | <b>Жами</b>                            | <b>24 880,50</b>          | <b>2 417,30</b>                   |
|   | Корхоналарнинг ўз маблаглари           | 2 882,60                  | 197,9                             |
|   | Тижорат банклари кредитлари            | 51,6                      | 34,9                              |
|   | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар   | 21 946,30                 | 2 184,50                          |
|   | Шу жумладан:                           |                           |                                   |
| I | Геология, ёқилғи-энергетика мажмуаси,  | 19 988,30                 | 1 060,90                          |

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишин жадаллаштиришга онд кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3874-сон карори. 2018 йил 19 июль.

|     |  |          |       |
|-----|--|----------|-------|
|     | кимё, нефт кимёси ва металлургия саноати масалалари мажмуаси   |          |       |
| II  | Ташки савдо фаолиятини, экспорт салохиятини, машинасозлик, автомобил, электротехник, мудофаа, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноати, ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлашни ривожлантириш масалалари мажмуаси | 629      | 250   |
| III | Худудларни ва коммунал соҳани, экология, атроф мухитни, транспорт, капитал курилиш, курилиш саноатини комплекс ривожлантириш масалалари мажмуаси   | 801,4    | 188,4 |
| IV  | Кишлоп ва сув хўжалиги, кишлоп хўжалиги ва истеъмол маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари мажмуаси   | 562,3    | 183,7 |
| V   | Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм масалалари мажмуаси  | 51       | 47,5  |
| VI  | Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари мажмуаси   | 2 848,50 | 686,8 |

Юкоридаги жадвалдаги режалаштирилаётган инвестицион лойиҳаларни иқтисодиётнинг қуидаги тармоқлари ва корхоналарида ўзлаштирилиши назарда тутилган:

Геология, ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё, нефт кимёси ва металлургия саноати масалалари мажмуаси бўйича 19988,30 млн. АҚШ доллари, жумладан: «Ўзбекнефтегаз» АЖ бўйича 19158,60 млн. АҚШ доллари; «Ўзбекэнерго» АЖ бўйича 230 млн. АҚШ доллари; «Ўзкимёсаноат» АЖ бўйича 71,7 млн. АҚШ доллари; Геология давлат кўмитаси бўйича 193 млн. АҚШ доллари; “Тошкент металлургия заводи” АЖ бўйича 335 млн. АҚШ доллари;

Ташки савдо фаолиятини, экспорт салохиятини, машинасозлик, автомобил, электротехник, мудофаа, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноати, ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлашни ривожлантириш масалалари мажмуаси бўйича 629 млн. АҚШ

доллари, жумладан «Ўзтукимачиликсаноат» уюшмаси бўйича 629 млн. АҚШ доллари;

Худудларни ва коммунал соҳани, экология, атроф мухитни, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш саноатини комплекс ривожлантириш масалалари мажмуаси бўйича 801,4 млн. АҚШ доллари, жумладан: «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бўйича 180 млн. АҚШ доллари; «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бўйича 566,4 млн. АҚШ доллари; экология давлат қўмитаси бўйича 55 млн. АҚШ доллари;

Кишлoқ ва сув хўжалиги, кишлoқ хўжалиги ва истеъмол маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари мажмуаси бўйича 562,3 млн. АҚШ доллари, жумладан: «Ўзбекозиковқатхолдинг» ХК бўйича 530,6 млн. АҚШ доллари; «Ўзбекбаликсаноати» уюшмаси бўйича 24,5 млн. АҚШ доллари; «Ўзпахтаёт» АЖ бўйича 7,2 млн. АҚШ доллари;

Таълим, соғликни саклаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм масалалари мажмуаси бўйича 51 млн. АҚШ доллари, жумладан: фармацевтика соҳасини ривожлантириш агентлиги бўйича 21 млн. АҚШ доллари; соғликни саклаш вазирлиги бўйича 30 млн. АҚШ доллари;

Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиклаштириш масалалари мажмуаси бўйича 2 848,50 млн. АҚШ доллари, жумладан: «Асака банк» АТБ бўйича 448,8 млн. АҚШ доллари; Ташиқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўйича 1 618,50 млн. АҚШ доллари; «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бўйича 660,3 млн. АҚШ доллари; «Ўзшаробсаноат» АЖ бўйича 65,4 млн. АҚШ доллари; «Ўзчармсаноат» уюшмаси бўйича 55,5 млн. АҚШ доллари қийматида ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида, жалб этилаётган хорижий ва ички инвестициялар фаолият юритаётган устувор тармоклар корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чоралар тармоқларни янада ривожланишини таъминлаши аниқ.

### **3-§. ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ВА ҮНИНГ ДИНАМИК ТАҲЛИЛИ**

Республикамизда стратегик контекстда макроиктисодий баркарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатлирини таъминлашда мувозанатли ҳудудий ижтимоий-иктисодий ўсишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги ҳудудий ижтимоий-иктисодий ривожланишдаги асиметрик тафовутнинг мавжудлиги, мавжуд иқтисодий-ресурс салоҳиятдан унумли фойдаланиш ва нисбатан паст даражада ривожланган ҳудудларда иқтисодий ривожлантириши жонлантиришга қаратилган фаол ҳудудий сиёсатни амалга оширишни тақозо киласди. Бунда ҳудудий молиявий-инвестицион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва бошқариш негизида инвестицион фаолликни янада жонлантириш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда.

Айникса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да<sup>10</sup> яқин истиқболда “инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти гармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш” вазифаларамалга ошириш белгилаб олинган. Шунингдек, биринчи даражада бажарилиши лозим бўлган устувор йўналишдаги вазифалар сифатида қуидагилар ҳам белгилаб олинган:

ижтимоий-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш, ҳалқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, Тошкент ш., 2017 йил 7 феврал

бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш хисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фаркларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш хисобига кичик шахарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш хисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштиришга кулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш максадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, мұхандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармокларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Юқоридаги йўналишлар бўйича ҳудудий иктисодий сиёсатни изчил амалга ошириш истиқболда ҳудудий инвестицион сиёсатстратегик йўналишларини белгилаб олишнининг фундаментал асосларини ташкил қиласди.

2013-2017 йилларда Ўзбекистон республикаси ҳудудлари инвестицион фаолияти куйидаги жадвалда келтирлган, 3.1 - жадвал.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республика бўйича асосий капиталга инвестициялар номинал мазмунда 28694,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсакткич изчил ўсиш суръатига эга бўлган ва 2017 йилга келиб 60719,2 млрд. сўмга етган. Демак, ушбу йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг номинал мазмундаги ўсиши 2,1 баробарга ўсган.

Самарканд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар

2013 йилда 1915 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсакткич 1,7 баробарга ўсиб 3307, 1 млрд сўмни ташкил қилган. Кейинги 5 йил мобайнида асосий капиталга инвестицияларни

жалб қилинча Самарканд вилояти Республика бўйича ўртacha кўрсаткичдан паст даражада бўлган.

Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларни 2013 йилга нисбатан 2017 йилдаги ўсиши 211,6 %ни ташкил қилган. Юқори ўсиш суръати Бухоро (383,4 %), Қашқадарё (291,0 %), Наманган (288,1 %), Сурхондарё (236,5 %) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (231,6 %) кузатилмоқда.

### 3.1-жадвал

#### Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ва уларни худудлар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот<sup>11</sup>, млрд. сўм

2013 йилга  
нисбатан

| Худудлар номи | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017* | 2017<br>йилдаги<br>ўсиш, %да |
|---------------|------|------|------|------|-------|------------------------------|
|---------------|------|------|------|------|-------|------------------------------|

|                                     |         |         |         |         |         |       |
|-------------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|-------|
| <i>Республика бўйича жами</i>       | 28694,6 | 35233,3 | 41670,5 | 49770,6 | 60719,2 | 211,6 |
| <i>Қорақалпоғистон Республикаси</i> | 2361,9  | 3917,8  | 5925,7  | 3718,9  | 2235    | 94,6  |
| <i>Андижон вилояти</i>              | 1287,8  | 1423    | 1661    | 1987,3  | 2236    | 173,6 |
| <i>Бухоро вилояти</i>               | 2871,6  | 3408,3  | 3866,1  | 5756,7  | 11008,9 | 383,4 |
| <i>Жizzах вилояти</i>               | 1017,9  | 1038,5  | 1101,1  | 1247    | 1436,7  | 141,1 |
| <i>Қашқадарё вилояти</i>            | 3498,8  | 4483,2  | 5590,5  | 7048,8  | 10181,9 | 291,0 |
| <i>Навоий вилояти</i>               | 1622,6  | 1633    | 1685,4  | 2846,8  | 2784,5  | 171,6 |
| <i>Наманган вилояти</i>             | 1059,3  | 1618,7  | 1966,4  | 2566,7  | 3052    | 288,1 |
| <i>Самарканд вилояти</i>            | 1915    | 2247,8  | 2854    | 3321,4  | 3307,1  | 172,7 |
| <i>Сурхондарё вилояти</i>           | 1246,8  | 1339,5  | 1633,4  | 2005,2  | 2949,1  | 236,5 |
| <i>Сирдарё вилояти</i>              | 804,7   | 927,2   | 1000,2  | 1240,9  | 1349,4  | 167,7 |
| <i>Тошкент вилояти</i>              | 2982,9  | 3741,9  | 4055,7  | 3959,9  | 4301,8  | 144,2 |
| <i>Фарғона вилояти</i>              | 1899,7  | 1998,4  | 2133    | 2404,5  | 2473,8  | 130,2 |
| <i>Хоразм вилояти</i>               | 1148,5  | 1466,5  | 1343,4  | 1445,4  | 1877,1  | 163,4 |
| <i>Тошкент шаҳри</i>                | 4977,1  | 5969,5  | 6854,6  | 10221,1 | 11525,9 | 231,6 |

<sup>11</sup> Ўз РДСК маълумотлари.

Самарканд вилоятидаги асосий капиталга инвестициялардаги ўсиш суръати 2017 йилга 2013 йилга нисбатан 172,75 ни ташкил килиб, ушбу ўсиш суръати Республка бўйича ўртачадан паст кўрсаткични ташкил қилган.

Минтақалар иқтисодий тараққиётида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳамияти бенихоя катта. Асосий капиталга киритиладиган инвестицияларни худудлар ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини куйидагилар биланizoхлаш мумкин:

**Биринчидан**, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар кўламининг ўсиши юқори технологик тараққиёт ва интенсив иқтисодий ўсишнинг омили сифатида ЯҲМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир этади.

**Иккинчидан**, иқтисодиётни диверсификация килиш, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш пироварди импорт ўрнини босувчи ва экспорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш имкони яратилади;

**Учинчидан**, мавжуд молиявий-инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш контекстида тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожланишига ва пировард натижада янги иш ўринларини яратилиши орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширилишини таъминайди. Натижада аҳолининг пул даромадларини изчил ортиши хисобига иқтисодиётдаги ялпи талабнинг кенгайиши ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, мамлакат худудлари иқтисодиётига киритилган инвестициялар яқин ва ўрта истиқболда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатига ижобий таъсир этади. Шунинг учун хам ЯҲМ ва инвестицион фаолик кўрсаткичлари ўзгариши ўтасида тўғри корреляцион боғлиқликни кўришимиз мумкин.

ICOR (incremental capital output) ўтган йилги ялпи инвестицияларни ЯИМнинг ўсишига таъсирини кўрсатувчи кўрсаткич хисобланади. Бу куйидагича хисобланади:

$$ICOR = \frac{I_{n-1}}{\Delta GDP_n}$$

Бу ерда,

I<sub>n-1</sub>- хисобот йилидан олдинги йилдаги ялпи инвестицияларнинг ЯҲМдаги салмоғи;

ДЯҲМ<sub>n</sub>- п йилдаги ялпи ҳудудий маҳсулоттган йилга нисбатан реал ўсишининг номинал миқдори.

Ушбу кўрсаткични ҳудудий иқтисодий ривожланишига ҳудудий инвестицион фаолликнинг таъсири контексида тахлини кўриб чикамиз.

Жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкинки, 2014 йилда ҳудуд иқтисодиётига киритилган инвестициялар 2,3 бирликни ташкил килганда ЯҲМни 1 бирлик ўсиши таъминланган.

2015, 2016 йилларда ҳудуд иқтисодиётига 2,9 бирлик киритилган инвестиациялар ЯҲМни 1 бирлик ўсишига олиб келган. 2017 йилда эса инвестицияларнининг ЯҲМнинг ўсишидаги самарасида кескин пасайиш кузатилган.

### 3.2-жадвал

#### **Самарқанд вилоятида 2013-2017 йилларда ЯҲМнинг ўсишига инвестиацияларнинг таъсири<sup>12</sup>**

| Йиллар | ЯҲМ,<br>млрд.<br>сўм | Асосий<br>капиталга<br>инвести-<br>циялар,<br>млрд. сўм | ЯҲМ<br>нинг<br>ўтган<br>йилга<br>нисбатан<br>реал<br>ўсиши | Инвестиция-<br>ларнинг<br>ЯҲМдаги<br>улуши,<br>фоизда | ICOR | Республика<br>бўйича<br>ўртача<br>ICOR |
|--------|----------------------|---|--|---|------|--|
| 2013   | 7370,9               | 1915  | 8,9  | 25,98   | -    | 3,2                                    |
| 2014   | 9198,1               | 2185,6  | 9,8  | 23,76   | 2,3  | 3,2                                    |
| 2015   | 11248,8              | 2854  | 10,5   | 25,37   | 2,9  | 3,4                                    |
| 2016   | 14060,4              | 3321,4  | 8,7  | 23,62   | 2,9  | 3,2                                    |
| 2017   | 18319,5              | 3307,1  | 2,5  | 18,05   | 9,4  | 4,7                                    |
| 2018   | 20600,1<br>(прогноз) | 3882,4<br>(прогноз)                                     | 8,9  | 18,85   | 2,0  | -                                      |

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан хисобланган.

Демак, Самарқанд вилоятига киритилган инвестициялар 2014-2016 йилларда Республика бўйича ўртacha кўрсаткичга нисбатан самарали хисобланган.

Худудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар номинал миқдорининг жами Республика бўйича ўртacha кўрсаткичи орқали ҳар бир худуднинг инвестицион фаоллигини аниқлаш мумкин бўлади, 3.3 - жадвал.

### 3.3- жадвал

#### Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларда худудларнинг улуши<sup>13</sup>, (жамига нисбатан фоизда)

| Худудларнинг номи              | Асосий капиталга<br>инвестицияларда худудларнинг<br>улуси, %да |       |       |       |       |
|--------------------------------|--|-------|-------|-------|-------|
|                                | 2013   | 2014  | 2015  | 2016  | 2017* |
| Республика бўйича жами         | 100  | 100   | 100   | 100   | 100   |
| Қорақалпғостон<br>Республикаси | 8,23   | 11,12 | 14,22 | 7,47  | 3,68  |
| Андижон вилояти                | 4,49   | 4,04  | 3,99  | 3,99  | 3,68  |
| Бухоро вилояти                 | 10,01  | 9,67  | 9,28  | 11,57 | 18,13 |
| Жizzах вилояти                 | 3,55   | 2,95  | 2,64  | 2,51  | 2,37  |
| Кашқадарё вилояти              | 12,19  | 12,72 | 13,42 | 14,16 | 16,77 |
| Навоий вилояти                 | 5,65   | 4,69  | 4,04  | 5,72  | 4,59  |
| Наманган вилояти               | 3,69   | 4,59  | 4,72  | 5,16  | 5,03  |
| Самарқанд вилояти              | 6,67   | 6,38  | 6,85  | 6,67  | 5,45  |
| Сурхондарё вилояти             | 4,35   | 3,80  | 3,92  | 4,03  | 4,86  |
| Сирдарё вилояти                | 2,80   | 2,63  | 2,40  | 2,49  | 2,22  |
| Тошкент вилояти                | 10,40  | 10,62 | 9,73  | 7,96  | 7,08  |
| Фарғона вилояти                | 6,62   | 5,67  | 5,12  | 4,83  | 4,07  |
| Хоразм вилояти                 | 4,00   | 4,16  | 3,22  | 2,90  | 3,09  |
| Тошкент шаҳри                  | 17,35  | 16,94 | 16,45 | 20,54 | 18,98 |

<sup>13</sup>Ўз Р ДСҚ маълумотлари.

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, жами Республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларни 100 % деб олингандা энг юкори кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Хусусан, жами асосий капиталга киритилган инвестициаларда Тошкент шаҳрининг улуси 2013 йилда 17,35 %ни ташкил килган, 2014-2015 йилларда нисбатан пасайиши кузатилган бўлса-да, 2016 йилга келиб 20,54%, 2017 йилда эса 18,98 % ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича тахлил килинаётган даврларда юкори ўсиш Қашқадарё вилояти (2017 йилда 16,77 %), Бухоро вилоятида (2017 йилда 18,13 %) кузатилган бўлиб, 2017 йилда етакчи кўрсаткичларга эга бўлинмоқда. Самарқанд вилоятига хос тенденцияда эса кейинги 5 йилда пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, 2013 йилда жами асосий капиталга киритилган инвестицияларда Самарқанд вилоятининг улуси 6,67 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5,45 %ни ташкил килмоқда.

Агар худудларда асосий капиталга киритилган инвестициялардаги фаоллик кўрсаткичи бўйича жами худудларни юкори, ўртacha, паст даражадаги фаоллик бўйича гурухларга ажратадиган бўлсак куйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин, 3.4-жадвал.

Куйидаги жадвалдан кўришимиз мумкини, кейинги 2013-2016 йилларда КҚР, Тошкент ш., Қашқадарё, Тошкент, Бухоро вилоятлари юкори даражадаги инвестицион фаоллик кўрсаткичига эга бўлган. Самарқанд вилояти ўртacha фаоллик кўрсаткичига эга бўлган бўлса, 2017 йилга келиб юкори кўрсаткичга эга инвестицион фаоллик қайд этилган. Лекия ушбу гурухлаш асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг номинал миқдорига асосланган ҳолда шакллантирилган.

Маълумки, худудлар асосий капиталига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажми ҳар бир худуднинг иктисодий-инвестицион салоҳияти ва ундан фойдаланиш кўламига ҳам боғлиқдир.

### 3.4 - жадвал

#### Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларда худудларнинг утуси<sup>14</sup> (жамига нисбатан фоизида)

| Фаолик        |               | Асосий капиталга инвестицияларда худудларнинг утуси, %да |               |              |               |
|---------------|---------------|--|---------------|--------------|---------------|
| кўрсаткини    | 2013          | 2014   | 2015          | 2016         | 2017*         |
| Юкори         | Тошкент ш.    | Тошкент ш.   | Тошкент ш.    | Тошкент ш.   | Тошкент ш.    |
| Кашкадарё в.  | Кашкадарё в.  | ККР  | Кашкадарё в.  | Кашкадарё в. | Бухоро в.     |
| Тошкент в.    | ККР           | Кашкадарё в.   | Бухоро в.     | Кашкадарё в. | Бухоро в.     |
| Бухоро в.     | Бухоро в.     | Тошкент в.   | Тошкент в.    | Тошкент в.   | Тошкент в.    |
| Ургача        | Самарқанд в.  | Самарқанд в.   | Самарқанд в.  | Самарқанд в. | Самарқанд в.  |
| Фарғона в.    | Фарғона в.    | Фарғона в.   | Фарғона в.    | Навоий в.    | Сурхондарё в. |
| Навоий в.     | Навоий в.     | Наманган в.  | Наманган в.   | Наманган в.  | Навоий в.     |
| Андижон в.    | Наманган в.   | Навоий в.  | Фарғона в.    | Фарғона в.   | Навоий в.     |
| Сурхондарё в. | Хоразм в.     | Андижон в.   | Сурхондарё в. | ККР          | Сурхондарё в. |
| Паст          | Хоразм в.     | Андижон в.   | Сурхондарё в. | Андижон в.   | Андижон в.    |
| Наманган в.   | Сурхондарё в. | Хоразм в.  | Хоразм в.     | Хоразм в.    | Хоразм в.     |
| Жizzах в.     | Жizzах в.     | Жizzах в.  | Жizzах в.     | Жizzах в.    | Жizzах в.     |
| Сирдарё в.    | Сирдарё в.    | Сирдарё в.   | Сирдарё в.    | Сирдарё в.   | Сирдарё в.    |

<sup>14</sup>УЗ РДСК маълумотлари.

Хозирги ислоҳотлар шароитида ҳар бир худудлар кесимида мавжуд молиявий-инвестицион салоихъятдан оқилона фойдаланиш орқали инвестицион фаолликни ошириш масаласи кун тартибидаги долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

### 3.5 - жадвал

#### Ўзбекистон ҳудудларида яратилган ЯҲМда асосий капиталга инвестицияларнинг улуши<sup>15</sup>

(жамига нисбатан фоизда)

| Ҳудудлар номи                | ЯҲМда асосий капиталга инвестициялар улуши |      |       |      |       |
|------------------------------|--|------|-------|------|-------|
|                              | 2013                                       | 2014 | 2015  | 2016 | 2017* |
| Республика бўйича жами       | 30,2                                       | 31,8 | 33,3  | 34,7 | 35,7  |
| Коракалпогистон Республикаси | 60,3                                       | 83,5 | 109,8 | 63,8 | 32,2  |
| Андижон вилояти              | 15,5                                       | 14,6 | 15,7  | 16,5 | 15,1  |
| Бухоро вилояти               | 43,3                                       | 44,0 | 45,2  | 59,3 | 96,2  |
| Жizzах вилояти               | 36,6                                       | 31,2 | 28,2  | 28,6 | 28,4  |
| Кашқадарё вилояти            | 46,0                                       | 50,4 | 55,7  | 61,1 | 76,2  |
| Навоий вилояти               | 36,0                                       | 31,0 | 27,0  | 40,5 | 35,2  |
| Наманган вилояти             | 18,8                                       | 24,2 | 26,5  | 29,9 | 29,1  |
| Самарканд вилояти            | 20,4                                       | 20,8 | 23,7  | 24,0 | 19,8  |
| Сурхондарё вилояти           | 21,7                                       | 19,6 | 22,0  | 23,3 | 27,7  |
| Сирдарё вилояти              | 31,7                                       | 31,7 | 29,8  | 32,3 | 31,2  |
| Тошкент вилояти              | 33,3                                       | 35,5 | 33,4  | 28,5 | 27,2  |
| Фарғона вилояти              | 21,0                                       | 19,0 | 18,3  | 18,2 | 16,0  |
| Хоразм вилояти               | 22,8                                       | 25,4 | 21,3  | 20,2 | 20,9  |
| Тошкент шаҳри                | 33,7                                       | 35,4 | 34,3  | 42,6 | 40,9  |

3.5-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ялии ҳудудий маҳсулотта нисбатан асосий капиталга киритилган инвестицияларда 2013-2016 йилларда етакчилик Коракалпогистон Республикасига (2013 йилда 0,60 %, 2014 йилда 0,84 %, 2015 йилда 1,1) тегишли бўлган. 2013 йилда Республика бўйича ўргача кўрсаткич 30,2 %ни ташкил килган бўлса, ўртачадан юкори кўрсаткич Коракалпогистон Республикаси (60,3 %), Тошкент шаҳри (33,7 %),

<sup>15</sup>Ўз РДСК маълумотлари.

Қашқадарё (46,0 %), Бухоро (43,3 %), Жizzах (36,6 %), Навоий (36,0 %), Сирдарё (31,7 %) вилоятлариға түгри келмоқда. 2013 йилда Самарқанд вилояти ўртачадан паст кўрсаткичга яъни ЯҲМга нисбатан 20,4 %ни ташкил қилмоқда.

2017 йилда Республика бўйича ўртача кўрсаткич 35,7 %га изчили ўсиб борган. Республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан 2017 йилда Бухоро (96,2 %), Қашқадарё (76,2 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (40,9 %) юқори кўрсаткични ташкил қилган.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилишимиз мумкинки, йирик ва стратегик аҳамиятга эга молик лойиҳаларни реализация килиш эвазига юқорида тилга олинган ҳудудларда ЯҲМга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг улуши юқори бўлган.

Энди аҳоли жон бошига нисбатан асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши таҳлилини кўриб чиқамиз, 3.6 - жадвал.

### **3.6 - жадвал**

#### **Асосий капиталга киритилган инвестицияларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори<sup>16</sup>**

**минг сўмда**

| <b>Ҳудудлар номи</b>          | <b>2013</b>   | <b>2014</b>   | <b>2015</b>   | <b>2016</b>   | <b>2017</b>   |
|-------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| <b>Республика бўйича жами</b> | <b>948,8</b>  | <b>1145,5</b> | <b>1331,4</b> | <b>1562,8</b> | <b>1874,8</b> |
| <b>Корақалпогистон</b>        | <b>1370,0</b> | <b>2239,0</b> | <b>3334,5</b> | <b>2061,1</b> | <b>1221,4</b> |
| <b>Республикаси</b>           |               |               |               |               |               |
| <b>Андижон вилояти</b>        | <b>463,1</b>  | <b>502,6</b>  | <b>575,9</b>  | <b>676,8</b>  | <b>748,5</b>  |
| <b>Бухоро вилояти</b>         | <b>1647,4</b> | <b>1924,6</b> | <b>2147,4</b> | <b>3146,8</b> | <b>5929,3</b> |
| <b>Жizzах вилояти</b>         | <b>832,9</b>  | <b>838,5</b>  | <b>871,7</b>  | <b>967,8</b>  | <b>1094,3</b> |
| <b>Қашқадарё вилояти</b>      | <b>1222,0</b> | <b>1531,6</b> | <b>1868,3</b> | <b>2305,7</b> | <b>3265,0</b> |
| <b>Навоий вилояти</b>         | <b>1813,4</b> | <b>1822,1</b> | <b>1830,7</b> | <b>3043,7</b> | <b>2930,2</b> |
| <b>Наманган вилояти</b>       | <b>426,9</b>  | <b>640,0</b>  | <b>762,5</b>  | <b>976,7</b>  | <b>1140,6</b> |
| <b>Самарқанд вилояти</b>      | <b>561,0</b>  | <b>645,9</b>  | <b>804,1</b>  | <b>918,1</b>  | <b>897,3</b>  |
| <b>Сурхондарё вилояти</b>     | <b>545,8</b>  | <b>574,1</b>  | <b>684,9</b>  | <b>822,8</b>  | <b>1185,5</b> |
| <b>Сирдарё вилояти</b>        | <b>1062,9</b> | <b>1203,5</b> | <b>1276,1</b> | <b>1557,3</b> | <b>1636,3</b> |
| <b>Тошкент вилояти</b>        | <b>1100,4</b> | <b>1364,6</b> | <b>1460,9</b> | <b>1408,4</b> | <b>1511,9</b> |
| <b>Фарғона вилояти</b>        | <b>565,7</b>  | <b>585,1</b>  | <b>613,8</b>  | <b>680,2</b>  | <b>661,8</b>  |
| <b>Хоразм вилояти</b>         | <b>688,2</b>  | <b>862,7</b>  | <b>776,0</b>  | <b>820,4</b>  | <b>936,6</b>  |
| <b>Тошкент шаҳри</b>          | <b>2120,7</b> | <b>2527,2</b> | <b>2877,4</b> | <b>4243,4</b> | <b>4714,3</b> |

<sup>16</sup>Уз РДСК маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, асосий капиталга киритилган инвестицияларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори Республика бўйича 2013 йилда ўртacha 948,8 минг сўмни, 2017 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 1874,8 минг сўмни ташкил қилган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар кўрсаткичи бўйича 2013 йилда Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил қилган. 2017 йилга келиб эса Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг улуши ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил қилган.

Самарқанд вилоятида 2013 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар 561,0 минг сўмни, 2017 йилга келиб эса 897,3 минг сўни ташкил этган.

Аҳоли жон бошига Аҳоли жон бошига киритилган асосий капиталга инвестицияларни Республика бўйича ўртacha индексини хисобланганда яққолроқ намоён бўлади, 3,7 - жадвал.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар республика бўйича ўртacha кўрсаткичдан 2,5 баробар юқори бўлмоқда. Шунингдек, Бухоро(3,2) Қашқадарё (1,7), Навоий (1,6) вилоятларида ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил килмоқда.

Самарқанд вилоятида инвестицион фаоликни ошириш бўйича манзилли ишларни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Республика ўртacha кўрсаткичганисбатан 0,6 ни ташкил қилган. 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 0,5 ни ташкил этмоқда. Демак, 2017 йилга келиб Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар Республика бўйича ўртacha кўрсаткичдан 2 баробарга паст кўрсаткични ташкил қилмоқда.

### 3.7-жадвал

#### Ахоли жон бошига киритилган асосий капиталга инвестицияларни Республика бўйича ўртacha индекси<sup>17</sup>

Республика бўйича ўртacha кўрсаткичга нисбатан

| <i>Худудлар номи</i>                    | <i>2013</i> | <i>2014</i> | <i>2015</i> | <i>2016</i> | <i>2017</i> |
|---|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| <i>Республика бўйича<br/>жасами</i>     | 1           | 1           | 1           | 1           | 1           |
| <i>Қорақалпогистон<br/>Республикаси</i> | 1,4         | 2,0         | 2,5         | 1,3         | 0,7         |
| <i>Андижон вилояти</i>                  | 0,5         | 0,4         | 0,4         | 0,4         | 0,4         |
| <i>Бухоро вилояти</i>                   | 1,7         | 1,7         | 1,6         | 2,0         | 3,2         |
| <i>Жиззах вилояти</i>                   | 0,9         | 0,7         | 0,7         | 0,6         | 0,6         |
| <i>Кашқадарё вилояти</i>                | 1,3         | 1,3         | 1,4         | 1,5         | 1,7         |
| <i>Навоий вилояти</i>                   | 1,9         | 1,6         | 1,4         | 1,9         | 1,6         |
| <i>Наманган вилояти</i>                 | 0,4         | 0,6         | 0,6         | 0,6         | 0,6         |
| <i>Самарканд вилояти</i>                | 0,6         | 0,6         | 0,6         | 0,6         | 0,5         |
| <i>Сурхондарё вилояти</i>               | 0,6         | 0,5         | 0,5         | 0,5         | 0,6         |
| <i>Сирдарё вилояти</i>                  | 1,1         | 1,1         | 1,0         | 1,0         | 0,9         |
| <i>Тошкент вилояти</i>                  | 1,2         | 1,2         | 1,1         | 0,9         | 0,8         |
| <i>Фарғона вилояти</i>                  | 0,6         | 0,5         | 0,5         | 0,4         | 0,4         |
| <i>Хоразм вилояти</i>                   | 0,7         | 0,8         | 0,6         | 0,5         | 0,5         |
| <i>Тошкент шаҳри</i>                    | 2,2         | 2,2         | 2,2         | 2,7         | 2,5         |

Инвестицияларнинг номинал миқдори ва ахоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялардаги нисбатан кучайиб бораётган тафовут худудлар кесимида ахоли жон бошига асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ўсиш динамикасида ҳам намоён бўлади. Буни қуидаги 3.8-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

<sup>17</sup>Ўз РДСК маълумотлари.



Юқоридаги ҳолатлар бўйича хулоса қилиш мумкинки, республика бўйича аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар ўргача кўрсаткичидан юқори ҳудудлар сонининг қисқаришини 2 ҳолат билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, ўргачадан юқори ҳар қайси ҳудуд иқтисодий салоҳияти жихатдан юқори бўлган ҳудудлар хисобланади. Иккинчидан, улардаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ўргачадан 1,6 дан 3,2 баробаргача юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатдаги мавжуд инвестицион ресурсларни айрим ҳудудларда кучли концентрацияси хисобига ҳудудий тақсимланишидаги тафовутнинг нисбатан ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Маълумки, асосий капиталга киритилаётган инвестициялар умумлавштирилган ҳолда 2 маъба ҳисобига амалга оширилади. Булар: марказлаштирилган инвестициялар; марказлаштирилмаган инвестициялар, 3.9 - жадвал.

Замонавий шароитларда давлатнининг инвестицион фаолиятни тўғридан-тўғри қўллаб қуватлаш сиёсатининг молиявий ифодасини марказлаштирилган инвестицияларда қўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳудудларида асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар 2013 йилда 5581268,1 млн. сўмни, 2017 йилга келиб эса 14975052.2 млн. сўмни ташкил этган. Ҳудудларда асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестицияларнинг номинал миқдори бўйича Қашқадарё вилояти (4450182.0), Тошкент шаҳри (1955272.3 млн. сўм), Тошкент вилояти (1284455.7 млн. сўм), Наманган вилояти (1233849.0 млн. сўм) етакчилик қилмоқда.

Самарканд виляотида 2013 йилда асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестицияларнинг миқдори 318872.7 млн. сўмни,

2017 йилга келиб эса 502075.6 сўмга барқарор ўсиб борган.

Худудлардаги асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, ҳукумат кафолатлари остидаги хорижий инвестициялар хисбига молиялаштирилишини инобатга оладиган бўлсак, юқорида тилга олинган ҳудудлар инвестицион фаолигида давлатнинг

молиявий қўллаб қувватлаш тизимининг роли юкори бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

3.10 - жадвал маълумотларидан кўринадики, жами республика бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестицияларда биргина Қашқадарё вилоятининг улуси 29,7 %ни ташкил қилмоқда. Тошкент шаҳринининг улуси 13,1 %ни ташкил килиб, 2013 йилга нисбатан пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

### **3.10-жадвал**

#### **Марказлаштирилган инвестицияларда худудларнинг улуси, жамига нисбатан фоизда<sup>20</sup>**

| Худудлар номи               | Йиллар |      |      |      |      |
|-----------------------------|--------|------|------|------|------|
|                             | 2013   | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 |
| Республика бўйича жами      | 100    | 100  | 100  | 100  | 100  |
| Қоракалпғистон Республикаси | 4,8    | 7,7  | 14,3 | 5,5  | 2,9  |
| Андижон вилояти             | 3,3    | 4,2  | 2,7  | 2,2  | 1,8  |
| Бухоро вилояти              | 4,8    | 5,8  | 6,2  | 7,1  | 6,4  |
| Жizzах вилояти              | 6,3    | 5,1  | 3,3  | 2,2  | 1,9  |
| Қашқадарё вилояти           | 12,5   | 15,1 | 17,7 | 21,2 | 29,7 |
| Навоий вилояти              | 1,8    | 1,7  | 6,0  | 11,9 | 6,9  |
| Намангандарё вилояти        | 4,2    | 8,7  | 8,2  | 7,4  | 8,2  |
| Самарқанд вилояти           | 5,7    | 5,6  | 4,5  | 4,5  | 3,4  |
| Сурхондарё вилояти          | 5,9    | 5,3  | 4,8  | 4,8  | 7,0  |
| Сирдарё вилояти             | 6,2    | 5,8  | 5,5  | 4,5  | 2,9  |
| Тошкент вилояти             | 12,1   | 15,1 | 9,5  | 8,0  | 8,6  |
| Фарғона вилояти             | 11,1   | 7,1  | 5,4  | 4,7  | 2,2  |
| Хоразм вилояти              | 5,9    | 4,0  | 3,2  | 1,8  | 3,0  |
| Тошкент шаҳри               | 15,2   | 8,7  | 8,9  | 14,0 | 13,1 |

Самарқанд вилоятига асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестицияларнинг улуси 2013 йилда 5,7 5ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилгача пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 3,4 %ни ташкил қилган.

Демак, Самарқанд вилоятидаги марказлаштирилган инвестицияларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялардаги роли

<sup>20</sup>ЎзРДСК маълумотлари

биринчидан паст даражада қолмоқда. Иккинчидан кейинги 5 йиллик динамикада пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

### 3.11-жадвал

**Марказлаштирилган инвестициялар йиллик ўсиш динамикаси<sup>21</sup>, %да**

| Худудлар номи                 | Йиллар |       |       |       |       |
|-------------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|
|                               | 2013   | 2014  | 2015  | 2016  | 2017  |
| <b>Республика бўйича жами</b> | 100    | 116,9 | 131,7 | 122,0 | 142,8 |
| Коракалпогистон Респуб.       | 100    | 186,6 | 246,0 | 47,4  | 73,5  |
| Андижон вилояти               | 100    | 146,6 | 85,9  | 99,7  | 113,0 |
| Бухоро вилояти                | 100    | 141,7 | 141,7 | 139,5 | 127,0 |
| Жиззах вилояти                | 100    | 94,6  | 84,0  | 83,1  | 121,1 |
| Қашқадарё вилояти             | 100    | 141,1 | 154,7 | 146,5 | 199,9 |
| Навоий вилояти                | 100    | 109,4 | 458,1 | 242,2 | 83,0  |
| Наманган вилояти              | 100    | 244,0 | 123,3 | 110,1 | 159,4 |
| Самарканд вилояти             | 100    | 114,8 | 106,1 | 120,8 | 107,0 |
| Сурхондарё вилояти            | 100    | 104,6 | 118,0 | 124,0 | 207,6 |
| Сирдарё вилояти               | 100    | 109,8 | 122,8 | 100,2 | 91,6  |
| Тошкент вилояти               | 100    | 146,1 | 82,5  | 103,4 | 152,5 |
| Фарғона вилояти               | 100    | 74,6  | 99,6  | 106,6 | 67,3  |
| Хоразм вилояти                | 100    | 79,8  | 103,8 | 70,0  | 236,1 |
| Тошкент шаҳри                 | 100    | 67,0  | 133,8 | 192,8 | 133,0 |

3.11 - жадвалдан кўришимиз мумкинки, асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати Республика бўйича 2017 йилда 142,8 %ни ташкил қилган. Худудлар кесимида 2016 йилга нисбатан 2017 йилда Хоразм (236,1 %), Сурхондарё (207,6), Қашқадарё (199,9 %), Наманган (159,4 %), Тошкент (152,5 %) вилоятларида юқори ўсиш суръати кузатилган.

Самарканд вилоятида кейинги йиллардаги асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръатлари республика бўйича ўргача кўрсаткичдан паст бўлган.

Маълумки, жаҳон амалиётида мамлакат миёсида инвестицияларнинг барқарор молиявий манбаи сифатида марказлаштирилмаган инвестициялар эътироф этилади.

<sup>21</sup>Ўз РДСҚ маълумотлари.

Ҳозирги шароитда мамлакатдаги жами инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестицияларнинг нисбати 25/75 атрофини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш йилларида инвестицияларнининг таркибида марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг оширилиши хисобига уларнинг жами инвестициялардаги улушини ошириш масаласи стратегик аҳамият касб этувчи вазифалардан бири сифатида белгиланган.


### 3.12-жадвал

#### **Ўзбекистонда асосий капиталга марказлаштирилмаган инвестициялар ҳакида маълумот<sup>22</sup>, (млн. сўм)**

|                              | Марказлаштирилмаган инвестициялар, млн. сўм |                   |                   |                   |                   |
|------------------------------|---|-------------------|-------------------|-------------------|-------------------|
|                              | 2013  | 2014              | 2015              | 2016              | 2017              |
| Республика бўйича жами       | <b>23113367.9</b>                           | <b>28709123.1</b> | <b>33075226.0</b> | <b>39281618.7</b> | <b>45744153.9</b> |
| Қоракалпогистон Республикаси | 2094193.7                                   | 3418258.3         | 4696855.4         | 3136910.4         | 1807118.1         |
| Андижон вилояти              | 1101465.4                                   | 1149878.7         | 1426214.0         | 1753239.1         | 1971309.6         |
| Бухоро вилояти               | 2604064.2                                   | 3029229.7         | 3328903.1         | 5007212.5         | 10057225.9        |
| Жizzах вилояти               | 660572.3                                    | 705190.8          | 821041.6          | 1014178.7         | 1154727.6         |
| Кашкадарё вилояти            | 2802815.0                                   | 3501030.2         | 4070978.9         | 4822772.1         | 5731695.3         |
| Навоий вилояти               | 1519384.5                                   | 1540081.5         | 1167929.3         | 1593651.5         | 1744176.5         |
| Наманган вилояти             | 825671.9                                    | 1048649.1         | 1263268.2         | 1792770.8         | 1818146           |
| Самарқанд вилояти            | 1596077.3                                   | 1881819.9         | 2465595.2         | 2852352.2         | 2805022.0         |
| Сурхондарё вилояти           | 915678.4                                    | 993207            | 1224656.9         | 1498376.9         | 1896935.8         |
| Сирдарё вилояти              | 457282.4                                    | 545634.7          | 531658.3          | 771620.0          | 894476.8          |
| Тошкент вилояти              | 2307499.5                                   | 2755073.2         | 3241284.2         | 3117760.4         | 3017372.7         |
| Фарғона вилояти              | 1281067.3                                   | 1536639.9         | 1673107.3         | 1914470.1         | 2047418.5         |
| Хоразм вилояти               | 820350.1                                    | 1204748.8         | 1071619.4         | 1255168.4         | 1227856.5         |
| Тошкент шаҳри                | 4127224.7                                   | 5399681.3         | 6092114.2         | 8751135.6         | 9570672.4         |

3.12 - жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган марказлаштирилмаган инвестициялар 2013 йилда 23113367.9 млн. сўмни ташкил қилиб барқарор ўсиш суръатига эга бўлган.

<sup>22</sup>Ўз РДСҚ маълумотлари.



**3.1-расм. Марказлаптырмалан инвеститициялар йыллик үсүү динамикасы<sup>23</sup>, ўттан йилга нисбатан**

<sup>23</sup>УЗ РДСК маалыматтары.

2017 йилга келиб республика бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилмаган инвестициялар 45744153,9 млрд сўмни ташкил этмоқда.

Самарқанд вилоятида 2013 йилда марказлаштирилмаган инвестициялар 1596077,3 млн. сўмни, 2017 йилга келиб эса баркарор ўсиш суръати билан 2805022,0 млн. сўмни ташкил этган.

Марказлаштирилмаган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби қўйидагилардан иборат:

- корхоналар маблағлари;
- аҳоли жамгармалари;
- банк кредитлари;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар.

Марказлаштирилмаган инвестицияларни ҳудудлар кесимида йиллик ўсиш суръати қўйидаги расмда келтирилган, 3,1 - расм.

Ҳудудлар кесимида марказлаштирилмаган инвестицияларнинг ўсиш сурхатида Бухоро вилоятида (200,9 %) юқори йиллик ўсиш суръатикузатилмоқда. Шунингдек, Қашқадарё (118,8 %), Сурхондарё (126,6 %) вилоятларида Республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори салмоқни ташкил қиласкан.

Самарқанд вилоятида ҳам 2017 йилда йиллик ўсиш эмас балки йиллик ўсишдаги пасайиш (98,3 %) кузатилган. Бу ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан марказлаштирилмаган инвестицияларни молиялаштириш манбалари кесимида ялпи инвестицион фаолликни янада ошириш бўйича кескин чора тадбирлар ишлаб чиқиши тақозо қиласкан.

Хусусан, марказлаштирилмаган инвестицияларда ҳудудларнининг улушкини таҳлили кўрсатадики, 12 - жадвал, Бухоро вилоятининг улуси 2013 йилда 11,3 %ни ташкил этган бўлса, барқарор ўсиб бориб 2017 йилда 22,0 %ни ташкил қиласкан.

Тошкент шахрининг улуси 2017 йилда 20,9 %ни ташкил қиласкан. Қашқадарё вилоятининг республика бўйича марказлаштирилмаган инвестициялардаги улуси 2017 йилга келиб 12,5 %ни ташкил қиласкан. Демак, 2017 йилда жами республика бўйича асосий капиталга киритилган марказлаштирилмаган инвестицияларда Тошкент шахри,

Бухоро, Қашқадарё вилоятларининг улуши 55,4 %ни ташкил килмоқда.

Самарканд вилоятининг таҳлил қилинаётган даврдаги энг юқори улуши 2015 йилда 7,5 %ни ташкил килган. Кейинги 2 йил мобайнида ушбу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлиб 2017 йилда 6,1 %ни ташкил килмоқда. Бу ўз наебатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан марказлаштирилмаган инвестицияларни молиялаштириш манбалари хисбига инвестицион фаолликни оширишбўйича қатъий чора тадбирларни амалга оширишни тақозо қиласди.

### 3.13-жадвал Марказлаштирилмаган инвестицияларда худудларнинг улуши<sup>24</sup>, (жамига нисбатан фоизда)

| Худудлар номи                 | Йиллар |       |       |       |       |
|-------------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|
|                               | 2013   | 2014  | 2015  | 2016  | 2017  |
| <b>Республика бўйича жами</b> | 100    | 100   | 100   | 100   | 100   |
| Қорақалпогистон Республикаси  | 9,1    | 11,9  | 14,2  | 8,0   | 4,0   |
| Андижон вилояти               | 4,8    | 4,0   | 4,3   | 4,5   | 4,3   |
| Бухоро вилояти                | 11,3   | 10,6  | 10,1  | 12,7  | 22,0  |
| Жizzах вилояти                | 2,9    | 2,5   | 2,5   | 2,6   | 2,5   |
| Кашқадарё вилояти             | 12,1   | 12,2  | 12,3  | 12,3  | 12,5  |
| Навоий вилояти                | 6,6    | 5,4   | 3,5   | 4,1   | 3,8   |
| Наманган вилояти              | 3,6    | 3,7   | 3,8   | 4,6   | 4,0   |
| Самарканд вилояти             | 6,9    | 6,6   | 7,5   | 7,3   | 6,1   |
| Сурхондарё вилояти            | 4,0    | 3,5   | 3,7   | 3,8   | 4,1   |
| Сирдарё вилояти               | 2,0    | 1,9   | 1,6   | 2,0   | 2,0   |
| Тошкент вилояти               | 10,0   | 9,6   | 9,8   | 7,9   | 6,6   |
| Фарғона вилояти               | 5,5    | 5,4   | 5,1   | 4,9   | 4,5   |
| Хоразм вилояти                | 3,5    | 4,2   | 3,2   | 3,2   | 2,7   |
| Тошкент шаҳри                 | 17,9   | 18,8  | 18,4  | 22,3  | 20,9  |
|                               | 100,0  | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

<sup>24</sup>Ўз РДСҚ мавзумотлари.

Марказлаштирилмаган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибидан корхоналар ўз маблаглари ва ахоли маблағларининг салмоғини юқори бўлиши худудда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг рентабеллиги ва аҳолининг реал даромадларининг юқори суръатини ҳам ифодалайди. Шунингдек, кулаги инвестицион мухитнинг асосий индикаторларидан бири ҳисобланади.

### 3.14-жадвал

#### Худудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестицияларни ички ва жалб қилингани молиялаштириш манбалари<sup>25</sup>, фоизда

|            | 2013                              |                         | 2014                              |                         | 2015                              |                         | 2016                              |                         | 2017                              |                         |
|------------|-----------------------------------|-------------------------|-----------------------------------|-------------------------|-----------------------------------|-------------------------|-----------------------------------|-------------------------|-----------------------------------|-------------------------|
|            | Корхоналар ўз маблаглари ва ахоли | Жалб қилинган маблаглар | Корхоналар ўз маблаглари ва ахоли | Жалб қилинган маблаглар | Корхоналар ўз маблаглари ва ахоли | Жалб қилинган маблаглар | Корхоналар ўз маблаглари ва ахоли | Жалб қилинган маблаглар | Корхоналар ўз маблаглари ва ахоли | Жалб қилинган маблаглар |
| Ўз Р       | 55,2                              | 44,8                    | 54,7                              | 45,3                    | 52,9                              | 47,1                    | 53,0                              | 47,0                    | 55,0                              | 45,0                    |
| KKР        | 54,3                              | 45,7                    | 36,5                              | 63,5                    | 26,7                              | 73,3                    | 34,2                              | 65,8                    | 34,0                              | 65,0                    |
| Андижон    | 67,4                              | 32,6                    | 63,2                              | 36,8                    | 60,9                              | 39,1                    | 64,3                              | 35,7                    | 64,3                              | 35,7                    |
| Бухоро     | 34,7                              | 65,3                    | 38,1                              | 61,9                    | 49,2                              | 50,8                    | 37,8                              | 62,2                    | 37,6                              | 62,4                    |
| Жizzах     | 49,0                              | 51,0                    | 52,4                              | 47,6                    | 50,7                              | 49,3                    | 56,8                              | 43,2                    | 56,6                              | 43,4                    |
| Кашқадарё  | 55,1                              | 44,9                    | 61,2                              | 38,8                    | 58,9                              | 41,1                    | 51,9                              | 48,1                    | 51,9                              | 48,1                    |
| Навоий     | 62,5                              | 37,5                    | 71,2                              | 28,8                    | 57,9                              | 42,1                    | 48,0                              | 52,0                    | 48,2                              | 51,8                    |
| Наманган   | 58,3                              | 41,7                    | 52,7                              | 47,3                    | 49,6                              | 50,4                    | 46,0                              | 54,0                    | 46,0                              | 54,0                    |
| Самарқанд  | 69,7                              | 30,3                    | 66,7                              | 33,3                    | 69,5                              | 30,5                    | 74,1                              | 25,9                    | 74,1                              | 25,9                    |
| Сурхондарё | 53,4                              | 46,6                    | 57,3                              | 42,7                    | 56,2                              | 43,8                    | 55,9                              | 44,1                    | 55,9                              | 44,1                    |
| Сирдарё    | 38,8                              | 61,2                    | 40,4                              | 59,6                    | 36,3                              | 63,7                    | 37,3                              | 62,7                    | 37,1                              | 62,9                    |
| Тошкент    | 54,5                              | 45,5                    | 47,5                              | 52,5                    | 49,3                              | 50,7                    | 55,6                              | 44,4                    | 55,6                              | 44,4                    |
| Фарғона    | 49,9                              | 50,1                    | 57,4                              | 42,6                    | 56,8                              | 43,2                    | 58,0                              | 42,0                    | 58,1                              | 41,9                    |
| Хоразм     | 54,5                              | 45,5                    | 59,4                              | 40,6                    | 62,9                              | 37,1                    | 68,2                              | 31,8                    | 68,2                              | 31,8                    |
| Тошкент ш. | 62,9                              | 37,1                    | 65,4                              | 34,6                    | 64,4                              | 35,6                    | 60,2                              | 39,8                    | 60,2                              | 39,8                    |

<sup>25</sup>Ўз Р ДСҚ маълумотлари.

3.14 - жадвал мәлдемелеридан күришимиз мүмкінки, Республика бүйіча асосий капиталга киристилгандар марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий манбасы бүлгандар үз маблаглары ва ахоли маблаглары 2013 йилда 55,2 %ни ташкил қылған. Бөшкә жалб килингандар маблагларнинг улусы 44,8 %ни ташкил қылған. Ушбу нисбатта кейинги 5 йил мобайнида заиф тарзда тебраниб 2017 йилда 55/45 нисбатта ташкил қылған. Демек, жами инвестицион фаолиятта корхоналар маблаглары ва ахоли маблагларини мобилизация килишдегі фаоллик күзатылған. Бұ 2 асосий омылға боғлиқтады. Бириңчидан, макродаражада хұжалик субъектлары ва ахоли реал даромадлары даражасы ва улар хисобига қосыл килинадын жамғарыш нормаси. Иккінчидан, хұжалик субъектлары ва ахоли реал даромадлары хисобига шакланадын жамғармаларни инвестицион активларға трансформациялаш жараённанда хос мұаммолар негизида ушбу нисбатта таъминланған.

Бинобарин, Самарқанд вилоятіда худудий инвестиция дастурларини молиялаштиришда марказлаштирилған инвестициялар таркибіде корхоналар үз маблаглары ва ахоли маблагларининг улусы 2013 йилда 69,3 %ни ташкил қылған бўлса, 2017 йилда 74,1 %га ўсган.

Шу билан бир қаторда, кейинги йилларда худудлар инвестицион фаолигини ошириш асосан ишлаб чықаришни модернизациялаш ва инновацион технологияларни көңгө жорий этиш бүйіча лойиҳаларни реализация килишга қаратылмоқда. Бундай шароитта юқори технологияларга асосланған ҳорижий инвестицияларни көңгө жалб килиш сиёсатини янада жадаллаштириш устувор ахамияттада.

3.15-жадвал маълумотларидан күришимиз мүмкінки, миллий валюта эквивалентіде 2013 йилда Республика бүйіча асосий капиталга киристилған ҳорижий инвестициялар ва кредитлар 5532719,2 млн. сүмни ташкил қылған. Ушбу күрсаткич 2017 йилгача ўсиш тенденциясында эга бўлиб, 16308985,3 млн. сүмчни ташкил этган. Ҳорижий инвестицияларни жалб килиш сиёсатида 2017 йилда Бухоро вилояти (8256942.5 млн. сүм), Тошкент шахри (2162197.8 млн. сүм), Кашқадарё (1950872.5), Наманган (1088389.5), Тошкент (781808.3 млн. сүм) вилоятлари етакчилик қылған.

### 3.15-жадвал

#### Худудлар кесимида асосий капиталга киритилган хорижий инвестицияларва кредитлар<sup>26</sup>, млн. сўм.

| Худудлар номи | 2013      | 2014      | 2015      | 2016       | 2017       |
|---------------|-----------|-----------|-----------|------------|------------|
| Ўз Р          | 5532719.2 | 6980062.5 | 8309522.1 | 10611381.4 | 16308985.3 |
| ҚҚР           | 736578.7  | 1892412.3 | 2899745.3 | 1683392.7  | 268607.6   |
| Андижон       | 75657.9   | 101490.6  | 86011.9   | 108025.7   | 197336.9   |
| Бухоро        | 1516939.9 | 1615687.6 | 1463196.7 | 3101157.6  | 8256942.5  |
| Жиззах        | 31937.7   | 71333.8   | 38010.4   | 106310.3   | 125216.2   |
| Кашкадарё     | 838027.2  | 918956.6  | 1037674   | 2006063.7  | 1950872.5  |
| Навоий        | 384490.3  | 180667.5  | 54888.4   | 152469.1   | 384980.7   |
| Наманган      | 81954.8   | 295711.2  | 488831.5  | 639144.5   | 1088389.5  |
| Самарканд     | 86107.2   | 85799.5   | 128027.6  | 81455.5    | 114451.1   |
| Сурхондарё    | 164202.4  | 183469.4  | 191515.6  | 209083.4   | 512814.9   |
| Сирдарё       | 81663.6   | 94991.8   | 116698.8  | 102329.3   | 76081.3    |
| Тошкент       | 343229.8  | 437671.5  | 677578.1  | 580325.7   | 781808.3   |
| Фарғона       | 251093.3  | 198933.3  | 193576.2  | 235360.5   | 191835.4   |
| Хоразм        | 60818.7   | 119967.6  | 40789.8   | 90399.3    | 197450.6   |
| Тошкент ш.    | 880017.7  | 782969.7  | 892977.9  | 1515864.1  | 2162197.8  |

Самарканд вилоятида ушбу тенденция бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатида фаоллик паст даражада бўлган. Хусусан, 2013 йилда 86107.2 млн. сўмлик хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 114451,1 млн. сўмни ташкил этган.

Шунингдек, жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг номинал мазмунидан кўришимиз мумкинки, барча худудларда ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаоллик мувозанатли даражада таъминламаяпти.

Хорижий инвестицияларни номинал миқдори бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятига тегишли бўлган.

Ўзбекистон худудларига улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гурухига кириш учун барча шартшароитларга, хорижий инвестицияларни худудларга жалб этиш учун бир катор афзалликларга эга. Бу борада жаҳон ҳамжамияти олдида

<sup>26</sup>Ўз Р ДСҚ маълумотлари

ўзининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасидаги географик жойлашуви, табиий ресурсларининг таркиби ва заҳираси, ҳукумат олиб бораётган иктиносидий сиёсат ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди.

3.16 - жадвалда худудларга киритилган инвестицияларни АҚШ доллари эквивалентида келтирилган. 2017 йилда Республика бўйича жамлб қилинган хорижий инвестицияларнинг номинал миқдоридаги прайиши асосан хорижий валюталарга нисбатан марказий банк валюта курсларини девальвация қилиши ҳисобига кузатилган. Умумий тенденцияда эса хорижий инвестицияларни жалб қилиш сўратини ортиб борганигини кўришимиз мумкин.

### **3.16-жадвал**

**Худудлар кесимида асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар<sup>27</sup>(хар йил охирининг 31 декабрига МБ расмий курсга нисбатан млн. долларда )**

|                                     | 2013   | 2014   | 2015   | 2016   | 2017   |
|-------------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b>      | 2512.5 | 2881.5 | 2957.2 | 3298.0 | 2008.5 |
| <b>Корақалпогистон Республикаси</b> | 334.5  | 781.2  | 1032.0 | 523.2  | 33.1   |
| <b>Андижон</b>                      | 34.4   | 41.9   | 30.6   | 33.6   | 24.3   |
| <b>Бухоро</b>                       | 688.9  | 667.0  | 520.7  | 963.8  | 1016.9 |
| <b>Жizzах</b>                       | 14.5   | 29.4   | 13.5   | 33.0   | 15.4   |
| <b>Кашқадарё</b>                    | 380.6  | 379.4  | 369.3  | 623.5  | 240.3  |
| <b>Навоий</b>                       | 174.6  | 74.6   | 19.5   | 47.4   | 47.4   |
| <b>Наманган</b>                     | 37.2   | 122.1  | 174.0  | 198.6  | 134.0  |
| <b>Самарқанд</b>                    | 39.1   | 35.4   | 45.6   | 25.3   | 14.1   |
| <b>Сурхондарё</b>                   | 74.6   | 75.7   | 68.2   | 65.0   | 63.2   |
| <b>Сирдарё</b>                      | 37.1   | 39.2   | 41.5   | 31.8   | 9.4    |
| <b>Тошкент</b>                      | 155.9  | 180.7  | 241.1  | 180.4  | 96.3   |
| <b>Фарғона</b>                      | 114.0  | 82.1   | 68.9   | 73.2   | 23.6   |
| <b>Хоразм</b>                       | 27.6   | 49.5   | 14.5   | 28.1   | 24.3   |
| <b>Тошкент ш.</b>                   | 399.6  | 323.2  | 317.8  | 471.1  | 266.3  |

3.17 - жадвал маълумотларидан кўришмиз мумкинки, Республика бўйича асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг йиллик ўсиш суръати 2017 йилда 153,7%ни ташкил килиб, кейинги 5 йил ичida юқори ўсиш суръати кузатилган. 2017

<sup>27</sup>Ўз РДСК маълумотлари.

йилда Республика бўйича ўртача кўрсаткичдан Бухоро (266,3 %), Навоий (252,5 %), Сурхондарё (245,3 %), Хоразм (218,4 %), Наманган (170,3 %), Андижон (182,7 %) вилоятларида юқори кўрсаткич кузатилган. Демак, хорижий инвестицияларни жалб килиш худудий сиёсатида фаолик юқорида тилга олинган вилоятларда кузатилган.


### 3.17-жадвал

**Худудлар кесимида асосий капиталга киритилган хорижий инвестицияларва кредитларнинг йиллик ўсиш суръати<sup>28</sup> (ўтган йилга нисбатан фоизда)**

|                                     | 2013 | 2014  | 2015  | 2016  | 2017  |
|-------------------------------------|------|-------|-------|-------|-------|
| <i>Ўзбекистон Республикаси</i>      | 100  | 126.2 | 119.0 | 127.7 | 153.7 |
| <i>Қорақалпогистон Республикаси</i> | 100  | 256.9 | 153.2 | 58.1  | 16.0  |
| <i>Андижон</i>                      | 100  | 134.1 | 84.7  | 125.6 | 182.7 |
| <i>Бухоро</i>                       | 100  | 106.5 | 90.6  | 211.9 | 266.3 |
| <i>Жizzах</i>                       | 100  | 223.4 | 53.3  | 279.7 | 117.8 |
| <i>Кашқадарё</i>                    | 100  | 109.7 | 112.9 | 193.3 | 97.2  |
| <i>Навоий</i>                       | 100  | 47.0  | 30.4  | 277.8 | 252.5 |
| <i>Наманган</i>                     | 100  | 360.8 | 165.3 | 130.7 | 170.3 |
| <i>Самарқанд</i>                    | 100  | 99.6  | 149.2 | 63.6  | 140.5 |
| <i>Сурхондарё</i>                   | 100  | 111.7 | 104.4 | 109.2 | 245.3 |
| <i>Сирдарё</i>                      | 100  | 116.3 | 122.9 | 87.7  | 74.3  |
| <i>Тошкент</i>                      | 100  | 127.5 | 154.8 | 85.6  | 134.7 |
| <i>Фарғона</i>                      | 100  | 79.2  | 97.3  | 121.6 | 81.5  |
| <i>Хоразм</i>                       | 100  | 197.3 | 34.0  | 221.6 | 218.4 |
| <i>Тошкент ш.</i>                   | 100  | 89.0  | 114.1 | 169.8 | 142.6 |

Самарқанд вилоятида ҳам 2016 йилда 2015 йилга нисбатан ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларида пасайиш тенденцияси кузатилган. Лекин, 2017 йилга келиб ўсиш суръати 140,7 %ни ташкил этмоқда. Лекин Республика бўйича ўртача ўсиш суръатидан Самарқанд вилоятидаги ўсиш суръатининг пастлиги Республика бўйича жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларда Самарқанд вилоятининг улушкини пасайишига таъсир этади. Буни қуйидаги 2 - расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.

<sup>28</sup>Ўз РДСК маълумотлари



**3.2-расм. Ассоция капиталга кирилтілгандың хорижий инвестициялар за кредиттарда худудларнинг улутты<sup>29</sup> (жамига нисбеттан фойзде)**

<sup>29</sup>Yýз РДСК мағынноттары.

Худудлар асосий капиталига киритилган хорижий инвестициялар ва кредитларда Саарқанд вилояти паст кўрсаткичга эга бўлмоқда. Хусусан, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 1,6 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 0,7%ни ташкил қилган.

Демак, бундан ҳулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлари ўзлаштириш биринчидан, республика бўйича паст кўрсаткичини ташкил этмоқда. Иккинчидан, кейинги йилларда ушбу соҳадаги фаоллик пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Фикримизча, асосий капиталга киритилган хорижий инвестицияларни номинал микдори нуқтаи назардан хали худудда бу соҳада кенг ислоҳотлар олиб борилиши лозим. Хусусан, Самарқанд вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасида нисбатан кулагай инвестицион мухит ва салоҳиятта эга вилоятлардан бири хисобланади.

Хар бир худудда асосий капиталга киритилган инвестицияларда хорижий инвестицияларнинг улушкини ошириб бориш ва бунда асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш хажми ва кўлами ошириб бориш ҳар бир раҳбарнининг шахсий мажбурияти эканлигини ҳукуматимиз томонидан таъкидлаб келинмоқда.

Шу нуқтаи назардан кўриб ўтадиган бўлсак, Самарқанд вилоятида бу борадаги ишларни яқин истиқболда кескин жонлаштириш зарурлигини тақозо қиласди.

З.18-жадвалдан кўришимиз мумкинки, хорижий инвестиция ва кредитларини асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларидаги улушки 2013 йилда Республика бўйича ўртача 19,3 %ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга келиб ўсиш тенденциясига эга бўлган ва 27,6 %ни ташкил қилган.

Самарқанд вилоятида хорижий инвестиция ва кредитларини асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларидаги улушки таҳлил қилинаётган давларда 6,3 %-2,5 % диапазонида тебраниб борган.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, биргина 2017 йилнинг ўзида қарийиб Республика кўрсаткичидан 4 маротаба ортда колмоқда.

### 3.18-жадвал

#### **Хорижий инвестиция ва кредитларини асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларидаги улуши<sup>30</sup>, фоизда**

| Худудлар номи           | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 |
|-------------------------|------|------|------|------|------|
| Ўзбекистон Республикаси | 19,3 | 19,8 | 19,9 | 21,3 | 27,6 |
| Самарқанд               | 4,5  | 3,8  | 4,5  | 2,5  | 6,3  |

Маълумки ҳар бир худудга хос табий, иқлим шарт-шароити, иқтисодий ресурсларнинг тақсимланиш хусусиятлари уларнинг молиявий-инвестицион салоҳиятига таъсир этади. Ушбу худудларга хос хусусиятлар асосий капиталга киритилган инвестициялар ва хусусан, хорижий инвестицияларнинг тармок таркиби бўйича ҳам худудий факланишларни келтириб чиқаради.

Куйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014-2017 йиллар мобайнида хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиё-тининг тармколарига жалб қилишда маълум ўзгариш тенденцияларини кузатиш мумкин.

2014 йилда Ўзбекистон республикаси бўйича асосий капиталга киритилган жами хорижий инвестицияларни 52,3 %и тоғ кон саноатига киритилган бўлиб, унинг номинал микдори 3648834,8 млн. сўмни ташкил килган. Саноатнинг ушбу тармоғига киритилган инвестициялар 2016 йилда жами хорижий инвестицияларнининг 31,1%ини ташкил килган. 2017 йилга келиб эса яна ушбу саноат тармоғига киритилган хорижий инвестициялар жамига нисбатан 56,7%ни ташкил қилиб, 9226187,8 млн. сўмга етган. 2017 йилда республика бўйича жами хорижий инвестицияларнининг 13,0 %и ишлаб чиқариш саноати тармоғига киритилган, 3.19 - жадвал.

<sup>30</sup>Ўз РДСҚ маълумотлари.

### 3.19-жадвал

#### 2014-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган хорижий инвестицияларни тармок таркиби<sup>31</sup> (Ўзбекистон мисолида)

| Тармоқлар номи   | 2014      |       | 2015      |       | 2016       |       | 2017       |       |
|--|-----------|-------|-----------|-------|------------|-------|------------|-------|
|  | Мин. сўм  | %     | Мин. сўм  | %     | Мин. сўм   | %     | Мин. сўм   | %     |
| 1. Жами  | 6980062,5 | 100,0 | 8309522,1 | 100,0 | 10611381,4 | 100,0 | 16308955,3 | 100,0 |
| 2. Кипчлок, ўрмон ва баликчлик хўжалани  | 15749,8   | 2,3   | 64832,7   | 0,8   | 17174,9    | 1,6   | 190464,3   | 1,2   |
| 3. Тоб-кон саноати   | 3648834,8 | 52,3  | 4350886,8 | 52,3  | 3296594,6  | 31,1  | 9226187,8  | 56,7  |
| 4. Ишлаб чиқартиш саноати  | 585963,0  | 8,4   | 469624,7  | 5,7   | 2905441,4  | 27,4  | 2111798,3  | 13,0  |
| 5. Электр энергияси, газ, бут ва конденсияланган хаво                                  | 541046,8  | 7,8   | 1119052,9 | 13,5  | 1306350,8  | 12,3  | 394432,3   | 2,4   |
| 6. Сув билан таъминлаш, канализация, чигинчидарни йигин ва қадға фойдаланиш            | 144587,1  | 2,1   | 144055,7  | 1,7   | 318830,5   | 3,0   | 304142,3   | 1,9   |
| 7. Куралаш   | 24385,2   | 0,3   | 641180    | 0,8   | 6168,0     | 0,1   | 20767,1    | 0,1   |
| 8. Улутржи ва чакана сайдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлантиш | 411160,2  | 0,6   | 59805,1   | 0,7   | 11386,7    | 1,1   | 155688,1   | 0,8   |
| 9. Ташиш ва саклан   | 1011670,7 | 14,6  | 1087997,0 | 13,1  | 1390945,3  | 13,1  | 1469697,7  | 9,0   |
| 10. Яшват ва овқатланни буйича хизматлар   | 60663,1   | 0,9   | 34410,9   | 0,4   | 3512,1     | 0,0   | 8790,9     | 0,1   |
| 11. Ахборот ва язюча   | 602148,5  | 8,6   | 620659,7  | 7,5   | 761300,4   | 7,2   | 1556919,8  | 9,5   |
| 12. Медиа ва сурʼутга фаoliасиги   | 611,9     | 0,0   | 15930,7   | 0,2   | 902,3      | 0,0   | 371,2      | 0,0   |
| 13. Кўчмас мулк билан бўғлик ишлар   | 7148,4    | 0,1   | 12603,4   | 0,2   | 571,0      | 0,9   | 85282,8    | 0,5   |
| 14. Касабий илмий ва техник фарзият  | 57779,8   | 0,8   | 48956,5   | 0,6   | 6351,1     | 0,1   | 13097,9    | 0,1   |
| 15. Мальумурӣ ва кўлимча хизматлар   | 7317,8    | 0,1   | 6404,9    | 0,1   | 37276,5    | 0,4   | 38443,2    | 0,2   |
| 16. Давлат бонкакуви ва мулофаси, маъжбурий ижтимоий тъмомот                           | 2331,3    | 0,0   | 93415,5   | 1,1   | 9,7        | -     | 98857,8    | 0,6   |
| 17. Тадъим   | 19331,0   | 0,3   | 6798,9    | 0,1   | 101793,8   | 1,0   | 137756,5   | 0,8   |
| 18. Соғикни саклан ва ижтимоий хизматлар курбеташ                                      | 58838,7   | 0,8   | 62889,5   | 0,8   | 182941,6   | 1,7   | 508728,6   | 3,1   |
| 19. Санъат, кўнгли очин ва дам олчиш   | 2261,8    | 0,0   | 1745,8    | 0,0   | 4888,6     | 0,0   | 5010,5     | 0,0   |
| 20. Бонка фаолияти тўрлилари   | 2890,6    | 0,0   | 2080,0    | 0,0   | 1842,2     | 0,0   | 2548,2     | 0,0   |
| 21. Туароз-жой курнишига инвестициялар   |           |       | 43973,4   | 0,4   | -          | -     | 0,0        | 0,0   |

2013 йилда ташиш ва сақлаш тизимларига киритилган хорижий инвестициялар жамига нисбатан 14,6 %ни ташкил килган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу тармоққа киритилган хорижий инвестициялар жами хорижий инвестицияларга нисбатан 9,0 %ни ташкил этган.

Демак, юқоридагилар асосида хулоса килиш мумкинки, жами Республика бўйича хорижий инвестицияларни асосий қисми иқтисодиётнинг саноат тармогига ва хусусан, тоб кон саноатига жалб килинмоқда.

Ушбу тенденцияни Самарқанд вилояти кесимида кўриб ўтадиган бўлсак бошқача манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин, 3.20 - жадвал.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2013 йилда Самарқанд вилояти иқтисодиёти асосий капиталга жалб қилинган жами хорижий инвестицияларнинг 18,3 % и ташиш ва сақлаш тизимиға киритилган. Ушбу тармоққа киритилган хорижий инвестициялар 2016 йилгача, олдинги ўринларда етакчилик қилган.

2015 йилда эса жами хорижий инвестицияларнинг 42,1 %и ишлаб чиқариш саноати тармогига жалб қилинган. Вилоятда ахборот ва алоқа тизимиға хорижий инвестицияларни жалб қилишда сеезиларли фаоллик кузатилган. Хусусан, 2017 йилнинг ўзида вилоятдаги ахборот алоқа тизимидағи инфраструктурани яхшилаш, модернизациялашга жами киритилган хорижий инвестицияларнинг 34,4 %и тўғри келган. Шунингдек, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йигиш ва қайта фойдаланишига киритилган хорижий инвестициялар 38642,6 млн.сўм эквивалентини ташкил қилиб, жамига нисбатан 33,8 %ни ташкил қилмоқда.

Республикада мавжуд бўлган менерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини илғор технологиялар асосида қайта ишловчи корхоналарни куришда, импорт ўрнини босувчи янги саноат тармоқларини ривожлантиришида, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация килиш орқали ракобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишида хорижий инвестицияларни республикага жалб этиш энг муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

### 3.20-жадалап

### 2014-2017 йилларда Самарқанд вилояттада асосий капиталга көрүлтүлгөн хорижий инвестицияларни тармок таркиби<sup>32</sup>

| Тармослар номи   | 2014     |      |          | 2015 |          |      | 2016     |      |          | 2017 |          |   |
|--|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|---|
|  | Мин. сүм | %    | Мин. сүм | % |
| 1. Жамни   | 88799,5  | 100  | 128027,6 | 100  | 81455,5  | 100  | 114451,1 | 100  | -        | -    | -        | - |
| 2. Қышкыл, ўрмон ва балиқчылык күжәлдүү  | 15229,3  | 17,7 | 2653,4   | 2,1  | 1298,0   | 1,6  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 3. Тог-кон саноаты   | 3554,3   | 4,1  | 6178,4   | 4,8  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 4. Ишшаб чыкаши саноаты  | 14076,7  | 16,4 | 53932,7  | 42,1 | 8829,0   | 10,8 | 11453,9  | 10,0 | -        | -    | -        | - |
| 5. Электр энергиясы, газ, буғ ва конденцияланган хаво                              | 5074,1   | 5,9  | 171,1    | 0,1  | 5915,9   | 7,3  | 161,4    | 0,1  | -        | -    | -        | - |
| 6. Суя билан тасымналаш, канализация, чыңқандыларни түгүштүү жана сыйта фойдаланыш | 8249,4   | 9,6  | 278,2    | 0,2  | 13152,1  | 16,1 | 38642,6  | 33,8 | -        | -    | -        | - |
| 7. Куралыш   | 0,0      | 0,0  | 2361,9   | 1,8  | 281,0    | 0,3  | 359,3    | 0,3  | -        | -    | -        | - |
| 8. Улуттурык жана садыр, моторлы транспорт воситалари ва мотоникиларни төзүмлөштүү | 324,9    | 0,4  | 1755,1   | 1,4  | 2564,1   | 3,1  | 3174,6   | 2,8  | -        | -    | -        | - |
| 9. Ташыш ва саклаш   | 15694,4  | 18,3 | 37759,0  | 29,5 | 16877,3  | 20,7 | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 10. Яшаш ва овкаланиш бүйиче хизматтар   | 675,1    | 0,8  | 1418,6   | 1,2  | 2299,8   | 2,8  | 2879,2   | 2,5  | -        | -    | -        | - |
| 11. Ахборот ва алоқа   | 15477,2  | 18,0 | 17307,8  | 13,6 | 14014,9  | 17,2 | 39349,2  | 34,4 | -        | -    | -        | - |
| 12. Молия ва сүрүүтү фаолияти  | 0,0      | 0,0  | 0,0      | 0,0  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 13. Күчмас мүлк билан боғлук ишшар   | 0,0      | 0,0  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 14. Касобай, илмий ва техник фаолият   | 19,3     | 0,0  | 3,4      | 0,0  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 15. Намьумурйык күчимчика хизматтар  | 169,9    | 0,2  | 179,5    | 0,1  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 16. Далялат башкаруви ва муудоааси; мажбүрий ижтимоий тасымнат                     | 0,0      | -    | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 17. Таджым   | 3387,7   | 4,0  | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 18. Соғникини саклаш ва ижтимоий хизматтар   | 3797,5   | 4,5  | 4012,6   | 3,1  | 16223,5  | 19,9 | 18430,9  | 16,1 | -        | -    | -        | - |
| 19. Саныктай, күнгүл очиши ва дам олиш   | 13,0     | 0,0  | 13,7     | 0,0  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 20. Башка фаолият түрлөрү  | 56,7     | 0,1  | 2,2      | 0,0  | 0,0      | 0,0  | -        | -    | -        | -    | -        | - |
| 21. Түрар-жөй күришилгүч инвестициялар   | 0,0      | -    | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | -    | -        | - |

32) УРДСК маалумоттары

## **4-§. ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида кенг қамровли иктисодий ислоҳотлар негизидаги мақсадларларга эришиш учун белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда “худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозим”-деб таъкидланди<sup>33</sup>.

Мамлакатимизда охирги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар, иктисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улушкини 2018 йилдаги 35 фоиздан 2019 йилда 37 фоизга ортиши режалаштирилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш йўналишида худудлардаги мавжуд ҳолат Президентимиз томонидан танқидий таҳлил қилиниб, 2019 йилда ва ундан кейинги даврда эришилиши вилоят раҳбарларининг биринчи навбатдаги вазифалари белгилаб берилди: “Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Оқибатда, Республиkaning 27 та туманида саноатнинг улushi вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрга ва узок муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак. Бу масалани, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари алоҳида назоратга олиши керак.”

Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан маълумки, аждодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо кадрият ва анъаналардан ҳисобланади. Мазкур кадриятларимизни изчил давом эттирган ҳолда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини барча худудларда амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг

<sup>33</sup> 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси://<https://president.uz/uz/lists/view/2228>

асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар ким ўзи яшайдиган уй, маҳалла ва кишлопни ободонлаштиришда ҳиссасини қўшса, юртимиз обод бўлади, обод юртда яшайдиган одамлар кайфияти яхши бўлиши таъминланади.

|  |  |
|--|--|
| <p>Хар бир туман ва шакар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чикиш</p>                               | <p><b>2019 ЙИЛДА<br/>“ОБОД ҚИШЛОК”<br/>ва<br/>“ОБОД МАҲАЛЛА”<br/>дастурлари ижроси учун<br/>4 ТРЛН СҮМДАН зиёд<br/>маблағ ажратили</b></p> |
| <p><b>2020 ЙИЛГА</b> қадар <b>60 %</b>га етказиш бўйича давлат дастури ишлаб чикиш</p>   | <p>Худудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиш</p>                                       |
| <p>Кишлоқ жойларидаги намунавий уй-жойлар куриш дастурларидан бошкимма бошким шаҳар ва посёлкаларни кўп каватли уйлар куришга ўтиш</p> | <p>Коммунал муҳандислик инфраструктурасини уй-жойларни куриш дастурлари билан узвий боғлиқ холда ривожлантириш</p>                         |

Шу билан биргалиқда, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган кишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарамасдан. улар учун зарурий шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмаган. Жумладан, сўнгти йилларда пахта, фалла ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ҳиссаси юқори бўлган дехкон-фермерларнинг ва бошқа тоифадаги аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжлари тўлиқ таъминланмаган.

2018 йил 27 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, аҳоли пунктларини обод масканларга айлантириш масалаларига бағишиланган видеоселектор йиғилишида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш ислоҳотларимиз орасида энг мухим ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки халқимиз олдида уларнинг

муаммоларини ҳал этиш, турмуш кечириш шароити ва ҳаёти сифатини яхшилаш бўйича мажбурият олганмиз", - деб таъкидланди.

Сўнгги йилларда янгилangan намунавий лойихалар асосида арzon уй-жойлар куриш хисобига кишлок аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПК-2639-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда кишлок жойларда янгилangan намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойларни куриш Дастурига мувофиқ янгилangan намунавий лойихалар асосида 53 мингдан зиёд арzon уй-жойлар ва квартиralар курилди, тураг жой шароитларини яхшилашга муҳтож 65 мингта яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, Дастур ижро килинишини ўрганиш якунлари кишлок жойларда арzon уй-жойларга талаб юқори эканлигини кўрсатди, янгича ёндашувларни ишлаб чиқишини тақозо этадиган уй-жойлар курилишини ташкил этиш ва муҳтож оиласаларни арzon уйлар билан таъминлаш бўйича бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди:

биринчидан, намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар курилиши учун кишлок хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига кирадиган ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур мақсадлар учун туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 1065 гектар ернинг 60 гектарга яқини кишлок хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига киради;

иккинчидан, курилаётган намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойларнинг нархини мақбуллаштириш ҳамда энергия самарадор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арzon курилиш материалларидан фойдаланган ҳолда меъморий ва техник ечимларни кўллаш етарли даражада таъминланмаяпти;

учинчидан, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар қурилишида ўзаро уйғунлик таъминланмайтгани натижасида республика бюджети, мақсадли жамғармалар ва ижрочилар маблаглари ортиқча сарф килинмоқда;

тўртинчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар куришда шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларини бузиш, курилиши-монтаж ишларини сифатсиз бажариш, лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 ноябрда “Кишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айrim тоифалари учун арzon уй-жойлар куришни кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4028 сонли Қарори қабул килинди<sup>34</sup>.

Қарорга кўра арzon уй-жойлар курилишини самарали ташкил этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли пунктларининг муҳандислик-транспорт коммуникацияларини ва инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини тўлиқ қондириш мақсадида қишлоқ жойларда уй-жой курилишини янада ривожлантириш ва муҳтоҷ оиласаларни арzon уй-жой билан таъминлашнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

уй-жойларни ҳудудий оптимал жойлаштириш хамда улар учун факат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифаларига кирмайдиган ер участкаларини тақдим этиш ҳисобига ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган оиласалар учун мўлжалланган арzon уй-жойлар куриш кўламини кенгайтириш;

уй-жойларнинг нархини пасайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида меъморий ва техник ечимларни мақбуллаштириш, маҳаллий курилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материалларни кенг кўллашни назарда тутувчи янги намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойларни куриш;

уй-жойларни тақдим этишда манзилилий, шаффофлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш тамойилларини инобатта олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уй-жойга муҳтоҷ оиласаларнинг эҳтиёжини қондириш;

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Кишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айrim тоифалари учун арzon уй-жойлар куришни кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4028 сонли Қарори // <http://lex.uz>

муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма обьектлари қурилишини "Обод қишлоқ" дастури билан ўзаро уйгунликда ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ жойларда самарали канализация тизимларини жорий этиш.

Дастур доирасида, 2019 йилдан бошлиб қуйидаги янги намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар қурилиши амалга оширилади:

"Обод қишлоқ" дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган худудларда 0,02 га ўлчамили ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арzon уйлар;

"Обод қишлоқ" дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган худудларда тўрт қаватли арzon кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар;

шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари учун беш қаватли арzon кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар.

Бунда бўш ер участкалари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида арzon кўп квартирали уйларни қуриш йўл бўйларида жойлашган яроқсиз уй-жойлар, бино ва иншоотларни бузиш хисобига бўшаган худудларда чизикли-қаторли кўринишда жойлаштирган ҳолда амалга оширилади.

Хозирда "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ томонидан маҳаллий қурилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материаллардан кенг фойдаланган ҳолда барпо этиладиган ва қишлоқ шароитига мослаштирилган арzon кўп квартирали уйларнинг (ёрдамчи иншоотлар ва ҳовли қурилмалари билан биргаликда) намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга киритиш бошланди.

4. 1-жадвал

**2019 йилда кишилүк жойларда ва фуқароларнин алохода тоифалари учун арzon уй-жойлар курилиши  
бүйича йигма күрсөткіччлар<sup>35</sup>**

| Худудлар номы                | Жами (дона)                        |                            |                 |                                  |                   | Шу жумладан күйидатилар учун: |                     |   |                        |            |
|------------------------------|------------------------------------|----------------------------|-----------------|----------------------------------|-------------------|-------------------------------|---------------------|---|------------------------|------------|
|                              | арzon уй-жойлар да<br>ва кварталар | арzon<br>күннөмүн-<br>авий | квартира<br>лар | шаронстини<br>яхшилдешта<br>туыш | алохода<br>намұна | отир<br>жетекші               | Мудофаа<br>валидиги | Миллий<br>гвардия-<br>нинг харбий<br>хизметчиләри | ички<br>орган-<br>лары |            |
| Коракалпогистон Республикасы | 866                                | 146                        | 29              | 720                              | 575               | 51                            | 120                 | 60  | 30                     | 30         |
| Андижон вилояти              | 1 550                              | 224                        | 54              | 1 326                            | 1 263             | 25                            | 112                 | 90  | 30                     | 30         |
| Бухоро вилояти               | 890                                | 242                        | 26              | 648                              | 648               | 34                            | 88                  | 60  | 30                     | 30         |
| Жиззах вилояти               | 932                                | 92                         | 34              | 840                              | 688               | 28                            | 96                  | 60  | 30                     | 30         |
| Кашкадарё вилояти            | 1 205                              | 365                        | 34              | 840                              | 911               | 70                            | 104                 | 60  | 30                     | 30         |
| Навоий вилояти               | 696                                | 144                        | 22              | 552                              | 452               | 60                            | 64                  | 60  | 30                     | 30         |
| Наманган вилояти             | 1 528                              | 226                        | 53              | 1 302                            | 1 268             | 22                            | 88                  | 90  | 30                     | 30         |
| Самарқанд вилояти            | 1 900                              | 370                        | 62              | 1 530                            | 1 508             | 70                            | 112                 | 120   | 30                     | 60         |
| Сурхондарё вилояти           | 1 001                              | 401                        | 24              | 600                              | 773               | 44                            | 64                  | 60  | 30                     | 30         |
| Сирдарё вилояти              | 696                                | 288                        | 16              | 408                              | 427               | 45                            | 104                 | 60  | 30                     | 30         |
| Тоқіктент вилояти            | 1 210                              | 130                        | 42              | 1 080                            | 664               | 66                            | 120                 | 180   | 90                     | 90         |
| Фарғона вилояти              | 1 584                              | 252                        | 54              | 1 332                            | 1 192             | 92                            | 120                 | 90  | 30                     | 60         |
| Хоразм вилояти               | 952                                | 112                        | 34              | 840                              | 701               | 51                            | 80                  | 60  | 30                     | 30         |
| <b>Жами:</b>                 | <b>15 010</b>                      | <b>2 992</b>               | <b>484</b>      | <b>12 018</b>                    | <b>11 070</b>     | <b>658</b>                    | <b>1 272</b>        | <b>1 050</b>                                      | <b>450</b>             | <b>510</b> |

<sup>35</sup> Мамба: Узбекистон Республикасы Президенттің 2018 йыл 24 наурыздағы “Кишилүк жойларда ва фуқароларнинг алғын тоифалардың арзуларынан күйидатилар туралы” тағызаулықтың 1-жадвалында көрсөткілген.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги ва Курилиш вазирлиги томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда марказлашган канализация, газ ва иссиқлик таъминоти тизимлари билан таъминланмайдиган арzon кўп квартирали уйлар учун мўлжалланган локал оқова сув тозалаш иншоотлари ва қаттиқ ёкинига ишловчи энергия самарадор иситиш қозонлари жорий этилмоқда.

Карор билан 2019-2020 йилларда кишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун арzon уй-жойлар курилиши бўйича, шунингдек арzon уй-жой массивларида ташки мухандислик тармоклари, иншоотлари ва транспорт коммуникациялари курилиши бўйича йиғма кўrsatкичлар тасдиқланди (4.1-жадвал).

Ушбу кўrsatкичларга кўра 2019 йилда жами 15 минг 10 та арzon уй-жойлар ва квартиralар курилиши режалаштирилган. Шунингдек, 2019 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифалари (Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия харбий хизматчи-лари ва ички ишлар органлари ходимлари) учун жами 2 минг 10 та квартиralар курилади.

2019-2020 йилларда кишлоқ жойларда арzon уй-жойлар курилиши бўйича асосий параметрлар аниклаштирилди ва унга кўра 2019 йили харажатларнинг тахминий қиймати 294,8 млрд сўмни, 2020 йилда эса 339,0 млрд сўмни ташкил этади.

2019 йил 1 июлгача арzon уй-жойлар курилиши мониторинги бўйича ахборот тизими ишлаб чиқилади.

Эндилиқда мухандислик-транспорт коммуникацияларига уланмаган, узлуксиз электр ва сув таъминоти йўлга кўйилмаган арzon уй-жойлар фойдаланишга кабул қилинмайди.

Тижорат банклари уй-жой курувчиларга 2 йиллик имтиёзли давр ҳамда 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси микдорида:

кишлоқ жойлардаги арzon уй-жойларни сотиб олиш учун – 20 йил муддатта ва бошланғич бадали 10 фоиз микдорида;

фуқароларнинг алоҳида тоифалари томонидан арzon кўп квартирали уйларни сотиб олиш учун – 15 ийл муддатга ва бошлангич бадали 25 фоиз микдорида ипотека кредитлари тақдим этади.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини амалга оширишда “Қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар куриш дастурларидан босқичмабоскич шахар ва посёлкаларда кўп қаватли уйлар куришга ўтишимиз лозим. Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси хам уй-жойларни куриш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиши даркор.”-деб таъкидланди<sup>36</sup>.

Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси хам уй-жойларни куриш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланишини таъминлашга замин яратувчи 2019-2020 йилларда арzon уй-жой массивларида ташки муҳандислик тармоқлари, иншоотлари ва транспорт коммуникациялари курилиши бўйича йиғма кўрсаткичлар тасдиқланди (4.2-жадвал).

Юкоридаги жадвалларда келтирилган кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Курилиш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Қишлоқ қурилиш инвест ИК" МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва депутатларга Мурожаатномасида пойтахт ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларни эмас, аввало, худудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантириш зътибор марказида туриши кераклигини қайд этилди.

<sup>36</sup> 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси://<https://president.uz/uz/lists/view/2228>

#### 4.2-жадвал

2019-2020 йилларда кашлук жойларда арzon уй-жой массивеларида ташки мухандислик тармоқлари,

иншиоотлар ва транспорт коммуникациялари курилиши бүйнчى яңгыра күрсаткىчлар<sup>37</sup>, км

| Худудлар номи               | Ичимлик сүви тармоқлари | Локал оқава-тозалаш иншиоотлары (дона) | Канализация тармоқлари | Электр тармоқлари | Газ тармоқлари | Каттак ёкылғыда ишловчи иссилик иншоотлари (дона) | Кириш на ички йүллар (цемент-бетон колтамалы) |
|-----------------------------|-------------------------|--|------------------------|-------------------|----------------|---|---|
| Коракангиистон Республикасы | 16,8                    | 36                                     | 14,0                   | 14,3              | 13,4           | 100,0   | 7,3   |
| Андижон вилоити             | 33,4                    | 92                                     | 35,2                   | 28,7              | 29,2           | 26,0  | 15,5  |
| Бухоро вилоити              | 23,3                    | 40                                     | 15,4                   | 19,8              | 17,2           | 10,0  | 9,7   |
| Жиззах вилоити              | 17,5                    | 46                                     | 20,2                   | 15,1              | 16,3           | 16,0  | 8,4   |
| Кашкадарё вилоити           | 33,9                    | 48                                     | 20,4                   | 28,8              | 24,5           | 10,0  | 13,9  |
| Навоий вилоити              | 15,8                    | 30                                     | 12,4                   | 13,5              | 12,4           | 10,0  | 6,8   |
| Наманган вилоити            | 33,6                    | 86                                     | 34,6                   | 28,8              | 29,3           | 28,0  | 15,5  |
| Самарқанд вилоити           | 44,2                    | 106                                    | 39,2                   | 37,8              | 35,9           | 28,0  | 19,5  |
| Сурхондарё вилоити          | 32,1                    | 32                                     | 13,6                   | 27,1              | 21,0           | 16,0  | 12,4  |
| Сирдарё вилоити             | 22,1                    | 20                                     | 8,2                    | 18,6              | 14,0           | 6,0   | 8,4   |
| Ташкент вилоити             | 19,8                    | 30                                     | 18,6                   | 17,0              | 17,4           | 16,0  | 9,2   |
| Фарғона вилоити             | 35,1                    | 86                                     | 34,6                   | 30,1              | 30,1           | 26,0  | 16,0  |
| Хоразм вилоити              | 18,7                    | 56                                     | 21,2                   | 16,1              | 16,9           | 18,0  | 8,8   |
| <b>Жамкى:</b>               | <b>346,3</b>            | <b>708</b>                             | <b>287,6</b>           | <b>295,6</b>      | <b>277,4</b>   | <b>220</b>  | <b>151,6</b>                                  |

<sup>37</sup> Матбаа: Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 наувардаги “Кишилж жойларда ва фуркорларниң айрым тоифалари учун арzon уй-жойлар курилиши көнгантаринга оид кўшичма чора-гадибрар тутрисида”, ги ПК-4028 солини Каюри // <http://lex.uz>

Бош вазир А.Арипов мамлакатимиз аҳолисининг урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқиши масъул этиб белгиланди.

**Урбанизация** (франс. *урбанизацион*, лот. *урбанус* — шахарга мансуб, *урбс* — шахар) — жамият хаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши; ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашви, аҳолининг ижтимоий, демографик тарқиби, турмуш тарзи ва маданиятидаги ўзгаришлар билан боғлик.

Урбанизация — тарихий ривожланиши асосида шаклланган жамият босқичлари ва худудий меҳнат тақсимиоти натижасида содир бўлган кўп киррали географик, ижтимоий-иктисодий ва демографик жараёндир. Урбанизациянинг торроқ доирадаги демографик-статистик тушунчаси дунёда, алоҳида худудларда, мамлакатларда шаҳарларнинг (айникса, катта шаҳарларнинг) ва шахар аҳолиси саломининг кўпайиб боришини англатади.

Урбанизация жараёни ҳозирги аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятини ва илмий-техник тараккиёт ўчиги эканлигини исботловчи бир қатор олимларнинг қарашларини ўрганиб чиқайлик<sup>38</sup>.

Урбанизация жараёни бутун дунёда рўй бермоқда, аммо Осиё ва Африка аҳолисининг катта кисми ҳали ҳам кишлок жойларда истиқомат киласди.

Дунёнинг 40 та иирик мегаполисида аҳолининг атиги 18 фоиз кисми истиқомат қиласди. Барча ишлаб чиқарилаётган иқтисодий неъматларнинг учдан икки кисми ва яратилаётган инновациянинг ўндан тўккиз кисми айнан уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Шаҳарлар ҳамиша инсоният тараккиётининг маркази бўлиб келган. Айнан шаҳарларда фаровонлик тўпланади ва миллионлаб инсонларнинг ҳаёт даражаси ошади. Шаҳар мухитида ҳамкорлик ва ўзаро алокалар жипслиги таъминланиб, инсонлар фолиятидаги ижодкорлик ва самарадорликка ижобий таъсири ўтказади.

Шаҳарлар бугунги куннинг инсонлар, иш ўринлари ва иқтисодий юксалиш учун зарур бўлган ресурсларни бирлаштирувчи муҳим ижтимоий-иктисодий тузилмасидир.

<sup>38</sup> Н. Икромов, Б. Ҳошимов. Иктиносидчилар урбанизация тарафдори. [www.biznes-daily.uz/uz/mening-mulkim/60097-iktisosidchilar-urbanizatsiya-tarafdori](http://www.biznes-daily.uz/uz/mening-mulkim/60097-iktisosidchilar-urbanizatsiya-tarafdori)

Гарвард университети иқтисодиётчisi Эдвард Глейзер таъбири билан айтганда эса “Шаҳарлар инсониятнинг энг буюк ихтиросидир”.

Нима учун?

Биринчидан, исталган маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорликнинг юкори нуқтасига миқёс кенгайиши хисобига эришади. Ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларининг етарлилиги боис ахоли зич яшайдиган худудларда осонгина эришиш мумкин. Одатда шаҳарда ахоли сонининг кўплиги ишчилар ёллашни осонлаштиради. Аксарият банк ва инвестиция фондлари ҳам шаҳарларда жойлашади, бу эса корхоналар учун инвестиция жалб этиш имкониятини оширади.

Иккинчидан, транзакция харажатлари шаҳарларда кам бўлади: корхоналар зарур мутахассисни, керакли маҳсулот ва хизматни топиши айнан шаҳарларда осонроқ. Шаҳарда ҳамкорлар, мижозлар, юридик ва бухгалтерлик ёрдами хизматларига эга бўлиш харажатлари ҳам камаяди. Бундан ташкири, фақаттинга катта шаҳарларда фаолият юритиши манфаат келтирадиган айрим тадбиркорлик фаолиятлари ҳам мавжуд. Масалан, концерт заллари, кўргазма заллари ёки чукурлаштирилган нейрохирургия клиникалари фақат ахоли зич бўлган жойларда ўз фаолиятини оклади. Энг муҳим сабаб эса интеллектуал ҳамкорлик ва фикрлар алмасиши имкониятининг мавжудлигидир.

Шаҳар – илмий-техник тараққиёт ўчоги, чунки Тарихда деярли барча илмий-техник қашфиётлар шаҳарларда амалга оширилган. Айтиш мумкинки, шаҳарлар юзага келгандан кейингина ихтиrolарга йўл очилган.

Ижтимоийликка зид бўлган, кенг тарқалган, олисдаги қишлоқда қашфиёт килган якка даҳо образи – шунчаки афсона. Илмий тараққиёт жамоавий жараён хисобланади. Фан тарихидаги барча жиддий қашфиётлар бошқа олимлар билан тифиз ҳамкорлик ва фикр алмашинувлар орқали амалга оширилган. Шаҳардаги ахолининг зичлиги олимларга қишлоқлик зиёлилар фақаттинга орзу қилиши мумкин бўлган, фаолияти ўхшашиб кўплаб инсонлар билан мулоқот қилиш имконини беради.

Инновацион ва ижодий фаолият учун инсонларнинг ўзаро мулоқоти зарурлигини исботловчи далил сифатида Аристотель

академияси каби қадимги юонон мутафаккирлари мактабларини ҳам, “Amazon” ёки “Яндекс” каби замонавий технологик компанияларни ҳам келтириш мумкин. Электрон коммуникациялар даврининг бошларида технологик компаниялар ўз ходимларига идорага келмаслик ва масофадан туриб ишлаш учун рухсат бера бошлагандилар. Аммо ходимларнинг ижодий фаолияти самарадорлиги кескин тушганини пайқагач, “IBM” ва “Google” каби компаниялар мазкур масалани кайта кўриб чиқдилар ва эндиликда ходимларидан идорада бўлишни талаб килмоқдалар. Мা�ълум бўлишича, Skype юзма-юз мулокотнинг ўрнини боса олмас экан.

Етакчи инновация маркази бўлган Калифорниядаги Кремний водийси юкори даражали университетлар ва технологик компанияларнинг оқилона тарзда бир ерда жойлашгани сабабли шу даражага етган.

Шаҳарларнинг ғоялар инкубатори сифатидаги ахамиятини Эдвард Глейзер ўзининг “Шаҳар тантанаси” китобида алоҳида қайд этади. У илм истаб Хоразмдан Бағдодга йўл олган ва бу ерда катта илмий кашфиётлар килиб, юксак рутбага эришган, кейинчалик Хорун ар-Рашид томонидан таъсис этилган Маъмун академиясида барча фанлар раҳбари лавозимига тайинланган буюк аждодимиз Ал-Хоразмийни мисол килиб келтиради. Ўша вақтда Бағдод энг йирик ва аҳолиси зич ҳамда илмда анча илгарилаб кетган шаҳарлардан бири бўлган. Самарқанд, Бухоро ва Буюк Илак йўлининг бошқа шаҳарлари ҳам кейинчалик фан ва маърифат ривожланган шаҳарларга айлангани таажжубланарли эмас. Бизнинг шаҳарлар ривожланишининг тарихий тажрибаси келгусида урбанизациянинг муваффақиятли бўлишига ҳамда мамлакат фаровонлиги кўп жиҳатдан шунга боғликлigi борасида умид ўйғотади.

Урбанизация жараёнининг ривожланиши шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши, шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши, шаҳар атрофи ҳудудларининг маъмурий жиҳатдан шахарга кўшилиб бориши, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомини олиши билан боғлиқдир. Шаҳарларнинг ўсишида шаҳар атрофи зоналарида шаҳар турмуш тарзининг шаклланиб бориши, яъни урбанизация

жараёнининг кучайиши ҳам аҳамиятлидир. Катта шаҳар атрофида кичик шаҳарлар пайдо бўлиб, катта шаҳарларга қўшилиб боради ва шаҳарлар агломерацияси ҳосил бўлади. Ривожланган мамлакатларда агломерация жараёни авж олган, алоҳида агломерацияларнинг қўшилиб кетиши натижасида мегаполислар вужудга келмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан бир қаторда шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёни тегишли даражада хисобга олинмаган. Натижада сўнгги йилларда урбанизация даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда, шаҳар аҳоли пунктлари сони эса атиги 1065 дан 1071 гача кўпайган<sup>39</sup>.

Йирик кишлек аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига айлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, бутунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожланириш бўйича замонавий талабларига жавоб бермайди ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада қолиб кетмоқда. Бунда урбанизация даражаси ҳанузгача барқарор хусусиятта эга эмас.

Урбанизация жараёнларининг давлат томонидан самарали тартибиға солинишини таъминлаш ҳамда ер участкаларининг айланмаси ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиши максадида қўйидагилар мамлакатда урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари хисобланади:

мутлако янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш асосида урбанизация жараёнларини фаоллаштириш, бунда мухандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминланган, ипотекани кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оиласлар учун арzonлаштирилган турар жойларни куришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-куватлаш бўйича маҳсус чора-тадбирларни назарда тутиш;

жисмоний ва юридик шахслар учун турар жой ва нотурар жой бино ва иштоотлар остидаги ер участкаларига эгалик қилиш хукукини амалга

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5623 сонли Фармони //http://lcs.uz

оширишни кафолатлаш, ер участкаларини фуқаролик муюмаласига киритиш учун шарт-шароитлар яратиш;

миграция жараёнларини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин харакатланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

йирик шаҳарлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий ва саноат ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш хисобига ушбу шаҳарлар аҳолисини тўлик ва самарали бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, шунингдек, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари асосида технопарклар ташкил килиш ва уларнинг тизимини мустахкамлаш;

аввалимбор саноат, хизмат ва сервис соҳаларида аҳолининг даромадларини ошириш ва барқарор иш жойларини яратиш омили сифатида агломерацияларнинг афзаликларидан фойдаланишни назарда тутган ҳолда ўрта шаҳарларни, шу жумладан, туман марказларини бошқаришда илғор ҳалқаро тажрибани кенг жорий этиш;

йирик шаҳарларга туташ бўлган ва кулагай транспорт алоқасига эга йўлдош-шаҳарлар тармоғини кенгайтириш, йирик шаҳарларнинг марказий қисмида саноат ва бошқа зоналар ҳудудларини қисқартирган ҳолда ижтимоий-ишибилармонлик зоналар ҳудудларини кенгайтириш.

Мазкур йўналишдаги давлат сиёсатини амалга ошириш ва вазифаларни тизимли бажарилишини таъминлаш мақсадида давлат раҳбарининг “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари ичida “урбанизация соҳасида давлат сиёсатини кучайтириш, ишлаб чиқаришларни оқилона жойлаштириш, турар жойларни мухандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда куришни инобатга олган ҳолда урбанизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солишини таъминлаш, шунингдек, ер

участкаларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этиш” алоҳида белгилаб берилди<sup>40</sup>.

**Урбанизация агентлиги нинг асосий вазифалари:**

урбанизацияни тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

саноатлаштириш сиёсатининг суръатлари, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатли режалаштириш, шаҳар ва қишлоқлардаги узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил килиш, жадал саноатлаштириш шароитида шаҳарларнинг демографик сигимлари ҳамда ишчи кучига бўлган аҳтиёжларини хисоблаш;

“ўсиш полюслари”ни аниқлаш, бошқарув марказлари жойларини танлаш, таълим, меҳнат бозорини шакллантириш, ички ва ташки миграция соҳаларидағи сиёсатни келишиш;

қишлоқ аҳолисини янги саноат иктиносликларига ўқитиш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор институционал ва ташкилий чора-тадбирларни белгилашни назарда турувчи, ишни кучининг қишлоқлардан шаҳарларга ҳаракатланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши;

илгор, энергия тежовчи, экологик тоза технологиялар ва материалларни жорий этиш асосида ҳамда иктиномий, мұхандислик-коммунал ва йўл-транспорт инфраструктурунини қамраб олган йўлдош-шаҳарлар

жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини жойлаштириш тизимини комплекс ривожлантиришни тартибга солиш, кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларнинг самарали нисбатини шакллантириш.

**Мазкур вазирлик таркибида урбанизацияни тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Урбанизация агентлиги ташкил этилди.<sup>41</sup>**

2019 йил 1 июлга қадар «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Конун лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилади.

Йирик шаҳарларга туташ аҳоли пунктлари инвентаризациядан ўтказилади ҳамда амалга оширилган ишлар натижаларига кўра 2019 йил 1 ноябргача ўрта муддатли даврда йўлдош-шаҳарларга айлантириладиган аҳоли пунктлари рўйхати шакллантирилади.


2019 йил 1 июня кадар 2020-2025 йилларда комплекс уй-жой куриш давлат дастурларининг асосий прогноз параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги Президент карори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Иктисолий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5621 сонли Фармони //http://lex.uz

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5623 сонли Фармони //http://lex.uz

Шунингдек, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида урбанизацияни тартибга солишни таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Йўл харитаси доирасида Уй-жой кодекси ҳамда Ер кодексининг янги таҳирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилади.



**4.2-расм. Ўзбекистонда доимий аҳоли сонида шахар ва кишлоқ жойларнинг иисбати (фоизда)<sup>42</sup>**

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча худудларида аҳолининг урбанизация даражаси доимий равишда ўсиб бормокда. Кишлоқ аҳолиси сонининг камайганлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 13 мартағи 68-сонли қарорига кўра республикада 965 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади. Ҳукумат қарорига мувофиқ, жумладан, Коракалпогистон Республикасида – 11 та, Андижон вилоятида – 76 та, Бухоро вилоятида – 59 та, Жizzах вилоятида – 33 та, Кашикадарё вилоятида – 117 та, Навоий вилоятида – 29 та, Сурхондарё вилоятида – 106 та, Сирдарё вилоятида – 15та, Тошкент вилоятида – 78 та, Фарғона вилоятида – 198 та, Хоразм вилоятида – 50 та қишлоқ шаҳар посёлкаларига айлантирилди.

Шунингдек, ўтган йилда республикамизда имтиёзли ипотека

<sup>42</sup> Арабов Н. У., Насимов Д. А. Ўзбекистон Республикасида демографик вазият шекланишининг хусусиятлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил

кредитлари асосида арzon уй-жойлар куриш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Унга асос сифатида Республикализ шаҳар ва қишлокларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлда қабул килинган “2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар ва шаҳарларда арzon кўп квартирали уйлар куриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул килинди.<sup>43</sup> Қарорга кўра 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатта, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида ипотека кредитларини беришжорий қилинди.

**Қарорда белгиланган тартибга кўра қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар куриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:**

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арzon уй-жойлар учун – 10 фоиз миқдорида;

0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арzon уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган 3, 4 ва 5 хонали арzon уй-жойлар учун – 25 фоиз миқдорида бўлишини назарда тутилади.

Шаҳарлarda ёш оиласарга, эски уйларда яшовчиларга ва турар жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётта жорий этган ҳолда, арzon кўп квартирали уйларни ўртacha 15 фоиз миқдоридаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш имкони пайдо бўлди.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги “2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар ва шаҳарларда арzon кўп квартирали уйлар куриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3863-сонли Қарори // <http://lex.uz/docs/3829088>

Мазкур ипотека кредитлари 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси микдорида берилади.

Ўзбекистонда жамиятни ривожлантиришда урбанизация даражасининг ортиши билан боғлиқ шаҳар ролининг кенгайиши жараёни муҳим аҳамиятга эга. Шаҳарларда саноатнинг ривожланиши, уларнинг сиёсий ва маданий функцияларининг кенгайиши, ҳудудий меҳнат таҳсисотининг чуқурлашиши ана шу жараён хусусиятларидир.

Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг долзарблиги республика Марказий Осиёда ахолиси энг зичлиги билан изоҳланади. Кейинги 30 йил мобайнида республикада аҳоли зичлиги икки баробарга ортди. Бирок аҳоли мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича бир текис жойлашмаган. Бугунги кунда Ўзбекистон ахолисининг 50,6 %и шаҳарларда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасига мувофиқ, аҳоли пунктлари энг йирик шаҳарлар, йирик шаҳарлар, ўртача шаҳарлар, кичик шаҳарларга бўлинади.

4.3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ахолисининг сони 20 минг кишигача бўлган шаҳарларнинг умумий сони 35 та бўлиб, улар мамлакат шаҳарлари тизимининг 29,4 %ини ташкил этади. Уларда 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика шаҳарлари ахолисининг 37,5 %и яшайди. Ахолиси 20 мингдан 50 мингтacha бўлган шаҳарлар 48 та (шаҳарлар тизимининг 40,3 %и) бўлиб, ўтган йили уларда истиқомат килувчилар жами шаҳарда яшовчиларнинг 13,9 %ини ташкил этган. Ўртача шаҳарларда (ахолиси 50-100 минг бўлган 19 та шаҳар) шаҳар ахолисининг 8,2 %дан ортиги, катта шаҳарларда (100 минг кишидан 250 минг кишигача) 9,5 %и, йирик шаҳарларда (250 минг кишидан 1 млн. кишигача) 16,0 %и, энг йирик шаҳарларда (1 млн. кишидан кўп) 14,8 %и истиқомат қиласди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон шаҳарларининг кўпчилигини (шаҳарлар тизимининг 69,7 %и) кичик ва ўрта шаҳарлар ташкил этади. Уларда шаҳарлар жами ахолисининг 59,6 %и яшайди.

#### 4.3-жадвал

#### Ўзбекистонда шахар ва шахарчаларда доимий ахоли сони<sup>44</sup>

(МИНГ КИШИ)

| Kўрсаткичлар  | 2011 й.        | 2012 й.        | 2013 й.        | 2014 й.        | 2015 й.        | 2016 й.        | 2017 й.        | 2018 й.        | 2011-2018<br>й.й.да<br>јўши<br>(%) |
|---|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|------------------------------------|
| <b>Шахар ва<br/>шахарчалар-<br/>Жами,<br/>шундан<br/>яшовчилар<br/>сонига кўра,<br/>минг киши</b> | <b>14897,4</b> | <b>15143,2</b> | <b>15370,1</b> | <b>15555,2</b> | <b>15748,0</b> | <b>15963,9</b> | <b>16250,8</b> | <b>16532,7</b> | <b>111</b>                         |
| <b>З гача</b>   | <b>792,9</b>   | <b>758,8</b>   | <b>750,1</b>   | <b>725,4</b>   | <b>682,5</b>   | <b>637,0</b>   | <b>615,2</b>   | <b>577,1</b>   | <b>72,8</b>                        |
| 3-4,9   | 1421,8         | 1442,4         | 1419,8         | 1504,3         | 1552,9         | 1593,0         | 1547,4         | 1534,6         | 107,9                              |
| 5-9,9   | 1758,2         | 1804,4         | 1882,2         | 1915,4         | 1934,2         | 1969,1         | 2021,2         | 2058,3         | 117,1                              |
| 10-19,9   | 1793,4         | 1747,8         | 1762,1         | 1813,8         | 1792,9         | 1860,2         | 1905,1         | 1955,1         | 109,0                              |
| 20-49,9   | 2012,4         | 2012,1         | 2029,3         | 2051,3         | 2155,6         | 2185,3         | 2255,6         | 2333,9         | 116,0                              |
| 50-99,9   | 1237,8         | 1352,8         | 1366,7         | 1285,0         | 1302,3         | 1321,4         | 1339,7         | 1388,6         | 112,2                              |
| 100-249,9   | 1837,5         | 1856,9         | 1874,7         | 1995,1         | 1764,3         | 1533,4         | 1552,4         | 1597,7         | 86,9                               |
| 250-499,9   | 1754,5         | 1866,0         | 1891,2         | 1618,9         | 2198,9         | 2478,2         | 2006,8         | 1527,5         | 87,1                               |
| 500-999,9   | -              | -              | -              | -              | -              | -              | 590,2          | 1102,0         |                                    |
| <b>1 мин. ва юкори</b>  | <b>2288,9</b>  | <b>2302,0</b>  | <b>2354,0</b>  | <b>2346,0</b>  | <b>2364,4</b>  | <b>2386,3</b>  | <b>2417,2</b>  | <b>2457,9</b>  | <b>107,4</b>                       |

<sup>44</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика бўйичаси мавзумоттари.

## **5-§. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

---

Мамлакатимизда иқтисодиётни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш, макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан кенг кўламли ишлар, шунингдек саноатни модернизация қилиш ва замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Республикамида хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармок дастурларини рӯёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоги улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Мамлакатимизда инвестицион ҳолатнинг жорий йил 9 ойлик натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, соҳада ижобий ўзгаришлар рўй бераеттганлигини кузатишимиш мумкин. Жумладан, жорий йил давомида давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 1172 та олди-сотди шартномалари бўйича 240,9 млн. АҚШ доллари ва 1846,8 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Шулардан, 18 та олди-сотди шартномалари хорижий инвесторлар билан тузилган. Юқоридаги шартномаларга кўра, бажарилган инвестициялар умумий миқдори 130,6 млн. АҚШ доллари ва 1009,0 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 11950 дан ортик янги иш ўринлари яратилди. Амалдаги шартномаларга кўра, йил бошидан инвесторлар томонидан 9,4 млн. АҚШ доллари ва 353,3 млрд. сўм инвестиция киритилиши

белгиланган бўлиб, ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажми 20,1 млн. АҚШ доллари ва 447,0 млрд. сўмни ташкил этди.<sup>45</sup>

Инвестицион фаолият соҳасида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни кўллашга асосланган инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни муваффа-киятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вактида аниқлаш ва бартараф этишга тўскинилк килаётган бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмокда. (5.1-расм)

### **Инвестиция лойиҳаларни бошқариш тизимидағи камчиликлар:**

- давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиха бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслиги;
- лойиҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор кузатиш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлиги;
- давлат ва худудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиқлик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек турли хил сунистемолчилик ҳолатларини көлтириб чиқараётганлиги;
- амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асослантирилганлиги ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек уларнинг қийматини ошириб кўрсатиш ва бошқа

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси иктисолиёт вазирлиги маълумотлари.

сунистемолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар  
самарадорлигининг пастлиги

Юкорида келтирилган ҳолатлар давлат бошқаруви тизими, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ килиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланишини таъминловчи, лойиха бошқаруви принципларига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиши ва назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни талаб қилади. Ушбу камчиликларни тезкор бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 24 июлда “Ўзбекистон Республикасида лойиха бошқаруви тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ти Фармон имзоланди. Ушбу фармонга асосан давлат дастурлари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Лойиха бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими яратилиши назарда тутилган.

Инвестиция лойихаларини молиявий таҳлил этиш уларнинг самарадорлигини очиб беришда марказий ўринни эгаллайди. Молиявий таҳлил лойиҳадан келадиган самара унинг ҳар бир иштирокчиларининг ўз мақсадларидан келиб чиқиб, лойиҳани амалга оширишдаги эришилиши лозим бўлган натижаларни кўлга киритиш имкониятларини очиб беради. Бозор ислохотларигача бўлган даврда, яъни марказлаштирилган режалаштириш тизими амал қилган пайтда капитал кўйилмаларнинг самарадорлитини баҳолаш академик Т.С.Хачатуров илмий бошчилигига ишлаб чиқилган услуг асосида амалга оширилар эди. Бунинг асосида капитал кўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тамойиллари самарадорликнинг тармоқ меъёр коэффициенти ёрдамида таққослама иқтисодий самарадорликни хисоблаш йўли билан абсолют ва нисбий кўринишлардаги уларнинг қопланишини хисоблаш усуллари ётади. Рискларни таҳлил килиш ва баҳолаш борасида етакчи мутахассис

Бхалла томонидан 1983 йилда ишлаб чиқилган “Хорижий инвестиция риск матрицаси” (Foreign Investment Risk Matrix (FIRM)) түгридан-түгри хорижий инвестициялар бўйича қарор қабул қилиш учун сиёсий ва иқтисодий рискларни баҳолаш учун ишлатилади. FIRM дан сиёсий ва иқтисодий рискларга асосланган ҳолда мамлакатларни инвестицияларни қабул қила оладиган, қабул қила олмайдиган ёки инвестициялар учун ноаниқ мамлакатлар гурухларига бўлинишини ўзида ифода этадиган матрицани ишлаб чиқиш учун фойдаланилиши мумкин<sup>46</sup>.

Инвестициялари вариантиларини таълашда ҳам ушбу услубларнинг ўзига хос ўрни бор эди, лекин улар қаттиқ докматик андозалар тизими билан чегараланган эди.

Шунинг учун ушбу услубларда зарур бўлган кўрсатмалар йўқ эди, яъни булар: бозор иқтисодиёти учун муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ноаниқлик ва рисклар, инфляция шароитидаги реал ва номинал қийматларни баҳолаш ва шу кабилардир. Шунингдек капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини аниқлашда, баҳолашда иқтисодий, ижтимоий ва айниқса, маркетинг жиҳатлари ҳамда лойиҳа иштирокчиларининг манфаатлари етарлича хисобга олинмаган эди, пул оқими таҳлили, баланс таҳлили, амортизация хисоби ва бошқаларга бўлган эътибор унинг учун хос эмас эди.

Юқоридаги ҳолатларни хисобга олмаслик маъмурий бошқариш даврига мос келади, чунки унда давлат мулки ҳукмрон хисобланар ва бу борада ундан бошқа манфаатдорлар йўқ эди. Бундан ташкири, ҳар бир лойиҳа давлат томонидан белгиланган дастурлар орқали молиялаштирилар, лойиҳанинг самарадорлиги, кредитнинг кайтарилиши учунлик аҳамиятга эга эмас эди. Шунингдек хусусий тадбиркорликнинг мавжуд бўлмаганлиги инсонларни мустакил бир иш килишларига ва фаолият олиб боришлирга йўл бермас эди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестиция лойиҳаси, энг аввало, маълум бир мақсадни қўзлаган ҳолда кўпчиликнинг (loyiҳa иштирокчилари ва ахолининг)

<sup>46</sup> Uwe Gotze, Deryl Northcott, Peter Shuster. Investment Appraisal: methods and models. Second Edition. Springer – 2015. Page 42

манфаатларини эътиборга олиш билан амалга оширилиши лозим. Хозирги иқтисодий вазият, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидаги вазифалар, инвестиция лойиҳасини амалга оширишда бир неча манфаатларнинг ўзаро тўқнаш келиши жаҳон иқтисодиётидаги энг етук тажрибаларни Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш барча соҳалардаги каби инвестиция лойиҳалари таҳлилида ҳам услубий ўзгаришларга эришишни тақозо этди ва уни муҳим вазифа сифатида қўйди.

Ушбу вазифани ечишда муаллифлари В. В. Беренс, П. М. Хавранеклар бўлган “Руководство по оценке эффективности инвестиций” китобида инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда “ЮНИДО” услубиёти кенг тадқик этилган бўлиб, бу услубиёт лойиҳаларни таҳлил этишда аҳамиятли ўрин тутади. Ушбу услубда у ёки бу лойиҳани молиялаштиришда қарорлар қабул қилиш, шунингдек инвестиция олди тадқиқотлари учун мўлжалланган капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолашнинг жаҳон тажрибаси муфассал ёзилган. Буларнинг барчаси бозор таҳлилининг жиҳатларига, шунингдек техник-иктисодий асослашдаги саволларга, яъни хом ашё базасини баҳолаш, курилиш майдонини танлаш, лойиҳалаштириш ва технологияларни танлаш, инвестиция лойиҳаларини инвесторларнинг ўз маблағлари эвазига, шунингдек ташки молиялаш манбалари эвазига молиялаштиришни таъминлаш, инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш (булар даромадлиликнинг ички меъёри, соф дисконтлаштирилган даромад ва х.к.) жараёнларига тегишлидир.

Инвестицияларни баҳолаш учун шароитлар мавжуд бўлганда, лойиҳани тайёрлаш молиявий ва иқтисодий таҳлиллар талабларига мувофик ҳолда ўтказилиши керак.

Инвестициялаш молиявий ва иқтисодий нуктаи назардан келгусида инвестицияларнинг умумий бошлангич қийматини оширувчи соф фойдани ҳосил қилиш ва олиш мақсадида барча турдаги молиявий, иқтисодий ресурсларнинг узоқ муддатга қўйилиши сифатида аниқланиши мумкин.

Ушбу қўйилманинг асосий жиҳати - бу молиявий ресурсларни (яни инвесторнинг ўз ва қарз маблағларини) инвестор томонидан ишлаб чиқариш активларига қўйилган асосий ва соф айланма капиталга айлантириш. Қизиқишиларни назорат килиш учун турли хил маъмурий ва фискал тадбирлар қўлланилади. Бу тадбирлар ҳам рағбатлантирувчи, ҳам чегараловчи бўлиб, лойиҳани баҳолаш ва молиявий таҳлил жараёнларига киритилиши ва аниқланиши лозим.

Капитал қўйища фойда инвестиция қарорларининг бош мезони бўлсада, у саноат инвестицияларининг бирдан-бир йўли ҳисобланмайди, чунки молиявий ресурсларни турли хил кимматли қоғозларга ҳам жойлаш (солиш) мумкин. Бироқ саноат лойиҳаларининг техник-иктисодий асослашларидаги мақсадлар йўлидаги инвестициялаш, нафакат, ресурсларнинг узок муддатга қўйилиши фойда олишга йуналтирилганлиги сифатида, балки ликвидлиликнинг ишлаб чиқариш активларида ўзгартирилиши сифатида ҳам аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лойиҳа мониторинги ва ундан кейин амалга ошириладиган аудит капитал инвестицияларга оид қарорларни қабул килиш жараённида “тескари алоқа” учун зарур ахборотни таъминлайди. Баъзи вазиятларда, бундай тескари алоқа кутилган натижаларга эришишни таъминлайдиган лойиҳаларни янада аниқлаштиришга яқиндан ёрдам киласди. Бундан кўзланган мақсад муаммоларнинг олдини олиш ва бу билан ёмон молиявий натижаларга дуч келишга ўйл қўймаслиқдан иборатдир. Бошқа шундай ҳолатларда, тескари алоқа жорий лойиҳага жуда кеч кўмаклашиши мумкин. Бироқ, қандай бўлмасин бундай тескари алоқа компанияга келгуси инвестицион қарорлар ва уларнинг ижро этилишини ўрганиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам кўрсатиши мумкин.<sup>47</sup>

Саноат инвестициялари бўйича қабул қилинадиган ҳар қандай қарорлар инвестиция лойиҳаларининг умумий амалга ошиши билан боғлиқ бўлган куйидаги мезонларга асосланади:

<sup>47</sup> Uwe Gotze, Deryl Northcott, Peter Shuster. Investment Appraisal: methods and models. Second Edition. Springer – 2015. Page 32

## **Инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилиш мезонлари:**

- Ихтимоий-иктисодий мухитта тааллукли лойиҳанинг асосий (корпоратив) мақсади билан ривожлантириш максадлари ўртасида ҳозирги ва кейинги давр мобайнида қандайдир бўлиши мумкин бўлган қарама-каршилик мавжудми?
- Лойиҳа иктиносидий ресурсларни самарали ишлата оладими, лойиҳа учун талаб қилинадиган асосий ресурсларни ишлатишнинг энг яхши вариантлари борми?
- Лойиҳанинг мақсадига эришиш учун таклиф қилинган лойиҳа ва маркетинг стратегиялари қанчалик муҳимлиги, нима учун таклиф қилинган стратегия танланди, муқобил стратегиялар ҳам эътиборга олинганми?
- Лойиҳанинг таркиби, яъни лойиҳа андозаси маркетинг концепцияси, шунингдек корхона танлаган жойлашиш жойи қанчалик лойиҳа стратегиясига ва талаб қилинган ресурсларнинг мавжудлигига мос келади?
- Лойиҳалаштирилаётган барча инвестицион ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари ишончлилик даражасидами ва мувофиқ келадиган чегарага эгами?

Лойиҳа ҳаётийлигининг ҳар қандай даврида тўланадиган молиявий мажбуриятларни бажариш учун миллий ва хорижий валюта билан етарлича таъминланганми - барча инвестиция харажатлари капиталнинг мавжудлиги билан аниқланувчи молиявий чегараларда ётиши, жамғарилган ҳар йиллик ва дисконтлаштирилган фойда горизонт режалаштиришга лойиҳа таркиби ва маълумотларни баҳолашдаги хатоларга, инфляцияга, нархларнинг нисбий ўзгаришига, шунингдек ишга алоқадор мухитнинг ўзгаришига (ракобатчилар, истеъмолчилар, бозор, маҳсулот етказиб берувчилар ва жамоат сиёсатига) қанчалик сезгир, реал пул кирим-чикимлари ва тегишли соғ фойда таркиби инвесторлар ва молиячиларнинг кўзлаган мақсадлари минимал талабларига мос келиши ҳам катта эътиборга олинади.

Инвестиция фаолияти субъектлари инвестициялаш ҳакида қарорлар қабул қилаётганда лойиҳаларнинг рисклилиги,

манбаларнинг жорий қиймати, мұқобил имкониятларга күра лойханинг жозибадорлигини эътиборга олиши лозим. У бундай қарорга рискнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг таҳлили асосида келади. Шу нарса мұхимки, инвестициялаш ҳақида қарор қабул қилинар экан, асосий эътибор рискларни ва келгуси инвестиция даромадлилигини ҳисобга ола билишга қаратилиши зарур.

Қарор қабул қилувчи шахс учун лойханинг режалаштириш горизонти ўзининг лойиха билан боғлиқ хўжалик фаолияти соҳасини бошқариш ва назорат қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш ёки ўзиниг инвестиция ҳамда молиявий фаолиятини йўлга кўйишга нисбатан вакт оралиғи сифатида аниқлаш мумкин.

Қарор қабул қилувчи шахс томонидан аниқланадиган горизонт режалаштириш лойиха хаётлигини ҳам ҳисобга олиши лозим. Иқтисодий ҳаёт, яъни лойиха соф фойдани яратадиган давр, асосан, корхонанинг асосий техник ва технологик ҳаёт циклига, ушбу саноат тармоғи ва маҳсулотнинг ҳаёт циклига, шунингдек корхонанинг ўз фаолиятида ишга алоқадор мухитнинг ўзгаришига мослашувчанлигига боғлиқdir.

Лойханинг иқтисодий ҳаётий даврини аниқлашда турли хил омилларни баҳолашга тўғри келади, булар қўйидагилардир:

- талабнинг давомийлиги;
- хом ашёни сақлаш ва етказиб беришнинг давомийлиги;
- техник юксалиш даражалари;
- бино ва ускуналардан фойдаланишининг давомийлиги;
- мұқобил инвестициялаш имкониятлари;
- бошқарувдаги чегараланишлар.

Инвестиция лойихаларини ишлаб чиқишида лойиха циклининг босқичлари мұхим аҳамиятта эга. «Лойиха цикли» тушунчасига лойхани ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишнинг турли босқичлари киради. Лойиха циклининг бошланғич ва тугалланиш даврлари, гоядан то унинг моддий қийматга эга бўлганга қадар даврларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай инвестиция лойихасини ишлаб чиқишида, яъни инвестиция гояларининг пайдо бўлишидан, то уни амалга ошириш уч фазани ўз ичига олади: инвестиция олди, инвестиция ва эксплуатация

(ёки ишлаб чиқариш). Юқоридаги 3 та фаза инвестицион лойиха – ҳаётий циклини ташкил этади (project life time).

### 5.1 - жадвал

#### Инвестиция олди фазаси<sup>48</sup>

| 1   | 2  | 3   |
|---|--|---|
| Лойихани амалга ошириш имкониятларининг таҳлили                                       | Лойихани асослашнинг тайёргарлик босқичи                                   | Лойихани баҳолаш ва инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш |
| Инвестициялаш учун керак бўладиган маблағлар ҳажми ва потенциал инвесторларни аниклаш | Лойихани мавжуд муқобил варианtlар билан солиштиргандаги дастлабки асослаш | Якуний қарор сифатида лойихани ижтимоий-иктисодий баҳолаш     |
| Лойихани амалга оширишнинг ички ва ташки шарт-шароитларини баҳолаш                    | Қўшимча (функционал) изланишлар.   | Инвестициялашнинг потенциал манбаларини аниклаш               |
| Лойихани амалга ошириш имкониятларини макро ва микроиктисодий даражада таҳлил қилиш   | Лойихани техник иктисодий асослаш (ТИА)                                    | Инвестициялашнинг тадбирларини ишлаб чиқиш                    |
|   | Лойихани амалга оширишга келишиши ва тасдиқлаш (ишчи хужжатлар)            |   |

Инвестиция лойихасини ишлаб чиқишнинг асосий босқичи бўлиб, инвестиция олди фазаси ҳисобланади.

Ушбу фазада лойиха ишлаб чиқилади, унинг имкониятлари ўрганилади, дастлабки техник – иктисодий тадқиқот – кузатишлар ўтказилади, потенциал инвесторлар ва лойиханинг бошқа иштирокчилари билан музокаролар олиб борилади, хомашё ва ускуналарни етказиб берувчилар танланади. Агар инвестицион лойихага кредит жалб қилиш кўзда тутилган бўлса, унда бу фазада кредитни олиш бўйича битимлар тузилади; инвестицион лойихани

<sup>48</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

хукуқий жиҳатдан расмийлаштирилади; хужжатларни тайёрлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва корхонани рўйхатта олиш амалга оширилади.

Лойиҳанинг инвестиция олди фазасида бўлғуси лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади. Лойиҳанинг бу ҳаётий боскич циклида, унинг ҳаётга мос қобиллиги ва жалб этувчанлигига асос яратилади. Инвестиция олди фазаси лойиҳанинг тўлик характеристикасини бериши шарт.

Баъзи ҳолларда инвестиция лойиҳасининг бу ҳаётий цикл боскичининг давомийлигини аниқлаш жуда кийин кечади. Жаҳон амалиётида инвестиция олди фазаси қуидаги боскичлари мавжуд:

- 1) инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни ғояни танлаш ва дастлабки асослаш ёки дастлабки инвестицион конценцияни шакллантириш (*opportunity studies*);
- 2) инвестиция имкониятларини излаш, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талабни ўрганиш, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш (*pre-feasibility studies*);
- 3) лойиҳанинг техник – иктисадий асосланиши ёки унинг техник - иктисадий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш (*feasibility studies*);
- 4) баҳоловчи хulosани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул килиш (*finale valuation*).

Инвестиция ғояларининг шаклланиши боскичида, бу ғояни танлаш, уни дастлабки асослаш, лойиҳада кўрсатилаётган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник, инновацион ва экологик нуқтаи назардан бир қарорга келиш, лойиҳани амалга ошириш давомида қўйиладиган бошка талабларга жавоб бериш, инвестиция ғоясининг устунлигини тармоқ, худудий ва давлат идоралари билан дастлабки келишув, лойиҳани амалга ошира оладиган корхонани дастлабки танлаш ва маълумотлар меморандумини тайёрлаш ишлари кўриб чиқилади.

Инвестиция имкониятларини излаш боскичи, экспорт ва импортни хисобга олган ҳолда маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни дастлабки ўрганиш, маҳсулот ва хизматлар таянч, жорий ва прогнозлаштири-лаётган нархлари даражасини баҳолаш, лойиҳани

амалга ошириш бўйича ҳуқуқий – ташкилий таклифлар ва лойиҳа иштирокчилари таркиби, тахмин қилинаётган инвестиция ҳажмларини баҳолаш, лойиҳанинг техник – иқтисодий асослари бўлимлари бўйича дастлабки баҳолашни тайёрлаш, шу жумладан лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш, потенциал инвесторлар учун инвестицион таклифлар тайёрлашни ўз ичига олади. Маблағларни лойиҳага инвестициялашдан олдин бажариладиган муҳим ишлардан бири бу лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини аниқлашдир. Салоҳиятли инвесторлар, улар қандай бўлишидан қатъий назар ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда юзага келаётган инвестиция имкониятлари тўғрисида маълумот олишга қизиқишиди. Бундай инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш иккى хил йўналишда амалга оширилади:

1. Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича ёндашиш (макро).
2. Корхона даражаси бўйича ёндашиш (микро).

Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича изланишларни олиб бориш ўша давлатнинг бутун инвестиция салоҳиятини (потенциали) ҳамда бу давлатга бошқа давлатлар томонидан инвестиция килиниши мумкин бўлган маблағлар ҳажмини ўрганиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Корхона миқёсидаги таҳлил аниқ инвестиция лойиҳаси бўйича кўйилаётган талаблардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Корхонанинг инвестицион салоҳияти тўғрисида сўз борганда Ш.В.Мустафакулов томонидан берилган фикрларга кўшиламиз, яни “Корхонанинг инвестицион потенциали – корхона фаолиятининг самарадорлигидан кўра кўпроқ унинг имконият даражасини кўрсатувчи ресурслар маънасида тушунилиши лозим”, шунингдек “Инвестицион потенциал корхона фаолиятининг самарадорлиги эмас, балки унинг имкониятларини белгиловчи инвестиция ресурслари демакдир”.<sup>49</sup> Демак, ҳар қандай лойиҳани муваффакиятли амалга ошириш учун инвестицион ресурслар зурур бўлади. Аммо бунинг ўзи етарли эмас, зарур ресурсларга эга бўлиш билан бирга, улардан самарали фойдалана олиш ҳам лозим.

<sup>49</sup> Мустафакулов Ш.Э. Инвестицион мухит жозибадорлиги. Монография. Т.: Иқтисод-молик, 2017 йил 67-68-бетлар.

Лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини ўрганиш ва таҳлил килишда куйидаги омилларга алоҳида эътибор берилади:

- умумий инвестиция мухити, шарт-шароитлар;
- қайта ишланиши мумкин бўлган табиий бойликлар ва хом ашё ресурслари;
- ишлаб чиқарилиши мўлжаланаётган товарга (хизматга) келгусидаги талаб (аҳолини ўсиши ҳисобига, аҳоли харид қобилиятининг ўсиши ҳисобига ва бошқа омиллар);
- лойиҳанинг атроф-муҳитга тасири;
- бошқа тармоқлар билан келгусидаги ўзаро алоқаси ва имкониятлари;
- диверсификациялаш имконияти;
- ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг қиймати;
- экспорт имкониятлари;
- импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Инвестиция имкониятлари бўйича изланишлар юқорида келтирилган омиллар бўйича ҳар бирининг алоҳида таҳлилига эмас, балки умумий баҳолашга асосланади. Лойиҳа гоясини ривожлантириш учун аниқ таклифлар киритишда талаб этиладиган маълумотларни миқдорий баҳолаш учун инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш асосий восита ҳисобланади. Бунда куйидаги жиҳатлар таҳлил этилади<sup>50</sup>:

Лойиҳанинг асосланиши ёки уни техник – иктиносидий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш босқичида кенг кўламда маркетинг изланишлари ўтказилади. Бозор сегменти қандайлиги ўрганилади, маҳсулотни ишлаб чиқариш дастури тайёрланади, техник қарорлар шу жумладан бош режа ишлаб чиқилади, инженерлик таъминоти, архитектур режалаштириш ва қурилиш қарорлари, фукаролик мудофаси ва атроф мухитни кўриқлаш бўйича чора тадбирлар ўтказиш, қурилишни ташкил этиш тавсифи, корхонани кимлар бошқариши ва ушбу соҳада уларнинг бошқарув тажрибаси қай даражада эканлиги, корхона ишчилари сони ва таркиби, улар меҳнатини ташкил этиш.

<sup>50</sup> Муаллиф томонидан тузилиди.

|   |   |
|---|---|
| <b>Инвестиция имкониятла ринни таджик этими</b> | <p>қайта ишловчи саноат учун керакли бўлган табиий ресурслар</p> <p>кишлок хўжалигига асосланган саноат тармоги учун асос бўлган амалдаги қишлок хўжалиги таркиби</p> <p>муайян истеъмол товарларига келгуси талаб, аҳоли ўсиши ҳисобига ортиб борувчи талаб</p> <p>умумий инвестиция мухити</p> <p>маҳаллий ёки трансмиллий ва бошқа тармоклар билан мумкин бўлган алокалар</p> <p>қайта ишловчи саноат сектори</p> <p>атроф-мухитта таъсир кўрсатиш</p> <p>ишлаб чиқариш сиёсати</p> <p>ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва киймати</p> <p>экспорт салоҳияти ва бошқалар</p> |
|---|---|

Баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул килиш босқичида, техник – иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш тугаллангандан сўнг, инвестицион лойиҳа иштирокчилари таҳмин қилинаётган инвестиция бўйича аниқ мақсадлар, эҳтимолли рисклар, харажатлар ва фойдаларни ҳисобга олган ҳолда ўз баҳоларини берадилар. Қанчалик лойиҳанинг техник – иқтисодий асосланиши сифатли бўлса, уни баҳолаш шунчалик осон бўлади.

Инвестиция олди фазаси харажатлари умумий капитал харажатларнинг 0,7% дан – 5% гача улушини ташкил этади.

Баҳоловчи хулоса ишлаб чиқариш олди харажатларининг қанчалик ўринли ёки тўғри эканлигини кўрсатиб беради.

Инвестиция ва ишлаб чиқариш харажатларини баҳоловчи хулоса, лойиҳа ўлчами бўйича барча муҳим жиҳатларни, яъни молиявий ва иқтисодий фойдалилигини хисоблаш ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда тўғри аниқлангандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳоловчи хулоса тузища кенг қамровли лойиҳалар учун тўпланган маълумотлар ва лойиҳанинг барча омиллари таҳдилини қайта – қайта жиддий текшириб чиқиши талаб этилади.

Лойиҳа ҳаётий циклиниң охирги босқичи, эксплуатацион ёки ишлаб чиқариш фазаси хисобланади.

Бу асосий ускуна ва воситаларни харакатта келтиришдан бошланади. Ушбу фазада корхонанинг ҳаракатига старт берилади, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарила бошланади ва олинган қарз маблағлари (банк кредитлари) қайтарила бошланади.

Бу фаза мос түшумлар ва жорий ҳаражатларни ҳарактерлайди. Ишлаб чиқариш фазаси давомийлиги инвестицион лойихани умумий ҳарактерига сезиларли таъсир ўтказади. У қанча узоқ бўлса шунча жами даромад ҳажми юқори бўлади.

Лойиҳа таҳлили услубиёти инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эҳтимоли жиҳатидан уларни идентификациялаш, текшириш, батафсил кўриб чиқиш, маъқуллаш ва комплекс экспертизадан ўтказиш босқичларини назарда тутади. Комплекс экспертиза лойиҳа маҳсулотларига эришиш имкониятларини излашга, лойиҳани чекланган ресурслар билан белгиланган вақт мобайнида (замонда) ва маконда таъминлаш, шунингдек тегишли техник вазифаларни ҳал килишга қаратилади.

Инвестиция лойиҳасини комплекс экспертизасидан ўтказишнинг асосий мақсади лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги – ҳаётийлиги, самарадорлиги, рақобатдарбошлиги, даромадлилигини ўрганиш ва аниқлашдан иборат.

Шунга мувофиқ лойиҳа олди хужжатларини сифатли ишлаб чикиш натижалари учун буюртмачиларнинг мансабдор шахслари - лойиҳаларнинг ташаббускорлари ва лойиҳалаш ташкилотларининг масъулиятини ошириш йўли билан инвестиция лойиҳаларини ишлаб чикиш механизмини такомиллаштириш учун кулагай шароитларни яратиш, уларни амалга ошира бошлаш учун тайёргарлик ишларини тезлаштириш, илғор хорижий тажриба асосида лойиҳа олди хужжатларини тайёрлаш сифатига путур етказмасдан уларни экспертизадан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида 2017 йил 15 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди хужжатларини ишлаб чикиш сифатини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-2836-сонли қарори қабул килинди.

Ушбу қарорга асосан инвестиция лойиҳаларининг лойиха олди хужжатларини ишлаб чикиш, уларни экспертизадан ўтказиш юзасидан куидаги ўзгаришлар тасдиқланди:

|                              |   |
|------------------------------|---|
| <b>Тугатилди</b>             | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Янгидан куриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш кувватлари лойиҳаларининг техник-иктисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги  |
| <b>Янгидан ташкил этилди</b> | Тармоқ илмий-техник кенгашларини (мавжуд бўймаса) тузиш, уларнинг зиммасига таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларида соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикиш, замонавий юқори технологиили, энергияни тежайдиган технологиялар ва ускуналарни жорий этиш вазифалари юклатилди             |
| <b>Янгидан ташкил этилди</b> | Ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашларини тузиш, уларнинг зиммасига лойиҳалаш ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳа олди хужжатлари, технологиилар ва ускуналарни танлаш, таклиф килинаётган технологиилар ва ускуналарни баҳолашни экспертизадан ўтказиш вазифалари юклатилди |

Экспертизанинг вазифаси - жами ижобий ва салбий оқибатларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳага баҳо беришдан ҳамда танловдан иборат бўлади.

Инвестиция лойиҳаси экспертизасининг техник жиҳати гоят мухим, чунки лойиҳа мувозанатланган мухандислик ва техник тамойилларга асосланмоги лозим. Экспертизанинг бу босқичида лойиҳанинг тадбиқ этиш жараёнлари, лойиҳа учун етказиб бериладиган материаллар, ускуна-жихозлар ва техника тизимларининг ишончлилиги; лойиҳани жойлаштириш ўрнининг асосланганлиги, лойиҳа учун зарур бўлган ресурсларнинг мавжудлиги ва сифати, шу жумладан, ишчи кучи ва раҳбар кадрларнинг малакаси, лойиҳа фойдаланадиган мавжуд инфратузилманинг ишончлилиги;

контрактлар тузиш тартиб-қоидалари ва механизмлари, ишлаб чиқариш кувватлари, хизматларни сотиб олиш усуллари; лойихани амалга ошириш жадвали муддатлари, фазалари ва бажариш мумкинлиги, натижалар олиш фазалари таҳлил килинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, янгидан ташкил этилган “Лойиха бошқаруви миллый агентлиги” 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидаң амалга ошириладиган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари билан ўзаро боғлиқлиқда Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурлари бўйича хулосалар беради;

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурлари, давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари шакллантирилиши ва амалга оширилишини назорат ҳамда мониторинг қилиш Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллый ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Кўрилаётган барча чора-тадбирлар мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ҳамда жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишини доимий назорат қилиб борищдан иборат. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг иктиносий салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат киласи.

## **6-§. ХУДУД ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

Иқтисодиёт модернизациялаш ва либераллашув жараённада инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлашга эришиш ва маҳсус иқтисодий зоналар кўринишидаги янги худудий марказларнинг шакиланиши мамлакат иқтисодиётига юқори малакали ишчи кучи жалб қилишга ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали худуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишини таъминлайди.

Дунё амалиётидан бизга маълумки, инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали йирик худудий марказлар ҳиссаси ортиб боради. Мисол учун жаҳон ЯИМнинг 81 фоизи, экспортининг 62 фоизи, инвестицияларнинг 83 фоизи йирик худудий марказлар ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>51</sup>. Амалда инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инвестицион жозибадорликни ошириш бевосита фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Бу ўз навбатида, республикада чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташки ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш лозим.

Шу ўринда, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг «солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиши тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини тақомиллаштириш иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг мухим

<sup>51</sup> <http://databank.worldbank.org>

**шартлари»<sup>52</sup>** эканлиги ҳақидаги фикрларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация килиш бўйича стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чикиш нуқтаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишининг зарурлиги яққол кўзга ташланади.

Умуман, Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари маҳсус, мустақил тадқиқот обьекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Инвестицион салоҳият ва худуд инвестицион салоҳиятини бошқариш тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш учун инвестициялардан фойдаланишда инсон фаолиятининг турли хил кўринишлардаги шаклларини тадқиқ этишни талаб этади. Инвестицион салоҳиятнинг эволюцион жараёни ва ўзгариши бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу соҳадаги аксарият тадқиқотлар бизнесда инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг таркибий ва функционал жиҳатларига йўналтирилган. Бирок, инвестицион салоҳият ва худуд инвестицион салоҳиятини бошқариш тушунчалари ҳақида кенг қамровли тасаввурга эга бўлиш учун худуд миқёсида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориши талаб этилади.

Хозирда мавжуд назарий қарашларни умумлаштириш обьектнинг макон ва замондаги нисбий ҳолатини тавсифловчи худуд инвестицион фаолияти ва худуд инвестицион салоҳияти тушунчаларини бирбиридан фарқлаш имконини беради. Бизнинг фикримизча, худуд инвестицион салоҳияти – бу ҳудуднинг ривожланиш даражаси бўлиб, унга кўра ҳудуд ўзининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали

<sup>52</sup> “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармони.

фойдаланиши хисобига ахоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб боришини таъминлайди.

Бу борада олиб борилган тадқикот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион салоҳият, ҳудуд инвестицион салоҳият устунлиги ҳамда ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишлари ҳакида аниқ тушунчалар илмий жиҳатдан етарлича ёритилмаган.

Ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларининг илмий асосларини тадқик этиш шуни кўрсатдики, ҳудуд ҳамда ҳудудларо миёсда инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиши назарияси мавзуси маҳаллий ва хорижий тадқикотчилар томонидан якин даврдан бошлаб чукур ўрганила бошланди. Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакиллари бўлган классикларнинг назарий қарашларида иқтисодий жараёнлардаги инвестицион салоҳият муносабатлари анъанавий тарзда, яъни ҳудудий омиллар ва минтақалараро муносабатларни хисобга олган ҳолда тадқик этилган. Мавжуд назарий қарашларга мувофиқ уларни куйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин: а) макроиктисодиёт концепцияси нуқтаи-назаридан ҳудуд инвестицион салоҳиятини ўрганиш; б) ташки таъсир омиллари нуқтаи-назаридан ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқариш муносабатларини ўрганиш; в) инвестицион салоҳият ва уни бошқаришнинг (бизнес даражасидаги) микроиктисодий омиллари.

Юкорида келтирилган барча йўналишларда инвестицион салоҳиятнинг ҳудудий хусусиятига иккинчи даражали масала сифатида қаралган. Шуни хисобга олган ҳолда, муаллиф томонидан ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишлари бўйича мавжуд тадқикот тамойиллари ҳамда усулларини қайта кўриб чикиш зарурлиги асосланган. Бундан асосий мақсад эса ҳудудда мавжуд маҳаллий салоҳият, ресурслар ва иқтисодий ўсиш захираларидан тўлик фойдаланиши бошқаришга прагматик ёндошувларни ишлаб чикишдир.

Иқтисодий ўсиш назарияси ва ушбу масала юзасидан минтақашунос тадқикотчилар томонидан олиб борилган

изланишлардан<sup>53</sup> келиб чиқиб айтиш мумкини, глобал миқёсда шундай механизмлар ишга тушмоқдаки, улар ҳудудни глобал ривожланишнинг муҳим бўғинига айлантириш имконига эга<sup>54</sup>. Шу ўринда, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви ва глобаллашув шароитида ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш жараёнларини тадқик этишининг илмий воситалари етарли даражада ўрганилмаган.

Хозирги пайтда ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш бўйича икки хил қараш мавжуд, биринчиси, ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқарилаётгандигига иқтисодий фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларини қиёсдаш орқали баҳо бериш бўлса, иккинчиси, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланган маблағлар миқдорида бошқарув карори, қонун ёки қарорларнинг «ишлаб чиқариш» харажатларида билвосита акс этиши ва унинг нисбатига қараб баҳо беришдир.

Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш бўйича баҳо бериш усулларида битта обьектнинг талкини бутун ҳудуднинг барча жиҳатларини қамраб ололмайди ва бошқарув самарадорлигини ҳам тўлик очиб беролмайди. Шуни инобатга олиб, бизнингча, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун янгича усулини татбиқ этиш лозим. Бу борада «ҳудуд-тизим» усулини кўллаш ва унинг барча узвий боғлик бўлган алоқаларини аниқлаш ҳамда тизимнинг хатти-харакатига таъсир этишини намоён этадиган схемани яратиш масаланинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди.

Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш муаммосини ҳал этишда тизимли ёндашувнинг бир қанча функцияларини келтириб ўтиш жоиз, яъни:

- бошқарувчи тизим;
- бошқариладиган тизим – жамиятнинг барча унсурларига обьект сифатида қараш;

<sup>53</sup> Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.

<sup>54</sup> Портгер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д.Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с.

- ўзаро боғлиқ тизим – турли институтлар алоқалари: тұғридан тұғри ёки билвосита; вертикал ёки горизонтал.

Бу ерда бошқарувчи субъектдан бошқариладиган ахборот чикади ва бошқариладиган объектдан қайта алоқа сифатида ахборотнинг узатилиши содир бўлади. Шунинг учун ҳам, худудлар ривожланишини бошқариш тизими жамиятда мавжуд бўлган барча ресурслар самарали сарфланишига шарт-шароит яратиб берилишини таъминлаши керак. Жумладан, моддий, интеллектуал, молиявий, ахборот, демографик ресурслар ва хоказолар.

Мамлакат иктисадиётида инвестицион салоҳият ёки алоҳида ҳудуд инвестицион салоҳиятини тизимли бошқарища уларга ягона тизим сифатида қараш, бир неча функционал боғлиқ иерархик бўғинлардан таркиб топганини ва ягона мақсад сари ҳаракатланишини қайд этиш лозим. Худуднинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб бўлиб, у мавжуд гурухлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат иотижорат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг манфаатларини инобатта олиш зарур. Демак, бу ерда турли манфаатларни мувофиқлаштириш, тузилмаларнинг ҳар бирини бозор қоидаларидан келиб чикиб, индивидуал ривожланишига шарт-шароит яратиш, керак пайтда назорат қилиш ва мониторингини мунтазам олиб боришни йўлга кўйиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Фикримизча, ҳудудлар инвестицион салоҳиятини тизимли бошқаришни лойиҳалаштирища ривожланиш жараёни моделининг таркибини аниқлаб олиш лозим. Бу жараённи прогноз қилиш иложсиз бўлганлиги учун ҳам моделни турли вазиятларга тез мослаша оладиган таркиб ва параметрлар билан лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, моделда иштирок этадиган таркиб ва параметрлар жараённинг ўзгаришига қараб тез мослашувчан, зарур пайтларда уларнинг ўзи ҳам ўзгара оладиган бўлиши лозим. Бунинг учун ҳудудлар ривожланишининг ҳар бир даврида танланган моделнинг параметрлари ўзгарувчиларнинг кириш ва чиқиши билан баҳоланиши зарур.

Маълумки, ҳудудий тизим бир қанча унсурлардан таркиб топган ҳолда, улар ўртасидаги боғлиқлик даражаси ҳам юкори хисобланниб, унсурлар ўртасида нофункционал боғлиқлик мавжуд. Таассуфки, айнан ушбу алоқалар уларни бир бутун гарзда ривожланишига тўсқинлик килади. Шу боис, «Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини стратегик бошқариш концепцияси»ни ишлаб чиқиши лозим. Чунки ҳудуд инвестицион салоҳиятини яхлит бозор, ижтимоий субъект ва иерархик алоқалар тизими сифатида таҳлил қилиш ўринлидир.

Ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлиб, бу ерда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари салоҳиятини аниклаш, уларни жамлаш мамлакат иқтисодий салоҳиятини белгилашда зарурий шарт хисобланади, чунки бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини хисоблаш, сарфланган ресурсларни, шу билан бирга, уларни келажакда қайта тақсимлаш ва оқилона инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун зарур. Ишлаб чиқариш харажатларини хисоблаш корхонанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда бозор шароитида олаётган фойдасини хисоблашда қанчалик муҳим бўлса, ҳудуд учун ҳам унинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини баҳолаш щунчалик ахамиятлидир.

Бугунги кунда ҳудуд инвестицион салоҳиятини баҳолашда аҳоли сони билан биргаликда, уларнинг даромадлари, жамғармалари ва орттирган мулклари ҳамда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ҳам хисобга олинади. Ушбу кўрсаткичлар ҳамда ҳудудда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари аникланниб, ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилади ва ҳудуднинг инвестицион дастури ишлаб чиқилади.

Замонавий глобал рақобат шароитида ижроия ҳокимиятининг инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш юзасидан асосий эътибори ҳудуд иқтисодиётини жадал ва барқарор ривожлантиришнинг инновацион ривожланишига, илмий салоҳият мавжуд бўлган соҳаларда инновацион фаолликни кучайтиришга каратилиши лозим.

Ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқаришда инновацион ривожланиш манбасини тадқиқ қилиш ҳудуднинг шаклланган

инновацион салоҳиятини таҳлил ва синтез килишни талаб килувчи комплекс муаммо ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, ушбу ривожланиш имкониятларини акс эттиради.

Худуд инвестицион фаолиятида инновацион салоҳиятни ўлчашда Ҳалқаро иқтисодий форум (ХИФ) глобал рақобатбардошлик ҳисботларини тайёрлашда фойдаланиладиган «Глобал рақобатбардошлик индексининг инновацион салоҳият субиндекси («Growth Competitive Index» – GCI) кенг кўлланилади. Иқтисодиёт ривожланишининг жорий даражасини акс эттирувчи ушбу кўрсаткич, қисқа муддатли ривожланишда миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш қобилиятини аниқлашга қаратилган. «GCI» мамлакатларнинг қисқа муддатли ҳамда узок муддатли ривожланишида иқтисодий ўсишга таъсир килувчи технологиялар, давлат институтлари ва макроиктисодий ҳолат категорияларига асосланади.

«GCI» 90 дан зиёд ўзгарувчанларни жамлайди ва тўққизта индексга асосланади. Улардан бири инновацион фаолиятдир. Рақобатбардошликнинг глобал индекси ЯИМни ахоли жон бошига тўғри келадиган даражасидан келиб чиккан ҳолда барча мамлакатлар ривожланишини учта асосий ва иккита ўтиш даври бўйича тақсимлайди: ресурсларга таянган ривожланиш босқичи (ахоли жон бошига ЯИМ < 2000 АҚШ доллари), самарадорликнинг ўсиш босқичи (ахоли жон бошига 3000–9000 АҚШ доллари) ва инновацион ривожланиш босқичи (ахоли жон бошига ЯИМ > 17000 АҚШ доллари).

ХИФ эксперталарининг услубиятига мувофиқ, қисқа ва узок муддатли ривожланишда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш имкониятлари тенг даражада бўлган учта ўзгарувчан категорияларга боғлиқ бўлиб, яъни, улар макроиктисодий мухит, давлат институтлари ва технологиялардан иборатдир.

Худудлар инвестицион фаолияти кесимида инновацион салоҳиятни баҳолаш алгоритми уч босқичда амалга оширилади. Бу борада олимлар мавжуд кўрсаткичларни икки гурухга- умумлашма ва хусусий кўрсаткичларга ажратиш лозимлигини таъкидлайдилар. Улардан биринчиси-базавий таснифлагич сифатида юзага чиқади ва

чегаравий аниқлашни талаб қиласи, иккинчиси-ёрдамчи вазифани бажаради ва асосан ҳудуд инвестицион сиёсатининг инновацион ривожланиш масалаларида ушбу ҳолатларни тушунтиришга хизмат киласи.

Мамлакатимизни модернизация килиш ва аҳоли бандлик даражасини янада оширишнинг мухим омили сифатида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб килинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича кулагай шарт-шароит яратиш мухим ахамият касб этади. Мазкур вазифани амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутади. Шу боис, бугунги кунда Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Ирландия, Мексика, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жўғрофий ва бошқа кулагайларидан келиб чиқсан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган.

90-йилларнинг ўргаларида дунёда 1200 га яқин эркин иқтисодий зонанинг хар хил турлари, жумладан, 300 дан ортиқ экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналари, 400 га яқин эркин илмий-техникавий зоналар фаолият кўрсатган. Бундай зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад – минтақани жадал ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истикболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этишдан иборатдир.

1990 йилда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича Халқаро Ассоциация (МАРСЕЗ) томонидан қабул қилинган хужожатларга кўра, эркин иқтисодий зона алоҳида ҳудудий бирлик бўлиб, у коида бўйича мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва ижтимоий ривожланишига қулагай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, молиявий-хўжалик фаолиятни амалга ошириш учун очик бўлади. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши бўйича ривожланган давлатларда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, мазкур усульнинг кўлланилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, ижтимоий

ҳаётга янги иқтисодий ғояларни татбиқ этишда ўзининг ижобий жиҳатларига эга.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил килиш тўғрисида”ги Фармонига асосан, “Навоий” эркин индустрисал-иктисодий зонаси ташкил этилди. Мазкур Фармонда эркин индустрисал иқтисодий зонада хўжалик юритувчиларга татбиқ қилинадиган алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига норезидент фукароларнинг кириши, ҳудудида бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятининг амалга оширилиши учун рұксатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши назарда тутилган.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул килинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилиниб, юқори палата – Сенат томонидан жорий йилнинг 28 августида маъқулланган ҳамда 24 сентябр куни матбуотда расман кучга кирган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса амалдаги Қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизми, бундай ҳудудда амалга ошириладиган фаолият турлари, эркин иқтисодий зоналарнинг мувофиқлаштирувчи ва оператив бошқарув органларини шакллантириш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари, шунингдек, хўжалик юритувчи эркин иқтисодий зона субектларини рўйхатта олиш тартиби билан боғлик нормаларни юкорида номи зикр этилган Фармон талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофик, эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий

ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин. Қонуннинг 7-моддасига мувофик, эркин ишлаб чиқариш зоналари – тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар бўлиб, ўз ичига экспортта мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини ва бошқа эркин зоналарни олади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришига қаратилган тизимили ишлар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлайдилар: “..Принципial жиҳатдан янги асосларда «Ургут», «Гиждувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича куни кеча Фармон қабул қилинди. Ўтган йиллардаги хатоларни яна тақрорлашга энди ийл қўйиб бўлмайди...”<sup>55</sup>.*

Мазкур Фармон талаблари бўйича жаҳон стандартларига мос, ташки бозорларда рақобатбардош ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, илгор ва юқори унумли технологияларни ташкил этиш ва жорий қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кулаги шарт-шароитлар яратиш, ушбу ҳудудларнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш юзасидан давлат сиёсати бу ҳудудларда иқтисодий усиш суръатларини доимий назоратда булишини талаб этади (6.1-жадвал).

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги мътирузаси //“Халқ сўзи”, 2017 йил 18 январь.

6,1-ЖАЗДВАЛ

**Наноий вилюяти ЯХМинг тармоклар кесимида ўсип суръати, %**

Вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот таркибини юкорида келтирилган жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибий ўсиб боришига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, агарда 2007 йили ялпи ҳудудий маҳсулот 4,3 фоизга ошган бўлса, 2017 йили бу кўрсаткич, 1,3 фоизни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки саноат (курилиш соҳаси билан бирга) соҳасида 0,6 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчиллик хўжалиги 3,2 фоизга ошганини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Вилоят миёсида 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида қиймати 145,4 млрд. сўмлик 1132 та лойихалар амалга оширилиши ва 3967 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақикатда умумий қиймати 205,0 млрд.сўмлик (81,7 млрд.сўм банк кредитлари) 1356 та лойихалар (120%) ишга туширилиб 4 754 та янги иш ўринлари яратилган.

“Навоий” ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Киритилган инвестициянинг 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хисобланади.

Айникса, Навоий халкаро аэропортини янада ривожлантириш хисобига, Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул қилиш имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халкаро логистика маркази ташкил этилгани “Навоий” эркин иктисадий зонасининг ривожида муҳим ўрин тутмоқда.

Навоий халкаро аэропорти орқали юклар ташиш Германия, Италия, Испания, Франция, Швейцария, Бельгия, Австрия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бангладеш, Хиндистон, БАА, Туркия, Вьетнам, Киргизистон ва бошқа давлатлар билан амалга оширилаётгани нафакат Навоий вилояти, балки республикамизнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, кўшимча минглаб ишчи ўринларини яратиш, пировардида, халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмокда.

Навоий вилоятини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 28 март куни Навоий вилоятига

ташрифи давомида берилган топшириклари асосида “2017-2018 йилларда Навоий вилоятида саноат, кишлөк хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июнданги 366-сон қарори билан тасдикланди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш тўғрисида 2017 йил 17 июнда Навоий вилояти ҳокимининг К-224-сонли қарори қабул қилинди. Ишлаб чиқилган дастур доирасида 2017-2018 йилларда киймати қарийб 6,4 трлн. сўмлик 2516 та лойиха (1,2 трлн.сўм банк кредити) 21 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш белгиланган.

Жумладан, саноатда киймати 5,9 трлн.сўмлик 648 та лойихаларда (1,1 трлн.сўм банк кредити) 14501 та иш ўрни, кишлөк хўжалигида киймати 322 млрд.сўмлик 761 та лойихаларда (200 млрд.сўм банк кредити) 3692 та иш ўрни, хизмат кўрсатишда киймати 235,7 млрд.сўмлик 1107 та лойихаларда (95,2 млрд.сўм банк кредити) 4150 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада мухим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё ва курилиш саноати етакчи худудларидан бири ҳисобланади. Республикада яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 5,2 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Вилоядаги жами йирик саноат корхоналари 19 та бўлиб, булар: НКМК ДК (рангли металлургия), "Навоийазот" АЖ (кимёвий маҳсулотлар, минерал ўғитлар), "Навоий" ИЭС (электр энергияси ва иссиқлик энергияси), "Навоийдонмаҳсулотлари" АЖ (ун, нон ваң нон маҳсулотлари, ем ишлаб чиқариш), "Қизилкумцемент" АЖ (портландцемент, темир-бетон, асбоцементли шифер маҳсулотлари), "Электрокимёзаводи" ҚҚ АЖ (пистицидлар, кимёвий элементлар), "Континент-Н-Ёғ-Мой" ҚҚ-МЧЖ (пахта ёғи), "Навоий" ҚҚ (спиртли ичимликлар), "Қизилтепапахта тозалаш" АЖ (пахта толаси), "Ванзози Агро экспорт" МЧЖ (пахта ва кунгабокар ёғи), "Қизилтепа ун заводи" АЖ (ун ва ем маҳсулотлари), "Навбахор пахта тозалаш" МЧЖ (пахта толаси), "УПП" АЖ (норуда курилиш материаллари, темир-бетон маҳсулотлари), "Хатирчи пахта тозалаш" АЖ (пахта толаси).

Вилоятда фаолият юритаётган кўшма корхоналар, хорижий корхоналар сони-61 ташкил этган. Булар: Навоий шахрида 21 та: "Электрохимзавод" Ўзбекистон-Панама кўшма корхонаси (Панама, кимё маҳсулотлари), "Навоий" кўшма корхонаси (Россия, спиртли ичимликлар), "Навоий Миллинг" Буюк Британия чет эл корхонаси (Буюк Британия, фосфор кукуни), "Навоий Корея" Ўзбекистон – Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, мева-сабзавот маҳсулотлари етишириш), Зарафшон шахрида 2 та: "ВЕЛАН" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси (Россия, тайёр кийим кечаклар), "Ориянна ярнс текстил" Ўзбекистон-Туркия" кўшма корхонаси (Туркия, акрил толасидан калава ип), Камрана туманида 6 та: "Кармана гипс маҳсулотлари Ўзбекистон-Канада кўшма корхонаси (Канада, гипс ва гипсокартон маҳсулотлари), Конимех туманида 2 та: "Сарабел Диамет Каракул" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси (Россия, коракўл тери), Қизилтепа туманида 3 та: "Ню текстил Навоий" Ўзбекистон-Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, электроматрас), "Акуя Тўдакўл" Ўзбекистон-АҚШ кўшма корхонаси (АҚШ, балиқ маҳсулотлари), Навбахор туманида 2 та: "Брайт Навоий текстил" Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси (Буюк Британия, калава ип), Нурота туманида 3та: "Зафар гранит майнинг" Ўзбекистон-Белиз кўшма корхонаси (Белиз, гранит ишлаб чиқариш), Томди туманида 1 та: "Навоий саноат текстил" Ўзбекистон-Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, пайпқ ишлаб чиқариш), Учкудуқ туманида 2 та: "Промэлектро" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси (Россия, электр ускуналарини таъмирлаш), Хатирчи туманида 2 та: "Асиа сера Навоий" Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонаси (Туркия, боғдорчилик), Навоий ЭИЗ худудида 17 та: "Узэрай Кабел" Ўзбекистон-Ж.Корея кўшма корхонаси (Ж.Корея, автомобиль кабеллари ишлаб чиқариш), "Хаят пауэр кабел системс" Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси (Хитой, юқори кучланишли кабеллар, "Агрофреш" Ўзбекистон-БАА кўшма корхонаси (БАА, мева-сабзавотларни саклаш).

Амалга оширилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, ташки иқтисодий фаолиятда вилоят бўйича хорижий давлатлар билан юқори салоҳият асосан: Хитой (35,6%), Франция (21,6 фоиз), АҚШ (9,0

фоиз), Япония (6,4 фоиз) ва Туркия, Корея, Германия Испания (4 фоизга яқин) давлатларига тұғри келган.

Кулай географик жойлашуви ҳисобға олиниб, Навоий ҳалқаро аэропортиниң янада ривожлантириш ҳисобига Жанубий Корея, Хиндистон, Хитой ва Сингапур каби хорижий ҳамкорлар билан Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йұналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йүловчи транзит рейслари қабул қишли имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона ҳалқаро логистика маркази ташкил этилиб, у орқали “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ва “Кореан Айр” ҳамкорлигига жаҳоннинг турли мамлакатларига юк ташиш ишлари йўлга кўйилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоят иқтисодиёттинг қон томири бўлган ҳалқаро аҳамиятдаги автомобиль ва темир йўлларнинг қарийб 750 км.ни вилоят ҳудудидан ўтганлиги вилоятнинг нақадар катта трансмагистрал салоҳиятта эгалигини кўрсатади.

Хусусан, вилоят ҳудудидан ҳалқаро аҳамиятдаги 302 км, республика аҳамиятидаги 2490 км автомобиль йўллари (шунингдек, 1125 км маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари), 440 км темир йўллари ўтган.

Навоий вилоятини янада ривожлантириш максадида “2017-2018 йилларда Навоий вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги 366-сон қарори билан тасдикланди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш тўғрисида 2017 йил 17 ионда вилоят ҳокимининг К-224-сонли қарори қабул қилинди. Ишлаб чиқилган дастур доирасида 2017-2018 йилларда киймати карийб 6,4 трлн. сўмлик 2516 та лойиха (1,2 трлн.сўм банк кредити) 21 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш белгиланган. Жумладан, саноатда киймати 5,9 трлн.сўмлик 648 та лойихаларда (1,1 трлн.сўм банк кредити) 14501 та иш ўрни, қишлоқ хўжалигига киймати 322 млрд.сўмлик 761 та лойихаларда (200 млрд. сўм банк кредити) 3692 та иш ўрни, хизмат кўрсатишда киймати 235,7 млрд. сўмлик 1107 та лойихада (95,2 млрд.сўм банк кредити) 4150 та иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Дастурда 2017 йилда киймати 1,2 трлн. сўм маблағ эвазига 1948 та лойиҳа амалга оширилиши ва 12459 та иш ўринлари яратилиши белгиланган. Мазкур лойиҳаларнинг 522 таси саноат, 861 таси хизмат кўрсатиш ва 565 таси қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади.

Вилоятда “Навоий” эркин иктиносиди зонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талабга эга маҳсулот етишириш, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестициялар, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга имконият яратилди.

“Навоий” ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Киритилган инвестиациянинг 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хисобланади.

Айниқса, Навоий халқаро аэропортини янада ривожлантириш хисобига Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта хажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул килиш имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халқаро логистика маркази ташкил этилгани “Навоий” эркин иктиносиди зонасининг ривожида муҳим ўрин тутмоқда.

Навоий халқаро аэропорти орқали юклар ташиш Германия, Италия, Испания, Франция, Швейцария, Бельгия, Австрия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бангладеш, Хиндистон, БАА, Туркия, Вьетнам, Қирғизистон ва бошқа давлатлар билан амалга оширилаётгани нафакат Навоий вилояти, балки республикамизнинг саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, кўшимча минглаб ишчи ўринлари яратиш, пировар-дида, халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шундай килиб, ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларини тадқик этишнинг биз таклиф этаётган методологик ёндошуви ҳудуд инвестицион салоҳияти, ҳудуд инвестицион салоҳият устуниллари ҳамда ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батафсил очиб

беради. Шундан келиб чикиб, ушбу тушунчаларни қабул қилиш, тадқик этиш ва талқин қилишга комплекс ҳамда тизимли ёндошув таклиф этилади.

Биз жараёнларнинг бир меъёрда эволюцион ривожланишини ўрганишга нисбатан диалектик ёндошувнинг, тўлик формаллаштириш ҳамда эмпирик ҳисоблаш мумкин бўлган масалаларда эса синергетик ёндошувнинг афзаликларини инкор этмаган ҳолда, худуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларини ўрганиш асосини тизимли парадигма<sup>56</sup> ташкил этган тизимли англаш моделини таклиф этамиз.

Ушбу методологик ёндошувдан фойдаланишининг объектив сабаби шундаки, бошқа моделларга нисбатан тизимли англаш модели худуд миқёсидаги инвестицион фаолиятда табиий ва иктиносидий объектлар, субъектлар ва институтларга оид кўплаб жараёнлар ва турли хил ходисаларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳамда худуд даражасида эндоген омилларнинг акс этишини ўрганиш имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, худудлар инвестицион салоҳиятининг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, худуддаги мавжуд техник-технологик ишланмалар, ихтиrolар сони, уларнинг ахоли сонига нисбати бўйича кўрсаткичларни таҳлил килиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада худудларнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича хорижий давлатларнинг илгор илмий-услубий тажрибаларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чикиш соҳа тадқиқотчиларининг асосий вазифаларидан биридир.

Худуднинг инвестицион ва ижтимоий-иктиносидий салоҳиятига баҳо беришда иктиносидий ресурслар, интеллектуал салоҳият ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлик фойдаланилаётганлиги, унинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг кўламидан келиб чикиб, бошқа омилларнинг инобатга олиниши ва турли худудий дастурлар ишлаб чикилиши зарурий шартлардан ҳисобланади. Зоро, умумэътироф

<sup>56</sup> Корнай Я. Системная парадигма//«Вопросы экономики», 2002, № 4, с. 4–23; Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика//«Общественные науки и современность», 2007, №№ 2, 3.

этилган ва амалиётда ўз тасдиғини топган ишланмаларни ўрганиш ва татбик этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда амалга ошириш ҳудудларнинг комплекс равищда ривожлантирилиши учун ишлаб чиқилаётган ҳудудий дастурлар ва концепцияларнинг самарали натижа беришини таъминлайди.

Ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб жараёи бўлиб, у мавжуд гурухлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг манфаатларини ҳам инобатта олиши талаб этилади.

## **7-§. ИНВЕСТИЦИОН МУХИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

---

Инвестиция сиёсати хар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришининг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, миллый иқтисодиётни хар томонлама ривожлантиришда инвестицион жозибадорликни ошириш бевосита фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан кейинги йиллардаги давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллый иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг ракобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, Ўзбекистон тикланиш тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 - 2021 йилларда умумий киймати 40 миллиард АҚШ доллари микдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳакидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг баркарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, худудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” деб таъкидлаб ўтди. Мухтарам Президентимизнинг 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили деб ном бериши ҳам бежиз эмас. Миллый иқтисодиёт соҳаларига ташки ва ички инвестициялар оқимиини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Демак,

инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни харакатта көлтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмани ошириш лозим.

Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация килиш бўйича стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чикиш нуктаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлиги яққол кўзга ташланади.

Давлат молия сиёсатида инвестицион мухит жозибадорлиги масалалари Ж.Б. Будвил, Н. Гросжан, П. Крутман, А. Лёш, Б.О. Лундвал, Ж. Манцинен, Э. Мэй, Ф. Перрү, П. Ромер, , Н.И. Берзон, И.С. Букина, В.К. Бурлачков, И.Ю. Варьяш, М.И. Гельвановский, Б.В. Губин, А.С.Жегалова, А.Ю. Лайков, Л.Н. Лыкова, В.Д. Миловидов, Я.М. Миркин, А.Ю.Михайлов, В.К. Сенчагов, В.В.Симонян, Э. Райнерт, Х. Ричардсон, Дж. Фридман, К. Фримэн, П. Хагтет, Т. Хагерстранд, М. Порттер, Й. Шумпетер<sup>57</sup> ва шу каби бошка минтақавий ривожланиш назариялари муаллифлари томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлашнинг иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги хусусиятлари Б. Гарретт, Г. Жереффи, Р. Каплински, М. Лоренц, П. Маскелл, С. Резенфельд, М. Симагути, М. Сторпер, Э. Шмитц, М. Энрайт каби олимларнинг бу масалаларга оид концепциялари, назариялари ва амалий изланишларида ўз аксини топган. Ушбу муаллифларнинг назарий ва услубий ёндашувларида инвестицион мухит жозибадорлигининг такрор ишлаб чиқариш жиҳатларини ўзида акс эттирган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда инвестицион салоҳият шаклланишининг функционал асослари каби хусусиятлар устунлик қиласди.

<sup>57</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем.: – М.: Прогресс, 1982 г. – 455 с.; Hayek F.A. Individualism and Economic Order / F.A. Hayek. – Chicago: Univ. of Chicago Press, 1948. P.324; Порттер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д.Шестинина. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с. Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.

Яқин хорижий давлатларда замонавий инвестицион бошқарув назарияларини тадқик килиш инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлашга оид изланиш жараёнининг анъанавий давлат инвестиция сиёсатини ўрганишдан - давлат инвестицион менежменти, давлат инвестицион хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг самарали инвестицион ўсиши борасидаги замонавий фанларга ўтиш босқичида турғанлигини тасдиқлади. Буларга мисол тарикасида О.А.Бияков, А.Г. Гранберг, Ю.А. Гаджиев, С.М. Дробищевский, В.К. Ломакин, Я.Д. Лисоволик, Г.Л. Азоев, Б.С. Жихаревич, Р. Фатхутдинов, Ю.В. Савельев, Е.А. Коломак, А.С. Новоселов, С.С. Артоболевский, Б.М. Гринчель каби олимларнинг изланишларини келтириш мумкин<sup>58</sup>.

Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўлларини ўрганиш нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар илк изланишлар хисобланади. Миллӣй инвестицион сиёсат ва минтақавий иқтисодиёт мактаби олимлари М. Абдусалямов, К. Абиркулов, Н.Аимбетов, Т.Ахмедов, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Ш.Мустафакулов, Н.Ҳайдаров, Ф.Додиев, О.Сабиров, Ш. Имомов, Б. Рўзметов, А. Содиков, А. Солиев, А.М. Қодиров, А.А. Қаюмов, Ф.Т. Эгамбердиев<sup>59</sup> ва бошқалар эришган

<sup>58</sup> Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала. Автореф. д-ра экон. наук. Кемерово, 2005.-42с.; Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований пространственного развития России. //Регион: экономика и социология, №2, 2009 г. с. 166-178; Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона, выпуск 2-й, 2009 г., с.45-62 ; Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник / 4-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012 г. – 671 с.; Лисоволик Я.Д. Глобализация: от Великого шелкового пути до ВТО // Российский журнал, 12 января 2007 г.; Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996 г. – 208 с.; Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. и др. Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах. – М.: Юрайт, 2014 г. Фатхутдинов Р. Глобальная конкурентоспособность: монография. – М.: РИА Стандарты и качество, 2009 г. – 464 с.; Савельев Ю.В. Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике.–Петрозаводск:КарНЦ РАН, 2010г.-516с.; Гринчель Б.М. Повышение конкурентоспособности территорий как обобщающая задача стратегического планирования. – СПб., 2007 г. – 120 с.

<sup>59</sup> Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр "Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана" при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.; Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: ФАН, 1992 г.; Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мухит жозибадорлиги. Т.:2017; Каюмов А.А. Некоторые аспекты управления в рыночной экономике. Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Москва, 1-2 февраля, 2014г. Садыков А.М. Приоритетные направления повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана. Материалы IV-Форума экономистов Узбекистана. – Ташкент, 2012; Солиев А.С. Иктисолий география назария, методика ва амалиёт. Монография. – Т.: "Камалак", 2013.; Эгамбердиев Ф.Т. Иктисолий назарияси, ўқув кўлланма. – Т.: Иктисол-молия наприёти, 2014.

илмий натижалар мамлакатимизда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўлларини ўрганишда мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш масалалари С.С.Фуломов, А.В.Вахабов, Д.Фозибеков, Н.Х.Хайдаров, Ш.Г.Юлдошев<sup>60</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Бу ишларда асосан хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтиришнинг назарий жиҳатлари, бу жараёндаги молиявий-солик муносабатлари ёритилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг худудий ривожланишини тартибга солиш масалалари Ш.Б. И момовнинг илмий ишларида кўриб чиқилган<sup>61</sup>.

Д.Д.Рустамова, С.С.Насретдинов, Н.Н.Обламуродовларнинг номзодлик диссертацияларида иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари, миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари тадқиқ килинган<sup>62</sup>.

**“Инвестицион мухит жозибадорлиги”** тушунчасининг моҳиятини муаллифлар турлича талкин қилишмоқда.

Хорижий иқтисодчи-олимлар талкинида бу тушунча кўпроқ “бизнес мухити” тушунчаси билан маънодош сифатида кўрсатилмоқда. Жумладан, Дж. Д. Дэниелс и Ли. Х. Радеба фикрича,

<sup>60</sup> Гулямов С.С. Анализ проектов - Т.: Молия, 1996; Вахабов А.В.ва бошк. Хорижий инвестициялар.Ўкув кўлланма. - Т.: «Молия», 2010; Фозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати-Т.: 2003.

<sup>61</sup> Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. - Т., 1993

<sup>62</sup> Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: И.Ф.и. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006. 23 б.; Насретдинов С.С. Мишлий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. И.Ф.и. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2008. 24 б.; Обломурстов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. И.Ф.и. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2008. 24 б.

70-80-йиллардаги ТМКлар хозирда «бизнес мухити талабларига мослашув шартларини тулик күчириб олишга улгурдилар(environmental scanning) »<sup>63</sup>. Дж. Доунс и Г. Эллиотнинг таъкидлашларича «инвестицион мухит инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иктисодий, молиявий ва бошка шароитлардир»<sup>64</sup>.

Шундай қилиб, купчилик хорижий тадқиқотчилар “инвестицион мухит” “инвестицион иклим” тушунчалари мазмунини “бизнес мухити” тушунчаси билан бирдай кўришиб, унинг моҳияти – капитални куйишнинг рисклилиги даражасини ва аник объектта инвестиция килишнинг жозибадорлиги даражасини шакллантирувчи ташки шарт-шароитлар мажмуи сифатида талкин этадилар.

Сивакова С.Ю. фикрича, мазкур категориялар хорижий амалиётда тўлиқ синоним тушунчалар сифатида қўлланилади<sup>65</sup>.

Тараккиёт тадқиқотлари Институти (IDS, University of Sussex) вакиллари М. Мур ва Х. Шмитц ушбу тушунчаларнинг фаркланиши лозимлигини таъкидлашади ва уни асословчи омилларни баён этишади<sup>66</sup>. Улар фикрича, бизнес мухитининг (ёки инвестицион мухитнинг) яхшиланиши бизнесни юритиш учун харажатларни камайтириш имконини, инвестицион мухитнинг яхшиланиши эса – капитални инвестициялашдаги рискларни пасайтириш имконини кўзда тутади.

Махаллий иктисодчи-олимларимиздан Д.Фозибеков фикрича, «инвестицион мухит жозибадорлиги – инвесторлар учун яратилган, кафолатланган шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлигининг асослари мажмуидир»<sup>67</sup>. Ш.Мустафакуловнинг таъкидлашича, «мамлакатнинг интеграл инвестицион жозибадорлиги – бу мамлакатнинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва

<sup>63</sup> Дэнислс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е.изд. - М.: Дело ЛГД, 2014. 438с.

<sup>64</sup> Доунс Дж., Гудман Дж. Э. Финансово - инвестиционный словарь. З-е изд. М.:Инфра-М, 2017. - 255с.

<sup>65</sup> Сивакова С.Ю. Формирование инвестиционного климата с целью привлечения иностранных инвестиций (На примере Смоленской области): дис. канд. экон. наук: 08.00.05 - Санкт-Петербург, 2014 - с. 22.


<sup>66</sup> Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex Institute of Development Studies, 2016 - P.22.

<sup>67</sup> Фозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003;

ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иктисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир<sup>68</sup>.

Инвестицияларни жалб қилиш барча давлатлар учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожланишнинг стратегик дастурларини амалга ошириш, янги бозорларни эгаллаш кўшимча маблаг кўйилмалари талаб этади.

Мамлакатимиз иктисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу, авваламбор, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иктисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.



7.1-расм. Инвестициялардан фойдаланиш йўналишлари

<sup>68</sup> Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мухит жозибадорлиги. Т.:2017;

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвесторлари иштирокини кенгайтирмай туриб иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иктисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши иктисодий имкониятларнинг кенгайшишини жадаллаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва захираларни ишга солиш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш орқали барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш учун хизмат қилади.

Инвестициялардан фойдаланиш йўналишларини куйидагича ифодалаш мумкин (7.1- расм).

Инвестициялар хар кандай иктисодиётни харакатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи омил бўлиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб миллий иктисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш талаб этилади.

Мамлакатимизда инвесторлар учун кўп жиҳатдан бекиёс, ўта кулаг инвестицион мухит, имтиёз ва проференциялар тизими яратилган. Иктисодиётимизга жалб килинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.

Мамлакат инвестиция мухитини шакллантирадиган омиллар куйидаги 7.1- жадвалда келтирилган.

### 7.1-жадвал

#### **Мамлакат инвестиция мухитининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар<sup>69</sup>**

| Омиллар         | Мазуни   |
|-----------------|--|
| Иктисодий ҳолат | Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта пул тизими барқарорлиги, ташқи иктисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сифимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва курилиш хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари. |
| Хукукий база    | Янги шароитларга мос келдиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг бошқарадиган фармонлар, қарорлар,   |

<sup>69</sup> Вахабов А.В.ва бошк. Хорижий инвестициялар. Ўқув кўлланма. – Т.: «Молия», 2010;

|                                 |  |
|---------------------------------|--|
|                                 | низомлар, йўрикномаларнинг мавжудлиги.   |
| Табиий хом ашё ресурслари       | Минерал, хом ашё, ёқилғи энергетика ва сув ресурслари захиралари, кишлок хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари.   |
| Мехнат ресурслари ва бандлик    | Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсишлиқ даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.   |
| Ишлаб чиқаришнинг техник базаси | Асоси ишлаб чиқариш фондларининг, ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларнинг эскириши даражаси  |
| Илмий-техника салоҳияти         | Иқтисодий ривожланишга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жихозланиши, фан-техника ютукларидан фойдаланиш ва ИТТКИ соҳасининг ривожланиши ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юкори технологик турларини ишлаб чиқариш. |
| Молия-кредит тизими             | Солиқ ва кредит сиёсат, иқтисодитнинг реал сектори корхоналарнинг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакиллантириш сиёсати   |
| Инфратузилма                    | Банк тизими ривожланиш ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, айдиторлик хизматлари, сугўрта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.  |
| Экологик вазият                 | Атроф-муҳитнинг ифлосланиши даражаси, радиацион фон, заарли чиқиндилар.  |

Мамлакатдаги иқтисодий аҳволни таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар (ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши суръатлари, ташки иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси ва ҳоказолар) айни вақтда етарлича барқарор динамикага эга ва кулаги инвестиция мухитини шакиллантиришда салмоқли кафолат хисобланади.

Инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат ички бозор сиғимининг катталиги хорижий инвесторлар учун мухим омил хисобланади. Тахдиллар кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ички бозор истеъмол товарлар

билин ҳали түлиқ түйинтирилмаган, шу боис ахоли ялпи талабининг сезиларли кисми импорт хисобига қондирилади.

Капитални ташкаридан жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорлар инвестициялаш учун кулай мухитни шакллантиришга кўмаклашадиган рағбатлар тизимини таклиф қилишдир. Республика қонунчилиги томонидан мустақилик йилларида қабул қилинган имтиёзлар ва рағбатлар етарли миқдорда бўлиб, инвесторлар фаолиятининг хамма жиҳатларини камраб олган.

Ўзбекистон юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникавий салоҳиятта эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга Эришилди.

Республиканинг хорижий инвесторлар учун юқори жозибадорлигининг яна бир мухим омили бой ресурс базасининг мавжудлигидир.

Республикамизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг асосий мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини таомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар ташкил этиш асосида мамлакатимиз инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Бу сиёсат биринчи навбатда, инвестициялаш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куvvatлашнинг самарали тизимини шакллантириш оркали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат килмоқда. Амалга оширилаётган инвестиция сиёсати миллий ва хорижий инвесторларнинг хўжалик фаолиятини юритишлари учун кулай шароитлар яратмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар ва ахолининг инвестиция фаоллигини ошириш, республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришга алоҳида зътибор қаратилмоқда.

Ислоҳотларнинг дастлабки боскичида мамлакатимиз иқтисодиётидаги чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди ва ушбу дастурларга киритилган

лойиҳаларнинг амалга оширилиши республикамизда иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш имконини берди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат инвестиция сиёсатининг марказий масалаларидан бири сифатида инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш майдонга чикмоқда. Бу соҳада чукур институционал ўзгаришлар амалга оширилди, мамлакат иқтисодий тараққиёти бўйича мухим чоратадбирлар қабул қилинди, мақсадли комплекс дастурлар амалга оширилмоқда.

Ривожланган ва изчил тарақкий этаётган давлатлар (Япония, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой ва бошқалар) тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат рақобатдошлиги, ўзининг чегараси доирасида умумий инфратузилмани кўллаб-куватлаш, худудлараро ва минтакалараро интеграцияни чукурлаштиришнинг янги методларини кўллаш инвестицион мухит жозибадорлигига тўлалигича боғлиқдир.

Шу сабабли, инвестицион мухит жозибадорлиги ва унга таъсир этувчи янги омилларни ўрганиш ҳозирги замон фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоён бўлмокда. Шу билан бирга инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тадқиқ килишнинг назарий-методологик базаси ҳали етарли даражада тизимлаштирилмаган ва у асосан худудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияларига асосланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши асосий кўрсаткичлари таҳдил қилганимизда Ялпи ички маҳсулотни 2014 йилда 145 846,4 млрд.сўм, 2016 йилда бу кўрсатгични 199325,1 млрд.сўмни ташкил этган. Ривожланиш кўрсаткичлари ўтган йиллар давомида ўсиш даражаси ўртача 7-9 % на ташкил этиб келмоқда.

## 7.2-жадвал

**2014-2017 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши асосий кўрсаткичлари<sup>70</sup> (млрд. сўм)**

|    | Кўрсаткичлар                              | 2014 йил  | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил |
|----|---|-----------|----------|----------|----------|
| 1. | ЯИМ, жами                                 | 145 846,4 | 171808,3 | 199325,1 | 249136,4 |
| 2. | Тармоқларнинг ялпи кўшилган киймати       | 133366,2  | 156731,0 | 182071,9 | 220982,2 |
| 3. | Саноат-жами                               | 84011,6   | 97598,2  | 111869,4 | 144185,3 |
| 4. | Истельмол товарлари                       | 33868,5   | 42085,5  | 48253,8  | 56159,4  |
| 5. | Кишлек хўжалиги маҳсулотлари              | 39737,3   | 45176,4  | 47486,1  | 69504,2  |
| 6. | Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 35233,3   | 41670,5  | 49770,6  | 60719,2  |

Иктиносидиётимизнинг ракобатбардошлигини фаоллаштиришда реал сектор корхоналари ҳамда миллий соҳа ва тармоқлар тизими субъектлари ҳаракатини бир томондан мувоғиқлаштиришни, иккинчи томондан, инновацияни амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, инновация жараёнини ривожлантириш учун шароит яратишида манфаатдор бўлган таркибларнинг интеграциясини талаб этади. Бу вазифани бажариш давлатнинг инновацион сиёсатини амалга ошириш тизимига юқлатилади ва қуидаги вазифаларни бажаради:

- инновацион тизимни устувор йўналишларини ривожлантиришга молиявий ресурсларни жалб этиш;
- инновацион тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш эвазига давлатнинг энг муҳим манфаатларини таъминлаш, ракобатбардош товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга шароит яратиш;
- мамлакатда фан ва фан сигими юкори бўлган ишлаб чиқариш, интеллектуал фаолиятнинг бошқа турлари учун керак бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш, иктиносидиётни янги техника ва технология билан таъминлаш, уни интенсив ривожлантириш учун керак бўлган кадрлар билан таъминлашнинг асосини яратиш;

<sup>70</sup>Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитаси майдумотлари.

- ресурсларнинг чекланганигини хисобга олган ҳолда устувор тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш мақсадида илмий ташкилотлар тармоғини ислоҳ этиш;
- ялпи ички маҳсулотнинг энергия ва материал сифимини камайтириш.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида унинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлик тенденцияларни чукур ўрганиш республикамизда инновацион мухитни яхшилаш билан бирга, ички ва ташки бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришда ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль кунги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиклади<sup>71</sup>. Унда «худудлар иқтисодий салоҳиятини ошириш, уни самарали бошқаришдаги мухим омил сифатида ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурлари мухим аҳамиятта эга» эканлиги таъкидланди. 2017-2021 йилларда умумий киймати 40 миллиард АҚШ доллари микдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошиди.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича карийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали ахолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

<sup>71</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

Лекин хозирги вактда, аввало, мамлакат ҳамда худудлар иқтисодиётига хориж инвестициясини жалб этиш номутаносиблигича қолмоқда. Хориж сармоясининг асосий қисми барибир марказлаштирилган ҳолда жалб қилинаяпти. Ҳудудий инвестиция дастурлари асосида йўналтирилган сармоялар хажми жами хориж капиталининг 10,4 -16,5 фоизини ташкил этади. Бу маҳаллий ижро ҳокимияти органларида чет эл инвестицияси билан ишлаш борасида муайян муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатади.

Сўнгти йилларда тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар жами сармоялар хажмининг 16,5 фоизидан ошмайди. Бу рақамнинг ўзиёқ инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш мақсадида инвестиция сиёсатининг ҳудудий кирраларини қайта кўриб чиқиш зарурати мавжудлигининг тасдиғидир. Шу муносабат билан хориж капиталини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўшимча ваколатлар бериш масаласини кўриб чиқиш зарур. Давлат инвестиция дастурига лойиҳаларни киритиш учун энг кам капитал қўйилма миқдорини 200 - 300 минг АҚШ долларигача тушириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хар йили инвестиция дастурларини, тармоқлар ҳамда худудларни ўрга муддатда ривожлантириш дастурларини тайёрлайди. Инвестиция дастурининг якуний лойиҳасида ҳукумат номи ёки кафолати остида хориж инвестициясини жалб қилиш бўйича таклифлар ҳамда ҳукумат имзолайдиган, 500 минг АҚШ долларидан юкори бўлган инвестиция лойиҳалари киритилади. Ушбу қисмга кирмай қолган таклифлар эса тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларида ўз аксини топади.

Мамлакатимизда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асосини ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари ташкил этади. Бу эса инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларининг ҳудудий жиҳатларини чукуррок тадқиқ

етиш ва унинг услугий жиҳатларини янада тақомиллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш буйича аник услубият бирон-бир халкаро қонун билан белгиланмаган, шу боис охирги вактларда инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни хисоблаш буйича турли услубиятлар кулланилмоқда.

Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б.лар фикрича, инвестицион жозибадорлик сармояни кувишдан тушган тушумнинг даражаси орқали аниқланади<sup>72</sup>.

Шунингдек, Савельев Ю.В. инвестицион жозибадорликни аниқлаш юзасидан инвестиция ҳажмини изоҳлаш, уларнинг горизонтал ва вертикал буйича таркибини таҳлил қилишга асосланган ёндошувины асослашга харакат килган<sup>73</sup>.

Ушбу қарашлар, алоҳида олинган худуд инвестицион жозибадорлигининг муҳим асоси бўлмиш - унинг инвестицион салоҳиятини ошириб бориш билан бирдай вазифалар қўйишини тўлиқ зътиборга олмайдилар.

*Бизнинг фикримизча, худуд инвестицион салоҳияти – бу худуднинг ривожланиши даражаси бўлиб, унга кўра худуд ўзининг табиий-иктисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали фойдаланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб боришини таъминлайди.*

Бу борада олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион муҳит жозибадорлиги, инвестицион салоҳият, худуд инвестицион салоҳият устунлиги ҳамда худуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишлари ҳақида аник тушунчалар илмий жиҳатдан етарлича ёритилмаган.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларининг илмий асосларини тадқиқ этиш шуни

<sup>72</sup> Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. и др. Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах. – М.: Юрайт, 2014 г. Фатхутдинов Р. Глобальная конкурентоспособность: монография. – М.: РИА Стандарты и качество, 2009 г. – 464 с.

<sup>73</sup> Савельев Ю.В. Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике. – Петрозаводск: КарНЦ РАН, 2010 г. – 516 с.

кўрсатдики, ҳудуд ҳамда ҳудудлараро миқёсда инвестицион мухит жозибадорлиги назарияси мавзуси маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан якин даврдан бошлаб чукур ўрганила бошланди. Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакиллари бўлган классикларнинг назарий қарашларида иқтисодий жараёнлардаги инвестицион мухит жозибадорлиги муносабатлари анъанавий тарзда, яъни ҳудудий омиллар ва минтақалараро муносабатларни хисобга олган ҳолда тадқиқ этилган.

Мавжуд назарий қарашларга мувофиқ уларни куйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

- a) макроиқтисодиёт концепцияси нуқтаи-назаридан инвестицион мухит жозибадорлигини ўрганиш;
- b) ташқи таъсир омиллари нуқтаи-назаридан инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва бошқарииш муносабатларини ўрганиш;
- c) инвестицион салоҳият ва уни бошқаришининг (бизнес даражасидаги) микроиқтисодий омиллари.

Юқорида келтирилган барча йўналишларда инвестицион мухит жозибадорлигининг ҳудудий хусусиятига иккинчи даражали масала сифатида қаралган. Шуни хисобга олган ҳолда, таъкидлаш лозимки, ҳудуд инвестицион жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари бўйича мавжуд тадқиқот тамойиллари ҳамда усулларини қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан асосий мақсад эса ҳудудда мавжуд маҳаллий салоҳият, ресурслар ва иқтисодий ўсиш захираларидан тўлик фойдаланишни бошқаришга прагматик ёндошувларни ишлаб чиқишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестицион мухит – ўрта муддатли истиқболда бошқарилувчи миллий ва ҳудудий иқтисодиётга хос булган омиллар ва рискларнинг мажмуидир.

Бизнинг фикримизча, қулай инвестицион мухит “омиллари” ва “шарт-шароитлари” тушунчаларини фарқлаш лозим.

*Кулай инвестицион мухит омиллари бу - аник умумлашма кўрсаткичлар билан ифодаланувчи мамлакат иқтисодиёти (ҳудуд, тармок)га инвестицияларни жалб қилиши интенсивлигини таъминловчи ресурслардир.*

**Кулай инвестицион мухит шарт-шароитлари бу – инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаолликка таъсир этувчи мамлакат иқтисодиёти(худуди, тармоги)даги маълум воеа-ходисалар ёки унинг холатидир.**

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, куйидаги таърифи беришимиз мумкин: “**Инвестицион мухит жозибадорлиги – мамлакатга инвестицияларинг окимини белгиловчи, таъминловчи, кафолатловчи ва инвестиция фаолиги билан баҳолана-диган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий асослар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йигиндишидир**”.

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқикига янгида ёндошувнинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозимки, унда мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида худудлар ижтимоий-иктисодий тараккиётининг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала килиб қўйилиши ва унинг диққат марказида “**инвестицион мухит**”, “**инвестицион салоҳият**”, “**инвестицион фаоллик**”, “**бизнес мухити**” каби ҳаётий белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиши ётиши лозим.

Мазкур янгида ёндошув асосидаги тадқиқ куйидагиларни ҳал этишга имкон беради:

- тизимли ёндошув асосида “**инвестицион мухит жозибадорлиги**” тушунчасининг янгида талқинини бериш ва такомиллашган терминологик аппаратини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлашга янгида ёндошиш зарурлигини белгиловчи омилларни илмий таҳлил килиш ва уларни самарали бошқариш тадбирларини асослаш;

- худуднинг табиий-иктисодий, молиявий, меҳнат, корпоратив бошқарув ва маҳаллий ҳукумат органлари самарали фаолияти каби омиллар билан белгиланувчи имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобига инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ҳолатини омилли ва натижавий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубиётини ишлаб чикиш;
- иктисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилиармонлик мухити, давлатнинг эркин ва маҳсус иктисодий зоналар ташкил этиш сиёсати ва иктиносидиётнинг очиқлигини комплекс ҳисобга олувчи коэффициентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқик килиш орқали инвестицион мухит жозибадорлигини самарали бошқариш истиқболларини прогноз килиш бўйича услубий тавсиялар бериш;
- инвестицион мухит жозибадорлиги ва инновацион ривожланиш конуниятларидан келиб чиқиб, уни самарали бошқаришнинг устувор омилларини аниклаш имконини берувчи иктисодий ривожланиш истиқболлари ва унинг инвестицион салоҳиятга таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чикиш;
- инвестицион мухит фаоллигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболларини илмий асослаш;
- турли омилларнинг ўзаро алокадорлигини тадқик этишининг янги концептуал схемаси асосида давлат томонидан инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқаришнинг ўрта ва узоқ мuddатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизимини ишлаб чикиш.

Инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқикига янгича ёндошув булардан ташқари яна давлатнинг инвестицион салоҳиятни бошқариш тизимини мукаммаллаштириш, унинг самарали йўналишларини белгилаш орқали инвестицион фаоллик ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларини таъминлашга оид катор таклиф ва тавсияларни ҳам бера олиши лозим.

## **8-§. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ**

Иқтисодиёттинг турли секторларини ривожлантиришда маҳаллий ва хорижий инвестицияларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Халкаро валюта фонди эксперталарининг таъкидлашича мамлакат ЯИМни камидаги 30% хорижий инвестиция ташкил этса, мамлакатнинг баркарор иқтисодий ўсишга эришиши таъминланади. Демак, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласи хисобланади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигин ошириш воситаларидан бири сифатида саноат тармоқларида маҳаллийлаштириш жараёнларини кенг фойдаланишини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чикиб, маҳаллийлаштириш жараёнларига таъсир этадиган омилларни кўриб чикиш мақсадга мувофиқдир. Бунда биз кўп омилли эконометрик таҳлил орқали маҳаллийлаштиришга ижобий таъсир этадиган омилларни кўриб чиқамиз. Республикаизда маҳаллийлаштириш жараёнларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушкига таъсир этувчи омиллар эконометрик тадқик этилди ва бунинг натижасида, мазкур улушга таъсир этувчи омилларнинг регрессия қийматлари аниқланди.

Бизга мълумки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун бир қанча омиллар ишлаб чиқариш жараённинг ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, шундай омиллар қаторига инвестициялар, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт ҳажми, божхона божлари, хомашё, ишчи кучи, моддий ресурслар билан мамлакат иқтисодиётининг таъминланганлик даражаси, транспорт ҳаражатлари ва бошқалар.

Дастлаб, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушкини эконометрик тадқик этиш мақсадида қўйидаги функция тузилди:

$$VIP = f(IC, LVIP, LPEV) \quad (1)$$

Бунда, *VIP* - маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши (млрд.сўм), *IC* - саноат тармоқлари бўйича барча молиялаштириш манбалари хисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (амалдаги нархларда, млрд.сўм), *LVIP* - маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналарнинг импорт ҳажми, *LPEV* - маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналарнинг экспорт ҳажми.

Куйида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши ва унга таъсир этувчи юқоридаги омилларнинг ривожланиш тенденциялари ўз аксини топган (8.1-жадвал).

#### 8.1-жадвал

**Махаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши ва унга таъсир этувчи омиллар динамикаси<sup>74</sup>**

| Йиллар | Саноат маҳсулотларининг ҳажми (млрд.сўм) | Саноат тармоқлари бўйича барча молиялаштириш манбалари хисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар (амалдаги нархларда, млрд.сўм) | Махаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар ҳажми импорт | Махаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар ҳажми экспорт |
|--------|--|---|---|--|
|        |  |   |   |  |
| 2005   | 11028,6                                  | 1032,4  | 1524880,42  | 1201675,1  |
| 2006   | 14640,3                                  | 1384,6  | 1523787,17  | 1932773,72   |
| 2007   | 18447,6                                  | 2223,2  | 2456694,83  | 2772002,859  |
| 2008   | 23848                                    | 3293,8  | 3214912,497   | 2892848,488  |
| 2009   | 28387,3                                  | 3556,9  | 2895657,953   | 1973136,643  |
| 2010   | 34499,1                                  | 4659,9  | 3727177,181   | 2536842,248  |
| 2011   | 42158,8                                  | 6070,3  | 4253175,421   | 3252926,227  |
| 2012   | 51059,3                                  | 7794,0  | 4809555,461   | 3093463,211  |
| 2013   | 64354,7                                  | 9813,4  | 5504238,216   | 2651784,472  |
| 2014   | 75194,2                                  | 13164,5   | 5209895,482   | 2370900,612  |
| 2015   | 97598,2                                  | 18795,5   | 4328122,3   | 1732598,945  |
| 2016   | 111869,4                                 | 20537,3   | 3410925,138   | 1944299,108  |
| 2017   | 148816,0                                 | 32047,1   | 4246960,088   | 2343055,603  |

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитаси мавъумотлари.

Дастлабки, эконометрик таҳлилларни амалга оширишда өлдин, берилган статистик кўрсаткичларни логарифмлаб оламиз. Чунки, логарифмланган кийматларда иқтисодий кўрсаткичларнинг даврий тебранишлари қисқариб, улар чизиқли кўринишга яқин қийматларни ўзида акс эттиради.

Кўйида берилган дастлабки иқтисодий кўрсаткичларнинг логарифмик қийматлари ўз аксини топган бўлиб, уларда кескин иқтисодий тебранишлар яққол кўзга ташланмайди ҳамда динамик қаторларда бошлангич норасмий стационарлик ҳолатлари кузатилади (8.2-жадвал).

### **8.2-жадвал**

**Маҳаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушки ва унга таъсир этувчи омиллар динамикасининг логарифмик қийматлари<sup>75</sup>**

| Йиллар | lnVIP  | lnJC   | lnLPIV | lnLPEV |
|--------|--------|--------|--------|--------|
| 2005   | 9,3082 | 6,9396 | 14,237 | 14,237 |
| 2006   | 9,5915 | 7,2332 | 14,237 | 14,237 |
| 2007   | 9,8227 | 7,7067 | 14,714 | 14,714 |
| 2008   | 10,079 | 8,0998 | 14,983 | 14,983 |
| 2009   | 10,254 | 8,1766 | 14,879 | 14,879 |
| 2010   | 10,449 | 8,4467 | 15,131 | 15,131 |
| 2011   | 10,649 | 8,7112 | 15,263 | 15,263 |
| 2012   | 10,841 | 8,9611 | 15,386 | 15,386 |
| 2013   | 11,072 | 9,1915 | 15,521 | 15,521 |
| 2014   | 11,228 | 9,4853 | 15,466 | 15,466 |
| 2015   | 11,489 | 9,8414 | 15,281 | 15,281 |
| 2016   | 11,625 | 9,9325 | 15,042 | 15,042 |
| 2017   | 11,916 | 10,375 | 15,262 | 15,262 |

Юқорида таъкидланганидек, маҳаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушкига таъсир этувчи омиллар логарифмик қийматларининг кўп омилли регрессион таҳлилини амалга оширамиз.

Олинган натижалар кўйидаги жадвалда ўз аксини топган (8.3-жадвал).

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастурда бажарилган.

### 8.3-жадвал

**Махаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг  
мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги  
улушига таъсир этувчи омилларнинг кўп ўлчовли регрессион  
тахлил натижалари<sup>76</sup>**

| Dependent Variable: lnVIP |             |                       |             |        |
|---------------------------|-------------|-----------------------|-------------|--------|
| Method: Least Squares     |             |                       |             |        |
| Sample: 2005 2017         |             |                       |             |        |
| Included observations: 13 |             |                       |             |        |
| Variable                  | Coefficient | Std. Error            | t-Statistic | Prob.  |
| lnIC                      | 0.770408    | 0.026896              | 28.64419    | 0.0000 |
| lnLPIV                    | -0.006250   | 0.081567              | -0.076619   | 0.9406 |
| lnLPEV                    | -0.055170   | 0.075367              | -0.732012   | 0.4828 |
| C                         | 4.839189    | 0.808409              | 5.986069    | 0.0002 |
| R-squared                 | 0.997173    | Mean dependent var    | 10.63988    |        |
| Adjusted R-squared        | 0.996230    | S.D. dependent var    | 0.812312    |        |
| S.E. of regression        | 0.049873    | Akaike info criterion | -2.910996   |        |
| Sum squared resid         | 0.022386    | Schwarz criterion     | -2.737165   |        |
| Log likelihood            | 22.92147    | Hannan-Quinn criter.  | -2.946726   |        |
| F-statistic               | 1058.125    | Durbin-Watson stat    | 2.072222    |        |
| Prob(F-statistic)         | 0.000000    |                       |             |        |

Махаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушига таъсир этувчи омилларнинг кўп ўлчовли регрессион таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, мазкур эконометрик таҳлил қийматлари “Энг кичик квадратлар” усули ёрдамида олинган бўлиб, бунда амалдаги нархларда саноат тармоклари бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ( $\ln IC$ ) махаллийлаштириш жараёнига жуда кучли таъсир этар экан.

Эконометрик таҳлил натижалари шундан далолат берадики, мазкур ўзгарувчи учун  $Prob (0.0000) < 0.05$  ва детерминация

<sup>76</sup> Муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастуринда бажарилган.

коэффициенти ( $R^2$ ) 0.997173, Фишернинг статистикаси ( $F$ -statistic) 1058.125 қийматни ҳамда унинг эҳтимоллиги  $Prob(F\text{-statistic}) < 0.05$  бўлганлиги учун юкорида таъкидланган параметр билан ушбу тенгламанинг сифати юкори ҳисобланади.

Бироқ, мустакил ўзгарувчи ҳисобланган, маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар импорт ҳажмининг регрессия коэффициенти ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар экспорт ҳажмининг регрессия коэффициентлари учун нолинчи гипотеза ( $H_0$ ) қабул килинади.

Шунингдек,  $F$ -статистика эса, нолинчи гипотезада текширилганда бизда танланган иккала мустакил ўзгарувчилар тобе ўзгарувчига таъсири мавжуд эканлигини тасдиклайди. Аммо уларнинг таъсир доираси 90 фоиздан кўйи қийматларни ташкил этади.

Эконометрик таҳдиларимизда  $R^2$  эса бирга яқинлигини кўрсатади. Бу шуни англатадики, танланган мустакил ўзгарувчилар ҳисобланган саноат тармоклари бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ва маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар импорт ҳажми тобе ўзгарувчи маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушининг 95 фоиз динамикасини шакллантириб берга олиши билан изохланади.

Эконометрик таҳдил натижалари шундан далолат берадики, маҳаллийлаштирилган саноат тармоклари бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 1 фоизга ўсиши маҳаллийлаштирилган саноат маҳсулот-ларининг ҳажмини қўшимча равища 7,8 фоиз ўсишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

Бизга маълумки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш қўшимча даромад ҳажми қўшимча харажатлар ҳажмига teng бўлгунга қадар ишлаб чиқаришни кенгайтириш самарали ҳисобланади.

Энди юкоридаги эконометрик моделнинг мустаҳкамлигини текшириш учун олинган натижалар устида диагностик тестларни амалга оширамиз. Шундан келиб чиқсан ҳолда, модель қолдиклари учун автокорреляцияни текшириш мақсадида “Бройша - Годфри диагности тести”ни ўтказамиз.

Тест натижалари шуни кўрсатадики, қолдикларда автокорреляция мавжуд эмас. Чунки, нолинчи гипотезага ( $H_0$ ) асосан Р- қиймат 0.05 коэффициентдан катта хисобланиб, бу эса олинган тахлилларда автокорреляция мавжуд эмаслигини тасдиқлаб беради (8.4-жадвал).

#### 8.4-жадвал

#### Бройша-Годфри тести асосида автокорреляцияни текшириш натижалари<sup>77</sup>

| Breusch-Godfrey Serial Correlation LM Test: |             |                       |             |        |
|---|-------------|-----------------------|-------------|--------|
| Variable                                    | Coefficient | Std. Error            | t-Statistic | Prob.  |
| lnIC  | 0.000852    | 0.023577              | 0.036140    | 0.9721 |
| lnLPIV                                      | 0.001558    | 0.060118              | 0.025914    | 0.9800 |
| C   | -0.030923   | 0.749395              | -0.041264   | 0.9681 |
| RESID(-1)                                   | 0.049745    | 0.343889              | 0.144656    | 0.8886 |
| RESID(-2)                                   | -0.365744   | 0.343008              | -1.066283   | 0.3174 |
| R-squared                                   | 0.125422    | Mean dependent var    | -9.55E-16   |        |
| Adjusted R-squared                          | -0.311866   | S.D. dependent var    | 0.044459    |        |
| S.E. of regression                          | 0.050922    | Akaike info criterion | -2.833331   |        |
| Sum squared resid                           | 0.020744    | Schwarz criterion     | -2.616043   |        |
| Log likelihood                              | 23.41665    | Hannan-Quinn criter.  | -2.877994   |        |
| F-statistic                                 | 0.286818    | Durbin-Watson stat    | 1.848257    |        |
| Prob(F-statistic)                           | 0.878564    |                       |             |        |

Моделнинг қолдик аъзоларида гетероскедастиклик муаммоси мавжудлигини текшириш учун диагности тести ўтказилди. Тест

<sup>77</sup> Муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастуринда бажарилган.

натижалари шундан далолат берадики, модель қолдикларда гетероскедастрик мұаммоси мавжуд әмас. Чунки, қолинчи гипотезага ( $H_0$ ) ассоан  $P$  – киймат 0.05 коэффициентдан катта хисобланиб, бу эса, қолдикларда гомоскедастрик бор эканлигини күрсатади.

Қолдикларни гомоскедастрик бўлиши шакллантирилган кўп омилии регрессион моделни прогноз қилиш имкониятини ҳам беради. Куйида берилган эконометрик моделдаги гетроскедастрик мұаммоси “Бройш-Паган-Годфри” тести ёрдамида амалга оширилади (8.5-жадвал).

### 8.5-жадвал

#### “Бройш-Паган-Годфри” тести ёрдамида гетроскедастрикликини баҳолаш<sup>78</sup>

| Heteroskedasticity Test: Breusch-Pagan-Godfrey |             |                       |             |        |
|--|-------------|-----------------------|-------------|--------|
|  |             |                       |             |        |
| F-statistic                                    | 0.497880    | Prob. F(2,10)         | 0.6221      |        |
| Obs*R-squared                                  | 1.177260    | Prob. Chi-Square(2)   | 0.5551      |        |
| Scaled explained SS                            | 0.700953    | Prob. Chi-Square(2)   | 0.7044      |        |
| Test Equation:                                 |             |                       |             |        |
| Dependent Variable: RESID^2                    |             |                       |             |        |
| Method: Least Squares                          |             |                       |             |        |
| Sample: 2005 2017                              |             |                       |             |        |
| Included observations: 13                      |             |                       |             |        |
| Variable                                       | Coefficient | Std. Error            | t-Statistic | Prob.  |
| C  | -0.017427   | 0.040728              | -0.427891   | 0.6778 |
| lnIC   | -0.001247   | 0.001302              | -0.958147   | 0.3606 |
| lnLPIV   | 0.002003    | 0.003282              | 0.610293    | 0.5553 |
| R-squared                                      | 0.090558    | Mean dependent var    | 0.001825    |        |
| Adjusted R-squared                             | -0.091330   | S.D. dependent var    | 0.002694    |        |
| S.E. of regression                             | 0.002814    | Akaike info criterion | -8.708987   |        |
| Sum squared resid                              | 7.92E-05    | Schwarz criterion     | -8.578614   |        |
| Log likelihood                                 | 59.60841    | Hannan-Quinn criter.  | -8.735784   |        |
| F-statistic                                    | 0.497880    | Durbin-Watson stat    | 2.096046    |        |
| Prob(F-statistic)                              | 0.622120    |                       |             |        |


Қолдикларни нормал тақсимотини текшириш учун “Жаркуя - Бера диагностика тести”ни ўтказамиз. Тест натижаси шуни

<sup>78</sup> Муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастурда бажарылган.

кўрсатадики, модел колдикларининг тақсимланишида нормал тақсимот мавжуд эмаслиги муаммоси якъол кўзга ташланади. Чунки, нолинчи гипотезага ( $H_0$ ) асосан Р- қиймат 0.05 коэффициентдан катта бўлиб, колдикларниң нормал тақсимлаганлиги ҳакидаги гипотезани қабул қилишга асос бўла олади.

Куйида 1-расмда “Жаркуа - Бера диагностика тести” натижалари ва унинг графиги ўз аксини топган бўлиб, бунда нормал тақсимот учун куйидаги қиймат эҳтимоллиги  $Prob$  ( $0.788$ )  $> 0.05$  катта ҳисобланади.

Энди, юкоридаги эконометрик тахлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, бунда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушига фақатгина белгиланган меъёрлар доирасида саноат тармоқлари бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (амалдаги нархларда, млрд.сўм) жуда кучли таъсир этар экан.




8.1-расм. “Жаркуа - Бера диагностика тести” натижалари<sup>79</sup>

Бирок иқтисодий таҳминлар шуни тасдиқлайдики, маҳаллийлаштириш жараёнининг ривожланиши жараённига мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари ҳам кучли таъсир этади. Аммо бизнинг эконометрик тахлилларимиздан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, мазкур операцияларнинг маҳаллийлаштириш жараёнларига таъсири олинган натижаларга кўра 90 фоиздан куйи

<sup>79</sup> Муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастурнида бажарилган.

бўлган улушларни ташкил этади. Бу эса, тадқикот натижаларини янада чукурлаштиришни ҳамда ушбу таҳлилда Engel-Grengengnинг “коинтеграция” тестини кўллашни талаб этади.

Юкоридаги эконометрик таҳлил натижалари асосида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушкига саноат тармоқлари бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг таъсирини кўйидаги регрессия чизиги ва корреляцион майдон асосида ҳам тасвирлаш мумкин бўлиб, унга кўра, эрксиз ўзгарувчининг 1 фоизга ошиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушкини қўшимча равишда 7,7 фоиз ошишини таъминлаш имкониятини беради (2-расм).




**8.2-расм. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг умумий саноат ишлаб чиқаришдаги улушкига инвестицияларнинг таъсирини ифода этувчи регрессия эгри чизиги графиги<sup>80</sup>**

Бизда тадқик этилаётган эрксиз ўзгарувчи ҳисобланган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимиз умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси ва унга таъсир этувчи омиллар прогноз моделининг таҳлил натижаларини кўрсатишича, олинган *MAPE* (прогнознинг ўргача мутлоқ фоиз хатоси) қийматлари 0.32 фоизни ҳамда Тейл

<sup>80</sup> Муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастурда бажарилаган.

коэффициенти 0.001 кийматни ташкил этганилиги боис, ушбу омиллар асосида ташкил топган модель бўйича прогноз аниклиги жуда юқори хисобланади. Ўз навбатида  $MAPE \leq 8\text{-}10$  фоиз ва  $TIC \rightarrow 0$  якин бўлганилиги боис ушбу омилларнинг келажакдаги таъсирлари ҳам сақланиб қолинади (3-расм).



### 8.3-расм. Махаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг умумий саноат ишлаб чиқаришдаги улушкининг ретроспектив прогнози ва унинг сифат кўрсаткичлари<sup>81</sup>

Ўтказилган эконометрик таҳлил натижаларидан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, махаллийлаштириш жараёнларини мамлакатимиз ҳудудида янада кенг жорий килиш ва республика ялпи ички маҳсулотидаги унинг улушкини оширишда инвестициялар жалб қилишга алоҳида ахамият бериш лозим. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, инвестиция ва махаллийлаштириш бир-бирини рагбатлантиради. Яъни, инвестиция киритилса махаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми оргади, махаллийлаштириш лойиҳаларни кенг тадбик этиш инвестиция киритиш имкониятини яратади. Уларнинг ўртасидаги ўзаро ижобий боғликлек орқали ҳудудлар ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини оширишга замин яратилади.

<sup>81</sup> Муаллиф томонидан Eviews 9 амалий дастуринда бажарилган.

## **9-§. “ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ҚУРИЛИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР**

---

Қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мамлакатимиз халқларининг азалдан энг бебаҳо қадрият ва анъаналаридан бири бўлиб келган. Аммо мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи қишлоқ жойларда яшashi ва уларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарамасдан, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, улар учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратишга тизимли эътибор қаратилмаган. Хусусан:

Биринчидан, бино-иншоотлар ва уй-жойларни шаҳарсозлик меъёри қоидаларига амал килмай, тартибсиз ва ўзбошимчалик билан куриш ҳолатларига чек қўйилмаяпти. Қурилиш ишларининг архитектура ва меъморий режалаштириш талаблари асосида олиб борилмаслиги оқибатида қишлоқ аҳоли пунктларининг киёфаси эскича кўринишида қолиб, замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

Иккинчидан, қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви, газ ва электр тармоклари, трансформатор пунктларини эксплуатация қилиш қониқарсиз аҳволда олиб борилиши оқибатида зарур инфратузилмалар эскирган ва яроқсиз аҳволга келиб қолган.

Учинчидан, шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари худудларнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилмаганлиги оқибатида мазкур худудларда автомобиль йўллари ва йўлбўйи инфратузилмаси барпо этиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация тизимларини барпо этиш тартибсиз равища олиб борилган.

Тўртингчидан, маҳаллий бюджетлар ва тармоқ ташкилотлари томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини комплекс тарзда амалга ошириш учун тизимли молиялаштириш йўлга кўйилмаган.

Бешинчидан, энг ачинарлиси шуки, аҳолининг айрим кисмлари шу аҳвол билан кўнинкан бокимандалик кайфиятига берилиб

кеттганлиги оқибатида ўзининг уй-жойлари, ҳовлиси ва томорқасини сақлашга эътибор қаратмай қўйилган. Ўз остонасини осойишта ва саранжом қилмаслик эса фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олтингчидан, ободонлаштириш ишларида фаоллар, кенг жамоатчилик ва фуқароларни жалб қилишга етарлича эътибор қаратилемаган, тизимли ва самарали ишлар олиб борилмаган.

Еттингчидан, худудларда анъанавий бўлиб қолган ҳашарларни фақатгина “хўжа кўрсин” учун байрам кунларига яқин саналарда юзаки ўтказиш одат тусига айланаб қолган<sup>82</sup>.

Бу ҳолатлар қишлоқ аҳолисининг турмуш сифати ва фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимизни замонавий ва кўркам гўшаларга айлантириш орқали мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиши мақсадларига тўсик бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартағи ПФ-5386-сонли “Обод қишлоқ дастури тўғрисида”ти Фармонини қабул қилиниши қишлоқларимиз қиёфасини жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосида ўзгартириш, барча қулайлик ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этиш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

2018 йилда амалга оширилган “Обод қишлоқ дастури”нинг устувор мақсад ва асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, сизот сувлар сатхини пасайтириш, қишлоқларни туман марказига улайдиган йўлларини куриш, рекон-структурция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, лизинг асосида қишлоқ ва туман маркази орасида автобус қатновини йўлга қўйиш;

- маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш ҳамда таъмирлаш, йўлбўйларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартағи ПФ-5386-сонли “Обод қишлоқ дастури тўғрисида” Фармонидан.

иншоотлари ва ирригация тизимларини барпо этиш, транспорт тўхташ бекатларини қуриш;

- халқаро молиявий институтларнинг кредитлари ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари хисобига электр таъминотини яхшилаш, алоқа тизимини модернизация қилиш, ахолига суюлтирилган газ ва кўумир ёқилғисини узлуксиз етказиб бериш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни тубдан яхшилашга эътибор қаратиш, бунда боғча, мактаб ва оиласвий поликлиникаларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда тегишли харажатларнинг ярмини республика бюджети ва мақсадли жамғармалар ҳамда қолган қисмини маҳаллий бюджет ва маҳаллий ҳомийлар хисобидан молиялаштириш;

- бозор инфратузилмаси объектларини ва сервис шохобчаларини, жумладан, ҳаммом ва кичик бозор шохобчаларини тадбиркорларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва халқаро молия институтларининг кредитлари хисобидан барпо этиш;

- уй-жойларни таъмирлашда хонадон эгаларига амалий ёрдам кўрсатиш, авваламбор, курилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш, ҳашар усулларини кенг миқёсда кўллаш хисобига ҳовли ва атроф-худудларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш, оқова сув хандакларини барпо этиш ҳамда мухтоҷ оиласлар учун ҳомийлар ва иш берувчи корхоналар маблағлари хисобидан уй қуриб бериш (таъмирлаш) ва бошк.


Бу ишларни молиялаштириш учун Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари хузурида “Обод кишлоқ” жамғармалари тузилди.

“Обод кишлоқ дастури” дастлаб Жиззах вилояти Дустлик туманидаги уй-жойлар ва инфратузилма объектлари хароб ахволга келиб колган Манас қишлоғидан бошланди. Бу қишлоқда олиб борилган кенг кўламли ободонлаштириш ишлари натижасида атиги 1,5 ойда кишлоқ қиёфаси замонавий кўриниш касб этиб, ахолининг турмуш даражаси, кайфияти ва дунёкараши ўзгарди, эрганги кунга мустахкам ишонч пайдо бўлди.

“Обод кишлоқ дастури” доирасида 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида, авваламбор олис

ва табиий-икълим шароити оғир худудларда 2 тадан, жами 416 қишлоқда ахолининг яшаш ва турмуш шароитларини тубдан яхшилаш, мазкур қишлоқларнинг қиёфасини замонавийлаштириш ва унда истиқомат құлувчилар учун иш ўринларини яратышга қарата илгән тадбирлар амалга оширилди ҳамда бу мақсадлар учун 3 трилион сүмдан ортик маблағлар йўналтирилди. Бу маблағларнинг 80 фоизи давлат бюджети, давлат корхоналари маблағлари ва улар жалб қиласидан хорижий кредитлар, колган 20 фоизи эса тадбиркорларнинг ўзларига тегишли бозор инфратузилимаси объектларига сарфланадиган маблағлари ва банк кредитлари хисобидан таъминланди.

Маълумотларга кўра, “Обод қишлоқ дастури” мамлакатимизнинг 174 туманида амалга оширилган бўлиб, унга 368 та қишлоқ ва овул фуқаролар йигинига қарашли 333 740 та хонадондаги 1 719 978 ахоли сони қамраб олинган (9.1-расм).




**9.1-расм. “Обод қишлоқ” дастури доирасида қамраб олинган худудлар ва ахоли сони**

Замонавий ва обод қишлоқ аввалом бор архитектура ва мъеморий режалаштириш талабларига мос келиши, Бош режа асосида тартиб билан курилиши, барча қуайликлар ва коммуникация тармоқларига (электр, газ узатиш тармоқлари, сув таъминоти, йўллар ва бошка) эга бўлиши ҳамда кўриниши ва шинамлиги билан ажralиб туриши лозим (9.2-расм).



**9.2-расм. Замонавий ва обод қишлоқнинг бугунги кўриниши**

Энг аввало, замонавий қишлоқларни қулай коммуникация тармоқлари ва шинам ижтимоий инфратузилмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди (9.3-расм).



**9.3-расм. Қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий ижтимоий инфратузилма объектларининг намуналари**

**а) қишлоқ чойхонаси**

**б) малиший хизмат уйи**

Бугунги кунда нафақат замонавий ва шинам уй-жойлар куриш, айни вактда болалар боғчалари, умумталим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш обектлари, кенг ва равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ахолисининг қулай ва мунособ ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали ахоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш мақсад килиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 марта даги ПҚ-3630-сонли “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” карорида бу борада амалга ошириладиган ишларнинг аниқ йўналишлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб берилган (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

**“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган курилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари**

| №  | Кўрсаткичлар   | Лойиҳаларнинг:        |                    |
|--|--|-----------------------|--------------------|
|  |  | ҳажми                 | қиймати, млн. сўм  |
| 1.   | Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш  | 127 143<br>дона       | 951 825,2          |
| 2.   | Ичимлик суви таъминотини яхшилаш   | 1 535 км              | 234 192,0          |
| 3.   | Тозалов иншоотлари (окова сув хандаклари)  | 17 072 дона           | 94 017,0           |
| 4.   | Электр энергияси таъминотини яхшилаш   | 1 847 км              | 121 598,0          |
| 5.   | Газ таъминотини яхшилаш:<br>- газ баллони;<br>- газ тармоқлари   | 44 868 дона<br>263 км | 35 519,0           |
| 6.   | Автомобиль йўлларини таъмирлаш   | 2 083 км              | 548 165,0          |
| 7.   | Ижтимоий инфратузилма объектлари куриш ва таъмирлаш  | 736 дона              | 695 275,0          |
| 8.   | Бозор инфратузилма объектлари куриш ва таъмирлаш   | 2 756 дона            | 398 701,0          |
| 9.   | Ахолига транспорт хизмат кўрсатиш ва автобусларда ўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш:<br>- автобуслар харид килиш;<br>- бекатларни ташкил этиш | 571 дона<br>252 дона  | 159 581,0          |
| <b>Жами ажратилган маблағлар:</b>  |  |                       | <b>3 040 785,0</b> |
| Шу жумладан:   |  |                       |                    |
| Махаллий бюджет ва унинг қўшимча манбалари хисобидан   |  |                       | <b>870 387,0</b>   |
| Марказлашган маблағлар хисобидан   |  |                       | <b>549 917,0</b>   |
| Халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатлар кредит ва грантлари  |  |                       | <b>779 424,0</b>   |
| Тармоқ корхона-ларининг маблағлари   |  |                       | <b>147 944,0</b>   |
| “Махалла” жамғармаси ва бошқа жамғарма ташкилотлари хисобидан  |  |                       | <b>94 182,0</b>    |
| Бозор инфратузилмаси объектлари учун тадбиркорларнинг ўз маблағлари, хомийлик, ҳашар ва тижорат банклари кредит маблағлари |  |                       | <b>598 932,0</b>   |

Манба: Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 марта даги ПҚ-3630-сонли карорининг 2-3-иловалар асосида тузилган.

Келтирилган маълумотлардан маълумки, дастур доирасида 2018 йилда 127 мингдан ортиқ уй-жойни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, 1 535 км ичимлик суви, 1847 км электр ва 263 км газ тармоқлари, 736 та ижтимоий соҳа ва 2756 та бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва капитал таъмирлаш, 2083 километр автомобил йўлларини капитал таъмирлаш, 571 замонавий автобус харид килиш, 252 дона бекат қуриш ва янги қатнов йўналишлари очиш белгилаб берилган.

Эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, “Обод қишлоқ” дастурига киритилган объектларни сифатли ва арzon қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида, металл прокати, цемент, норуда материаллари, гишт, темир-бетон маҳсулотлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёқ, шифер ва шу каби бошқа асосий турдаги маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун корхоналарга газ ва электр энергияси 2018 йил 1 майдан бошлаб, “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан аҳоли учун белгилангандар нархларда етказиб берилиди (9.2-жадвал).

#### 9.2-жадвал

**“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2018 йилда ишлаб чиқариш корхоналарига табиий газ ва электр энергиясини аҳоли учун белгилангандар нархларда етказиб бериш преференциялари татбик этилган асосий турдаги қурилиш материаллари**

| Қурилиш материаллари тури | Металл прокати, тонна        | Цемент, тонна        | Шагал, м. куб   | Қум карьери, м. куб      | Эшик, дона       | Дераза ва ойна, дона           |
|---------------------------|------------------------------|----------------------|-----------------|--------------------------|------------------|--------------------------------|
| Микдори                   | 8 461                        | 105 981              | 888 145         | 387 454                  | 54 387           | 89 075                         |
|                           |                              |                      |                 |                          |                  |                                |
| Қурилиш материаллари тури | Лок-бўёқ маҳсулотлари, тонна | Гипс, картон, м. кв. | Гишт, минг дона | Ёғоч материаллар, м. куб | Шифер, минг дона | Темир-бетон маҳсулотлари, дона |
| Микдори                   | 11 054                       | 399 531              | 79 541          | 57 249                   | 68 848           | 654 382                        |

Манба: Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 марта даги ПҚ-3630-сонли қарорининг 4-иловаси асосида тузилган.

Мамлакатимиз тараққиётида шаҳарларимиз ва уларда яшаб келаётган меҳнатсевар халқимизнинг алохида ўрни бор. Агар шаҳарларимиз гўзал, маҳаллаларимиз обод бўлмаса, уйларимизда фаровонолик ва файз-барака бўлмайди. Бироқ, маҳаллий ҳокимлик ва коммунал тармоқ корхоналари томонидан зиммасидаги вазифаларни тўлиқ бажармаслик оқибатида маҳаллалардаги ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмалари ночор аҳволга тушиб қолди.

Биринчидан, маҳаллаларнинг бош режалари ва батафсил режалаштириш лойихаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда шаҳарсозлик нормаларига амал килинмаганилиги оқибатида жойларда ўзбошимчалик билан бетартиб курилишларга барҳам берилмади;

Иккинчидан, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ишончли молиявий манбалар билан таъминланмаганилигидан, уларни ўз вактида ва тўлиқ модернизация килиш имконияти чекланиб, коммунал хизматлар таъминотидаги етишмовчилик ва узилишлар юзага келди;

Учинчидан, ички йўллар холати талаб даражасида эмас ва ўtkазиш кувватлари фойдаланиш учун мослашмаган, дренаж-ирригация тизими ning эскирганлиги ҳамда яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сизот сувлар сатхини пасайтириш имконини бермайди.

Маҳаллалар худудини ободонлаштириш, шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиши ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш шароитини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5467-сонли “Обод маҳалла дастури тўғрисида”ти Фармони қабул килинди ва у “Обод кишлок” дастури доирасида бошланган хайрли ишларнинг шаҳар маҳалларидағи мантикий давоми бўлди десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3812-сонли “Обод маҳалла” дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида”ти қарорида “Обод маҳалла” дастурининг асосий параметрлари, молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари тасдикланди. Қарорга кўра мамлакатимиз шаҳарларидағи жами 220 та маҳаллалардан 275 526 хонадон ва 980,4 минг киши яшайдиган

худудни қамраб олган йирик дастур шакллантирилди ва унга 3 054,3 млрд. сўм ажратилди.



**“Обод махалла” дастурига киритилган:**



- махаллалар сони 220 та;



- хонадонлар сони 275 526 та;

### 9.3-жадвал

**“Обод махалла” дастури доирасида 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари**

| Кўрсаткичлар  | Иш<br>хажми | Қиймати,<br>млн. сўм |
|---|-------------|----------------------|
| <b>1. Бозор инфратузилмаси объектларини ташкил этиш, дона:</b>  |             |                      |
| - ҳаммоллар   | 93          |                      |
| - савдо мажмуалари  | 198         |                      |
| - микро саноат зоналари   | 292         |                      |
| - тикув цехлари   | 267         |                      |
| - пойабзал ишлаб чиқариш ва таъмирлаш устахоналари  | 200         |                      |
| - маший техникаларни таъмирлаш устахоналари   | 85          |                      |
| - хунармандчilik устахоналари   | 173         |                      |
| - бошқа турдаги   | 638         |                      |
| <b>2. Худудларни ободонлаштириш:</b>  |             |                      |
| - пиёдалар йўлакларини қуриш ва реконструкция килиш, км   | 380,1       | 38 404,8             |
| - ирригация тизимларини қуриш ва реконструкция килиш, км  | 696,6       | 39 999,6             |
| - умумий майдонларни ободонлаштириш ва кўкалаамзорлаштириш, минг м <sup>2</sup>                           | 374,2       |                      |
| - сугориш кудуклари қазиш, дона   | 135         |                      |
| - чиқинди йигиши майдончаларини таъмирлаш, қуриш ва янги типдаги чиқинди йигиши модулларини ўрнатиш, дона | 1 372       |                      |
| <b>3. Кўп хонадоили уйларни таъмирлаш ва худудларини ободонлаштириш:</b>                                  |             |                      |
| - том қисми таъмирланадиган кўп қаватли уйлар сони, дона  | 2 911       |                      |
| - фасад қисми таъмирланадиган кўп қаватли уйлар сони, дона  | 7 402       |                      |
| - ертўла қисмидаги мухандислик коммуникацияларини таъмирлаш, дона   | 2 210       | 191 802,8            |
| - кўп қаватли уйлар лифтларини жорий ва мукаммал таъмирлаш, дона  | 200         |                      |
| <b>4. Якка тартибдаги уйларни қуриш ва таъмирлаши:</b>  |             |                      |
| - янги хусусий тартибда қуриладиган кўп қаватли уйлар,  | 133         | 888 800,0            |

|  |         |           |  |
|--|---------|-----------|--|
| <b>дона</b>  |         |           |  |
| - том кисми таъмирланадиган якка тартибдаги уй-жойлар сони, дона   | 7 953   |           |  |
| - фасад кисми таъмирланадиган якка тартибдаги уй-жойлар сони, дона   | 22 116  | 220 936,0 |  |
| - болалар ўйин майдончаларини куриш, дона  | 804     | 38 563,4  |  |
| <b>5. Ижтимоий соҳа объектларини куриш, реконструкция килиш ва мукаммал таъмирлаш:</b>                       |         |           |  |
| - мактаблар, дона  | 125     | 162 205,5 |  |
| - мактабгача таълим муассасалари, дона   | 245     | 269 886,4 |  |
| - тиббиёт муассасалари, дона   | 516     | 73 351,4  |  |
| - спорт иншоотлари, дона   | 127     | 61 385,7  |  |
| - махалла гузарлари, дона  | 167     | 111 414,9 |  |
| - ички автомобиль йўллари, км  | 1 530,2 | 290 424,5 |  |
| - куриладиган автобус бекатлари сони, дона   | 202     |           |  |
| <b>6. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларини куриш, реконструкция килиш ва мукаммал таъмирлаш:</b> |         |           |  |
| - сув тармокларини, км   | 681,4   | 106 598,6 |  |
| - сув иншоотларини, дона   | 177     | 23 687,3  |  |
| - оқова сув тармокларини, км   | 6 216,6 | 162 602,4 |  |
| <b>7. Электр энергияси ва газ таъминоти яхшилаш:</b>   |         |           |  |
| - электр тармоклари куриш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш, км   | 459,2   |           |  |
| - трансформаторлар куриш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш, дона  | 235     |           |  |
| - газ тармокларини таъмирлаш ва реконструкция килиш, км  | 257,4   |           |  |
| - суюлтирилган газ баллони билан таъминлаш, дона   | 4 802   |           |  |
| <b>8. Иссиклик таъминотини яхшилаш:</b>  |         |           |  |
| - янги кувурлар ўтказиш, км  | 11,0    |           |  |
| - эскирган иссиқлик кувурларини алмаштириш, км   | 75,7    |           |  |
| - насос стансияларини таъмирлаш ва энергия хисоблагичлари ўрнатиш, дона                                      | 35      |           |  |
| - локал қозонлар ташкил этиш, дона   | 19      |           |  |
| - кўп каватли уйларда индивидуал иситиш тизимини ўрнатиш, дона   | 6 931   |           |  |
| - якка тартибдаги уй-жойлардаги эски иситиш қозонларини энергия тежовчи қозонларга алмаштириш, дона          | 2 524   |           |  |
|  |         | 117 955,0 |  |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнданги ПҚ-3812-сонли “Обод маҳалла” дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида”ги карорининг 2.1-2.9-иловалари асосида тузилган.

## **“Обод маҳалла” дастури доирасида қўйидаги ишлар амалга оширилди (9.3-жадвал):**

- ҳар бир маҳаллада ўз ичига маҳалла гузари, тиббиёт масканлари негизида қулай ва арzon дорихоналар, зарур майший хизмат ва сервис шоҳобчалари, болалар майдончаси ҳамда кичик истироҳат бодини камраб оладиган “маҳалла марказлари” барпо этилди;

- кўп хонадонли ва якка тартибдаги янги уй-жойлар қурилиб, мавжудлари таъмирланди ва уларга туташган худудлар ободонлаштирилди, пиёдалар йўлаклари, ирригация ва сугориш тизимлари ҳамда чикинди йигиц майдончалари барпо этилди;


- маҳалла ички автомобиль йўллари ва транспорт коммуникация тизими таъмирланди, ичимлик суви ва оқова сув таъминоти яхшиланди, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, иссиқлик тармоқларини модернизация килиш ишлари амалга оширилди;

- маҳалла худудидаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, замонавий спорт иншоотлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари янгидан қурилди, мавжудлари реконструкция килинди ва таъмирланди;

- бозор инфратузилмаси объектлари, жумладан ҳаммом, савдо ва майший хизмат мажмуаларини қуриб ишга туширилди;

- маҳалла худудларида бўш турган ер майдонларини ёки фойдаланилмасдан турган бино ва иншоотларни тадбиркор ва ҳунармандларга “ноль” қийматда бериш асосида микро саноат зоналари ва ҳунармандчилик марказлари ташкил этилди ва бошк.

Маълумотларга кўра, биргина Тошкент шахрида 2018 йилда “Обод маҳалла” дастури доирасида умумий майдони  $72\ 946\ m^2$  бўлган 88 та маҳалла худудида  $20\ 920\ m^2$  га teng йўлаклар ва ички йўллар асфалтланган,  $30\ 615\ m^2$  ҳажмда томлар янгиланган, 726 та уйларга кириш йўлакларида кўрсаткичлар ўрнатилган, 197 та кўча фонарлари ўрнатилган,  $2\ 905\ m^2$  га teng болалар майдончалари ва  $2\ 250\ m^2$  га teng футбол майдонлари қурилган. Натижада 56 000 кишининг яшаш шароитлари яхшиланган (9.4-расм).



9.4-расм. “Обод махалла” дастири 2018 йилда доирасида Тошкент шаҳрида амалга оширилган ишлар<sup>83</sup>

Мухтасар қилиб айтганда, кишлоқ ва махаллаларимизни обод қилиш ҳамда тараққиётини юксалтириш, уларни замонавий архитектура талаблари асосида кайта куриш, ижтимоий инфрагузилмаларни ва коммуникация тизимларини кенг кўламда барпо этиш мамлакатимиз ахолисининг фаровонлигини юксалтириш, улар учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган.

<sup>83</sup> [www.xabar.uz/tehnologiya/bu-hali-boshlanishi-obod-mahalla](http://www.xabar.uz/tehnologiya/bu-hali-boshlanishi-obod-mahalla).

## **10-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий сиёsat бошқа тармоклар билан бир қаторда енгил саноат тармоғини ҳам жадал суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган. Чунки айнан шу тармокни ривожлантириш аҳоли бандлигини ва уларнинг даромадини оширишга, мамлакатнинг иқтисодий ва саноат салоҳиятига ҳамда ҳалқаро нуфузига ҳисса қўшилишини таъминлайди. Ўзбекистондаги енгил саноат корхоналарини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш мухим аҳамият касб этади. Чунки хорижий инвестор ўзи билан нафақат маблағ, балки шу соҳадаги энгилғор технологияларни ҳам жалб қилиши мумкин, бу эса корхонага жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулatlани ишлаб чиқариш ва экспорт миқдорини оширишга ҳизмат киласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14.12. даги ПФ-5282 сонли фармони билан “Ўзбекенгилсаноат” АЖ нинг тугалланиши ва “Ўзтўкимачиликсаноат” уюшмасининг ташкил қилиниши мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналарига ижобий ўсиш динамикасини намойиш қилиш имконини беради. Президент фармонига биноан «Ўзтўкимачиликсаноат» уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилаб берилди:

- ҳом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш ва кўллаб-кувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташки бозорларида тадқиқотлар ўтказиш асосида тармокни барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикиш;

- тўқимачилик саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини ҳалқаро талаб ва стандартларга уйғунлаштириш, шунингдек, маҳсулотлар синов лабораторияларини модернизация қилиш ва аккредитациядан ўтказиш орқали такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

- тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятига инновацион технологиялар, шу жумладан дизайнерлик ишланмалари, ноу-хау, сифат менежменти тизимлари ва замонавий маркетинг хизматлари кенг жорий этилишини таъминлаш;
- ички бозорни юқори сифатли маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари билан тўлдириш ва унинг экспорт географиясини, шу жумладан турли ахборот ресурсларида ҳамда мамлакатдаги ва хориждаги кўргазма тадбирларида миллӣ брендларни йўналтиришни илгари суриш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг салоҳиятини намойиш қилиш орқали кенгайтириш бўйича тизимли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- тўқимачилик саноатига чет эл инвестицияларини, шу жумладан логистика ва муҳандислик инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида фаол жалб қилиш;
- тўқимачилик саноати корхоналари, пахта-тўқимачилик кластерларини худудлар салоҳиятининг янада ривожланиши истиқболларидан, хом ашё базаси, инфратузилмаси, меҳнат ресурслари ва бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб жойлаштиришга кўмаклашиш;
- тармокнинг жадал ривожланиши ва тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишига тўскинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонун хужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Бугунги кунда уюшма ўз таркибида Ўзбекистон тўқимачилик бозоридаги 1400 дан зиёд ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиради. Ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларининг салмоқли кисми, хусусан, 706 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ва турли навдаги 510 млн. кв. метр матоларни ишлаб чиқаради.

«Ўзбекистонда тўқимачилик саноати 1932 йилда бошланган. Ўша йили Самарқандда хозиргacha фаолият олиб бораётган тўқимачилик корхонаси очилди.

Бу секторга юқорида айтилганидек, 3 млрд доллар инвестиция киритилди ва хозирда 150 мингдан ортиқ малакали кадрлар шу соҳада

фаолият олиб боришимокда. Ҳар йили 15 мингта янги иш ўрни яратилмоқда. Шунингдек, 2018 йилда тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажми 1.5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2025 йилга бориб кўрсаткични 7 млрд. долларга етказилиши режалаштирилган. Буни амалга ошириш учун бир қанча хорижий ҳамкорларимиз, жумладан, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Швейцария, Россия, Сингапур ва Хитойнинг етакчи тўқимачилик компаниялари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйдик. 2020 йилга бориб кийим ишлаб чиқаришни 2,6 бараварга оширишни режалаштириб қўйдик. Юртимиизда ҳалқаро стандартларга тўла жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ошиб бормоқда. Айни вақтда Ўзбекистонда ISO 9001 сертификатига эга 700 дан ортиқ компаниялар фаолият олиб боради. 2018 йил бошидан бери бу соҳада кўплаб ижобий натижалар кузатилди. Масалан, 250 миллион доллар инвестиция киритилиши натижасида 4100 иш ўрни яратилди, режалаштирилган 39 та лойиҳадан 23 таси ҳаётга татбиқ этилди.”

Давлат статистика қўмитаси мълумотларига кўра, 2017 йилда мамлакат умумий саноат ҳажмида соҳа улуши 30% га яқин бўлган, ЯИМ даги улуши 4% га яқин, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида эса – 44 % дан ортиқ. Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиши тахминан 18 % ни, экспорт эса 10 % ни ташкил этди.

Саноат корхоналарининг инвестицион фаоллиги, инвестициялар самарадорлигини баҳолаш муаммолари ҳар хил мактаб ва иқтисод соҳаларидағи иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига тортди. Саноат корхонасининг инвестицияларининг назарий ва амалий асослари, уларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг ишларида кўплаб ўрганилганлигини кўришимиз мумкин.

“Инвестициялаш” терминига жуда кўп таърифлари мавжуд. Уларнинг маъносини бирлаштириб куйидагича таърифлаш мумкун, инвестициялар камида иккита партия - ўзаро тадбиркор (лойиҳа ташаббускори) ва инвестор (лойиҳани молиялаш) ўргасидаги ўзаро муносабатлар жараёнидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда инвестицион лойиҳаларни режалаштириш ва

тахлил қилиш соҳасида етарлича тажриба тўпланганлигини ҳисобга олсак, бу тажрибаларни ўрганиб тахлил қилсан мақсадга мувоффик бўлади. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш турли мамлакатларнинг сармоядорлари ва тадбиркорлари ўртасида диалог ва ўзаро тушунишни таъминлайдиган бир тилдир.

Бунга ЮНИДО, Жаҳон банки ёки Европа тикланиш ва тараккиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш усуслари киради. Улар учун умумий нарса, пул оқимларини тахлил қилиш услубига асосланган ҳолда инвестицион лойиҳаларни тахлил қиласди.

Афсуски, кўп сонли иқтисодий тахлилларга асосланниб, Ўзбекистон иқтисодиётидаги вазият ҳозирги кунда нафақат юкори инфляция даражасида, балки нарх-наволарнинг чукур таркибий ўзгаришлари билан ҳам ифодаланади. Юқоридагилардан келиб чиккан ҳолда, Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни режалаштириш ва тахлил қилиш жараёнида халқаро бизнес амалиётида қабул қилинган усуслар пул оқимларининг классик тахлилига асосланган ҳолда кўлланилади.

Мамлакат иқтисодий ривожланишида тўқимачилик соҳасининг муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Дастурга мувоффик, 2020 йилга келиб ип калава ишлаб чиқаришни 2,5 баравар, тайёр матоларни – 2,8 баравар, нотўқима материилларни – 1,5 баравар, трикотаж матоларни – 2,7 баравар ошириш режалаштирилмоқда. Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 3,2 баравар, трикотаж маҳсулотларни 2,1 баравар, ипак ҳом ашёси етиштиришни 2,1 бараварга ошириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда матоларни ишлаб чиқариш ҳажми 85,63 млн. кв. метрни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 459,2 млн. кв.метрдан ошади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,4 баравар ўсишини таъминлайди.

Хорижий инвесторларга Ўзбекистонда яратилган имкониятлар жумласига қўйидагиларни киритиб ўтиш мумкин:

- биринчидан, келажакда уюшган чакана савдо тармоғи ривожланиши, қулай демографик күрсаткичлар, даромадлар даражасининг ошиши ва фирмали маҳсулотлар сифатига талаблар ўзгариши билан бирга кечадиган фойдаланиш қулай бўлган бозор. Шу билан бирга мамлакатда пахта, жун, ипак, жун ва сунъий толалар каби маҳсулотларнинг сероблиги ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашёдан фойдаланиш имконияти борлиги бундан ташкари, малакали ишчи кучи нуктаи назаридан қиёсий устунликларга эга эканлиги;
- иккинчидан, ишлаб чиқариш учун афзалликлар ва имтиёзлар, шу жумладан, инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, солик ва божхона тўловларидан 10 йил муддатга озод килиш ҳамда имтиёзли шартларда ва паст нархларда хорижий инвесторлар учун давлат мулкини хусусийлаштириш ва ижарага бериш (бунда маблағлар киритилиши мажбурияти кўзда тутилади), давлатнинг инвесторлар сармояларини ва хусусий мол-мулк ҳуқукини ҳимоя қилишга йўналтирилган сиёсати;
- учинчидан, мамлакатда табиий толаларни ишлаб чиқаришдан бошлаб, калава, газлама ва кийим ишлаб чиқаришга оид тўқимачилик маҳсулотлари қийматини яратиш бўйича бутун занжирнинг мавжудлиги. Ўзбекистонда кейинги 20 йил давомида тўқимачилик тармоғига, 180 инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида, 2,5 млрд. АҚШ долл. га яқин, шу жумладан, кейинги 3 йилда – 575,3 млн.долл. маблағ жалб қилинди. Жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 80% дан ортиги Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби мамлакатлар хиссасига тўғри келади. Бу эса мамлакатда енгил саноат тармоғининг ривожланаётган тармоклардан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда енгил саноат корхоналарини ривожлантиришда инвестициялардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Енгил саноат корхоналаридағи инвестицион ғаолиятни ривожлантиришда қўйидагиланга алоҳида эътибор қаратилади:

Биринчидан, корхонанинг инвестиция сиёсати ишлаб чиқиш яъни, корхонанинг инвестиция сиёсати бу ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятини янгилаш ва кенгайтиришнинг энг мақбул

усулларини танлаш ва йўлларини белгиловчи умумий иктиносидий стратегиянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу сиёсат бозорнинг кийин шароитларида корхонанинг омон колишини таъминлаш, молиявий барқарорликка эришиш ва келажакда ривожланиш учун шарт-шароит яратиш учун тўлиқ фойдаланилиши лозим;

Иккинчидан, реал инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш (капитал кўйилмалар) инвестицион карорлар қабул қилиш жараённинг энг муҳим босқичи ҳисобланади; инвестицион капиталнинг муддати ва кайтарилиши ва корхонанинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари бундай баҳолашнинг аниқлиги ва объективлигига боғлиқ бўлиб бунда турли хил мезонлардан фойдаланган холда алоҳида инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини баҳолашда қарама-карши натижаларга эришиш мумкин;

Учинчидан, барча шаклларда инвестиция фаолияти бозор иктиносидиётига хос бўлган сезиларли хавфни ўз ичига олади. Хавфни камайтиришнинг энг ишончли йўли инвестиция лойиҳасининг техник-иктиносидий асослари ва бизнес-режасида акс эттирилган;

Тўртингчидан, Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни чекловчи омиллар инфляция нисбатан юқори (йилига 12-15%), давлат инвестиция дастурлари учун молиявий ёрдамни чеклаш, инвестицион самарадорликнинг етарли эмаслиги ва кўплаб корхона зарар келтирадиган ёки фойда кўрмайдиган ҳолатлар бўлиб қолмоқда;

Бешинчидан, ҳозирги вақтда капитал кўйилмалар шаклида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмининг ишлаши иктиносидиётнинг эҳтиёжларига жавоб бермайди: давлат ва хусусий инвестициялар учун етарли манба йўқ; дастлабки кайта ташкил этиш институтлари самарасиз ишлайди; амортизация ва кредит сиёсати такрор ишлаб чиқариш жараённини тўлиқ амалга оширишга ёрдам бермайди; янги ишлаб чиқариш ва технологияга реал инвестицияларни ўзгартириш шартлари яратилмаган;

Олтингчидан, капитал бозорининг потенциалини, шу жумладан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш учун иктиносидиётнинг молиявий секторининг барқарорлигини бунда, айнан

тўқимачилик саноатида капитал қўйилмалар соҳасидаги инвестицион фаолиятни жадаллаштириш давлат инвестициялари, банк кредитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан, ҳамда корхоналарнинг соғ соликларини босим остида камайтириш йўли билан бевосита тартибга солиниши орқали амалга оширилиши мумкин. Солиқ юкини камайтириш корхоналарга асосий капитал қўйилмаларни ўз-ўзидан молиялаштириш даражасини ошириш имконини беради;

Умуман олганда, корхонанинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар бир-бирига бевосита боғлик бўлмаган ва бошқа фаолият натижаларини хисобга олмаган вақтинчалик хатти-ҳаракатлар тўплами сифатида кенг қамровли кетма-кет методологиянинг таркибий қисми бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, инвестициялар ҳар кандай миллӣ иқтисодиётнинг энг муҳим ва чекланган ресурсларидан биридир ишлаб чиқаришни янгилаш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мавжуд иш ўринлари сонини кўпайтириш, бандликни ошириш, бозорни арzon ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради, бу эса охир-окибат аҳолининг турмуш даражасини оширишга, жаҳон миёсидаги обрў-эътиборга сазовор бўлишига ҳизмат қиласи.

## **11-§. МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИЯЛарНИНГ ЎРНИ**

Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, унинг самарали илмий тадқикот ҳамкорлиги йўналишида ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб инновацион жараёнларни (шу жумладан, минтақалар даражасида) амалга ошириш учун кулагай иқтисодий мухитни яратишга қаратилган, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида боғловчи бўгин бўлиб давлатнинг инновацион сиёсати ҳисобланади. Шунингдек, инновацион сиёсатни шакллантиришда мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини танлаш ўта муҳим. Шулардан келиб чиқсан ҳолда давлат инновацион сиёсатнинг икки асосий моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бош мақсади мамлакат учун устувор аҳамияттага эга бўлган инновацион йўналишларни ривожлантиришни рағбатлантириш бўлган, умуммиллий аҳамият касб этувчи илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни бажаришга йўналтирилган модель.

2. Бош мақсади янги технологияларни ўзлаштириш, иқтисодиёт тармоғи ва соҳаларининг технологик имкониятларини кенгайтириш ва илмий-техник билимларни ёйишга йўналтирилган модель.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сонли “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПФ-5120-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, Олий таълим

тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5121-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бирок, инновацияларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ривожлантириш, инсон тараккиёти даражасини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстиришдаги хиссаси ўсиши тўғрисида хулоса чикариш учун Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши бўйича тўла миёсли ўрта ва узоқ муддатга эга бўлган стратегияли давлат инновацион сиёсатини ишлаб чикиш талаб этилади. Мазкур инновацион сиёсатнинг бош иқтисодий мақсади бўлиб миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бунинг натижасида ахоли фаровонлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш керак.

П.Друкернинг фикрича, тадбиркорларнинг инновацион фикрлашлари бир-биридан фарқланади. Инновациялаштириш тадбиркорликнинг ихтисослашган йўналишидир. Ҳар бир тадбиркор ўзининг ишлаб чикариш обьектида инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Шу билан бирга ихтисослашган инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектлар эса умуман тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларига, илм-фан ва техника тараккиётида кўлга киритган янгиликлари билан ишлаб чикариш жараёнини такомиллаштириш усулларини ташкил қилиш асосида уларга ҳизмат қиласи. Ҳозирги вактда ишлаб чикариш кучларининг интенсив ривожланиши ва иқтисодий муносабатларнинг

глобаллашуви натижасида бозорда эркин бўшликларни топиш жуда мураккаб бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, бизнес жуда барқарор ривожланиши мумкин бўлган, юкори фойда келтирадиган бозор сегментларида рақобат шунчалик даражада юкорики, унда етакчи мавқени эгаллаш учун тадбиркор жуда кучли ресурс салоҳиятига ҳамда амалга ошириш имкониятига эга бўлган самарали бозор стратегиясига эга бўлиши зарур.

Статистик таҳлиллар шундан далолат беради, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳамда мамлакатнинг инновацион фаоллиги ўргасидаги боғлиқлик чизикли хусусият касб этади. Бундай дейишимизга асосий сабабалардан бири ривожланган давлатлар (Япония, АҚШ, Хитой, Россия, Германия) ўз иқтисодиётларининг ривожланишини инновациялардан кенг фойдаланиш эвазига эришмоқдалар. Куйидаги маълумотларга зътибор қаратайлик, АҚШ, Япония, ва Хитой давлатларида тадқикот ва ишланмаларни молиялаштириш асосан бизнес маблағлари асосида амалга оширилмоқда (70 %га яқини) [4], Россияда хусусан Ўзбекистонда ҳам илмий тадқикотларни молиялаштириш асосан давлат бюджети хисобидан амалга оширилмоқда (Россияда 67 % га яқин, Ўзбекистонда эса 74 % га яқин). Етакчи хорижий давлатларда яратилган ишланмаларни жорий этиш асосан таркибида кичик ва ўрта бизнес бўлган хусусий корхоналар томонидан амалга оширилади (умумий корхоналар сонига нисбатан 58 % га яқини), Ўзбекистонда эса асосан йирик корхоналар инновацияларни жорий қиласди. Яна бир муҳим маълумот, АҚШ Миллий илмий жамғармаси маълуотларига кўра 100 кишигача ходими бўлган компанияларда илмий тадқикот ва ишланмаларга сарф қилинган бир доллар 1000 кишилик компанияларга нисбатан 4 марта кўп инновацияларни бозорга чиқарар экан, инновацияларни яратиш муддати кичик компанияларда ўртача 2 йил, йирик компанияларда эса 4 йилни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларнинг илмий салоҳияти йирик компанияларда мужассамлашганига қарамасдан кичик ва ўрта бизнес вакиллари янгиликларни тезроқ жорий этишда пешқадамлик қиласди.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивили-

зацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаяттан ислоҳотлар нафакат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарувни ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқик этиш катта аҳамиятта эга. Шу ўринда айрим статистик маълумотларга мурожаат қиласлий.

11.1-жадвал

### **Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм.**

|   | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар | 311,9   | 4634,2  | 3757,4  | 5528,3  | 2571,4  | 4162,3  |
| шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:                 |         |         |         |         |         |         |
| ташкilotнинг ўз маблағлари                                  | 213,4   | 2501,5  | 1381,5  | 1251,8  | 1180,0  | 2956,0  |
| хорижий капитал   | 39,9    | 1228,7  | 32,3    | 156,6   | 314,9   | 799,1   |
| тижорат банклари кредитлари                                 | 26,8    | 533,5   | 262,5   | 280,1   | 157,3   | 88,4    |
| бошқа маблағлар   | 31,7    | 370,6   | 2081,0  | 3839,7  | 919,1   | 318,8   |

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкilotлар сони 2010 йилдан 2017 йилга кадар 7,5 баробарга кўпайиб, 289 тадан 2171 тага етди. Жумладан биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни

ўзлаштирган корхоналар сони 1007 тага кўпайди. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2017 йилда 18543,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 1,7 баробар, 2008 йилга нисбатан 14 баробарга кўрайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилга нисбатан 8 баробарга, 2016 йилга нисбатан 1,6 фоизга камайган. 2017 йилда ўз кучи билан ишлаб чиқарилиган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (38,7 фоизи), Коракалпогистон Республикаси (21,2 фоизи), Тошкент вилояти (6,4 фоиз) ва Андижон вилоятига (20,3 фоизи) тўғри келмоқда, қолган 13,4 фоизи республиканинг бошқа вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

2010 йилда инновациялар асосан ташкилотнинг ўз маблағлари хисобидан (69,7 фоизи) молиялаштирилган. 2014 йилдан бошқа маблағлар ҳиссаси (55,4 фоиз) ошган. 2017 йилда ташкилотнинг ўз маблағлари хисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 16,4 баробар ошган (11.1-жадвал маълумотлари).

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Жумладан:

илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқикот муассасалар ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофикалаштирилмаган;

илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси паст;

инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга ошириш талаб даражасида эмас;

илмий-тадқикот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилаётган бюджет маблағлари етарли эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарали ва шаффоғ эмас, бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизmlари мавжуд эмас, қарзни молиялаштиришнинг ички манбалари етарли даражада ривожланмаган;

интеллектуал фаолият натижаларини химоя қилиш лозим даражада эмас, ушбу соҳада, айниқса давлат органлари ва ташкилотларида малакали мутахассислар мавжуд эмас;

мамлакатда, айниқса давлат компанияларида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув принциплари ривожланмаган, бунда хориждаги ёнг намунали амалиёт инобатта олинмаяпти.

Қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳайтиниң бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатимизда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси” қабул килинди. Хужжатга кўра, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланди.

Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистонни 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илгор мамлакати каторига киритишдан иборат. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар том маънода Стратегиянинг бош мақсадини амалга оширишга каратилган, шу ўринда мавжуд иқтисодий ҳамда илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиши бежиз эмас. Шу ўринда мамлакатнинг 2018 йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича Тўлов баланси маълумотларини таҳил киладиган бўлсак хизматлар соҳасида ҳали жуда катта ишларни амалга ошириш лозимлиги яққол намоён бўлади (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

**Халқаро хизматлар баланси таркиби (2018 йил биринчи чораги, млн. долл.)**

| Хизматлар түри   | 2018 йил биринчи чораги |              |               |             | Көлдик         |
|--|-------------------------|--------------|---------------|-------------|----------------|
|  | экспорт                 | %            | импорт        | %           |                |
| <b>Жами</b>  | <b>1335,8</b>           | <b>100 %</b> | <b>2871,3</b> | <b>100%</b> | <b>-1535,5</b> |
| Бошқа томонларга тегишли материал ресурсларни кайта ишлэш хизматлари       | 24,1                    | 2%           | 1,3           | 0%          | 22,8           |
| Бошқа турларга киритилмаган таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари | 3,7                     | 0%           | 7,4           | 0%          | -3,7           |
| Транспорт хизматлари   | 707,6                   | 53%          | 915,1         | 32%         | -207,6         |
| Туризм билан боғлик хизматлар  | 452,4                   | 34%          | 1583,1        | 55%         | -1130,8        |
| Курилиш  | 11,8                    | 1%           | 73,1          | 3%          | -61,4          |
| Суғўрта ва нафака таъминоти билан боғлик хизматлар                         | 5,3                     | 0%           | 214,8         | 7%          | -209,5         |
| Молиявий хизматлар   | 13,4                    | 1%           | 8,4           | 0%          | 4,9            |
| Интеллектуал мулкдан фойдаланганлиги учун тўловлар                         | 0,2                     | 0%           | 7,9           | 0%          | -7,7           |
| Телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари                          | 78,1                    | 6%           | 27,4          | 1%          | 50,6           |
| Бошқа ишбилармонлик хизматлари   | 27,0                    | 2%           | 31,3          | 1%          | -4,3           |
| Хусусий шахсларга маданий ва дам олиш соҳасидаги хизматлар                 | 0,3                     | 0%           | 1,0           | 0%          | -0,8           |
| Давлат товар ва хизматлари   | 12,1                    | 1%           | 0,0           | 0%          | 12,1           |

Манба: Платёжный баланс, международная инвестиционная позиция и внешний долг Республики Узбекистан за I полугодие 2018 года. <http://www.cbu.uz/>.

Жадвал маблумотларидан кўринадики, малакатнинг халқаро хизматлар экспорти соҳасидаги асосий йўналиши транспорт хизматларига (53,0 %) тўғри келмоқда, импортда эса туризм билан боғлиқ хизматлар (55,0 %) ни ташкил этмоқда. Мамлакатда интеллектуал мулқдан фойдаланганлиги учун тўловлар жуда паст даражада (200 минг долл.).

Қабул қилинган Стратегияда асосий эътибор интеллектуал мулкни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида қўйидаги таклифлар шакллантирилди:

- иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида “фан-таълим-ишлаб чиқариш” ўргасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва натижадорлигини ошириш;

саноатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувоғик, бу ўринда “инновацион мультиплікатор” самарасини таъминлаш керак, яъни илмий, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни кенг жорий этиш имконияти вужудга келади;

давлат-хусусий шериклик асосида инновацион ишланмаларни молиялаштириш ва натижаларни трансфер қилиш тизимини йўлга қўйиш, моддий манбаатдорлигини ошириш;

замонавий инновацион бизнесни ташкил этувчи қўйидаги учлик(триада)нинг ўзаро боғликлигини таъминлаш: а) худуднинг инновацион ресурслари; б) инновацион технологиялар ва менежмент; в) инновацион маҳсулот (товар ва хизматлар).

## **12-§. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ**

Мамлакат иқтисодиётида чукур иқтисодий, инновацион ривожланиш жараёни кечайтган бир вактда ҳар бир соҳада бўлгани каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, хусусий мулқдорларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари химоясини жаҳон талаблари даражасида таъминлаш эришиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф қилиш борасида бир қатор имкониятлар яратилмоқда.

Юртимизда давлат ва ишбизлармон ўртасидаги мулоқотлари бевосита замонавий интерфаол шаклларда жорий этилмоқда. Айникса, мамлакат иқтисодиётида охирги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрга синфи шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда уларнинг салмогини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали ахоли даромадларни оширишга эришиш борасида етарлича қонуниятлар яратилган.

Президент Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожатномасида кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизидаги мақсадларга эришишнинг устувор вазифалари каторида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш бўйича ишлар жадал давом эттирилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш зарурлигини буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратларининг «Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақият-сизликини эса – лоқайдлик ва дангасалиқда кўрдим», деган хикматли сўзлари билан ифодалаб, «Ҳақиқатан ҳам, биз факат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётта эриша оламиз» деган катъий фикрни илгари сурди.<sup>84</sup>

Бизга маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини анъанавий ва инновацион тадбиркорлик шаклларида ташкил қилишлари мумкин. Фаолият

<sup>84</sup>. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий Мажлисга мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси. 2018 йил 29 дескабр. № 271–272(7229–7230)

қандай турда олиб боришидан қатый назар у мамалакат иктисодиёти учун, инсонлар учун наф келтирадиган даражада хизмат килиши керак.

Бизнес фаолиятини қандай шаклда ташкил этишдан қатый назар уни инвестициялаш борасидаги муаммолар бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича устувор йўналишлар белгиланганлиги бежиз эмас.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳукукий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, экспортни қўллаб қувватлаш ва республикада инвестиция ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 авгуистда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2022-сонли, 2016 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 4848-сонли, 2016 йил 16 марта “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2507-сонли, 2017 йил 17 авгуистдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3225-сонли, 2017 йил 22 авгуистдаги “Кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги

иши ўринлари ташкил этиш ва кам таъминланган оиласарга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 655-сонли қарор ва фармонларнинг қабул килинганилиги миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини янада кўпайтиришга асос бўлди.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари учун яратилган бундай имкониятларнинг натижасини йилдан-йилга янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг ўсишидан ҳам кўриш мумкин.<sup>85</sup>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозорга осон ва тез кириб бориб, ундаги ўзгарувчан муҳитда эластик ҳаракат қила оладиган қобилиятга эга бўлганлиги учун ҳам улар инвестицияларни киритилишидан ва инвестициялардан фойдаланишга жуда мойил бўладилар.

#### **Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони**



#### **12.1-расм. Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлар сони**


Ривожланган мамлакатлардаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини таҳлил қилсак, уларнинг аксарияти инвестицияларни эркин жорий эта олади, шу билан бирга, инвестициялардан унумли

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари муаллиф томонида жамланди. <https://stat.uz>

фойдалана оладилар ҳам. Кичик бизнес субъектларини инвестициялаш 2 хил мақсадда амалга оширилади. Биринчидан, янги кичик бизнес субъектини яратиш, иккинчидан банкрот бўлган кичик бизнес субъектларининг ҳаётйлигини саклаб қолиш.

Ривожланган мамлакатлардаги кичик бизнес субъектлари инвестициялар асосида ривожланиб, тармоқланиб боради. Масалан, АҚШнинг аксарият корхоналари Япония инвестициялари асосида ўз фаолиятини тиклаб олган. Англиядаги кичик бизне субъектлари Нидерландиялик инвесторлардан фойдаланади. Ҳозирги кунга келиб АҚШ иқтисодиётида фаолият кўрсагаётган кичик бизнес субъекти вакилларининг иқтисодий алокаларида Хитой инвесторларининг улуши жуда катта.

Демак, мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес фаолиятини янада кенгайтиришни рағбатлантиришда уларни инвестициялашда имтиёзли кредитлашнинг ҳам аҳамиятли томонлари кўп экан. Шундай экан, ривожланган мамлакатларда ва айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнесни инвестициялаш борасида бой тажриба тўпланганлигини ва уларни ўрганиш ва умумлаштириш Ўзбекистон амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.



12.2- расм. Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатларида кичик бизнеснинг мавқеи<sup>86</sup>

<sup>86</sup> Основные аспекты государственной поддержки в развитии малого и среднего бизнеса России и экономически-развитых стран 2018 г. <https://cyberleninka.ru>

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг қай даражада аҳамиятта эга эканлигини куйидаги маълумотлари орқали кўриш мумкин.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатларида юқори мавкеига эга. Мазкур мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 50 фоиздан ортиқ кисми кичик бизнес соҳасида яратилмоқда, унинг умумий бандликдаги улуши 71 фоизга етган. Бунинг ўзига хос хусусияти шундаки – таҳлил килинаётган мамлакатларда мавжуд корхоналарнинг 97-99 фоизи кичик бизнес субъектларидир.

Кичик бизнес иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига мослашувчанлик даражасининг нисбатан юқори эканлиги, соглом ракобат мухитининг мавжудлиги ва улар фаолиятининг давлат томонидан молиявий кўллаб-куватлаш тизими шакллантирилганлиги кичик бизнеснинг ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мухим ўрин тутишига олиб келди.

Мазкур мамлакатларда кичик бизнес субъектлари илмий-техника тараққиётини рағбатлантиришда мухим роль ўйнайди. Бостон Университети технологиялар Марказининг маълумотларига кўра, бозорга чиқарилган ҳар 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тадқиқот ва ишланмаларга кетган харажатга тўғри келадиган янги турдаги маҳсулотлар сони кичик корхоналарда ўртacha кўрсаткичдан икки баробар юқоридир.

Ғарбий Европа мамлакатларида кичик бизнес субъектларининг 30 фоиздан 60 фоизгача кисми инновацион фаол ҳисобланади.<sup>87</sup>

Бизга маълумки, кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини анъанавий ва инновацион тадбиркорлик шалкларида олиб боради.


Инновацион тадбиркорлик – бу янгилик яратиш мақсадида иқтисодиётдаги ҳали маълум бўлмаган ёки кенг тарқалмаган омиллардан фойдаланиш ёки уларни анъанавий омиллар билан янгича тарзда уйгуналшириш орқали янгича ёндашув асосида олиб бориладиган тадбиркорлик фаолиятидир. Инновацион тадбиркорликнинг устун жиҳати – бу унинг анъанавий тадбиркорликка нисбатан кўпроқ натижа олиб келиши ҳисобланади. Бироқ, айни пайтда

<sup>87</sup> Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства. <http://www.gias.ru>.

таъкидлаш лозимки, инновацион тадбиркорлик тадбиркорларнинг олдиға ўзига хос талаблар қўяди, уларнинг доимий равишда ижод килиши ва изланиши, янги билимларни ўзлаштириши ва амалиётта жорий этиши, янги технологияларни кидириши ва улардан самарали фойдаланишини тақозо этади. Шунга кўра, Президентимизнинг таъбирича, фаол тадбиркорликнинг асосий шарти инновацион фаолият тури билан шуғулланиш ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик фаолиятида замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усулларидан фойдаланишни кўзда тутади.<sup>88</sup>

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолигининг натижасини қуйидаги статистик маълумотлардан хам кўриш мумкин.

**КБ ва ХТ фаолиятининг иктисолиёт тармокларидаги улуши**



### 12.3-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг иктисолиётниң тармоклардаги улуши

Демак, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиги уларнинг ракобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутар экан. Шу сабабли, тараккӣ эттан мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиги давлат томонидан қўллаб-куvvatланади. Масалан, Германияда кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш, уларнинг илмий-

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисга Мурожаотномасини көнг жамоатчилар ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2018. – 112-113-б.

техникавий ишланмаларини рағбатлантиришга қаратилған давлат дастури мавжуд. Мазкур Дастан доирасида кичик бизнес субъектларига 1 млн. еврогача бўлган миқдорда 10 йилгача муддатта имтиёзли кредит берилади, бунда дотация миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади<sup>89</sup>.

Юқоридагилардан холоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш орқали мамлакатда иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги унинг улушкини оширишга эришиш учун юртимизда барча имкониятлар яратилган бўлиб, бунда куйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

- тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳаси давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши эканлигидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестициялаштиришда кичик бизнес субъектлари жамгарма маблағларидан фойдаланишининг табақалаштирилган тизимини яратиш;

- кичик бизнесни инвестициялашда маҳаллий ва хорижий кредит ресурслари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ишончли таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиши;

- янги иш ўринлари ташкил қилаётган корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан уларга технологик жиҳозлаш ва модернизациялаш учун замонавий ускуналар ва мини-технологиялар харид қилишга кредитлар ажратишда ишлаб чиқариш ҳажми нуқтаи назаридан ёндашиб кредитни қайтариш суммасини белгилашни йўлга кўйишга эришиш.

<sup>89</sup> Щенин Р.К. Экономика Европейского Союза. - М.: КноРус, 2012. - С. 139.,141.

## **13-§. “БИЗНЕС ЮРИТИШ” РЕЙТИНГИ КҮРСАТКИЧЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш учун зарур шарт-шароит яратилиб, хусусий мулқдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини жаҳон талаблари даражасида таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда давлат ва ишбилармон ўртасидаги мулоқотлари бевосита замонавий интерфаол шаклларда жорий этилмоқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётида охирги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрта синфи шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда уларнинг саломгини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали аҳоли даромадларни оширишга эришиш борасида етарлича қонуниятлар яратилган.

Юртбошимизнинг бир гапи бор- “Халкинг бой бўлса, юргинг ҳам бой бўлади”. Бу жумла бежизга эмас, албатта. Дунё амалиётидан кўриш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес субъектларининг ўрни каттадир. Демак, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини самарали фаолият олиб бориши ва уларнинг ҳукукий ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳалқаро андозалар талабларига жавоб берадиган янги тизим барпо қилиш зарурияти туғилмоқда. Аммо, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш учун етарлича иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳали ҳам тўла тўқис тахлил килинмаяпти.

Бу борада, кейинги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳалқаро рейтинг талаблари даражасига кўтариш ва мамлакатда тадбиркорлик мухитини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки, юртимизда Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш 2018” (Doing business) хисоботидаги 10 та индикаторнинг 6 таси бўйича сезиларли ўсиш қайд этилган.

Бу 10 та индикатордан яъни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш, курилиш учун рухсатномалар олиш, электр таъминоти тизимига уланиш, мулкни рўйхатдан ўtkазиш, кредит олиш, миноритар инвесторларни химоя қилиш, ҳалқаро савдо, солиққа тортиш, контрактлар ижросини таъминлаш, тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш соҳаларидан 6 таси бўйича сезиларли ўсиш қайд этилган. Буларга:

- тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш тизими АҚШ, Япония, Франция, Германия, Италия, Испания, Дания ва бошқа ривожланган давлатлардан ўзиб кетди ва у 11-ўринга кўтарили;
- электр таъминоти тизимига уланиш кўrsatкичи бўйича Ўзбекистон АҚШ, Нидерландия, Янги Зеландия, Испания, Латвия, Туркия, Қозогистон, Канада, Истроил каби мамлакатлардан ўтиб, 56 погона юқориляб, рейтингда 27-ўринни эгаллади;
- курилиш учун рухсатномалар олиш кўrsatкичи бўйича мавжуд 23 та ҳужжатдан 17 тага кисқарди ва мамлакат рейтингининг 12 погонага яхшиланишига хизмат килди;
- солиқ солиқ хисоботларини топширишнинг тўлиқ электрон шаклига ўтиши бўйича 138-ўриндан 78-ўринга кўтарилиб, олинадиган солиқлар миқдори бўйича 20 погона юқорига кўтарилиди, аммо бу кўrsatкич бўйича АҚШ, Австралия, Германия, Швеция, Туркия, Хитой ва Россия давлатлардагидан анча орқада қолмоқда;
- мулкни рўйхатдан ўtkазиш кўrsatкичи бўйича Ўзбекистон 73-погонага кўтарилиди.

Ўзбекистон Жаҳон банки Гуруҳининг тадбиркорлик мухитини яхшилаш бўйича “Бизнесни юритиш-2019” (Doing Business 2019) рейтингида 74-ўриидан 76-ўринга икки погона гаштди.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Бизнесни юритиш 2019” (Doing business)нинг янги рейтингига кўра Ўзбекистон “Корхоналарни рўйхатдан ўtkазиш” бўйича - 12, “Электр таъминот тизимига уланиш” бўйича - 35, “Шартномалар ижросини таъминлаш”

бўйича – 41, “Кредит олиш” бўйича – 60, “Миноритар инвесторлар химояси” бўйича – 64, “Соликка тортиш” бўйича – 64, “Мулкни рўйхатдан ўтказиш” бўйича – 71, “Курилишга рухсат олиш” бўйича – 134 ва “Халқаро савдо” бўйича 165-ўринни эгалланлигидан кўриш мумкинки, мамлакат аксарият кўрсаткичлар бўйича ижобий динамикага эришди.

13.1-жадвал

**Ўзбекистоннинг «Doing Business» бўйича рейтинг  
кўрсаткичлари динамикаси.**

| т/р | Кўрсаткичлар                          | 2017 | 2018 | 2019 | Фарки                    |                          |
|-----|---------------------------------------|------|------|------|--------------------------|--------------------------|
|     |                                       | йил  | йил  | йил  | 2017<br>йил<br>ниисбатан | 2018<br>йил<br>ниисбатан |
| 1.  | Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш | 23   | 11   | 12   | +12                      | -1                       |
| 2.  | Хусусий мулкни рўйхатга олиш          | 81   | 73   | 71   | +8                       | +2                       |
| 3.  | кредитлар олиш                        | 42   | 55   | 60   | -13                      | -5                       |
| 4.  | Солик солиш                           | 139  | 78   | 64   | +61                      | +14                      |
| 5.  | шартномалар ижросини таъминлаш        | 37   | 39   | 41   | -2                       | -2                       |
| 6.  | Тўлов кобилиятызлигини хал килиш      | 72   | 87   | 91   | -15                      | -4                       |
| 7.  | Миноритар инвесторларни химоя килиш   | 78   | 62   | 64   | +16                      | -2                       |
| 8.  | Электр таъминоти тармогига уланиш     | 78   | 27   | 35   | +51                      | -8                       |
| 9.  | Курилишга рухсатномалар олиш          | 147  | 135  | 134  | +12                      | +1                       |
| 10. | Халқаро савдо                         | 166  | 168  | 165  | -2                       | +3                       |
| 11. | Умумий кўрсаткич                      | 87   | 74   | 76   | +13                      | -2                       |

Ўзбекистон Жаҳон банки Гурухининг тадбиркорлик мухитини яхшилаш бўйича "Бизнесни юритиш-2019" (Doing Business 2019) рейтингида 74-ўриндан 76-ўринга икки погонага тушди.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, "Бизнесни юритиш 2019" (Doing business)нинг янги рейтингига кўра Ўзбекистон "Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш" бўйича - 12, "Электр таъминот

тизимиға уланиш” бўйича – 35, “Шартномалар ижросини таъминлаш” бўйича – 41, “Кредит олиш” бўйича – 60, “Миноритар инвесторлар ҳимояси” бўйича – 64, “Соликқа тортиш” бўйича – 64, “Мулкни рўйхатдан ўтказиш” бўйича – 71, “Қурилишга рухсат олиш” бўйича – 134 ва “Халқаро савдо” бўйича 165-уринни эгалланлигидан кўриш мумкинки, мамлакат аксарият кўрсаткичлар бўйича ижобий динамикага эриши.

Айниқса, Ўзбекистон чегараларо савдони амалга ошириш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш ва соликқа тортиш соҳаларида энг катта ютукларга эриши.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Doing Business» халқаро рейтингида республика ўринини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш алоҳида таъкидланган. Мисол учун Doing Business индексида позицияларни яхшилаш мақсадида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқланганлиги ёки «Doing Business» халқаро рейтингида келтирилган барча индикаторларни самарали амалга ошириш бўйича аник механизмларнинг яратилганлигини айтиш мумкин.

Иқтисодиёт вазирлигининг матбуот хизмати маълумотига кўра Ўзбекистон бизнес учун шароитларни яхшилашга ҳаракат килаётган 10 та ислоҳотчи давлат қаторига кирганлиги бизга сир эмас.

Дарҳакиқат, юртимизда бизнес юритишининг халқаро талаблар даражасида ташкил қилиш, уларни самарали фаолият олиб боришиларидаги тўсикларни бартараф қилиш, баҳолаш жараёнидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш орқали Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш ишлари амалга оширилмоқда. Буни Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиши” йиллик хисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160 – сонли, 2019 йилнинг 25 февралидаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўринини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2019 йил 7 мартдаги “Халқаро

рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилинганлигидан кўриш мумкин.

Бу эса бизга, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалаларида шакланган ёндашувларни қайтадан кўриб чиқиши, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини муҳофаза килишининг янги тизими яратилганидан далолат беради.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада фаол жалб этиш ва хусусий бизнесини бошлашга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча босқичларида юзага келаётган муаммоларни ортиқча сарсонгарчиликларсиз ва қофозбозликсиз тезкор ҳал этишга хизмат қиласидиган бозор инфратузилмасининг барқарор ишлаци ва янада ривожланишини мувофиқлаштирувчи амалий механизмнинг самарали тизимини яратиб беради.

Дунё амалиётидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бизнес юритишнинг глобал рейтингида Янги Зелландия биринчи ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларни Сингапур, Дания, Хитой, Гонгконг, Корея Республикаси, Норвегия, Буюк Британия, АҚШ, Швеция каби бир қатор мамлакатлар эгаллаган.

Биргина Сингапурда имтиёзли соликларни қўлланилиши, турли хилдаги бюрократик тўсикларнинг мавжуд эмаслиги ва шунга ухшаш имкониятлар ўчгининг очиқлиги дунёнинг турли мамлакатларидан юқори обрў-эътиборга эга тадбиркорларни ўзига жалб этади. Мамлакатда бизнесни юритишдаги енгилликлар бўйича энг юқори З таликка киради. Ёки БРИК –Бразилия, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва Хитой давлатлари ҳам бизнесни юритишнинг самарали йўлига ўтиш учун 21 та ислоҳот олиб бориб, электроэнергия ва чегаралараро савдони амалга ошириш соҳаларида ривожланиш босқичига чиқиб олдилар.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳам Жаҳон банки ва бошқа ҳалкаро молиявий институтлар билан ҳамкорлиқда ишлаб чиқилган Жаҳон банки ва Ҳалқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”

асосида фаолият олиб бориб, якин 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “Бизнес юритиш” рейтинги кўрсаткичлари самарадорлигини оширишга бевосита ўз таъсирини ўтказадиган бир қатор қўйидаги муаммолар мавжуд. Мисол учун 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини 30 дакиқада онлайн рўйхатдан ўтказиш тизими ишлай бошлаган бўлишига қарамасдан хозирги вақтга кадар тадбиркорлик субъектини ўз фаолиятларини бошлашлари учун давлат солик хизмати органларида ва давлат статистика органларига хисобига қўйиш каби бир қатор расмиятчиликлар сакланниб келмоқда.

Бундан ташқари қурилиш соҳасида фаолият олиб боришларига рухсат беришга оид 17 та тартиб мавжуд бўлиб, уларни олиш учун ўртacha 246 кун сарфланиши ва уни 120 кунга тушириш, электр энергияси тизимиға уланиш учун мавжуд бўлган жараёнларни 4 тадан 2 тага тушириб, 88 кундан 33 кунга ўтказиш, хусусий мулкни рўйхатга олиш жараёнини, 9 та жараёндан 3 та жараёнга тушириб, уни 46 кун мобайнида эмас, балким 2 кун мобайнида амалга ошириш, халқаро савдо борасида экспортга хужжатларни расмийлаштиришни 96 соатдан 2 соатта етказишга қаратилган чора тадбирларни амалга оширилса мақсадга мувофик бўлар эди.


## **14-§. ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИНВЕСТИЦИОН ОМИЛЛАР**

---

Бугунги кунда халқаро майдонга эътибор билан назар соладиган бўлсак, бутун дунё бўйича давлатлар орасида ҳар томонлама “пойга” кетмоқда. Бу “пойга”да кимнидир ғолиб бўлиши бошқа бир давлатнинг зарари бўлиб чикиши мумкин. Бирор бир давлатнинг иқтисодиётига, унинг ҳудудларига, ресурсларига, иқтисодий ўсишига нисбатан ички ёки ташқи таҳдидлардан химояланиши кўп жиҳатдан унинг иқтисодий хавфсизлигига боғлик.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, унинг моддий асоси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизлик иқтисодий категория сифатида давлатчилик шаклланган ҳамда жамият ўз манфаатларини англаб етган даврлардан пайдо бўла бошлаган.

Республикамизда иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакат миллий хавфсизлигининг бир қисми сифатида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида кўриб чиқилди. Унда мамлакатнинг миллий хавфсизлиги, унинг ажralмас қисми бўлган иқтисодий хавфсизлик масалалари назарий жиҳатдан чукур таҳлил килинди. Ҳозирги пайтда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги бу – мамлакат иқтисодиётини доимий баркарор ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг умуммиллий мажмуаси бўлиб, у албатта давлатнинг ижтимоий-сиёсий баркарорлиги ва мустакиллигини ҳамда ташки ва ички таҳдидларга қарши туриш механизмини кўзда тутади.



Юқоридаги суръатдан кўришимиз мумкинки, иқтисодий ҳавфсизлик турли хил даражаларда бўлиши мумкин. Миллий даражадаги, яъни мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигининг энг муҳим бўғинларидан бири – бу худудларнинг иқтисодий ҳавфсизлиги хисобланади. Чунки, худудларнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминланиши мамлакат даражасидаги иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашга ва барқарор иқтисодий ўсишга замин яратади.

Бу масала бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бир эканлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Қачонки, худудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятичилек камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади”.

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамад уларнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши хисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожланти-ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фармоннинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши” деб номланган учинчи қисми 3.4-бандида Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва

мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салохиятидан самараги ва оптималь фойдаланиш бўйича катор устувор вазифалар белгиланган.

Мамлакат худудларининг иктисодий хавфсизлигини таъминлашдан кўзланган асосий мақсад мамлакат ва унинг худудлари рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш кўйидагиларга йўналтирилади:

мамлакат ва унинг худудларини ҳалқаро бозорлар билан интеграциялшувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва худудлар бўйича оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ихтисослашуви ва кооперациялшувини таъминлаш орқали мамлакат ҳамда минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш, барқарор ва мутаносиб иктиносидий ўсишгача эришиш;

- худудлар инфратузилмасини ривожлантириш;
- худудларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;
- худудлар ривожланишидаги ўзаро фарқларни кисқартириш.

Мамлакат худудларининг иктиносидий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳисобланади. Сўнгти йилларда худудларимиз томонидан яратилаёттан ЯҲМ ҳажми ошиб бормоқда. Келинг, ушбу масалани янада батафсилроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш учун аниқ бир худуд, яъни Наманган вилояти мисолида кўриб чиксак.

2017 йилда Наманган вилояти бўйича ялпи худудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 10552,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 4,2 % га ўсили.

2017 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 3943,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ошиди. (14.1-жадвал).

## Республикамиз бўйича 2017 йилда ялни ички (худудий)


## маҳсулот

ЯИМ (ЯХМ)

Л (ЯХМ) аҳоли жон бошига

|                              | млрд.сўм  | ўсии суръати, % | минг.сўм | ўсии суръати, % |
|------------------------------|-----------|-----------------|----------|-----------------|
| Узбекистон Республикаси      | 249 136,4 | 105,3           | 7 692,4  | 103,6           |
| Қорақалпогистон Республикаси | 8 285,2   | 105,7           | 4 527,7  | 104,2           |
| <b>вилоятлар:</b>            |           |                 |          |                 |
| Андижон                      | 14 479,0  | 106,7           | 4 847,2  | 104,9           |
| Бухоро                       | 12 283,9  | 101,7           | 6 616,0  | 100,2           |
| Жizzах                       | 5 762,2   | 102,4           | 4 388,9  | 100,5           |
| Қашқадарё                    | 17 366,1  | 103,1           | 5 568,8  | 101,1           |
| Навоий                       | 12 317,4  | 101,3           | 12 961,6 | 99,7            |
| Наманган                     | 10 552,5  | 104,2           | 3 943,8  | 102,3           |
| Самарқанд                    | 18 319,5  | 102,5           | 4 970,4  | 100,6           |
| Сурхондарё                   | 10 633,3  | 103,7           | 4 274,3  | 101,6           |
| Сирдарё                      | 5 066,4   | 97,7            | 6 259,5  | 96,2            |
| Тошкент                      | 23 525,3  | 103,1           | 8 268,1  | 101,8           |
| Фарғона                      | 16 773,1  | 104,0           | 4 669,0  | 102,4           |
| Хоразм                       | 8 232,9   | 104,5           | 4 597,6  | 102,8           |
| Тошкент ш.                   | 38 642,9  | 108,0           | 15 805,5 | 106,4           |

2017 йилда мамлакат бўйича ЯИМ нинг шаклланишида Тошкент шахри 15,5 % улуш билан энг катта хисса қўшди. Тошкент вилояти 9,4 % ва Самарқанд вилояти 7,4 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМ ни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,0 %), Жizzах (2,3 %), Хоразм (3,3 %) вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикасига (3,3 %) тўғри келмоқда. Айнан биз таҳлил қилаётган Наманган вилоятинининг Республика бўйича ЯИМни шакллантиришга қўшган хиссаси 4,2 % ни ташкил этди (14.2-расм).



**14.2- расм. 2017 йилда ЯИМ ни шакллантиришда худудларнинг улуши (ЯИМ га нисбатан % ҳисобида)**

Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,1 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 30,9 %), саноат – 105,0 % (14,9 %), қурилиш 107,6 % (6,8 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,3 % (10,1 %), ташиб ва саклаш, аҳборот ва алоқа – 106,4 % (8,9 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,2 % (28,4 %) ни ташкил этди (14.2-жадвал).


Биз юкорида Наманган вилоятининг 2017 йил учун ЯҲМ ва унинг таркибини кўриб чиқдик, лекин вилоятнинг ЯҲМ салоҳияти ва бу орқали худуд иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлай олиши бўйича фикр билдириш учун бир неча йиллик кўрсаткичларни ўрганишимиз зарур.

## 14.2-жадвал

**Наманган вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
ЯҲМ ни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

|  | <i>Млрд.сўм</i> |                 | <i>2016 й. га<br/>нисбатан<br/>% да</i> |
|--|-----------------|-----------------|---|
|  | <i>2016 й.</i>  | <i>2017 й.</i>  |   |
| <b>I. ЯҲМ</b>                                  | <b>8 603,6</b>  | <b>10 552,5</b> | <b>104,2</b>                            |
| <i>шу жумладан:</i>                            |                 |                 |   |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати            | 8 329,9         | 10 211,1        | 104,3                                   |
| Маҳсулотларга соф соликлар                     | 273,7           | 341,4           | 101,7                                   |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>8 329,9</b>  | <b>10 211,1</b> | <b>104,3</b>                            |
| Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 2 297,4         | 3 158,5         | 101,1                                   |
| Саноат (курилишни қўшган холда)                | 1 928,2         | 2 213,3         | 105,8                                   |
| саноат   | 1 351,6         | 1 519,1         | 105,0                                   |
| курилиш  | 576,6           | 694,2           | 107,6                                   |
| Хизматлар                                      | 4 104,3         | 4 839,3         | 105,4                                   |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар     | 859,9           | 1 026,7         | 102,3                                   |
| ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа              | 821,1           | 910,2           | 106,4                                   |
| <b>бошқа хизмат тармоқлари</b>                 | <b>2 423,3</b>  | <b>2 902,4</b>  | <b>106,2</b>                            |

Наманган вилоятида ЯҲМ ишлаб чиқарилиши бўйича сўннги саккиз йиллик кўрсаткичларга этибор берадиган бўлсак, дастлаб 2010 йилда ЯҲМнинг ўсиш кўрсаткичи 114,2%ни ташкил килган, 2017 йилга келиб 104,2%ни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган йиллар оралигига ўсиш кўрсаткичлари ўзгарувчан бўлиб, 2017 йилга келиб сезиларли даражада пасайиш кузатилган (14.3-расм).



**14.3-расм. 2010-2017 йилларда Наманган вилояти ялни худудий махсулотининг ўсиш кўрсаткичлари**

*Манба: Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Юқоридаги таҳлиллардан хуноса қилиш мумкинки, сўнгги йилларда Наманган вилоятининг ЯҲМ кўрсаткичлари ўсишга эришиб келаётган бўлсада, ўсиш кўрсаткичлари барқарор эмас ҳамда 2017 йилга келиб сезиларли даражада пасайган. Бу эса ўз навбатида, вилоят ялни худудий махсулот ҳажмини барқарор ўсишини таъминлашда айрим муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишига алоҳида ётибор берилишини тақозо этади.

Мамлакатимиз худудларининг ижтимоий-иктисодий даражалари ва иктисодий-табиий салоҳиятидаги фарқлар уларни истиқболда худудий ҳамда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш дастурларини ишлаб чикиш орқали ялни худудий махсулот ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини давлат томонидан тартибиға солишдан кўзланган бош мақсад худудларни барқарор ривожлантиришни рағбатлантириш ва иктисодий-ижтимоий ривожланиши даражаларида кескин фарқларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик учун шароит яратишдан иборат.

Давлат томонидан худудларни ривожлантиришни тартибга солиш, ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида қуидаги дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда:

1. Саноатни ривожлантириш дастурлари.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш.

3. Худудлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва кўшма корхоналарни ташкил этишини тартибга солиш.

4. Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш.

5. Худудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни самарали амалга ошириш, худудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини ишлаб чикиш ва такомиллаштириш учун қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш максадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- худудларни ривожлантириш бўйича республика ҳамда худудий дастурларни танлаш ва уларни амалга оширишни асослаш, навбатта кўйиш тизимини шакллантириш;

- республика ва худудий дастурларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликларнинг масъулияtlарини ошириш;

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларнинг худудий жиҳатларини кучайтириш;

- тармоқ дастурларининг худудий жиҳатлари мониторингини ташкил этиш;

- худудлар ва тармоқ имкониятлари, захираларини чукур ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чикиш ва тасдиклаш;

## **15-§. ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ўзбекистонда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, унда инсоният хаёти учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи асосий соҳадир. У мухим озуқ маҳсулотлари – сут, гўшт, тухум, асал, балиқдан олинадиган оқсили моддасининг манбай ҳисобланади, саноат ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноатини сут, гўшт, тери, жун, пилла ва бошқа хомашёлар билан таъминлашга, ўсимликлар учун органик ўғитлар тайёрлаб беришга хизмат қиласди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари тармоқнинг республика иктисадиёти ва ахолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги мухим ўрнини инобатга олган ҳолда, соҳани ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга ҳар доим алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чукур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши белгилаб берилган.

Республикамизда бозор иктисадиёти шароитида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, тармоқда кенг қўламли ислоҳотларни изчил амалга ошириш борасида дикқатга сазовор ишлар килинмоқда. Бунда тегишли конунлар, карор ва фармонлар мухим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Чорвачилик соҳасига тўхталадиган бўлсак, корамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимиш зарур. Якин истиқболда ҳар бир туманда ихтинослаштирилган бўрдокичилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши лозим”.

Чорвачилик тармоғини ривожлантириш зарурати кун сайин кучайиб бормоқда. Бу эса ушбу муаммоларнинг илмий ечимларини топиш, тармоқка хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш

учун ҳар томонлама пухта таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигини англатади.

Чорвачиликни ривожлантириш стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 марта “Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-2841 сонли қарорида қишлоқ хўжалигига таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, чорвачиликда хусусий мулкнинг устувор аҳамияти ва ўрнини таъминлаш, яйловлардан самарали фойдаланиш, чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ракобатдошлигини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қайд этилган.

Тармоқнинг асосий хусусияти шундаки, чорва маҳсулотларининг катта қисми дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ишлаб чиқарилади, уларга тегишли ер участкаларининг ўртacha ҳажми 0,15 гектарни ташкил килади, корамолларнинг 94,1 фоизи дехқон хўжаликлари улушига тўғри келади.

Соҳадаги иқтисодий ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш самараси ўлароқ, юртимизда 2018 йилда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 90 204,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 106,5 % ни ташкил килди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги чорвачилик маҳсулотларининг улуши 46,8 % ни ташкил этди.

Тармоқда 2018 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2 417,4 минг тонна гўшт (2017 йилга нисбатан 5,7 % га кўп), 10 480,7 минг тонна сут (4,3 % га), 7 360,5 млн. дона тухум (16,2 % га), 1 082,6 минг дона қоракўл тери (0,7 % га) ва 17,9 минг тонна пилла (43,5 % га) ишлаб чиқарилди.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича тахлил қиласи эканмиз, тирик вазндан гўштнинг умумий ҳажмидан 92,6 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хиссасига тўғри келишини қайд этиш

лозим, шунингдек сутнинг 95,6 %и, тухумнинг 58,4 %и, жуннинг 87,5 %и, коракўл терининг 83,2 %и ҳам дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хиссасига тўғри келади.

Чорвачиликда самарадорликка эришиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришда биринчи галда наслчиликда илмий-тадқикот ишларини янада ривожлантириш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқабоп экинлар етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, уругчиликни янада ривожлантириш, зооветеринария хизматларини тубдан яхшилашга янгича ёндашувларни талаб қиласди.

Шу билан биргалиқда, аҳоли истеъмоли учун белгиланган тиббий меъёрларга мос чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкиллаштириш жараёнидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш йўлларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Чорвачиликда маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришнинг бош омили –чорванинг бош сонидир. Чорва моллари сони чорвачилик кўламининг асосий кўрсаткичи хисобланади. Қорамоллар сонининг чорвачилик самарадорлигига таъсири жуда катта. Бунда пода сони кўпайган сайин сут соғиб олиш миқдори, гушт маҳсулоти етиштириш ва хўжалик даромади ортиб бориш имкони ортишини кўриш мумкин.

Республикамизнинг барча турдаги хўжаликларида чорва моллари таркиби иктисадий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ҳамда диверсификациялаш натижасида куйидагича ўзгарди (15.1-жадвал).

2018 йилда йирик шоҳли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қиласди, йирик шоҳли қорамолларнинг 5,0 %и фермер хўжаликлари хиссасига, 93,6 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,4 %и кишлоп хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равищда кўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,9 %и фермер хўжаликларига, 84,1 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 5,0 %и кишлоп хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 14,1 %и фермер хўжаликларига, 58,0 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига,

27,9 %и кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари сонини таҳлил қиласак 2018 йилда йирик шохли қорамоллар сони 12726,6 минг (2000 йилда 5353,4 минг) бошни, шу жумладан сигирлар сони 4522,2 минг (2000 йилда 2343,4 минг) бошни, кўй эчкилар сони 21287,4 минг (2000 йилда 8932,5 минг) бошни ва паррандалар сони 81538,9 минг (2000 йилда 14510,0 минг ) бошни ташкил этди. Чорва моллари таркибида хўжаликлар тоифалари бўйича дехкон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлининг улуши қорамолчиликда 93,6 %ни ёки 11 911,8 минг бошни, кўй ва эчкичилиқда 84,1%ни ёки 4 267,4 минг бошни ва парандачиликда 58,0 %ни ёки 47 279,8 минг бошни ташкил этмоқда.

15.1-жадвал

**Барча турдаги хўжаликларда чорва моллари таркиби  
(2016-2018 йиллар), фоиззда<sup>90</sup>**

| Йиллар                | Барча тоифадаги хўжаликларда | Шу жумладан:   |                    |                                     |
|-----------------------|------------------------------|--|--------------------|-------------------------------------|
|                       |                              | Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | Фермер хўжаликлари | Дехкон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари |
| <i>Қорамоллар</i>     |                              |  |                    |                                     |
| 2016 й.               | 100                          | 1,1  | 4,8                | 94,1                                |
| 2017 й.               | 100                          | 1,2  | 4,8                | 94,0                                |
| 2018 й.               | 100                          | 1,4  | 5,0                | 93,6                                |
| <i>Кўй ва эчкилар</i> |                              |  |                    |                                     |
| 2016 й.               | 100                          | 9,0  | 7,3                | 83,7                                |
| 2017 й.               | 100                          | 5,2  | 10                 | 84,8                                |
| 2018 й.               | 100                          | 5,0  | 10,9               | 84,1                                |
| <i>Паррандалар</i>    |                              |  |                    |                                     |
| 2016 й.               | 100                          | 24,1   | 11,8               | 64,1                                |
| 2017 й.               | 100                          | 26,6   | 11,5               | 61,9                                |
| 2018 й.               | 100                          | 27,9   | 14,1               | 58,0                                |

<sup>90</sup> Майба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида хисобланган.

Булар яхши, албатта. Чорвачилик соҳасида шунча ишлар амалга ошириляпти. Лекин шу ўринда табиий савол туғилади: нега гўшт ва сут маҳсулотлари нархи тобора юкорилаб бормоқда? Қайд этилишича, бунинг бир нечта омиллари мавжуд. Чорва молларини озиқлантириш учун ажратилган ер майдонларининг қорамол бош сонига мутаносиб эмаслиги. Яъни фермер, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар чорвачилик ёки бўрдоқичиликни қанчалик кенгайтиришни хоҳламасин, унга етарлича экин майдони ажратиб берилмас экан, ишини ривожлантира олмайди. Демак, у этишириётган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳажми ҳам кутилган даражада кўпаймайди.

Бундан ташқари, биржа савдоларидан омихта ем харид қилишда ҳам муаммолар бор. Хориждан келтирилган молларни рацион асосида, тўғри озиқлантиришга зътибор қаратилмайди, касалликларни даволаш бўйича малакали мутахассислар етарли эмас. Аксарият фермер ва дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларда маҳсулдорлиги паст чорва моллари парваришиланмоқда. Гўшт маҳсулотлари этиширувчи йирик бурдоқичилк хўжаликлари, деярли йўқ. Хўжаликларнинг маҳсулотларни сотишдан тушган тушумлари банкдаги хисобрақамлар орқали айланмаслиги, қайта ишловчи корхоналар билан ишлаш тизими яратилмагани каби ҳолатлар чорвачилик ривожига тўскинилк қилмоқда.

Чорвачилик хўжалигининг катта-кичиклиги маҳсулдорлик учун муҳим аҳамият касб этиши сабабли фермер ва дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларнинг қўшимча мол сотиб олишини рағбатлантириш, дехқон хўжаликлари ўргасида, шунингдек, дехқон ва фермер (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ўргасида кооперация алокаларини ривожлантириш зарур. Кооперация (чорва молларини биргалиқда сотиб олиш, парвариш килиш, ускуна, озукалар ва хизматларни биргалиқда харид килиш, маҳсулот сотилиш ва бошқалар) унинг иштирокчилариiga “кўламдорликдан тежац” самарадорлиги ва тижорий мустақилликни сақлаган ҳолда ихтисослашишдан фойдаланиш имконини беради.

Айни пайтда, хўжаликлар кўламини кенгайтириш муаммосининг яна бир жиҳати – материал ресурслар ва хизматлардан фойдаланиш борасидаги кийинчиликлар ҳам бор. Чорвадорлар учун озукалар,

биринчи навбатда, омухта ем, шунингдек, зотдор чорва молларини сотиб олиш катта муаммо ҳисобланади. Талаб юкори бўлган, аммо, тўлиқ кўрсатилмаётган хизматлар орасида маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш хизматлари мавжуд. Ресурслар ва хизматларнинг муайян бозорининг йўклиги вазиятни янада кийинлаштироқда.

Озуқа билан етарлича таъминланмаганлик – чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан биридир. Корамол парвариш қилаётган барча хўжаликлар хам ўз озуқа базасига эга эмас. Аксарият дехқон хўжаликлари озуқа тўплаш билан шугулланади (ўт-хашак ўради, озиқ-овқат чиқиндиларини йиғади ва ҳоказо), ва молларини йўллар ёқаси, ариқлар бўйида ва бошқа жойларда боқади.

Дехқон хўжаликларида энг кенг тарқалган озуқа маккажўхори ҳисобланади. Бошқа озука экинлари дехқон участкаларида ғоят кам учрайди. Уй хўжаликларининг кўплари сомондан молларига озуқа сифатида фойдаланади.

Фермер хўжаликларида мавжуд озуқа таркибида пичанбоп ўтлар ва маккажўхори кўп бўлиб, ушбу экинларни кўпчилик хўжаликлар етиштиради ва улар фермер хўжаликларида етиштирилган озуқа микдорининг қарийб 80 фоизини ташкил қиласиди. Фермер хўжаликларининг қарийб учдан икки кисми чорва моллари учун озуқа сифатида, кам микдорда бўлса-да, бошокли экинлар етиштиради.

Ўз участкаларида озуқа экинлари етиштирадиган дехқон хўжаликларининг ярмидан кўпида озуқа етишмайди. Бунинг асосий сабаби ернинг етишмаслиги ва озуқа экинлари ҳосилдорлигининг пастлигидир. Фермерларнинг 37 фоизи қорамолларини ўз участкасида етиштирилган озуқа билан таъминлай олмайди. Фермерларнинг 56 фоизи озуқа экинларини етиштириш учун ернинг етишмаслигини бунинг асосий сабаби, деб ҳисблайди. Буни пахта ва ғалла етиштириш ҳисобидан озуқа экинлари етиштиришдаги маъмурӣ чекловлар билан изоҳлаш мумкин. Айрим ҳудудлар учун озуқа экинларини суғориш учун суғориш сувининг етишмаслиги хам долзарб муаммодир.

Кўпгина дехқон хўжаликлари етарли микдорда озуқа сотиб ололмайди. Бунинг асосий сабаби - нархининг баландлиги (айниқса, омухта ем, кунжара) ҳамда сифатли озуқа тақчиллигидир. Шу сабабли уй хўжаликлирида чорва моллари асосан сомон ва маккажўхори билан бокилади ва бундай рацион озуканинг тўйимлилиги нуқтаи назаридан номақбул хисобланади. Бундан ташқари, таҳлил натижаларига кўра, аксарият хўжаликларда чорва молларини саклаш учун озуқа етишмайди, ўз молларини боқиш учун озуқа билан зарур микдорда таъминлай олмайди. Бу кўпгина хўжаликлар учун бир маромда фаолият кўрсатиш имконияти йўқлигини англатади, шу боис, аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари чорвачиликка ихтисослашиш шаклини зироатчиликка ўзгартирган.

Ердан фойдаланиш бўйича меъёрий-хукукий базада озуқа экинларини етиштиришни чекладиган бошқа камчиликлар ҳам бор. Ер кодексида бир бош шартли чорва молига 0,3-0,45 гектар сугориладиган ер ажратиш кўзда тутилган ва бу озуқа билан тегишли равишда таъминлаш учун қамлик килади.

Бинобарин, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш узлуксизлигини таъминлаш ва маҳсулдорлигини оширишда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- чорвачилик соҳасини инновацион ривожлантириш давлатнинг доимий назоратида бўлиши лозим. Шунингдек, фермер ва дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар фаолиятини бозорга мослаштиришда кооперативлар кўринишидаги нодавлат ташкилотларни қўллаб-куватлаш орқали агросервис хизматлар сифатини ошириш;

- маҳсулотларни қайта ишлаш, саклаш, қадоқлаш ва транспортда ташиш бўйича инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- маҳсулот сотиш каналларини кўпайтириш ва яхшилаш;

- инновацион лойиҳаларни инвестициялар билан таъминлаш;

- озуқа экинларини сифати юқори ерларда етиштириш эвазига уларнинг ҳосилдорлигини ошириш;

- хўжаликлarda экинларнинг зарур тузилмаси ва ротациясини таъминлайдиган, тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган озуқа экинларини алмашлаб экиш;

- озуқа экинлари уругини етиштириш, махсус қишлоқ хұжалик техникаси, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш;
- озуқалар, ветеринария ва чорвачилик тармоғи учун мүлжалланған бошқа хизматлардан фойдаланишни яхшилаш;
- дехқон хұжаликларининг қорамол сотиб олишини енгиллаштириш учун имтиёзли микрокредитлаш имконияттаниң янада кенгайтириш;
- қишлоқ жойларидаги кам таъминланған ва күп болали оиласларга бепул қорамол тарқатиш;
- чорвачиликни инновацион ривожлантиришда биологик йұналишлар алохіда үрін тутади, яғни чорва молларининг генетик имконияттарини күпайтиришга жиддий әзтибор қаратиши;
- техник-технологик йұналишлар эса ресурслар ва энергияни тежовчы воситаларни күллаш орқали соҳада ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- чорвачилиқда профессионал кооперативларни ривожлантиришга ахамият бериш;
- чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хұжаликлари, чорва моллари наслчилиги билан машғул тармоклар, маҳсулотларни қайта ишловчы бүғинлар, зооветеринария соҳасидаги илмий тадқиқотларни ва савдо-тижорат соҳаси манфаатларини үйғунлаштириш;
- кадрлар малакасини ошириш ва чет әл тажрибасини ўрганишларига күмаклашиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мүмкінки, чорвачиликни янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий йұналишлари изчиллик билан амалға оширилаётган ислоҳотлар соҳа самарадорликни янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини күпайтириш, Республика ахолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тұлық таъминлаш, янги иш ўринлари яратиши ва ахолини турмуш даражасини юксалтиришга қаратылғандир.

## **16-§. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ВА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ**

---

Бугунги кунда шиддатли рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиш, сифатли ва рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида иқтисодий юксалишга интеллектуал капитал яъни инновацияларсиз эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотларининг ва Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармокларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида инновациялар ва инновацион ривожланиш хусусида кўп маротаба тўхталиб ўтдилар: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсанк, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.”

Бугунги кунимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, барча ресурслардан тежамли фойдаланиш ва бунинг натижасида ички ҳамда ташки бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш аввало корхоналарнинг инновационсалоҳиятини бошқариш, инновацион технологияларни самарали кўллаш ва такомиллаштириш жараёnlарига бевосита боғлиқ.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жихозланган ва хом ашё ресурсларимизни чукур қайта

ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчиюқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишига қаратилган инновацияларга ётибор қаратилим оқда.

Мамлакатимиз қонунчилигининг бир қатор норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорларида инновацион фаолиятнинг хукукий асослари мустаҳкамланган.

Иқтисодиётда инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар бир қатор жаҳон олимлари ва мутахассислари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу борада хорижий давлатлар тадқиқотчилари, юртимиз олимларининг хиссасини келтиришимиз мумкин. Инновацион фаолиятнинг назарий-услубий асослари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Инновациялар назариясини ишлаб чиқиша яъни технологик боскичларнинг эволюцияси билан баглик муаммоларни биринчи марта рус олими Н.Д. Кондратьев ўзининг узун тўлкинлар назариясида илгари сурган. Унинг фикрларини кейинчалик австриялик олим Й. Шумпетер ривожлантирган. Инновациялар ва улар борасидаги тадқиқотлар турли давр олимлари назарий қарашларида турлича ифодаланиб келган. Иқтисодчи олимлар орасида “инновациялар отаси “Godfather of innovation” номи билан шуҳрат қозонган XX асрнинг биринчи ярми иқтисодчиси асли австриялик Ё.А.Шумпетер (1883-1950) илк бора инновацияларга техник тараққиётга эришишнинг асосий куроли сифатида қараб уларни корхоналар учун юкори фойда келтиришнинг ягона ва зарур воситаси эканлигини ўзининг кўп сонли тадқиқотларидан келиб чиқиб асослаб берди. Шумпетер “Иқтисодий ривожланиши назарияси” (Theory of economic development) номли машхур асарида инновацион янгиланишларни беш тоифага бўлган. Ғарб олимларидан дастлаб К.Фримен, П.Друкер, Б. Лундвалл, Р. Нельсон К.Ясперс, Б.Санто, Р.Форестер, М.Хайдеггерлар ўз асарларида иқтисодий тараққиётда инновацияларнинг мухим куч эканлигини айтиб ўтганлар.

МДҲ ва рус тадқиқотчиларидан А. Бусигин, Ю. Швецов, Л.П. Гончаренко, В.А. Быков, Е.Г. Кирсанова, Е.В. Головацкий,

В.А. Лопатин, Ю.В. Яковец, К.Н. Назина, И.В. Бестужева-Ладысингари олимларнинг нашрлари соҳа жадаллашувида мухим туртки бўлди.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармокларида, хусусан, реал сектор корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асослари Ўзбекистон иқтисодчи олимлари С.С. Гулямов, А.Э. Ишмухамедов, Х.М. Абдусаттарова, А.Ш. Бекмурадов, М. Сайдов, А. Ортиков, Б. Абдуллаев, Н.М. Расулов, Ш.И. Мустафакулов ва бошқалар томонидан олиб борилган изланишларда ёритилган.

Фикримизча, «инновация» янгича гоя, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган янгича ёндашув, янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарувдаги янгича усул, умуман, барча жабҳалардаги янги ислоҳотлардир. Бунда инновация нафакат сўнгти янгилик, балки хаётта тадбиқ этилган, жамият аъзоларига иқтисодий ва ижтимоий наф келтирувчи восита бўлиши керак.

Халқаро стандартларга мувофиқ инновация бозорга тадбиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган илгор технологик жараён ёки инсонлар турмуш шароитини яхшилаш, янгича ёндашиш кўринишида рўёбга чиқкан инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида белгиланади.

Инновацион ривожланиш ҳақида фикр юритар эканмиз, уни белгиловчи кўрсаткичлар ҳақида билиш мухим аҳамиятга эга (16.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, яқин келажақда Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш мақсадида бир қатор йўналишлар танлаб олинган. Жумладан, инновацион маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши 2017 йилда 15 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткични 22 % га етказиш режалаштирилган. Инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатларнинг маҳсулот умумий кийматидаги улуши 2017 йилда 2.8 % дан 2020 йилда 5 % га етказиш кўзда тутилган.


### 16.1-жадвал

#### 2017-2020 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг максадли кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар % да   | 2017 йил | Прогноз кўрсаткичлар (2019-2020 й.) |
|---|----------|-------------------------------------|
| Илмий тадикотларга йўналтирилган харажатларнинг ЯИМ даги улуши                      | 1.0      | 3.0                                 |
| Юкори технологияли тармоқларнинг ЯИМ даги улуши                                     | 15.0     | 31.0                                |
| Инновацион махсулотларнинг ЯИМ даги улуши   | 15.0     | 22.0                                |
| Инновацион фаолиятта йўналтирилган харажатларнинг улуши (махсулот умумий кийматида) | 2.8      | 5.0                                 |
| Экспорт таркибида инновацион махсулотлар улуши                                      | 15.0     | 28.0                                |
| Аник фанлар ва инженерлик мутахассислигига талабаларни кабул килиш                  | 40.0     | 45.0                                |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Инновацион технологиялар доирасидаги илмий ёндашувлар шуни кўрсатадики, бирор тизим ёки корхонанинг ҳар жиҳатдан ривожланиши улардаги мустаҳкам инновацион тизим мавжудлиги билан белгиланади. Реал сектор корхоналарини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланаётганликларини гувоҳи бўламиз.



#### 16.1-расм. Инновацион технологиялар жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони (2016 йил)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.

Юқоридаги графикда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича 2016 йилда инновацион технологиялар жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони келтирилган. ( 16.1-расм).

Расмдан кўришимиз мумкинки, республика бўйича 2016 йилда хар бир инновацион фаол ташкилот ўртача 2 тадан инновация жорий қилди. Жумладан хар бир инновацион фаол ташкилотта Андижон, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида ўртача 3 тадан инновация, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ўртача 2 тадан инновация, Қоракалпогистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўртача 1 тадан инновация жорий қилинган.

Албатта юқоридаги ракамлардан реал сектор корхоналари инновацион фаолияти соҳасидаги ижобий ҳолатни кўришимиз мумкин. Аммо таҳдиллар натижаси шуну кўрсатадики, ҳозирда реал сектор корхоналари олдида бир қанча муаммолар кўндаланг турмоқда:

-инновацион салоҳиятнинг пастлиги;

-ушбу фаолиятни кенгайтириш учун корхоналарнинг ички маблағларининг етишмаслиги;

-иктисодий рискларнинг юқорилиги ва қопланиш муддатларининг узоклиги;

-ишлаб чиқариши ривожлантиришнинг узок муддатли йўналишларини кўра олмаслик.

Мамлакат иктиносидёти ва корхоналарда инновацион жараёнларни тизимли шакллантиришга тааллуқли муаммоларни ҳал этишга уринган олимларнинг илмий ишларини ўрганиш шуну кўрсатадики, инновацион фаолиятнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлик. Инновацион фаолият негизида ётган иктиносидий муаммоларни ҳал этиш учун эса ишлаб чиқариш жараёнининг барча иштирокчилари: ишлаб чиқарувчи кучлар, илмий-тадқиқот олиб борувчи муассасалар ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланишини талаб этади.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги илмий ёндашувларнинг таҳлили, илғор хорижий тажрибалар ҳамда мазкур

соҳага оид кўплаб иқтисодий адабиётларда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, унинг ташки бозордаги рақобатбардошлиги бу соҳага қаратилган эътибор, шарт-шароитлар бошқа сўз билан айтганда ривожланган инновацион-технологик инфратузилма мавжудлиги орқали таъминланиши илмий асосланган.

Инновацион фаолиятни ўрганувчи мутахассисларнинг фикрича, инновацион инфратузилма кўйилган инновацион мақсадларга эришишни таъминловчи вазифаларни бажариш учун алоқадор хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инновацион гоялар, лойиҳалар, амалий, фундаментал тадқиқотлар ҳамда инновацион таълим дастурларини амалга ошириш бўйича маҳсус муассасалар фаолиятидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳалқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан бири кластерлар бўлиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ушбу тузилма фаолияти йўлга кўйилмоқда.

Кўпгина манбаларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари тадқиқ этилиб, барқарор ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда ҳалқаро логистика марказлари, эркин иқтисодий зоналар билан бир қаторда кластерларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти юқори эканлиги кўрсатилган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда зарур инфратузилма - кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Ушбу соҳанинг асосчиларидан бири сифатида Гарвард бизнес мактабининг профессори Майкл Порттер тилга олинади. Унинг фикрига кўра, ривожланган ва ривожланаётган соҳа ёки тармоқлар айнан кластерни татбиқ этиш ёки унинг баъзи бир элементларидан фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришган. Жами 9 та мамлакатда 100 дан ортиқ тармоқларни таҳлил қилган олим шундай хуносага келадики, юқори рақобатдошликка эга бўлган трансмиллий компанияларнинг ривожланиши бир нечта давлатларга бўлиниб

кеттган ташкилотларнинг мустақил ҳаракат килиши орқали эмас, балки тизимли равища битта давлат ёки битта минтақага концентрациялашуви орқали эришган. Шундан бошлаб, ушбу соҳага нафакат давлат бошқарувчилари, балки илмий-тадқиқот соҳаси билан шуғулланувчиларнинг ҳам қизикиши орта бошлади.

Албатта бугунги кунда иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа бу хом ашёга асосланган ишлаб чиқаришдан инновацион ишлаб чиқаришга боскичма-боскич ўтиш хисобланади. Бунинг учун зарур инновацион муҳит, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш имкониятини берувчи гузилмалар яратиш зарур. Замонавий иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳам хўжалик юритишнинг кластер моделини яратиш хисобланади.

Фикримизча инновацион кластерлар ташкил этишнинг бир қанча афзаликлари мавжуд:

- географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган обьектларда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади. Негаки ташиш харажатлари камаяди, жараёндаги узилишлар бартараф этилади;
- инновацион кластерлар иқтисодий ўзгаришларга нисбатан мослашувчанлиги билан ажralиб туради;
- янги ташкил этилган корхоналар учун қулай бизнес инкубатор вазифасини ўтайди, инновацион технологияларни самарали қўллаш имконини беради;
- кластер жойлашган худуд инфратузилмаси яхшиланади;
- ахолининг иш билан таъминланиш муаммосига ечим топилади.

Юқорида фикрлардан келиб чиқиб, реал сектор корхоналарида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ва инновацияларни яратишка, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш жараёнини янада такомиллаштириш масалалари бўйича қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- корхоналарда асосий эътиборни мавжуд илмий салоҳиятини ривожлантириш, улардан самарали фойдалангандан ҳолда инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратиш;
- корхоналар ҳамда шу соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш;

- корхоналардаги лабораторияларни техник жиҳатдан тубдан янгилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- корхоналарда инновацион маҳсулот яратувчи ихтирочиларга имконият яратиш, уларни моддий рағбатлантириш.

Фикримизча, кластерлар бугунги инновацион жараёнларнинг локомотиви хисобланади. Ишлаб чикаришнинг кластер модели инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Негаки илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт янги билимлар ва хўжалик юритишининг янги шаклларини яратишни талаб этади. Ўзаро интеграциялашган тармоклар кластерини яратиш худудлардаги саноат потенциалини тез суръатлар билан ўсишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, реал сектор корхоналарида инновацион жараёнларга безътибор назар билан қаралса, ҳар дакиқада инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш тўғрисида бош котирилмаса, бу оқибатда корхона менежери ва тадбиркор қархисида инноватор рақобатчилар томонидан бозордан сикиб чикарилиш, тараққиётдан орқада қолиш хавфини вужудга келтиради. Нега деганда бизга маълум бўлган бозор иқтисодиёти доимий равишда янгиланиб боришни, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Иқтисодиётнинг реал сектор тармоғига янги инновацион технологияларни жорий этмасдан, маҳсулот ва хизматларни диверсификацияламасдан ҳамда ишлаб чикаришни модернизация қилмасдан туриб жаҳон бозорида кучли рақобат мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизга эга бўлишимиз мумкин эмас. Бу йўналишларни амалга оширишда ташкилотлар кўпроқ инновацияларни жорий этишлари зарур деб хисоблаймиз.

Шундай экан бугунги кунда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Чунки саноат ва молиявий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши корхоналарда ишлаб чикариш инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг ишлаб чикарилиши ҳамда мамлакатда валюта захираларининг жамғарилиши каби иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади.

## **17-§. ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

---

Мустакилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни шакллантириш, дунёning турли мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, биринчи навбатда ташки савдони яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали билан жаҳон бозорига интеграциялашишни йўлга кўйди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати иқтисодиётни қўллаб-куватлаш ва мавжуд бўлган маблағлардан ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мавжуд шароитларда турли хатарлар ва бойликларни самарали тақсимлаш, биринчи навбатда устувор тармоқларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш хисобига жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашишга йўналтирилган. Бугунги кунда хорижий сармояларни жалб қилишнинг бир канча турлари мавжуд:

- капитал иштироки орқали қўшма корхоналар ташкил этиш;
- 100% хорижий иштирокида хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- иирик хорижий компаниилар ва фирмаларнинг шўба ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномаларини тузиш;
- танлов савдоларини эълон қилиш;
- эркин иқтисодий худудларни шакллантириш;
- молиявий активларни сотиб олиш ва сотиш.

Чет эл инвестицияларни жалб этишнинг энг кенг тарқалган механизмларидан бири қўшма корхоналар ташкил этишдан иборат. Чет эллик инвесторнинг сармояси ҳажми камида 300 минг доллар бўлиши керак. Капитал куйилмаларнинг миқдори қанча кўп бўлса, шунча кўпроқ имтиёзлар берилади:

- 300 минг доллардан 3 миллион долларгача - уч йил давомида;

- 3 миллион доллардан ошиб 10 миллион долларгача - беш йил муддатта;

- 10 миллион доллардан ортиқ - етти йил муддатта.

Хорижий жисмоний шахслар ҳамкор бўлган ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга (ХИИК) қўйиладиган талабларга жавоб бермайдиган юридик шахслар хорижий капитал иштирокидаги корхоналар (ХКИК) ҳисобланади.

Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга қараганда солиқ ва божхона имтиёzlари кўп эмас. Улар миллий ишбилармонлик мұхитига мослашади. Лекин улар учун талаблар ҳам қийин эмас. Масалан, МЧЖ устав фонднинг энг кам микдори рўйхатга олинган санада белгиланган энг кам 40 та иш ҳакининг минимал микдорига teng бўлиши керак. Бу Марказий банк қурси бўйича қарийб 6 миллион сўм ёки 500 доллардан кам. МЧЖ кўшма корхона бўлганда устав фонди камида 150 минг АҚШ доллари микдоридаги teng бўлиши керак.

Чет эл аъзолари (ёки қатнашчиси)нинг улуши ХКИКда белгиланмаган, корхонадаги хорижий таъсисчилар факат жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокида корхонанинг устав капиталининг минимал микдори сифатсиз товарлар савдосининг ва уларни кўшма корхоналар томонидан ҳаддан ташқари импорт килишини олдини олиш максадида белгиланади.

2018 йил 1 январ ҳолатига кўра, чет эл сармояси иштирокидаги мавжуд корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўриб чиқсан, энг кўп саноатда -2438 донага тўғри келади (44,2%), савдо учун 1055 та (19,1%) ва бошқа турдаги 993 (18,4%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича энг кичик кўрсаткич 74 тани ташкил этади (1,3%), ахборот ва коммуникатсия соҳасида 126 та (2,3%), кишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик саноати учун 159 та (2,9%), транспорт ва сақлаш -161 та (2,9%), турар жой ва овқатланиш хизмати 220та (4,0%) ва 291та қурилиш корхона (5,3%).

Хозирги кунда республикада 90 та мамлакат хорижий сармоялар иштирокидаги 4 мингдан зиёд корхона фаолият юритмоқда ва

уларнинг 20 фоизи тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган (100%).



17.1-расм. Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши

Давлат статистика қўмитасининг мълумотларига кўра, 2018 йил 1 ноябрь холатига Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 7155тага етди. Ўтган йилга нисбатан фаолият юритаётган корхоналар сони қарийб учдан бир кисмга ёки 1734 тани ташкил этиді. Улардан 3837 таси кўшма корхоналар, 3318 таси хорижий корхоналар.

Расмий статистикага кўра, хорижий капиталга эга корхоналарнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган- 4504 (62,9%), Тошкент-799 (11,2%) ва Самарқанд-384 (5,4%) вилоятларида.

Энг кичик қисми Хоразм-69 та (1%), Кашикадарё-75 та (1%), Навоий-92 (1,3%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида-112 та жойга жамланган (1,6%).

Хорижий капитал иштирокида хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сонини ҳисобга

оладиган бўлсак, энг кўпи саноатга тўғри келади - 2871 (40,1%), савдо - 1549 (21,6%) ва бошқа турлари - 1195 (16,7%), энг кичик - соғликни саклаш ва ижтимоий хизматлар учун - 90 (1,3%), маълумот ва алоқа - 188 (2,6%), транспорт ва саклаш - 206 (2,9%), қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик - 310 (4,3%), турар жой ва овқатланиш - 295 та (4,1%), қурилишда - 451 (6,3%).

### 17.1-жадвал

#### **Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни 2018 йилга таҳсимлаши (жамига нисбатан% да)**

|  | Корхоналар<br>сони | Корхоналарнинг<br>улуши |
|--|--------------------|-------------------------|
| Жами   | 7560               | 100                     |
| саноат   | 2871               | 40,1                    |
| савдо  | 1549               | 21,6                    |
| соғликни саклаш ва ижтимоий<br>хизматлар         | 90                 | 1,3                     |
| ахборот ва коммуникациялар                       | 188                | 2,6                     |
| ташиш ва саклаш                                  | 206                | 2,9                     |
| қишлоқ хўжалиги, ўрмон<br>хўжалиги ва балиқчилик | 310                | 4,3                     |
| турар жой ва овқатланиш<br>хизматлари            | 295                | 4,1                     |
| қурилиш  | 451                | 6,3                     |
| бошқа турлар                                     | 1195               | 16,7                    |

Манба: Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. Давлат статистика қўмитаси РУз.Т.2018.-1786.

Ўтган йилга нисбатан операцион корхоналар сони 1228 тага ортди. Шу билан бирга, Россия Федерацияси сармояси иштирокида 357 та корхона, Туркия Республикасининг 290 та корхонаси, Хитойнинг 261 та, Қозогистон Республикаси- 212 та ва Корея Республикасининг 141 таси. 2018 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Хиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар томонидан кўшма тадбирларга қизикиш кўрсатилди.

2018 йил январ-декабр ойларида Ўзбекистонда ташкил этилаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 55,0 минг кишига етди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,0 мингтага кўпдир. 2019 йил 1 январдаги ҳолатта кўра Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 262,9 мингтани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,5 фоизга кўпдир. 2019 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда хорижий капитал билан фаолият юритаётган корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага кўпайган ёки 37,0% ни ташкил этди.

2018 йил охирига келиб Ўзбекистон хукумати 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ("Ўзбекнефтегаз" дан ташқари), 2019 йилда эса 3,5 миллиард долларни ташкил этади. Ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар ҳажми 25,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, улардан сўнгги 5 йилда 11,8 млрд. АҚШ доллари (47%) кўтарилиди.

Республикада ўзлаштирилган инвестицияларнинг йиллик ўртача ҳажми 2-2,5 миллиард долларни (ЯИМнинг 4 фоизидан кам) сакланиб колмоқда, бу ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан (3,4 миллиард), шунингдек, МДҲнинг айrim мамлакатларида кўрсаткичлар (Қозогистон 15-20 миллиард - ЯИМнинг 7-8 фоиз, Озарбайжон 5-8 миллиард - 15-20 фоиз, Беларусь - 3-6 миллиард - 8-10 фоиз).

Охирги 5 йил давомида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан нефт ва газ саноати (73%), электроэнергетика (2%), ахборот технологиялари ва алоқа соҳасида (6% ), иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида (масалан, энгил ва тўқимачилик саноатида - қарийб 1%, автомобилсозлиқда - 0,2%) уларга нисбатан камроқ киритилган.

Бошқача айтганда, хорижий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо соҳасига, соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматларга энг кам улушга, шунингдек, ахборот ва коммуникацияларга тўғри келади. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил килиниши мумкин.

Буюк компаниялар ва фирмалар мулкнинг муайян қисмини тақсимлаш орқали филиалларини очишлари мумкин. Улар учун бир хил қоидалар қўшма корхоналар учун кўлланилади. Икки ёки ундан ортиқ давлат ёки корхона капиталини бирлаштириш йўли билан халқаро корхоналарни яратиши мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятидаги ҳар қандай давлатнинг ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шу боис, Ўзбекистон учун миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб қилишнинг энг яхши усулларини танлаш энг муҳим вазифалардан бири хисобланади.

Ташки иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишини таъминлаш, хорижий инвестициялар учун очиқ эшиклар сиёсатини изчил амалга ошириш, устувор йўналишлар бўйича маблағларни жамлашни таъминлаш, ҳукуқий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шартшароитларни тақомиллаштириш мустакил давлатимизнинг иқтисодий сиёсатини асосий тамойиллари хисобланади.

Давлатимизнинг иқтисодий сиёсати тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва рағбатлантиришга қаратилган, чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида инвесторларнинг бевосита иштироки хисобга олинади ва бунинг учун етарли шартлар мавжуд. Улар орасида республика минтақаларида бой минерал ресурслар, етарли микдорда малакали меҳнат, кулай мухит, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий барқарорлик мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестицион мухитни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони инвестиция ва тадбиркорлик фаолияти соҳасига ўзгаришларни киритди. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш мумкин бўлган ишларни кўрсатиб, давлат ишончини ҳимоя қилиш принципи, давлат органининг карорини фақат судда бекор қилиш, шунингдек, Президент фармони билан белгиланган бошқа янгиликлар кориб чикилди. Ўзбекистон Республикасида 2018 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида инвестицион мухитни тубдан яхшилашга қаратилган, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада

кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратилган. Ушбу хужжатда хорижий инвестицияларни жалб килувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш ва ортиқча меҳнат билан ишилаётган худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рафбатлантириш мақсадида инвесторлар хукукларини кафолатлаш кўзда тутилган.

Ўтган йиллар давомида республика иқтисодиётида фойдаланиладиган инвестициялар таркибида айрим ўзгаришлар рўй берди, уларнинг асосий қисми курилиш ва монтаж қилишга (37% инвестицияларга), техника ва ускуналарга (39%) йўналтирилган. Шу муносабат билан иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, саноат ишлаб чиқаришида ижобий таркибий ўзгаришлар рўй берди.

2019 йилда Ўзбекистонга умумий инвестициялар ҳажми 2018 йилга нисбатан 16 фоизга ўсиб, 138 трлн. сўмга (тахминан 17 миллиард доллар) етади, -деди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев.

2019 йилда барча манбалар хисобидан 138 трлн. сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган, бу 2018 йилга нисбатан 16 фоизга кўпdir. Келгуси йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 1,5 баробарга ошириш ва уларни 4,2 миллиард долларга етказиш ва 142 замонавий корхонани ишга тушириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида 2019 йилни фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланишнинг йиллигини эълон қилди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, фаол инвестиция сиёсатига эга бўлган мамлакатлар ривожланишда юксак муваффакиятларга эришмоқда.

У мамлакатнинг бошқа худудлари ва минтақаларини ривожлантиришга, янги технологияларни жалб қилишга ва юқори малакали мутахассисларга ўз хиссасини кўшиб, иқтисодий ўсиш ҳайдовчисига инвестицияларни чакириди. Инвестицияни яқуний мақсади - Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир кишининг турмуш даражасини оширишдир.

Буни ҳисобга олиб, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, биринчи навбатда саноат ишлаб чиқариши модернизация қилиш ва

янгилашнинг устувор вазифалари аниқланди. Улар куйидаги муаммолар ечимини ўз ичига олган:

- машинасозлик, енгил саноат, биринчи навбатда йигирув, тикувчилик ва кийим-кечак саноатининг янада юқори ставкаларини яратиш;

-худудий тақсимот ва саноат маҳсулоти таркибини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш;

-маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кичик корхоналар ва микрофирма ташкилотларининг устуворлиги;

- замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражаси паст бўлган ахоли пунктларида маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ёки йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш бўйича маҳсус дастурни ишлаб чиқиш;

- янги қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш обьектларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган хорижий инвестицияларни кенг микёсда жалб қилиш;

- корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, маҳсулот сифатини ошириш ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун 10 дан ортиқ ўрта ва узок муддатли давлат дастурлари қабул қилинди. Уларнинг амалга оширилишининг асосий мақсади саноат корхоналарини модернизация қилиш, уларни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириш, ахоли бандлиги ва даромадларини ошириш, инвестициялар самарадорлигини оширишдан иборат.

Республикада мақсадли дастурларни амалга ошириш катта натижаларга эришилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантириш тўғрисида" ги ПФ-3860-сонли Фармони муҳим аҳамиятга эга.

Инвестициялар мақсадли, иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши керак, маблағларни минтақалар эҳтиёжи бўлган туманлар потенциалига қараб йўналтириш керак, инвестициялар бўйича вилоят

хокимларининг ўринбосарлари чет элга чиқишилари ва муайян лойиҳалар учун сармояларни жалб қилишилари керак.

Ўзбекистонга хориж сармояси инноватсион ривожланишга таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнда мустақиллик йилларида ҳукумат томонидан қабул килинган қарорларнинг асоси, миллий инвестиция ва инновация дастури. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида инвестицион мухитни яхшилаш бўйича экспериментни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 16 августдаги Фармони билан алоҳида ўрин тутади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишлари ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурӣ ислоҳотлар концепциясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илмий-техникавий алоқаларни мустаҳкамлаш, акциядорлик стратегиясининг вазифаларига мувофиқ илмий тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш йўлларини ва уларни амалга оширишини рағбатлантиришнинг амалий механизмларини яратиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестицион мухитни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 1 августдаги Фармонига мувофиқ инвестиция ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ўзгаришлар, химоя қилиш тамойиллари давлат ишончига асос солинди, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари мавжуд бўлган ҳолатлар белгиланди.

Шу асосда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича йиллик ва ўрта муддатли дастурларни ишлаб чиқиши, шунингдек, маҳаллий илмий тадқиқотлар ва ривожланиш учун буюргмалар портфелини шаклантириш вазифалари ишлаб чиқилди, вазирликлар ва идоралар хўжалик субектларига замонавийлаштиришга маблағлар ажратиш ва янги ишлаб чиқаришда амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни кенг жорий этишга эришиш мақсадида ташкил этилган.

Биргаликдаги инвестиция лойиҳалари асосида нафакат тоғ-кон саноати соҳасида, балки юқори технологияли ишлаб чиқариши соҳаларида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мумкин. Бу

эса, ўз навбатида, соҳада жиддий муаммоларни ҳал этишга имкон берадиган муҳим омил бўлади, баркарор иқтисодий ривожланиш ва минтақада ижтимоий-иктисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда аҳамиятта эга.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2019-йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, мамлакат иқтисодиётiga инвестициялар илмни талаб киладиган тармоқлар, рақобатбардош, юқори технологик ва экологик жиҳатдан муҳим ишлаб чиқариш тармоқларини баркарор ва жадал ривожлантиришга хизмат килмоқда. 1996-2018 йилларда асосий фондларга инвестиациялар ҳажми, қурилиш ишлари умумий ҳажми, хорижий инвестиациялар ва кредитлар, асосий фондларни ишга туширилиши доимий равишда ошиб борилди.

Мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан жаҳон бозорида рақобат кучаяётган замонавий шароитда замонавий, илфор ва юқори технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни яратиш, маҳсулот турларини мунтазам янгилаб бориш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташки бозорларга чиқишини таъминлаш имкониятини бермайди. Ўзбекистонда кулагай инвестиция мухитини яратиш мамлакатимиизда таркибий ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг асосий омилидир.

Ўзбекистон асосий бозор ислоҳотлари йўлидан бораётган мамлакат сифатида чет эл сармоясини жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. 2020 йилга қадар Ўзбекистонда 132 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган, шундан 50% хорижий инвестиациялар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилади. Уларнинг умумий киймати 2,2 миллиард долларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, хорижий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сони 5517 тани ташкил этади.

Уларнинг 70,8 фоизи (3905 таси) хорижий давлатларга, 29,2 фоизи эса (1612 та) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) кирган.

МДҲ мамлакатлари ичida Россия Федерациясининг капитали иштирокидаги корхоналар 1035 та, Қозогистон Республикаси, 281 та,

Озарбайжон Республикаси, 91 та Украина, 58 та Қирғизистон Республикаси, 57 та, ва бошқа мамлакатларда 90 та.

Чет давлатларнинг капитали иштирокидаги 3905 та корхонадан 812 тани ташкил этади. Хитой Халқ Республикаси (Хитой), Корея Республикаси 510, Туркия Республикаси 508, Буюк Британия 503 Бирлиги, АҚШ 189, Эрон Ислом Республикаси 129, Ҳиндистон Республикаси 125, ФИУ 123 та. Афғонистон Ислом Давлати 114 та ва бошқа мамлакатларда - 894 та.

2018 йил 19 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019-йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чоратадибирлари тўғрисида" ги Фармонида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил Инвестиция дастури тасдиқланди. У капитал кўйилмаларнинг асосий параметрларини, ижтимоий, уй-жой, муҳаандислик ва транспорт инфратузилмасини ишга тушириш бўйича прогнозни, шунингдек объектларни ишга туширишнинг мақсадли дастурини белгилади.

Шу боис, давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий кисми бўлган инвестиция сиёсати табиий равишда ташки иқтисодий фаолиятни модернизация килиш учун ресурс базаси бўлиб колмоқда. Мақсадли ва самарали инвестиция стратегияси ишлаб чиқариш кучларини оқилона тақсимлаш, ички ва тармоқлараро мувозанатни йўқотиш, худудларнинг ривожланиш даражасини баркарорлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишли тъминлаш имконини беради.

Микроиктисодий даражада инвестицион сиёсат, биринчи навбатда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш устахоналари ва майдончаларини қайта ишлаб чиқариш, зарур ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда илғор технологияларни, ресурсларни ва меҳнатни тежовчи технологияларни жорий этишга ёрдам беради.

## **18-§. АГРАР СЕКТОРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛЬ ЭТИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ**

---

Аграр сектор Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик ва таянч тармоқларидан бири саналади. Аграр секторнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожланишига мультиплектив самара орқали таъсир кўрсатиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ва аҳоли турмуш фаровонлигининг барқарор суръатлар билан ўсишига кучли таъсир кўрсатади.

Республикамиз аграр секторида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар натижасида кишлек хўжалигининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2006-2017 йиллар оралиғида аграр секторнинг ялпи кўшилган маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда 5298,0 млрд. сўмдан 43149,8 млрд. сўмга етди ёки 8,14 марта га ўсибди. Республикаизда хизматлар соҳаси ва индустрисал саноат тармоқларининг жадал ривожланиши туфайли 2006-2017 йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида аграр сектор ялпи кўшилган қийматининг салмоги 25,1 дан 19,7 %гача камайиб борди. Шу йилларда аграр секторнинг иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий капиталга киритилган жами инвестициялардаги улуши 4,1 %дан 3,5 %га, жами банд бўлғанлар салмоғидаги улуши эса 28,0 %дан 27,4 % га камайган. Бу ҳолат тармоқда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар, ишлаб чиқаришининг техник қуролланиши даражаси ортиши ва модернизация қилиниши билан изоҳланади. Аммо, тармоқда банд аҳоли сони иқтисодиётда жами бандларнинг деярли учдан бир кисмини ташкил этмоқда (18.1-жадвал).

Аграр секторни ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқданган “**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**”да аграр секторни модернизация

килиш ва жадал ривожлантириш бўйича бир қатор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, аграр секторда таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш орқали ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари, кайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр сектор маҳсулотларини чукур қайта ишлашни ривожлантириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

18.1-жадвал

**Республикада аграр сектор ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари динамикаси**

| Кўрсаткичлар   | 2006<br>йил | 2008<br>йил | 2010<br>йил | 2012<br>йил | 2014<br>йил | 2017<br>йил |
|--|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг салмоги, % да                               | 25,1        | 19,7        | 18,0        | 17,6        | 18,9        | 19,7        |
| Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да | 106,7       | 104,5       | 106,9       | 107,2       | 107,0       | 102,0       |
| Асосий капиталга киритилган инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг салмоги, % да        | 4,1         | 2,7         | 3,5         | 4,8         | 4,1         | 3,5         |
| Иктисолётда банд бўлган ахоли сонида қишлоқ хўжалиги салмоги, % да                   | 28,0        | 27,5        | 26,8        | 26,6        | 27,5        | 27,2        |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлар асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида аграр секторни барқарор ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти юқори. Америкалик

иктисодчи олимлар Р.Самуэлсон ва В.Нордхаусларнинг фикрича инвестициялар иқтисодиётда катта аҳамият касб этади. Инвестицияларнинг кескин ошиши ялпи талабга таъсир ўтказиш орқали ялпи ички маҳсулот ва бандликка ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, инвестициялар капитал жамғаришга мойилликни ошириб, узок муддатли оралиқда иқтисодий ўсишни таъминлайди<sup>91</sup>.

Бошқа бир америкалик иқтисодчилар Л.Гитман ва М.Джонкларнинг таъриф беришича “инвестициялар кенг маънода мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва тараккиётга эриштириш учун молиявий механизмни шакллантиради”<sup>92</sup>.

Аграр секторга ички ва хорижий инвестицияларни жалб этишда тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Аграр секторни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куvvatлашнинг молиявий механизмлари устида илмий тадқиқотлар олиб борган россиялик иқтисодчи олим О.В.Чепик тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги тармоқда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигига кўп жиҳатдан боғлиқ деб ҳисоблайди. Унинг фикрича аграр секторнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун кам рентабелли ва зарар келтириб ишләётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида тармоқка кўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга аграр секторга инвестициялар жалб этишга таъсир кўрсатувчи куйидаги асосий омилларга эътибор қаратиш объектив заруриятдир: гаров таъминотининг етишмаслиги; табиий ва иқтисодий рисклар; коплаш муддатининг узоклиги; устувор лойихаларни молиялаштириш учун кредитлар жалб этишга давлат кафолатининг етарли ривожланмаганилиги; тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш

<sup>91</sup> Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. McGRAW-HILL, INC. – Singapore, 1992. P. 446.

<sup>92</sup> Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д. Джонк. Основы инвестирования. Перевод с англ. – М.: Дело, 1997. – стр. 10.

рентабеллигининг пастлиги, баъзи ҳолларда кўпчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарининг зарар билан фаолият кўрсатиши”<sup>93</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Холмирзаеванинг фикрича, “аграр тармоқнинг инвестиция жозибадорлигини пастлиги асосий воситаларга инвестициялар жалб этишга тўлиқ имконият бермайди. Қишлоқ хўжалигининг устувор ривожланишига эришиш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, самарали агротехнология ва интеллектуал мулкни барпо этишга инвестицияларни етарли даражада жалб этиш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида зарурй жараён хисобланади”<sup>94</sup>.

Агар секторнинг инвестицион жозибадорлигини белгилаб берувчи асосий элементлар сифатида қуидагиларни белгилаш мумкин: тармоқнинг ривожланиш суръатлари ва истиқболлари; ишлаб чиқаришнинг ўртacha рентабеллик даражаси; тармоқка хос бўлган инвестиция таваккалчилиги хатарлари; мамлакат конунчилигига аграр секторга киритиладиган инвестицияларга берилган имтиёзлар ва кафолатлар тизими; қишлоқ худудларининг ишлаб чиқариш-ресурс салоҳияти, инфратузилмалар ҳамда муҳандислик ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиши даражаси; қишлоқ худудларининг демографик хусусиятлари, инвестицион фаолият учун ҳавфсизлик даражаси ва бошқалар.

Аммо тадқикотларимизга кўра, аграр ишлаб чиқаришга хос бўлган бир қатор хусусиятлар, омиллар ва муаммолар тармоқнинг инвесторлар учун жозибадорлигини чеклаб кўймокда:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг табиий-иқлим шарт-шароитлари (жуғрофий жойлашув, об-ҳаво ва иқлим шароитлари, экологик мувозанат ҳолати) таъсирига кучли боғлиқлиги бизнес юритишнинг таваккалчиликка (рискка) ўта мойиллигини юзага келтиради. Фермер ва дехқонлар манфаати томонидан ёндошсак, йил давомида маҳсулот этиштириш учун сарфланган харажатлар табиий оғатлар (сел, жала, дўл, сув тошкини, қурғоқчилик, кескин совук

<sup>93</sup> Чепик О.В. Финансовый механизм государственного регулирования и поддержки сельского хозяйства. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. Специальность 08.00.10 - Финансы, денежное обращение и кредит. – Ростов-на-Дону, 2012. – стр. 11.

<sup>94</sup> Д.Холмирзаев. Қишлоқ хўжалигига инвестиция жалб этиш самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: Фан, 2011. – 19 б.

тушиши, турли қасалліклар ва зааркунандалар) туфайли бекорга совурилиши мүмкін. Қулай об-жаво шароитида хосилнинг мўл бўлиши эса бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг киришига ва нархларнинг кескин пасайишига олиб келиши мүмкін. Баъзан нархларнинг пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида дехқон ва фермерлар катта заар кўради. Бу эса тармоқда нархлар ва даромадларнинг беқарорлигини юзага келтириб, ишлаб чиқариш самара дорлигининг пасайишига олиб келади ва хўжаликларнинг молиявий баркарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг нархга нисбатан ноэластиклиги ҳам тармоқда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектлари даромадларига салбий таъсир кўрсатади. Маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг нархга нисбатан эластиклик коэффициенти тахминан 0,20–0,25 га тенг, яъни маҳсулот сотиш ҳажмини 10 %га ошириш учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини 40–50 %га пасайтиришга тўғри келади<sup>95</sup>.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биологик жараёнлар билан боғлиқлиги туфайли уларни узок муддатда сақлаш ёки олис масофаларга ташиш имкониятлари чекланган. Қишлоқ хўжалигидан фарқли равища саноат, савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари ўз маҳсулотларига нарх белгилашда анча қулай мавкега эга. Чунки уларни бозор нархи қониқтирмаса, токи бозорда қулай вазият вужудга келгунга қадар товарларини сотмай саклаб туриш мүмкін. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари эса сабзавот, мева ёки сут каби тез бузилувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келишини кутиб, узок вақт саклаб турга олмайди. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истеъмол қийматини йўқотиши сабабли фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишга мажбур бўладилар.

Тўртингидан, республикамизда мавжуд экин майдонларининг аксарият қисми ер ости сизот сувларининг яқинлиги ва бошқа сабабларга кўра у ёки бу даражада шўрланган. 2017 йилнинг 1 январи

<sup>95</sup> Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. - New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2012. P. 392.

ҳолатига шўрланган ерларнинг жамига нисбатан салмоғи 45,58 %га тенг бўлди (18.2-жадвал).

Сугориладиган ерларимизнинг қарийб ярми шўрлангани экин майдонларининг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичи бўлган балл бонитетига (100 баллик шкала бўйича ўртacha 55 балл) салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра сугориладиган ер майдонларининг 18,0 % ини I-IV классли ёмон ва ўртачадан паст ерлар ерлар, 53,0 %ини V-VI классли ўртача ерлар, 29,0 %ини VII-X классли яхши ва энг яхши ерлар ташкил этади. Кўриниб турибдики, ёмон, ўртадан паст ва ўртача ерларнинг жамига нисбатан салмоғи 71,0 %ни ташкил этади. Ер майдонларининг шўрланганлик даражаси юқорилиги ва сифат кўрсатиб, ерларнинг шўрини ювиш, тупроқ унумдорлигини ошириш билан боғлиқ катта микдорда кўшимча сарф-харажатлар қилишга олиб келади.

18.2-жадвал

**Республика бўйича 2006-2016 йилларда сугориладиган ерлар шўрланиш даражасининг ўзгариши динамикаси, жамига нисбатан %да**

| Ер турлари                      | 2006<br>йил | 2008<br>йил | 2010<br>йил | 2012<br>йил | 2014<br>йил | 2016<br>йил | 2016 й.<br>2007<br>й.га<br>нис., (+,<br>-) |
|---------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|--|
| Шўрланмаган ерлар, жами         | 49,46       | 49,78       | 50,41       | 51,40       | 52,52       | 54,42       | + 4,96                                     |
| Шўрланган ерлар, жами           | 50,54       | 50,22       | 49,59       | 48,6        | 47,48       | 45,58       | - 4,96                                     |
| шу жумладан:                    |             |             |             |             |             |             |  |
| Кучиз шўрланган                 | 31,29       | 31,49       | 31,63       | 31,67       | 31,22       | 30,67       | - 0,62                                     |
| Ўртacha шўрланган               | 15,46       | 15,23       | 14,95       | 14,20       | 13,63       | 12,61       | - 2,85                                     |
| Кучли шўрланган                 | 3,79        | 3,50        | 3,01        | 2,73        | 2,63        | 2,30        | - 1,49                                     |
| <b>Жами сугориладиган ерлар</b> | <b>100</b>  | <b>100</b>  | <b>100</b>  | <b>100</b>  | <b>100</b>  | <b>100</b>  |  |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аграр секторда йирик инвестицияларсиз амалга ошириш кийин бўлган энг муҳим масалалардан бири - сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация-сугориш тизимларини барпо этиш ва иш ҳолатида сақлаб туришни молиялаштириш ҳисобланади. Бу тадбирларни амалга ошириш ўта серҳаражат бўлиб, уларни биргина фермер ва дехқон хўжаликларининг ўз маблаглари ёки тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан амалга ошириш мушкил. Шу туфайли мазкур мақсадлар учун давлат бюджетидан марказлашган инвестициялар киритишга катта эътибор қаратилмоқда (18.3-жадвал).

18.3-жадвал

**Республикада “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблаглари ҳамда марказлашган давлат инвестициялари ҳисобидан 2008-2016 йилларда мелиоратив тадбирлар ва ирригация объектлари учун ажратилган маблаглар киймати, млрд. сўмда**

| Маблагларни ишлатиш<br>йўналишлари   | 2008<br>йил | 2010<br>йил  | 2012<br>йил  | 2014<br>йил  | 2016<br>йил  | 2008-<br>2016 й.<br>жами |
|--|-------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------------------|
| <b>1. “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблаглари ҳисобидан:</b> |             |              |              |              |              |                          |
| 1. Мелиоратив объектларни куриш ва реконструкция килиш киймати                                   | 21,6        | 63,8         | 83,5         | 133,1        | 186,5        | 897,3                    |
| 2. Мелиоратив объектларни таъмир-лаш-тиклаш ишлари   | 38,6        | 59,2         | 90,5         | 118,1        | 212,7        | 921,4                    |
| 3. Мелиоратив техникаларни лизинг-га етказиб бериш   | 29,3        | 27,2         | 25,7         | 29,0         | 38,0         | 250,5                    |
| <b>Жами</b>  | <b>89,5</b> | <b>150,2</b> | <b>199,7</b> | <b>280,2</b> | <b>437,2</b> | <b>2069,2</b>            |
| <b>2. Давлат бюджетидан молиялаштирилган марказлашган инвестициялар ҳисобидан:</b>               |             |              |              |              |              |                          |
| Ирригация объектларини куриш ва реконструкция килишга  | 26,5        | 159,5        | 335,3        | 477,4        | 499,5        | 2766,9                   |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатимизда 2007-2012 ва 2013-2017 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурлари доирасида “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 2008-2016 йилларда жами 2 069,2 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг 897,3 млрд. сўми мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилишга, 921,4 млрд. сўми мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларига ва 250,5 млрд. сўми мелиоратив техникаларни лизингга етказиб беришга сарфланган. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида 2008-2016 йиллар давомида 6 616 км узунликда очиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 1 264,4 км узунликда ёпик-ётиқ дренаж тармоқлари, 1 473 дона тик дренаж қудуклар, 267 дона гидротехника инишотлари, 179 та насос станциялари ва 6504 та кузатув тармоқларида қуриш ва реконструкция ишлари олиб борилган. Шунингдек, 116 062,3 км очиқ, 7 098,8 км ёпик коллектор-дренаж тармоқлари, 254 та насос станциялари, 7 336 дона тик дренаж қудуклари ва 11 876 та кузатув тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги орқали давлат бюджетидан молиялаштирилган дастурлар доирасида 2008-2016 йилларда жами 2 766,9 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлиб, 1761, км каналлар, 292,0 км лотоклар, 270 дона гидротехник қурилмалар, 44 та насос станциялар, 1 581,3 млн. м<sup>3</sup> сел-сув омборлари, 52,4 км қирғоқларни мустаҳкамлаш бўйича ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш 1 507,0 минг гектар ерда сугориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшилаш ишлари амалга оширилган.

“Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маълумотларига кўра, амалга оширилган тадбирлар натижасида: 2044,7 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган; 190,84 минг гектар ерда ўрга ва кучли шурланган майдонларнинг камайишига эришилган; 270,97 минг гектар ерда сизот сувлар сатҳи 2 метргача бўйган майдонларнинг камайишига эришилган; 1582,9 минг гектар ерларнинг мелиоратив барқарорлиги

сакланган. Натижада мелиоратив тадбирлар амалга оширилган худудларда пахта ҳосилдорлиги 3-4 ц/га, ғаллада 4-5 ц/га ортишига эришилган.

Аммо 2-жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, давлат бюджети ва мақсадли жамғарма орқали йирик маблағлар сарфланганига қарамай, ҳамон сугориладиган ерларнинг 45 %дан ортикроғини у ёки бу даражада шўрланган ерлар ташкил этаётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сонли “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш комплекс чора-тадбирлари дастури” бу тизимли ишларнинг давоми хисобланади.

Хозирги кунда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг деярли барчаси давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридаги “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни молиялаштириш жамғармаси” маблағлари хисобидан молиялаштирилмоқда. Табиийки, республикада мавжуд сугориладиган ерларнинг 45 %дан ортиғи шўрланган шароитда бу тадбирларни молиялаштириш ҳажми етарли змас. Фермер ва дехкон хўжаликлари, хусусий инвесторлар маблағларини жалб этиш масаласи тармоқда рентабелликнинг пастлиги оқибатида хусусий капитал ҳажмининг камлиги, шунингдек, тижорат банклари ва ҳалқаро молия ташкилотларининг кредитларини жалб этиш учун гаров таъминоти этишмаслиги оқибатида ўта чекланган.

Бешинчидан, тартибга солинмайдиган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг монополлашган тармоқларида нархлар соғ ракобатли бозорга яқин бўлган аграр тармоқдагига нисбатан тезроқ ўсади. Илмий адабиётларда аграр сектор мукаммал (соғ) рақобатлашувчи бозор моделига энг мос келувчи тармоқлардан бири

сифатида қаралади<sup>96</sup>. Бу турдаги бозорларда ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) үзаро келишиб нарх белгилаш имконига эга эмас ва бозорда шаклланган нархлар даражаси билан қаноатланишга мажбур.

Аграр тармокқа моддий-техника ресурслари етказиб берувчи, турли хизматлар күрсатувчи ва аграр сектор маҳсулотларини кайта ишловчи саноат корхоналари, шунингдек, маҳсулотларни фермер ва дехқонлардан улгуржи нархларда сотиб олувчи савдо-тайёрлов корхоналари ҳудудларда камчиликни ташкил этиб, күпинча монопол мавқега әғалиги билан тавсифланади. Натижада, бир томондан, аграр ишлаб чиқарувчилар моддий-техника ресурслари ва хизматларни қиммат нархларда сотиб олишга мажбур бўлса, иккинчи томондан ўз маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва улгуржи савдо-тайёрлов ташкилотларига арzon нархларда топширишга мажбур бўладилар. Оқибатда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархлари билан тармоқда ишлатиладиган моддий-техника ресурслари ва хизматлар нархлари ўргасида “йирик диспаритет” вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2006-2016 йиллар давомида пахта хомашёсининг харид нархи 3,4 мартаға ошгани ҳолда, аграр секторда ишлатиладиган тракторлар нархи 8,8, тиркамалар нархи 5,1, омоч (плуг) 17,9, Аи-80 маркали бензин нархи 7,6, дизель ёнилғиси нархи 8,8, аммиакли селитра нархи 4,3 мартаға ошган. Натижада пахта хомашёси ва моддий ресурслар нархлари ўсиши ўргасидаги диспаритет тракторлар бўйича 2,6, омочда (плуг) 5,3, бензинда 2,2, дизель ёнилғисида 2,6, мотор мойида 2,0, аммиакли селитрада 1,3, нитрокалий-фосфат (НКФУ) 1,4 мартағи ташкил этди. Худди шундай ҳолатни бошокли дон бўйича ҳам кузатиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар аграр секторда ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради ёки умуман заарли килиб кўяди (18.4-жадвал).

<sup>96</sup> Bradley R. Schiller. The Economy today. - 5 th ed. The McGraw-Hill Companies, Inc. New York, 1991. P. 703-704.

18.4-жадвал

**Аграр секторда фойданинг шаклланиши ва рентабеллик  
(зарарлилик (-)) даражаси, %да**

| Кўрсаткичлар  | 2006<br>йил | 2008<br>йил | 2010<br>йил | 2012<br>йил | 2014<br>йил | 2016<br>йил |
|---|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| Иқтисодиётнинг жами тармоқларида шаклланган фойдада аграр секторнинг салмоғи                  | - 0,5       | 0,5         | 1,5         | 0,7         | 0,9         | 1,5         |
| Тармоқда соф фойдани (зарарни (-)) сотилган маҳсулот таниархига нисбатан рентабеллик даражаси | - 1,2       | 2,2         | 5,1         | 6,0         | 8,6         | 13,5        |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Юкорида келтирилган 4-жадвалдан маълумки, 2006-2016 йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида шаклланган фойдада тармоқнинг улуши 0,5 дан 1,5 %гача, соф фойдани сотилган маҳсулот таниархига нисбати сифатида аниқланган рентабеллик (зарарлилик) даражаси эса 1,2 дан 13,5 %гачани, яъни ўртача 5,7 %ни ташкил этди.

Рентабеллик даражасининг пастлиги оқибатида молиялаштиришнинг барча манбаларидан аграр секторга инвестициялар жалб этиш ҳажмини етарли деб бўлмайди. Аграр сектор мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бўлишига қарамай (2017 й. ЯИМнинг 19,7 %и), 2006-2017 йилларда иқтисодиётга киритилган жами инвестицияларда аграр секторнинг салмоғи 4,1 % дан 3,5 %гача кисқариб борди (18.5-жадвал).

**Аграр секторда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби**

| Кўрсаткичлар  | 2006<br>йил | 2008<br>йил | 2010<br>йил | 2012<br>йил | 2014<br>йил | 2017<br>йил | 2017 й.<br>2006 й.га<br>нис. (+,-) |
|---|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|------------------------------------|
| <i>Иқтисодиётга киритилган жами инвестицияларда аграр сектор салмоғи, %да</i> | 4,1         | 2,7         | 3,5         | 4,8         | 4,1         | 3,5         | - 0,6 п.                           |
| <b>Аграр секторга киритилган жами инвестицияларнинг манбалари, %да</b>        |             |             |             |             |             |             |                                    |
| - марказлашган давлат инвестициялари  | 27,5        | 22,7        | 32,9        | 33,5        | 37,0        | 23,2        | - 4,3 п.                           |
| - корхона ва ташкилотлар маблаглари   | 25,4        | 17,3        | 17,3        | 22,3        | 21,0        | 38,1        | + 12,7 п.                          |
| - аҳоли маблаглари  | 0,4         | 0,2         | 2,4         | 0,5         | 0,4         | 0           | - 0,4 п.                           |
| - банк кредитлари ва бошқа қарз маблаглари                                    | 23,1        | 45,6        | 27,8        | 23,8        | 22,3        | 30,1        | + 7,0 п.                           |
| - чет эл инвестициялари ва кредитлари   | 22,6        | 14,2        | 7,1         | 12,2        | 10,9        | 8,0         | - 14,6 п.                          |
| - бошқа манбалар  | 1,0         | -           | 12,5        | 7,7         | 8,4         | 0,6         | - 0,4 п.                           |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аграр секторда юкори фойда олиш имкониятларининг чекланганлиги тармокка хусусий инвестицияларни жалб этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2006-2017 йиллар давомида аграр секторга киритилган жами инвестицияларнинг 22,7 дан 37,0 %гача (2017 й. 23,2 %) кисмини давлат бюджетидан молиялаштирилган марказлашган давлат инвестициялари ташкил этган бўлса, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблаглари салмоғи 23,1 дан 30,1 %гача, корхона ва ташкилотлар маблаглари 25,4 дан 38,1 %га ошгани ҳолда чет эл инвестициялари ва кредитлари салмоғи 22,6 дан 8,0 %гача, аҳоли маблаглари салмоғи эса 0,4 дан 0,0 %гача камайиб борди. Келтирилган маълумотлардан маълумки, аграр секторга киритилаётган инвестицияларда хамон давлат бюджети маблаглари улуши йирик бўлиб, хусусий сектор маблаглари, айниқса аҳоли маблаглари ва хорижий инвестицияларни жалб этиш паст даражада колмоқда.

Олтингчидан, иқтисодиётнинг савдо, саноат, хизматлар каби тармокларида капиталнинг айланиш тезлиги аграр тармоқдагига нисбатан бир неча марта юқори. Капитал қанча тез айланса шунчалик кўп фойда келтириши туфайли, қишлоқ хўжалигига капиталнинг секин айланishi тармоққа инвестиция жалб этиш имкониятларини чеклади. Шу туфайли, тармоқ ривожига катта хисса кўшиши мумкин бўлган хусусий инвестицияларни, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари кийинлигича қолмоқда.

Етгингчидан, бугунги кунда аграр сектордаги энг асосий муаммолардан бири – бу техника воситалари сони қисқариб, моддий ва маънавий жихатдан эскириб бораётганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 2006-2016 йиллар давомида жами экин майдони 1,6 %га кенгайган бўлишига қарамай, фермер хўжаликлари ва аграр сектор корхоналарида мавжуд жами тракторлар сони 37,8 %га, пахта чигитини экиш ускуналари 36,6 %га, ғалла уругини экиш ускуналари 43,3 %га, трактор тиркамалари 33,2 %га, ер ҳайдаш омочлари (плуглар) 42,6 %га, культиваторлар 28,6 %га, ғалла ўриш комбайнлари 32,5 %га қисқариб кетган.

Шу билан бирга, 2017 йилнинг 1 январи ҳолатига республикамиз аграр секторида мавжуд тракторларнинг 58, чизелларнинг 72, бороналарнинг 80,0, молаларнинг 62, чигит экиш ускуналарининг 51, дон экиш ускуналарининг 83, культиваторларнинг 63, ғалла ўриш комбайнларининг 50 %ини хизмати муддати 10 йилдан ошган эскирган техникалар ташкил этган. 2005-2016 йилларда аграр секторда (ўрмон ва балиқчиликни кўшган ҳолда) асосий фондларнинг эскириш даражаси ўртacha 35,2 %, янгиланиш коэффиценти эса ўртacha 9,7 %га teng бўлди. Шу даврда асосий фондларнинг чиқиб кетиш коэффициенти паст даражада (ўртacha 3,4 %) қолганлиги, ҳамон унумдорлиги паст эски техникалардан фойдаланиш давом этаётганлигини кўрсатади.

Тадқиқотларга кўра, аграр ишлаб чиқаришнинг техник таъминотида яна қуйидаги муаммолар мавжудлигини таъкидлаш жоиз:

- пахта ва ғалладан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини етиштириш жараёнларининг механизациялашув даражаси юкори эмас (боғдорчилик ва сабзавотчиликда 35-40 %, озуқа экинлари 50-75 %, шоличиликда 45-80 % атрофига<sup>97</sup>);

- чорвачиликка ихтисослашган кўпчилик хўжаликларда тракторлар, автоматлаштирилган сут соғиши ускуналари, ўт ўриши ускуналари, озиқлантириш линиялари, концентрат озуқа тайёрлайдиган мини цехлар, техника воситаларини саклайдиган ёпик саройлар етишмайди;

- мавжуд машина-трактор парклари (МТПлар) асосан пахтачилик ва ғаллачилик тармокларига хизмат кўрсатишга мослашган. Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бир томондан маҳсус техника воситаларининг етишмаслиги, иккинчи томондан эса МТПлар хизматларидан етарли фойдалана олмаслигидан кийин ахволда;

- тармоқда техника воситаларидан фойдаланиш мавсумий характерга эгалиги улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради (айниқса ўрим-йигим комбайнлари, уруғ экиши ускуналари ва шу каби бошқа техника воситаларда). Чунки киммат турадиган юкори унумли техникалардан кисқа вакт давомида фойдаланилиб, улар йилнинг кўп кисмида бекор туриб қолади-ки, бу ҳолат техника воситаларидан оптималь фойдаланиш ва иқтисодий самарадорликка салбий таъсир кўрсатади.

Гарчи мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юкори унумли машиналар ва техника воситалари билан таъминлаш борасида бир катор давлат дастурлари қабул килинган ва уларни ҳётта тадбиқ этиш бўйича йирик чора-тадбирлар амалга оширилган бўлсада, қишлоқ хўжалигининг техника воситаларига бўлган талабини тўлиқ кондирилган деб бўлмайди.

Саккизинчидан, худудларда инвестиция фаолиятини самарали йўлга қўйиш, хориждан истиқболли инвесторларни кидириб топиш ва лойихаларга жалб этиш билан шугулланувчи малакали мутахассислар етишмайди.

Тўккизинчидан, қишлоқ жойларда инвестицион лойихаларни муваффакиятли амалга ошириш учун зарур бўладиган

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

инфратузилмалар, транспорт, мұхандислик ва ахборот-коммуникация тармоқлари: равон йүллар, электр ва газ узатиши тармоқлари, интернет, замонавий алоқа ва мұхандислик тизимлари, хизмат күрсатиши ва сервис бүйіч инфратузилмалар бүгунги күн талаблари даражасыда ривожланмаган.

Республикада аграр секторнинг ривожланишига турли омиллар таъсирини баҳолаш мәксадыда күп омилли чизиқли эконометрик моделни құллаймиз. Моделда амалға оширилған хисоб-китоблар асосыда аникландик, хусусий корреляция коэффициентлари, яғни натижавий омил – 2016 йыл таққослама нархларыда кишлоқ хұжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ( $Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар: кишлоқ хұжалиги экин майдони ( $X_1$ ) ўртасыда суст (0,5451), кишлоқ хұжалигидегі асосий капиталга киристилған инвестициялар ( $X_2$ ) ўртасыда зич (0,9649), кишлоқ хұжалигининг асосий фонdlари қиймати ( $X_4$ ) ўртасыда зич (0,9912) ва кишлоқ хұжалигига сув сарғы ўртасыда жуда суст (0,1559) түгри боғлиқлик, кишлоқ хұжалигидегі банд бўлган аҳоли сони ( $X_3$ ) ўртасыда ўртача (0,8567) ва экинларга минерал ўғит солиш ҳажми ( $X_5$ ) ўртасыда зич (0,9432) тескари алоқа мавжуд.

Улар асосыда кишлоқ хұжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг күп омилли эконометрик моделинин тузамиз ва у күйидаги күренишга эга:

$$y = 39662,6759 + 2,6723x_1 + 4,1361x_2 - 11,2902x_3 + 1,5466x_4 - 2,7368x_5 + 0,074x_6 \quad (1)$$

(3,222) (0,788) (2,039) (-4,093) (8,338) (-0,424) (1,214)

Мазкур моделга (1) кўра, унга киристилған омиллар таъсирида натижавий омил хисобланған кишлоқ хұжалиги ялпи маҳсулотининг ( $Y$ ) ўртача ўсиш қийматлари аникланган. Унга кўра кишлоқ хұжалиги экин майдонларининг ( $X_1$ ) бир минг гектарга ошиши кишлоқ хұжалиги ялпи маҳсулоти қийматини ( $Y$ ) 2,6723 млрд. сўмга; асосий капиталга киристилған инвестицияларнинг ( $X_2$ ) бир млрд. сўмга ошиши кишлоқ хұжалиги ялпи маҳсулоти қийматини ( $Y$ ) 4,1346 млрд. сўмга; тармоқда асосий фонdlари қийматининг ( $X_4$ ) бир млрд. сўмга ошиши кишлоқ хұжалиги ялпи маҳсулоти қийматини ( $Y$ ) 1,5466 млрд. сўмга ошишига олиб келади.

Бунда:  $R^2 = 0,9945$ , текисланган  $R^2 = 0,9911$  га тенг. Демак, натижавий омил моделга киритилган омиллар билан етарлича зич алоқада. Яъни қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг ўзгариши 99,45 % моделга киритилган омилларга, колган 0,55 %и эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсирига боғлиқ.

Моделнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ва статистик аҳамиятлилигини аниқловчи Фишернинг F-мезонини ҳисобланган қиймати  $F_{хисоб} = 299,61$ , жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 4,74$  га тенг.  $F_{хисоб} > F_{жадвал}$  бўлиб, модель шартини қаноатлантиради.

Корелляция коэффициентларининг ишончлилигини аниқловчи Стьюидентнинг  $t$ -мезонининг жадвал қиймати  $t_{жадвал} = 1,28$  га тенг. Қаралаётган моделда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳажми ( $X_1$ ), асосий капиталга киритилган инвестициялар ( $X_2$ ) ва асосий фондлари қиймати ( $X_4$ ) омиллари юқоридаги мезонни қаноатлантиради.


Натижавий омилнинг қолдикларидаги автокорреляцияни текширувчи Дарбин-Уотсон мезони қиймати  $DW_{мезони} = 2,72$  га тенг (меъёр бўйича 2 атрофида). Бу эса натижавий омил қолдикларida автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичлар моделда олинган барча натижалар адекват эканлиги ва ишончлилигини тасдиқлайди.

Моделимизнинг аҳамияти шундаки, у бизга қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўсишига таъсир этувчи омилларнинг энг таъсиричанларини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу моделга кўра қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўсишига таъсири бошқа омилларга нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг барқарор ўсишини таъминлаш учун асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажми ва асосий фондлар билан қуролланиш даражасини кескин ошириш мақсаддага мувофиқ.

Келтирилган модель (1) асосида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар сарфининг 2000-2016 йиллардаги қийматлари асосида вақт бўйича тренд моделлардан

фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг 2017-2021 йиллар бўйича ўсиш прогнозини ишлаб чиқдик (18.1-расм).

Прогнозга кўра, агар 2000-2016 йилларда моделга киритилган омиллар ўзгаришининг тренди сақланиб қолса, 2021 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 53 864,0 млрд. сўмгача етиши мумкин.



**18.1-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг динамикаси ва прогнози (2016 й. нархларида, млрд. сўм)**

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқорида келтирилганлар асосида аграр секторга инвестициялар жалб этишни фаоллаштириш орқали тармоқни барқарор ривожлантириш учун қуидаги тадбирларга эътибор қаратиш мақсадга мувоғик деб хисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексининг 282-моддасининг

24-бандида мелиорация ишлари амалга оширилаётган сугориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга солиқдан озод этилиши белгилаб қўйилган. Албатта, бу имтиёз қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига изярага биринчирилган сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга бўлган рағбатини оширади.

Бизнингча, сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларига давлат бюджети маблағларига кўшимча

равиша тижорат банкларининг узоқ муддатли (5-10 йиллик) инвестицион кредитларини жалб этиш, асосий кредитни қайтариш муддатига камида 2 йиллик имтиёзли давр кўллаш ва кредит фоиз тўловларини тижорат банкларига давлат бюджетидан қоплаб бериш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофик.

Россия Федерациясининг (РФ) “2014-2020 йилларда Россия қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мелиорациясини ривожлантириш” федераль мақсадли дастурига кўра, мелиорация обьектларини куриш ва кайта таъмиглашга олинган кредитлар фоиз тўловларининг РФ Марказий банки кайта молиялаш ставкасининг 2/3 га тенг қисми давлат бюджетидан қоплаб берилади<sup>98</sup> (РФ Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси 17.12.2018 йилдан 7,75 %).

Бу тажрибанинг амалга киритилиши сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини жадаллаштиради ва ерларнинг унумдорлиги ошиши ҳисобига экинлар хосилдорлигини ошишига олиб келади. Шу билан бирга, агар кредитнинг фоиз тўловлари давлат бюджетидан қоплаб берилса, хўжаликлар ягона ер солигини тўлашдан 5 йилга озод бўлиш учун ҳам бу тадбирдан манфаатдор бўлади.

2. Сув захираларининг тақчиллиги шароитида сувни тежовчи сугориш усусларини кўллаш улардан окилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бўлиб қолмоқда. Шу туфайли сугоришнинг замонавий ва сувни тежовчи технологияларини жорий этишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини амалга оширилиши республикамизда мавжуд сув танқислиги шароитида мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4087-сонли карори ва унинг ижросини таъминлаш учун қабул

<sup>98</sup> [www.mexr.ru](http://www.mexr.ru). «Правила предоставления и распределения субсидий из федерального бюджета бюджетам субъектов Российской Федерации на возмещение части затрат на уплату процентов по кредитам, полученным в российских кредитных организациях, и займам, полученным в сельскохозяйственных кредитных потребительских кооперативах» (Утвержден постановлением Правительства РФ от 28 декабря 2012 г. № 1460).

қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 6 февралдаги “Пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш билан боғлик харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 103-сонли қарорига мувофик:

- томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш билан боғлик харажатларнинг умумий суммасидан қатъи назар, пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш тизими жорий этилган майдоннинг ҳар бир гектари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бир марталик 8 млн. сўм субсидия ажратилади. Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш билан боғлик харажатларини қоплашга, шу жумладан ушбу мақсадга жалб этилган кредит бўйича қарздорликларини қоплашга йўналтирилади.

- томчилатиб сугориш технологиясини жорий килган пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун бир гектарга 20 млн. сўмдан ошмайдиган кисмига ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-куватлаш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан, пахта хом ашёси етиштирувчининг кредит мажбуриятлари бўйича фоиз харажатларининг 10 фоизли пункт миқдорида амалга ошииласди.

Фикримизча, сув тежовчи технологияларнинг мухим аҳамиятини хисобга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

- томчилатиб сугоришни жорий этишга субсидия ва бу билан боғлик кредит фоизларининг 10 пунктга тенг қисмини қоплаб бериш амалиётини фақат пахта хомашёси етиштишига эмас, балки интенсив боғлари, сабзавот ва бошқа экинларга ҳам жорий этиш;

- тижорат банкларининг томчилатиб сугоришни кредитлашдаги иштирокини рағбатлантириш мақсадида уларга кредит бўйича фоиз

ставкаларининг 10 пунктини эмас, балки камида 50 %гача қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш;

- зарур даражага эришилгунга қадар томчилатиб сүғоришини жорий этишга йўналтирилган мақсадли давлат дастурларини ҳар 5 йилда қабул қилиш ва амалга ошириб бориш ҳамда бу мақсадлар учун давлат бюджетидан марказлашган давлат инвестицияларини мунтазам ажратиб бориш ва кенгайтириш мақсадга мувофик.

Келтирилган тавсияларни амалга ошириш аграр тармоқда кучайиб бораётган сув тақчиллиги муаммосини бартараф этиш, ишлаб чиқаришга моддий-мехнат сарфларини сезиларли даражада тежаш эвазига рентабелликни ошириш, экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш ва сүғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашга олиб келади.

3. Илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси шундан дарак берадики, иктисадий тараккиётнинг хозирги босқичида аграр ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар билан куролланишга боғлиқ бўлиб бормоқда. Демак, тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш учун унинг техника паркини юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Энг аввало республиканинг ички имкониятларига ва хорижий инвестицияларга кенг таянган холда, кичик ва ўрта қувватли универсал ҳамда маҳсус тракторлар ва машиналарни серияли ишлаб чиқариш долзарб масалага айланмоқа. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги машинасозлигига марказлашган давлат инвестицияларини, тижорат банклари кредитларини ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш талаб этилади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги техникалари нархларининг қимматлашиб бораёттанлигидан кўпчилик фермер ва дехкон хўжаликлари уларни сотиб олиш имкониятига эга эмас. Уларга мўлжалланган техника воситаларининг нархларини арzonлаштириш имкониятларини кидириб топиш ва бунда биринчи навбатда давлатнинг кўмагига таяниш мухимдир. Қиммат турадиган юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари ва машиналарини ишлаб чиқарувчи заводларнинг дилерлик тармоқлари орқали кредитга сотиши

(товар кредити) амалиётини кенг жорий этиш, бунда кредитни қайтариши техниканинг нархидан келиб чиқиб ўрта (3-5 йил) ва узок (6-10 йил) муддат муддатларга белгилаш яхши самара беради.

Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини техника воситалари билан таъминлашни молиялаштиришда тижорат банкларининг узок муддатли ва паст фоиз ставкаларидағи инвестицион кредитларининг аҳамияти катта. Кишлоқ хўжалиги техника воситаларини сотиб олиш учун ажрататган кредитларда имтиёзли фоиз ставкаларидағи узок муддатли (камиде 6-10 йил) инвестицион кредитлар улушини кескин ошириш тармокнинг техник куролланиш даражасини оширишга хизмат килади. Шу билан бирга жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, кредит учун фоиз тўловларининг камиде 50 %ини тижорат банкларига давлат бюджетидан қоплаб бериш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофик.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бино-иншоотлар, томчилатиб сүфориш тизимлари, иссиқхоналар, гўшт-сут етишириш мажмуалари куришга инвестициялар кийматининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш тармокни модернизациялаш ва унумдорлигини оширишга муҳим ҳисса қўшиши мумкин. Мальумот ўрнида ЕИда ишлаб чиқаришга капитал кўйилмалар кийматининг 50-75, наслли чорва моллари харид қилиш кийматининг 30 %гача қисми, РФда гўшт-сут фермалари ва иссиқхоналар куриш харажатларининг 20 %и бюджетдан қоплаб берилади.

4. Аграр секторга хос бўлган таваккалчилик хатарларининг юқорилиги ва фермерларнинг молиявий жиҳатдан бакувват эмаслиги тижорат банкларини уларни кредитлашда эҳтиёткорлик билан ёндошишга мажбур этади. Энг асосий муаммолардан бири аксарият дехқон ва фермер хўжаликларида кредит олишда талаб этиладиган кредит кийматининг 120 %ига тенг микдордаги гаров таъминоти учун мол-мулк ёки бошқа турдаги воситаларнинг етишмаслигидир. Фикримизча, қишлоқ хўжалигининг табиий-иклим шароитлари ва рискка ўта мойиллиги ҳамда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги учун юксак аҳамиятини эътиборга олиб, тармокни молиялаштириш ва кредитлаш тизимида давлат иштироқини ҳар томонлама кучайтириш мақсадга мувофик.

Хорижий мамлакатларда бу борада катта тажрибалар түпланган. Жумладан, Европада “Кишлоқ хұжалиги кафолат жамғармаси (European Agricultural Guarantee Fund (EAGF))” ва “Кишлоқ худудларини ривожлантириш жамғармаси (The European Agricultural Fund for Rural Development (EAFRD))” фаолият күратади<sup>99</sup>. Улар кишлоқ хұжалигини ривожлантиришга давлат субсидиялари ажратиш билан биргә, кредитлар учун кафолат бериш вазифасини ўтайды.

РФда кишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг тижорат банкларидан олган кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг бир кисмини давлат бюджетидан субсидиялаш 9 йўналишда амалга оширилади. Жумладан, кисқа муддатли (1йилгача) ва узок муддатли (2-15 йилгача) кредитлар учун фоиз тўловларининг ўсимликчиликда РФ Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 2/3 кисми, сутчиликка 80 %и, гўшт ишлаб чиқаришга 100 %игача давлат томонидан коплаб берилади<sup>100</sup>.

Аграр секторни кредитлаш тизимини яна куйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофик:

- интенсив боғлар, замонавий иссиқхоналар, сут-гўшт йўналишида йирик чорвачилик фермалари ва бўрдокичилик комплекслари, кишлоқ хұжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва логистика марказлари куриш, техника воситалари, асбоб-ускуналар харид килиш ва инновацион технологияларни ўзлаштиришга йўналтирилган, муддати 5-10 йил ва ундан ортиқ бўлган (асосий воситаларнинг амортизация муддатига мос) инвестицион лойихалар бўйича тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз тўловларининг камидаги 50 %ини давлат бюджетидан коплаб берип амалиётини ривожлантириш;

- кредит таваккалчилигини сугўрталовчи институционал тузилмаларни ривожлантириш ва бунда давлат иштирокини кенгайтириш;

<sup>99</sup> EC DG Agriculture and Rural development. [www.ec.europa.eu/agriculture](http://www.ec.europa.eu/agriculture).

<sup>100</sup> [www.mcx.ru](http://www.mcx.ru). “Правила предоставления и распределения субсидий из федерального бюджета бюджетам субъектов Российской Федерации на возмещение части затрат на уплату процентов по кредитам, полученным в Российских кредитных организациях, и займам, полученным в сельскохозяйственных кредитных потребительских кооперативах” (Утвержден Постановлением Правительства РФ от 28 декабря 2012 г. № 1460)

- бошланғич сармоя ва микрокредитлар қийматини ошириш ва қайтариш муддатини узайтириш;
- бўлғуси хосилни ва ерларни узоқ муддатли ижарага олиш хукуқини кредит кафолати учун қабул қилишга имкон берувчи хукуқий-меъёрий асосларини яратиш ва ернинг қийматини Давлат ер тузиш, картография, геодезия ва кадастир идораси белгилаган қийматда гаровга қўйиш механизмини ривожлантириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тавсияларимиз аграр секторга инвестициялар жалб этишини фаоллаштириш орқали тармоқни баркарор ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

## **19-§. АГРАР СОҲАГА ЗАМОНАВИЙ РЕСУРСТЕЖАМКОР ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛарни ЖориЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Кишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг таянчи ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатларида аҳоли сонининг сезиларли даражада кўпайиб бораётганлиги ва иқтисодиёт тармоқларининг жадал суръатларда ривожланаётганлиги сувга бўлган талабнинг кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида дунёнинг кўплаб минтақаларида сув танқислиги кузатилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, «2030 йилга бориб жаҳон аҳолисининг 47 фоизи сув танқислиги шароитида яшашга мажбур бўлади»<sup>101</sup>. Хозирги кунда жаҳон бўйича истеъмол килинадиган сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги хиссасига тўғри келади. Аксарият ривожланган хорижий давлатларда сув таъминотини ташкил этиш, молиялаштириш ва бошқариш ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сув хўжалигини бошқариш тизими тубдан ислоҳ килинди, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ишлари амалга оширилди ҳамда суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг натижасида сувдан лимит бўйича фойдаланишга ўтилганидан кейин сўнгти 15 йил давомида бир гектар ҳисобига сувни йўқотиш ҳажми 10-12 фоизга камайди<sup>102</sup>, сув хўжаликлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Ушбу тадбирлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўсиши ва мазкур тармоқнинг баркарор ривожланишга асос яратди. Шу билан бирга, бутунги кунда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, сувни етказиб бериш, сувдан фойдаланиш ишларини самарали бошқариш, сувга ҳақ тўлаш тартиб-коидалари ҳамда шартнома мажбуриятларини

<sup>101</sup> [www.un.org](http://www.un.org)-Бирданин Миллатлар Таъқилотининг расмий сайти,

<sup>102</sup> [www.agro.uz](http://www.agro.uz)- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти.

бозор муносабатларига мослаштириш ва аграр соҳага замонавий ресурстежамкор инновацион технологияларни жорий этиш долзарб масалалардан хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да «сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий инновацион агротехнологияларни жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни самарали ечим топиши қишлоқ хўжалигига сув рерусларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул килинган дастлабки йилданоқ мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасига янги замонавий инновацион технологиялар, ресурстежамкор ва самарали агротехника усулларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси, уруғчилигини ривожлантириш, уларни худудларнинг тупроқ ва иклим шароитини хисобга олиб нав бўйича жойлаштириш, ўсимликларни химоя килиш, зааркунандалар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш максадида фитосанитария назоратини амалга ошириш, ердан унумли фойдаланиш, интенсив технологияларни қўллаш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник жиҳатдан янгилаш, механизациялаштириш ва кимёлаштириш бўйича сиёsatни юритиш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилика наслчилик ишларини, сервис хизматларини ривожлантириш, пиллачиликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини ва грантларни жалб этиш асосида соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар

ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Эришилган бундай ютуқлар эса, бевосита узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан аграр соҳада замонавий ресурстежамкор инновацион технологияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Кейинги икки йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш, соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш максадида янгича тизим жорий қилиниб, кўплаб долзарб масалалар ҳал қилиб берилди.

Жумладан, 2008 - 2017 йиллар мобайнида Давлат бюджетидан 2 172,8 км ирригация тизимлари, 368,8 км лотокли сугориш тармоқлари, 347 дона гидротехник иншоотлар, шунингдек, 83,7 куб м/сек умумий сув узатиш ҳажмига эга бўлган насос станциялари, умумий ҳажми 1 581,3 млн куб/м бўлган сув омборлари ва бошқа объектларни куриш ва реконструкция килиш учун 3,2 трлн сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, бунинг натижасида 1,7 млн гектардан ортиқ сугориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашга эришилди.

Бундан ташқари, ушбу давр ичида мелиорация объектларини куриш, реконструкция килиш ва таъмирлаш ишларига 2,5 трлн сўм ажратилиб, 2,5 млн гектар сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига, ер ости сувларининг баркарорлиги таъминланишига ва меъёрда ушлаб турилишига эришилди.

Етарли миқдорда маблағ ажратилишига карамасдан соҳадаги ишларнинг ҳақиқий ҳолати таҳлили қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахта ҳом ашёсини етиштиришда илмий асосланган агротехника тадбирларини амалга ошириш ва сугоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этишда жиддий қолоқликларга йўл кўйилаётганлигидан далолат бермоқдаки, буларга биринчидан,

томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш, мазкур технологияларни кўллаётган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек, томчилатиб сугориш тизимлари ва ушбу тизимларни бутловчи қисмлар билан тъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кўллаб-кувватлашнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги, иккинчидан, юқори хосилдорликка, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишига эришишни тъминлайдиган, республиканинг тупрок-иклим ва бошка шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб сугориш технологиясини жорий килишнинг илмий асосланган агротехника коидалари мавжуд эмас.

Шу нуктани назардан қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, томчилатиб сугориш технологиясини кенг жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрь, “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон қарорида мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўрилди.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 млн сўм субсидия тақдим этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-кувватлаш давлат жамгармаси маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш тизимларини куриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдорида қопланиши белгиланган.

Кишлоқ хўжалигига сувни тежовчи технологияни қўллаш ҳисобига 50-60 фоиз сувни иктиносид қилиш мумкин. Биргина кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш сувни 10-15 фоизга, томчилатиб сугориш эса 35-65 фоизга тежаш имконини беради. Лекин, томчилатиб сугориш тизими жуда кам майдонларда жорий этилган, холос.

Шундан келиб чиқиб, 2019-2021 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермерлар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш кўламини кенгайтириш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъкидланди.

Сув захираларининг тақчиллиги шароитида сугориш усуулларининг эскилиги ҳамда кўп сув талаб қилиши озиқ-овқат ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида туsic ҳисобланади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 09 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа кишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини макбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 14-сонли қарорида кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тупрок унумдорлигини ошириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда замонавий ресурс тежамкор инновацион технолого-гияларни кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратилмаяпти, жумладан, томчилатиб сугориш тизими бор-йўги 43,1 минг гектар ёки жами сугориладиган майдоннинг атиги 1 фоизида жорий қилинганлиги – айтилиб, бу ўз навбатида кишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда тизимли муаммолар мавжудлиги соҳани баркарор ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, республика буйича ғўзани томчилатиб сугоришда сув сарфи 30-40, меҳнат сарфи 50-60, минерал ўғитлар сарфи 50 %гача, ёнилғи мойлаш материаллари сарфи эса 2,7 мартаға кискаради. Сувдан фойдаланиш коэффициенти 20 %га ошади.

### Томчилатиб сугоришининг афзаликлари

| Экин тури               | Сув сарфи тежами, %да | Мехнат сарфи тежами, %да | Минерал ўғит тежами, %да   | Хосилдорликнинг ошиши  |
|-------------------------|-----------------------|--------------------------|----------------------------|--|
| Пахта                   | 30-40                 | 50-60                    | Экин турига караб 50% гача | 90-150 % (50-55 ц/га)  |
| Боғлар ва токзорлар     | 40-60                 | 25-30                    |                            | 20-25% (олма-60 тон/га, узум-5.0 тон/га)   |
| Сабзавот-полиз экинлари | 5-55                  | 50-60                    |                            | 55-65 % (помидор: очик ерда-130-140 тон/га, иссиқхонада-500 тон/га, картошка- 45 тон/га) |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотлари асосида.

Булардан ташқари: тупроқ эрозияси тухтайди, ер ости сизот суви сатҳи пасаяди ва ерларнинг шурланиши камаяди; тупроқ котмайди, қатор ораларини культивация килиш ва эгат олиш ишлари камаяди; ўғит сув билан берилиши туфайли уни экинлар томонидан ўзлаштирилиш даражаси ортади ва ўғит сепиш билан боғлиқ техника харажатлари тежалади; электр қуввати, ёнилғи-мойлаш (ЁММ) ва бошқа материалларнинг кўп микдорда тежалишига эришилади; тупроқдан сув кам буғланади, сувнинг бехуда оқиб кетмаслигига эришилади; экинларнинг илдиз қатлами намлик билан доимий таъминланиб, сув ва озиқ моддаларни олишига имконият яратилади. Бу ҳолда ўсимлик ўз энергиясини тулалигича ҳосилини кўпайтиришга йуналтиради.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, томчилатиб сугориш технологиясининг боскичма-босқич жорий этиб борилиши ва глобал сув танқислиги шароитида экинларни сугориш муаммосини самарали ҳал килинишига қўйидаги тавсиялар имкон яратиши мумкин:

- томчилатиб сугориш технологиясини жорий этишни рағбатлантириш ва қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларини қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларини ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этиш;

- томчилатиб сугориш технологиясини жадал ва тўлиқ жорий этишда барча қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқарувчиларига хукукий ва ташкилий-техник ёрдам кўрсатиш;
- томчилатиб сугориш технологияларини жорий этадиган махсулот ишлаб чиқарувчиларига сервис ташкилотлари ҳамда томчилатиб сугориш тизимини ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли сервис хизмат кўрсатилишини ташкил этишни таъминлаш;
- томчилатиб сугориш тизимларини куриш бўйича намунавий лойихаларни тақдим этиш орқали сугоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш услубларини ўзлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш учун кредит олишда амалий кўмаклашиш;
- сувни тежайдиган сугориш технологияларининг жорий қилинишини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини, жумладан сугориш суви, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техник ресурсларни ишлатиш ҳажмларини қисқартириш кўрсаткичларининг тизимли мониторинг килинишини ташкил этиш лозим.

Глобал сув тақчиллиги кучайиб бораётган шароитда томчилатиб сугоришнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун катта ахамият касб этишини ҳамда бу тизимнинг юқорида келтириб утилган афзалликларини эътиборга олган ҳолда ҳар 5 йилда мақсадли давлат дастурларини қабул килиш ва тизимли амалга ошириб бориш мақсадга мувофик. Шунингдек, бу мақсадларга давлат бюджетидан марказлашган инвестицияларни ажратишни кенгайтириш лозим.

Хулоса килиб айтганда, келтирилган тавсияларни амалга ошириш аграр тармоқда кучайиб бораётган сув тақчиллиги муаммосини бартараф этиш, ишлаб чиқаришга моддий-мехнат сарфларини сезиларли даражада тежаш эвазига рентабелликни юксалтириш, экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш ва сугориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашга олиб келади.

## **20-§. АГРОСАНОАТ МАЖМУИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХИМОЯЛАШДА СУҒЎРТАНИНГ РОЛИ ВА УНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ**

---

Республикамизда барқарор иқтисодий тараққиётнинг янги даврий ислоҳотларидан бири сифатида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегияси доирасида ривожланиш жараёни жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндошувлардан воз кечиб, дехконлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум” деб таъкидлаб ўтган<sup>103</sup>.

Мамлакатнинг макроиктисодий ўсишли таъминлашда яратилаётган барча ишлаб чиқариш тармоқлари билан биргаликда қишлоқ хўжалигининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш тармоқларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳамда мамлакатимиз аҳолисини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига кириб бориши ва қишлоқ хўжалигига яратилаётган маҳсулотларимиз алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги – иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, меҳнатга ярокли аҳолининг деярли 25 фоизини иш билан таъминлайди ва аҳоли учун озиқ-овқатлар ва саноат учун хомашё каби ижтимоий аҳамиятта молик мухим товарларни ишлаб чиқаради. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат килувчи агросаноат мажмуаси корхоналари фаолиятини

<sup>103</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи нутки // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги № 9. 2017.

сугўрталаш тизимини тубдан такомиллаштириш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси хавфли деҳқончилик зонасида жойлашган, баъзи ҳолларда сув танкислити ва бошқа стихияли ҳодисаларнинг рўй бериш оқибатида катта талофатларнинг содир бўлиши аграр соҳа вакиллари фаолиятига жиддий таъсир этмай кўймайди. Бу эса мамлакат аграр секторини табиий оғатлар таъсиринга узвий боғлиқ бўлиб, унинг барқарор ривожланишига тўқсинглик килиши мумкин. Шу нуқтаи назардан агросуғўрта тизими мазкур ҳолатда турли муаммоларнинг самарали ечими сифатида майдонга чиқади.

Дарҳакиқат, агросуғўрта табиий хавф-хатарларни бошқаришнинг энг самарали воситаларидан бири хисобланиб, жумладан, ҳалқаро тажрибасига таянадиган бўлсақ, қишлоқ хўжалиги сектори фаолиятининг самарадорлиги ва баркарорлигини таъминлашда агросуғўрта муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда республикамизда агросуғўртанинг самарали тизими қишлоқ хўжалиги корхоналарининг табиий ҳодисалар бўлиш оқибатида иктиносидий даромадларининг кескин ўзгаришининг олдини олиш, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, аграр секторнинг инновацион ва инвестицион имкониятларини янада ошириш имконини берувчи самарали восита хисобланади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси улкан экспорт салоҳиятига эга бўлиб, бу серкүёш заминда етиширилаётган мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари дунё бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин. Ҳалқаро давлатларнинг мамлакатимизда етиширилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабанинг ортаётганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон иктиносидётининг йирик тармоқларидан бири сифатида агросаноат мажмуасининг жаҳон бозорларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини хисобга олган ҳолда ҳамда агросаноат мажмуаси корхоналари ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятни суғўрталаш ва суғўртавий ҳимояни кенгайтириш айнан,

хукуматимизнинг дикқат марказида бўлиб келаётган стратегик масалалардан бири ҳисобланади.

Шу боис, кишлек хўжалиги тармоғини сугўрталашда сугўрта муассасаларининг иштирокини ошириш, агросугўрта тизими ривожида ислоҳотлар олиб бориш соҳа олдида турган ва ўз ечимини кутаётган масалалардан ҳисобланади.

Бунинг таъсирида кўплаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш обеъктлари фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлди. Бу ҳолатда эса сугўрта компанияларининг моддий ёрдами туфайли ишлаб чиқариш тармоқлари, кишлек хўжалиги корхоналари ўзининг иқтисодий салоҳиятини қайтадан тиклашига ижобий жихатдан ёрдам бермоқда.

Агросугўрта муносабатларининг ривожланиши табиий иклим шароитлари билан кескин боғлиқ бўлиб, турли табиий оғатлар, баҳтсиз ҳодисалар ва об-ҳавонинг нокулай келиши оқибатида кишлек хўжалиги экинлари ва бошқа мол-мулкларга етказилган заарларни қоплаш кафолатини беради. Компаниянинг асосий мижозлари бўлиб фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. “Ўзагросуғўрта” давлат компанияси томонидан мижозларни турли хил табиий оғат ва баҳтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ҳолатлардан сугўрта килишда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миқёсида бугунги кунда “Ўзагросуғурта” АЖ нинг 14 та филиал, 200 га яқин бўлинмалар ва аҳоли гавжум бўлган жойлардаги 521 та сугўрта шаҳобчасига эга.

“Ўзагросуғурта” АЖ томонидан 2017 йил фаолияти давомида жами 3,3 миллион тадан зиёд сугўрта шартномаларини тузилиб, 134,1 миллиард сўм микдорида сугўрта мукофотлари ҳисобига 44,4 триллион сўм микдорида сугўрта жавобгарлиги олинди. Олинган мажбуриятлар доирасида мижозларга 93,3 миллиард сўм микдорида сугўрта товонлари тўлаб берилди<sup>104</sup>.

“Ўзагросуғурта” АЖ сугўрта портфелининг мажбурий сугўрта тури бўйича (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мабжурий сугўрта килиш, Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугўрта килиш, Ташувчининг

<sup>104</sup> “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқаруви Молия дспартаменти маълумотлари асосида.

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сүгўрта килиш) 40 фоиз, Қишлоқ хўжалиги қалтисликларини сүгўртаси ҳамда аҳолининг сүгўртаси бўйича 42 фоизни, бошқа хуқуқий шахсларни комплекс сүгўрталаш тури бўйича жами портфелнинг 18 фоизини ташкил этди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мажбурий сүгўрта шартномалари ҳажми ҳисобидан сүгўрта мукофотлар салмоғи ортиб борган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириувчи аграр соҳа вакиллари ҳисобланган фермер хўжаликлари фаолиятини сүгўрталаш хукуматнинг доимий дикқат марказида бўлиб келаётгани ва бу соҳада курай имкониятлар яратилганига қарамай қўйидаги муаммолар қишлоқ хўжалигини сүгўрталашнинг кенгайишини чегаралаб келмоқда:

- қишлоқ хўжалигига юз берадиган турли табиий ҳодиса ва жараёнлар хусусиятларини ўрганиш, қишлоқ хўжалигини сүгўрталаш тамойиллари ва қоидалари етарли даражада ривожланмаган;
- қишлоқ хўжалигини сүгўрталаш бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими шаклланмаганлиги ва кадрлар етицмаслик масаласи;
- агросаноат мажмуаси корхоналари фаолиятини сүгўрталашнинг мақсади ва ривожланиши ҳудудларнинг табиий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда яхши йўлга қўйилмаган;
- кўпчилик фермерлар ва деҳқонлар ҳанузгача қишлоқ хўжалигини сүгўрталаш тўғрисида ва уни амалга ошириш тартиблари, амал қилувчи меъёрий-хуқуқий қонунлар ва қоидалар тўғрисида керакли иқтисодий ва ҳуқуқий билим ва қўнималарга ҳамда ишончли ахборотлар манбааларига эга эмас.

Шунингдек, бугунги кунда барча соҳалар каби агросүгўрта тизими фаолиятида ҳам йиғилган сүгўрта мукофотларининг маълум бир қисмини илмий-тадикокотларга йўналтириш орқали соҳадаги инновацион фаолликни янада ривожлантиришга ҳамда агросүгурта хизматларини ривожланиши орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маълум даражада иқтисодий манфаатларининг юкори бўлишига имконият яратилади.

**"Ўзагросуғурта" АЖ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**  
**2017 йил якунлари динамикаси таҳлили**

| Кўрсат-кичлар        | Ўлчов бийлиги | Жами      | Суғурта турлари |            |        |                           |                 |                            |  |
|----------------------|---------------|-----------|-----------------|------------|--------|---------------------------|-----------------|----------------------------|--|
|                      |               |           | Транспорт       | Иш берувчи | Ташучи | Кишлоқ хўжалиги суғуртаси | Ахоли суғуртаси | Юридик шахсарни суғурталаш |  |
| Суғурта мукофотлари  | млн. сўм      | 134 081,5 | 37800,2         | 14047,3    | 2422,3 | 37314                     | 18930,7         | 23567                      |  |
| Суғурта товоңлари    | млн. сўм      | 93337,3   | 6053,0          | 8305,5     | 112,4  | 73864,4                   | 3967,7          | 1034,3                     |  |
| Суғурта жавобгарлиги | млрд. сўм     | 44458,8   | 9350,7          | 11912,3    | 5075,9 | 1932,3                    | 5627,7          | 10559,9                    |  |
| Шартномалар сони     | минг          | 3337,5    | 737,1           | 22,2       | 2,8    | 53,7                      | 2497,3          | 24,4                       |  |

**Манба:** "Ўзагросуғурта" АЖ Бошқаруви Молия департаменти маълумотлари асосида муаллиф хисоб-китоби.

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятидаги рискларни суғурталаш тизимини такомиллаштиришда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятидаги рискларини хисобга олиш ва улар учун алоҳида янги суғурта таърифларини ишлаб чикиш;

– кишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий химоя килишда иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртана килиш соҳасини кенг жорий этиш;

– кишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган турли соҳаларда риск юкори корхоналарда барча ходимларни ижтимоий химоя килишда иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш механизмини самарали жорий килиш масаласида иш берувчиларга унинг фойдалалиги жиҳатларини ёритиб бериш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган корхоналарнинг барча мол-мулкларини суғўрталашда доимий суғўрталанувчилар учун бонусли таърифларни жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган корхоналарнинг барча мол-мулкларини суғўрталашда инвестицион маблағларни йўналтириган ҳолда субсидиялашни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳосилини суғўрталаш бўйича янги методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида мавжуд техник воситалар ва барча турдаги буюмларни суғўрталаш механизмини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган корхоналарга ва ишчи-ходимларига кўрилган зарарни ўз вақтида ва доимий қоплашда компания ташаббус кўрсатиши ва шу орқали компаниялар ишончли ҳамкорга айланиши лозим.

## **Хулоса**

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, асосан миллий иктисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир давлат ўз худудида инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор мухитини шакллантиришга алоҳида эътибор қартиши муқаррар.

Яқин келажакда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иктисодий жиҳатдан юқори ривожланиши даражасига етказиб олишни максад қилган Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини тадқик этиш, инвестиция маблағларининг ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асосида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш мухим аҳамият касб этади.

Юқоридаги бўлимлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2008 йилда 9555,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2017 йилга келиб 68423,9 млрд. сўмни, 2018 йил учта чорагида 71068,1 млрд. сўмни ташкил этган. Жумладан, мос равища жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар ва кредитлар 2008 йилда 2863,9 млрд. сўмни, 2017 йилда 17146,5 млрд. сўмни ва 2018 йил учта чорагида 17770,6 млрд. сўмни ташкил этганлиги алоҳида таъкидлаш зарур.

2019 ва кейинги йилларда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги тармоқ инвестиция лойиҳалари рўйхатидан бир қатор катта лойиҳалар ўрин олган. Жумладан, 2019 йилда умумий қиймати 24 880,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида инвестицион лойиҳалар режалаштирилган бўлиб, 2019 йилнинг ўзидаёқ 2417,3 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши башорат килинмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил киладиган бўлсак, 2019 ва кейинги йилларда 2 882,6 млн. АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблағлари хисобидан, 51,6 млн. АҚШ доллари тижорат банклари кредитлари хисобидан ва

21 946,3 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хисобидан молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Ушбу кўрсаткичларга эришишда Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун қуийдаги шарт-шароитлар яратилган:

- сиёсий барқарорлик;
- хусусий мулк ва рақобатни химоялайдиган қонунчилик базасининг шаклланган;
- инвестиция жараёнини кўллаб-кувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилган;
- мамлакатнинг қулий географик жойлашуви;
- агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;
- юқори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада кенглиги.

Шунингдек, Инвестициялар ёрдамида қуийдаги вазифаларни ҳал этиш мумкин.

Биринчидан, ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар куриш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Иккинчидан, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади.

Учинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади. Натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади.

Тўргинчидан, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари хисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади.

Бешинчидан, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви амалга ошади.

Демак, инвестициялар, хоҳ у макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар миқёсида) даражада бўлсин, иқтисодий ўсишни таъминловчи мухим омил экан, миллий ишлаб

чикарувчи субъектлар уларни жалб этиш учун нима қилишлари лозим, деган савол туғилади.

Шу билан бирга, мамлакатимизни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга гов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўс-кинлик қилаётган бир катор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмокда.

Инвестиция лойиҳаларни бошқариш тизимидағи қуйидаги камчиликлар мавжуд:

давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслиги;

loyiҳalарни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор кузатиши имконини берувчи илгор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлиги;

давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиқлик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек турли хил суиистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги;

амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асослантирилганлиги ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек уларнинг қийматини ошириб кўрсатиш ва бошқа суиистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги.

Юкорида келтирилган ҳолатлар давлат бошқаруви тизими, иктисолидиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминловчи, лойиҳа бошқаруви принципларига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва назорат қилишининг замонавий шакл ва услубларини жорий этишини талаб қиласди. Ушбу камчиликларни тезкор бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Ушбу фармонга асосан давлат дастурлари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффоғлигини янада ошириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими яратилиши назарда тутилган.

Шунингдек, худудлар инвестицион салоҳиятини тизимли бошқаришини лойиҳалаштирища ривожланиш жараёни моделининг таркибини аниклаб олиш лозим. Бу жараённи прогноз қилиш иложсиз бўлғанлиги учун ҳам моделни турли вазиятларга тез мослаша оладиган таркиб ва параметрлар билан лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, моделда иштирок этадиган таркиб ва параметрлар жараённинг ўзгаришига қараб тез мослашувчан, зарур пайтларда уларнинг ўзи ҳам ўзгара оладиган бўлиши лозим. Бунинг учун худудлар ривожланишининг ҳар бир даврида танланган моделнинг параметрлари ўзгарувчиларнинг кириш ва чиқиши билан баҳоланиши зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, худудлар инвестицион салоҳиятининг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, худуддаги мавжуд техник-технологик ишланмалар, ихтиrolар сони, уларнинг аҳоли сонига нисбати бўйича кўrsatкичларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан хисобланади. Бу борада худудларнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича хорижий давлатларнинг илғор илмий-услубий тажрибаларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш соҳа тадқиқотчиларининг асосий вазифаларидан бири-дир. Жалб этилаётган хорижий ва ички инвестициялар фаолият юритаётган устувор тармоклар корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чоралар тармокларни янада ривожланишини таъминлаши аниқ.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т., Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони. (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошкаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 24 июль. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси //“Халқ сўзи”, 2017 йил 18 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 марта “Чорвачиликда иктиносидий ислохотларни чукурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-2841 сонли қарори. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 17 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиши сифатини ошириш тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 15 марта. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини тақомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги ПФ-5468-сонли Фармони.

11. “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини тақомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги ПФ-5468-сонли Фармони.

12. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т:// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

13. Drucker,P.F.2007, Management: tasks, responsibilities, practices, //Transaction Publishers, New Brunswick,N.J.; London.

14. Freeman,C. (1995), “The National System of Innovation in Historical Perspective”, Cambridge Journal of Economics, No. 19, pp. 5–24

15. Hayek F.A. Individualism and Economic Order / F.A. Hayek. – Chicago: Univ. of Chicago Press, 1948. P.324

16. Investment Appraisal: Methods and Models – Uwe Götze, Daryl Northcote, Peter Schuster – 2015.

17. Krugman P. Geography and Trade. Cambrige: The MIT Press, 1992; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.

18. Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies, 2016 - P.22. .

19. Абдуганиеа А. Кишлoқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент, 2011 й.

20. Абдусялямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.;

21. Абулкосимов Х.П. “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги”. Тошкент - 2012 й.

22. Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996 г. – 208 с.
23. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: ФАН, 1992 г.;
24. Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. Пер. с англ. перераб. и дополн. изд. — М.: Интерэксперт, Инфра-М, 1995. — 528 с.
25. Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала. Автореф. дис. д-ра экон. наук. Кемерово, 2005.-42с.
26. Вахабов А.В.ва бошқ. Хорижий инвестициялар.Ўкув кўлланма. – Т.: «Молия», 2010;
27. Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. – СПб.: Питер, 2012, с. 67.
28. Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона, выпуск 2-й, 2009 г., с.45-62
29. Фозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003;
30. Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований пространственного развития России. //Регион: экономика и социология, №2, 2009 г. с. 166-178
31. Гринчель Б.М. Повышение конкурентоспособности территорий как обобщающая задача стратегического планирования. – СПб., 2007 г. – 120 с.
32. Доунс Дж., Гудман Дж. Э. Финансово - инвестиционный словарь. 3-е изд. М.:Инфра-М, 2017. - 255с.
33. Друкер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы.–М.: Бук Чембер Интернейшнл, 1999. с. 41.
34. Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е.изд. - М.: Дело ЛТД, 2014. 438с.
35. Европа Иттифоки, НАФТА ва АТЭС таркибига кирувчи минтақалар улуши. Манба: 2017 йил учун Жаҳон банки

маълумотлари. Электрон манба: <http://databank.worldbank.org> (манбадан фойдаланилган сана: 29.09.2018й.).

36. И.Хотамов, Ш.Мустафакулов, М.Исаков, А.Абдувалиев. Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Ўкув қўлланма. - Т.: LESSON PRESS, 2018 й. 483 бет.

37. Каюмов А.А. Некоторые аспекты управления в рыночной экономике. Материалы Республиканской Научно-практической конференции. – Москва, 1-2 февраля, 2014г.

38. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Т.: Иқтисод-молия, 2017 йил, 326 бет.

39. Мухитдинов Х. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳдил килишга институционал ёндашув // Иқтисодиёт ва молия. – Тошкент, 2012, 2-сон. 2-6-6.

40. Наманган вилоятининг статистик ахборотномаси, 2017 йил январь-декабр. Наманган, 2018 й.

41. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д.Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с.

42. Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006. 23 б.

43. Савельев Ю.В. Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике. – Петрозаводск: КарНЦ РАН, 2010 г. – 516 с.

44. Садыков А.М. Приоритетные направления повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана. Материалы IV-Форума экономистов Узбекистана. – Ташкент, 2012

45. Солиев А.С. Иқтисодий география назария, методика ва амалиёт. Монография. – Т.: “Камалак”, 2013.

46. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси, 2017 йил январь-декабр. Тошкент, 2018 й.

47. Федорова Татьяна Александровна, Горбачев Андрей Юрьевич. Методика формирования пакета заказов научно-производственного комплекса. Научно-практический и теоретический журнал: Инновационное развитие экономики, № 3 (45) – 2018, стр. 118-129.

48. Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати-Т.: 2003.
49. Ш.Мустафакулов. Кластерли ёндашув асосида худудий инфратузилмани шакллантиришда устувор йўналишлари. //Biznes-Expert илмий журнали.: №9 (105)-2016.
50. Юлдашев Ш.Г. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси миллий тақрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш ва эркинлаштириш омили сифатида. - Т.: 2002.
51. [www.namstat.uz](http://www.namstat.uz) – Наманган вилоят статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари.
52. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.
53. [www.iet.ru](http://www.iet.ru)
54. [www.unicon-ms.ru/bdocs/press\\_centre/publication/arch](http://www.unicon-ms.ru/bdocs/press_centre/publication/arch)
55. [www.birjapress.uz/node/182](http://www.birjapress.uz/node/182)
56. [www.spc.gov.uz/cgi-bin/rv/viewnews](http://www.spc.gov.uz/cgi-bin/rv/viewnews)
57. [www.edu.hsb.uz](http://www.edu.hsb.uz)
58. [www.corpgov.ru](http://www.corpgov.ru)
59. [www.corporatelibrary.com](http://www.corporatelibrary.com)
60. [www.legprom.uz](http://www.legprom.uz)

**Профессор Б.Салимов ва доцент И.Хотамовлар  
умумий таҳрири остида**

**ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИК: ТАҲЛИЛ ВА  
ИМКОНИЯТЛАР**

**МОНОГРАФИЯ**

**Муҳаррир Ф. Муҳаммадиева**

**Саҳифаловчи А. Эргашев**

**Нашриёт лицензияси: AI №009 20.07.2018.**

**Босишига рухсат этилди 29.04.2019. Формат 60x84 1/16.**

**Гарнитура Times. Офсет қоғози. Ризограф босма усули**

**Шартли босма табоги 16,5 Нашр босма табоги 10,7**

**Адади 100. Буюртма № У/20-2019**

**“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.**

**Тошкент шаҳар, Кўшбеги кўчаси, 6 уй.**